H113693—UN—27JAN17

Элак тирқиши

Элак тирқиши

H116984—UN—27JAN17

Дастлабки созламани сақлаш

Дастлабки созламани сақлаш– дастлабки созламага, янчиш шароитлари ва похол/сўта шароитларига киритилган ўзгаришларни сақлаш имконини беради.

ҚАЙД: Агар созламалар танланган дастлабки созламадан фарқ қилса, автоматик профилактика унумдорлиги қисқариши мумкин. Аъло унумдорлик учун жорий параметрлар ёрдамида янги дастлабки созламани яратинг.

N0LMWLO,000035E-UZ-16JUL20

Ҳосил йиғиш созламаларини юклаш | Дастлабки созлама

Дастлабки созлама тегишли экин тури учун машинага оид сақланган параметрлар рўйхатидан созламаларни танлаш имконини беради.

Қуйидаги ҳолларда ўзгартирилади:

- Сиз йиғиб олаётган экин ва шароитларга керакли унумдорлик ва дон сифатини таъминлайдиган ҳосил йиғишга оид созламаларни йўлга қўйиш учун дастлабки созламани яратмоқчисиз.
- Автоматик профилактика функцияси билан ишлашда махсус дастлабки созлама яратмоқчисиз ва сизнинг созламаларингиз

ҳозирги дастлабки созламадан бутунлай фарқ қилади.

Ўзгартириш тартиби:

H127985—UN—19NOV19

Ҳосил йиғиш созламаларини юклаш

1. Очиш учун танланг.

ҚАЙД: Маккажўхоридан ташқари барча экин турлари аввал бирламчи созлама, шундан кейин тозалаш опцияси ва ниҳоят сиз яратган барча дастлабки созламалар алифбо тартибида рўйхатда келтирилган.



H118081—UN—27JAN17

Дастлабки созлама

2. Танланган дастлабки созламани очиш учун босинг.

H119178—UN—27JAN17

Дастлабки созламани танланг

3. Керакли дастлабки созламани танланг.

H116106—UN—27JAN17

OK

4. Дастлабки созламани сақлаш учун танланг ва ҳосил йиғиш созламаларини юклаш менюсига қайтинг.

H116110—UN—27JAN17

Жорий / Янги

ҚАЙД: Сиз бошқа дастлабки созламани танлаганингиз туфайли, Созламаларни олдиндан кўриш менюсининг "Янги" устунчаси созлаламалар ўзгаришини қалин шаклда кўрсатиш учун янгиланади.

Бирламчи параметрлар учун дастлабки созламалар ўзгарса, Созламаларни олдиндан кўриш менюсидаги "Янги" устунчасининг қиймати ҳам ўзгаради. Экин тури доирасида дастлабки созламалар ўзгарса, бирламчи параметрлар ўзгаришсиз қолади.

ҚАЙД: Агар янги янчиш тезлиги етакчи ротор узатмаси диапазонидан ташқарида бўлса, узатмани алмаштиришни маслаҳат берадиган хабар акс этиши мумкин.

ҚАЙД: Танланган дастлабки созламага ўзгартиришлар киритилганда, тегишли сўз (Ўзгартирилган) номга қўшилади.

Ўчириш тартиби:

H127985—UN—19NOV19

Ҳосил йиғиш созламаларини юклаш

1. Дастлабки созламани очиш учун танланг.



H118081—UN—27JAN17

Дастлабки созлама

2. Танланган дастлабки созламани очиш учун босинг.

H119178—UN—27JAN17

Дастлабки созламани танланг

3. Керакли дастлабки созламани танланг.

H116104—UN—27JAN17

Ўчириш

4. Дастлабки созламани ўчириш учун танланг.

ҚАЙД: Сиз яратган дастлабки созламани ўчириш мумкин. Бу тугма босилгач, дастлабки созламани ўчириш ҳаракатини тасдиқлаш учун диалог ойнаси пайдо бўлади.

H116105—UN—27JAN17

Бекор қилиш

5. Танланган дастлабки созламани ўчиришни истамасангиз, бекор қилиш ҳаракатини танланг.

H116106—UN—27JAN17

ОК

ҚАЙД: Ўчиришдан олдин маълумотни қўлда қайд қилинг. Агар дастлабки созламани ўчирсангиз, у экрандан йўқолади ва ҳаракатни орқага қайтариб бўлмайди.

6. Дастлабки созламани ўчириш учун танланг.

PR79369,00003C5-UZ-08FEB21

Ҳосил йиғиш созламаларини юклаш | Янчиш шароитлари

Янчиш шароитлари жорий янчиш шароитларига тегишли энг аъло тавсифни танлаш учун учта опциядан бирини олиш имконини беради.

Қуйидаги ҳолларда ўзгартирилади:

- Намунада янчилмаган пўстлоқли дон ёки бошоқ мавжуд. Қийинга созланг.
- Қониқарли намуна ушбу экин тури учун тавсия этилган диапазондаги янчиш созламалари ёрдамида яратилган. Нормалга созланг.
- Дон янчиш босқичига ўтишдан олдин пўстлоғидан ёки сўтадан ажралади. Енгилга созланг.

ҚАЙД: Майда донли экинлар учун дон бошоғини бармоқлар орасида ишқалаш уни қай даражада янчиш енгиллигини билдиради. Барча донлар пўстлоғидан чиқиб кетгунига қадар бошоқни бармоқларингиз орасида ишқаланг:

***Енгил**– дон бошоғи 4 марта ишқаланади.*

***Нормал**– дон бошоғи 8 марта ишқаланади.*

***Қийин**– дон бошоғи 15 марта ишқаланади.*

Ўзгартириш тартиби:

H127985—UN—19NOV19

Ҳосил йиғиш созламаларини юклаш

1. Очиш учун танланг.



H118083—UN—27JAN17

Янчиш шароитлари

2. Янчиш шароитлари рўйхатини очиш учун янчиш шароитлари рўйхати блокини танланг.
3. Керакли янчиш шароитини танланг.
   - **Қийин**– янчилмаган дон миқдорини камайтириш учун оширилган янчиш қуввати.
   - **Нормал**– оддий ҳосил йиғиш шароитлари учун одатий созламалар.
   - **Енгил**– қувват сарфини қисқартириш ва донга етадиган зиённи камайтириш учун туширилган янчиш қуввати.

H116105—UN—27JAN17

Бекор қилиш

4. Ўзгартиришни истамасангиз, бекор қилиш тугмасини босинг.

H116106—UN—27JAN17

ОК

5. Янчиш шароитини сақлаш учун тугмани босинг.

ҚАЙД: Керакли буйруқ танлангач, сиз танланган дастлабки созламага мослаштириш учун тизим созламаларни ўзгартиришни бошлайди.

H116113—UN—27JAN17

Ёпиш

6. Ёпиш учун танланг.

PR79369,00003C6-UZ-08FEB21

Ҳосил йиғиш созламаларини юклаш | Похол шароитлари

Похол шароитлари жорий похол шароитларига тегишли энг аъло тавсифни танлаш учун учта опциядан бирини олиш имконини беради.

Қуйидаги ҳолларда ўзгартирилади:

- Қаттиқ ва нам похолни, яшил пояларни йиғиш, ёки дондан бошқа жисм қайта ишланмоқда. Қийинга созланг.
- Экин учун оддий жисмни йиғиш созламаси мавжуд. Нормалга созланг.
- Осон ўриладиган жуда қуруқ похол ва пояларни йиғиш, номақбул намуна яратиш. Мўртга созланг.

ҚАЙД: Бир сиқим тик похолни танлаб, уни букинг. Бир сиқим похолни букиш орқали унинг ҳолатини яхши тушуниш мумкин.

- **Қийин**– похол 10 марта букилганда ҳам синмайди.

- **Нормал**– похол бир неча марта букилгач, синишни бошлайди.
- **Мўрт**– похол бўлишни бошлаганда осонгина синади.

Ўзгартириш тартиби:

H127985—UN—19NOV19

Ҳосил йиғиш созламаларини юклаш

1. Очиш учун танланг.



H118086—UN—27JAN17

Похол шароитлари

2. Похол шароитлари рўйхати блокини танланг.
3. Керакли похол шароитини танланг.
   - **Қийин**– қаттиқ ёки нам похолда материал оқимини яхшилайди.
   - **Нормал**– оддий ҳосил йиғиш шароитлари учун одатий созламалар.
   - **Мўрт**– пошнани тозалаш босимини камайтириш учун похол синиши қисқартиради.

H116105—UN—27JAN17

Бекор қилиш

4. Дастлабки созламаларни ўзгартиришни истамасангиз, бекор қилиш тугмасини босинг.

H116106—UN—27JAN17

OK

5. Похол шароитини танланг.

ҚАЙД: Керакли буйруқ танлангач, сиз танлаган дастлабки созламага мослаштириш учун тизим созламаларни ўзгартиришни бошлайди.

H116113—UN—27JAN17

Ёпиш

6. Ёпиш учун танланг.

PR79369,00003C7-UZ-08FEB21

Ҳосил йиғиш созламаларини юклаш | Дастлабки созламани сақлаш

Дастлабки созламани сақлаш функцияси янги дастлабки созламани яратиш ёки охирги марта ишлатилган дастлабки созламани янгилаш имконини беради.

"Дастлабки созламани сақлаш" саҳифасида мавжуд элементлар:

Бирламчи дастлабки созлама– бирламчи дастлабки созламаларни ўзгартириш ва уларни махсус дастлабки созлама сифатида сақлаш имконини беради.

Махсус дастлабки созлама– мавжуд дастлабки созламани янгилаш ёки янгисини яратиш имконини беради.

SS43267,0000967-UZ-26JAN17

Ҳосил йиғиш созламаларини юклаш | Дастлабки созламани сақлаш | Бирламчи завод созламаси

Бирламчи дастлабки созламалар олдиндан тайинланган экин турига ҳар битта янчиш шароити ва похол/сўта сифати комбинацияси учун заводда юкланган созламалар ҳисобланади. Сиз ушбу бирламчи созламаларни ўзгартиришингиз ва уларни ҳосил йиғиш шароитига қараб янги ном билан сақлашингиз мумкин.

Қуйидаги ҳолларда ўзгартирилади:

Сиз йиғиб олаётган экин ва шароитларга керакли унумдорлик ва дон сифатини таъминлайдиган ҳосил йиғишга оид созламаларни йўлга қўйиш учун ўзингизнинг дастлабки созламангизни яратмоқчисиз.

Ўзгартириш тартиби:

H127985—UN—19NOV19

Ҳосил йиғиш созламаларини юклаш

1. Ҳосил йиғиш созламаларини юклаш саҳифасига кириш учун босинг.

H116984—UN—27JAN17

Дастлабки созламани сақлаш

2. Дастлабки созламани янги ном билан сақлаш учун танланг.
3. Ушбу махсус созлама номини киритиш учун клавиатурадан фойдаланинг.

H116105—UN—27JAN17

Бекор қилиш

4. Дастлабки созламани сақлашни истамасангиз, бекор қилишни танланг.

H116107—UN—27JAN17

OK

5. Дастлабки созламани сақлаш учун танланг.

PR79369,00003C8-UZ-08FEB21

Ҳосил йиғиш созламаларини юклаш | Дастлабки созламани сақлаш | Махсус дастлабки созлама

Махсус дастлабки созламалар ҳосил йиғиш шароитларига қараб сиз томонингиздан аниқланади. Улар экин шароити ёки машина унумдорлиги оид ўзгаришлар сифатида таҳрирланиши мумкин.

Қуйидаги ҳолларда ўзгартирилади:

- Муайян экиннинг ҳар хил турларини йиғиб олиш.
- Куннинг турли вақтларида йиғиб олиш (эрталаб/кечқурун ва тушдан кейин).
- Ҳар хил намликда донларни йиғиб олиш (нам ва қуруқ экин).
- Автоматик профилактика билан ишлаш.

Ўзгартириш тартиби:

H127985—UN—19NOV19

Ҳосил йиғиш созламаларини юклаш

1. Ҳосил йиғиш созламаларини юклаш саҳифасига кириш учун босинг.

H116984—UN—27JAN17

Дастлабки созламани сақлаш

2. Дастлабки созламани сақлаш учун тарнланг ва клавиатурани фаоллаштиринг.
3. Жорий ҳосил йиғиш созламасини сақлаш учун керакли опцияни танланг.

Янги дастлабки созлама яратиш

H116289—UN—27JAN17

Танлаш

Танлов

Охирги ишлатилган дастлабки созламани янгилаш

H116289—UN—27JAN17

Танлаш

"Маккажўхори"

H116105—UN—27JAN17

Бекор қилиш

4. Танланган дастлабки созламани сақлашни истамасангиз, бекор қилишни танланг.

H116107—UN—27JAN17

OK

5. Дастлабки созламани сақлаш учун танланг.

PR79369,00003C9-UZ-08FEB21

Ҳосил йиғиш созламаларини юклаш | Экинни алмаштириш таъсирлари

Ишни созлаш саҳифасида экин турини алмаштириш Ҳосил йиғиш созламаларини юклаш саҳифасини ўзгартиради.

H116105—UN—27JAN17

Бекор қилиш

Ишни созлаш саҳифасида экин турини ўзгартириш пайтида ҳосил йиғиш созламаларини юклаш менюсида бекор қилишни танлаш комбайннинг созланмаслигига олиб келади.

ҚАЙД: Ҳосил йиғиш созламаларининг бош саҳифасида акс этган "Дастлабки созлама" белгиси янги дастлабки созлама юклангунча "- -" индикаторини кўрсатиб туради.

H116106—UN—27JAN17

OK

OK тугмасини босиш танланган экин турига қараб ҳосил йиғиш созламаларини юклаш параметрларини ўзгартиради.

- Агар экин тури бундан аввал ишлатилмаган

бўлса, бирламчи завод созламалари (завод созламалар) ўрнатилади.

- Агар охирги ишлатилган параметрлар дастлабки созлама бўлса, у танланади, охирги марта ишлатилган янчиш ва похол шароитлари танланиб, индивидуал параметрлар охирги марта ишлатилганига созланади (дастлабки созлама ва шароитларга мос равишда).



H119175—UN—27JAN17

Дастлабки созлама

- Агар охирги ишлатилган параметрлар махсус созлама бўлса, дастлабки созлама акс этиб (Дастлабки созлама номи)*, индивидуал параметрлар охирги марта ишлатилганига созланади.

ҚАЙД: Агар янчиш тезлигига оид янги қиймат етакчи ротор узатмаси диапазонидан ташқарида бўлса, узатмани алмаштиришни маслаҳат берадиган хабар акс этиши мумкин.

ҚАЙД: Дастлабки созламали экин тури бир қатор ҳосил йиғиш функцияларига таъсир қилган. Йиғиб олинаётган ҳосилга мос келиши учун дастлабки созламани ўзгартириш муҳимдир.

N0LMWLO,0000363-UZ-16JUL20

Жорий созламалар | Янчиш тирқиши

Янчиш тирқиши ҳар хил экин турлари ва шароитлар учун янчиш тирқишини ўзгартириш имконини беради.

ҚАЙД: Янчиш тирқиши созламалари ҳақида қўшимча маълумот учун оператор қўлланмансидаги "Экин параметрлари" бўлимига қаранг.

Қуйидаги мақсадларда ўзгартирилади:

Янчиш тирқиши қуйидаги мақсадларда кенгайтирилади:

- Похол сифатини яхшилаш; похолни узунроқ ўриш ва унинг камроқ синишини таъминлаш.
- Дон сифатини яхшилаш; ёрилиш ва дон шикастланишини камайтириш.
- Қувват сарфини камайтириш; дон осон янчилиши учун.
- Намуна тозалигини таъминлаш; тозалаш пошнасига похол босимини камайтириш.

Қуйидаги мақсадларда янчиш тирқиши торайтирилади:

- Янчилмаган сепаратор исрофи, масалан, тозаланмаган дон ёки сўтадаги дон машина орқасидагини камайтиринг.
- Дон бункери намунасини яхшилаш; пўстлоқли бошоқ ёки очилмаган пўчоқларни камайтириш.

Ростлаш ҳолатлари — машина опцияларига қараб ҳар хил турдаги созлаш ҳолатлари жорий параметрлар ўзгарганда пайдо бўлиши мумкин.

Ўзгартириш тартиби:

H113683—UN—27JAN17

Янчиш тирқиши

1. Янчиш тирқишини ўрнатиш учун танланг.

H113698—UN—30JAN17

Ростлаш

2. Янчиш тирқишини кенгайтириш учун (+) белгисини ёки уни торайтириш учун (–) белгисини босинг ёки киритиш майдонини танлаб, исталган тирқишни танлаш учун тирсакқўйгичдаги ростлаш мурватидан фойдаланинг.

H116282—UN—27JAN17

Киритиш майдони

H115034—UN—28MAR16

Тирсакқўйгични созлаш мурвати

- Кўрсаткични ошириш учун мурватни соат мили йўналишида буранг.
- Кўрсаткични камайтириш учун мурватни соат милига қарши йўналишда буранг.

ҚАЙД: Машина конфигурациясига қараб, айрим қийматларни имкони бўлмаслиги мумкин.

ҚАЙД: Агар иҳчам йиғилиш элементлари ўрнатилган бўлса, максимал қийматларни имкони бўлмаслиги мумкин.

Минимум: 0

Максимум: 40

Қадам: 1

H116113—UN—27JAN17

Ёпиш

3. Ёпиш учун танланг.

PR79369,00003CA-UZ-08FEB21

Жорий созламалар | Янчиш тезлиги

Янчиш тезлиги ҳар хил турдаги экин шароитлари учун янчиш тезлигини ўзгартириш имконини беради.

ҚАЙД: Янчиш тезлиги созламалари ҳақида қўшимча маълумот учун оператор қўлланмасидаги Экин параметрлари бўлимига қаранг. Агар экин яхши янчилаётган бўлса, янчиш тезлигини ўзгартиришдан олдин янчиш тирқишини торайтириш орқали муаммони бартараф этишга уриниг. Агар экин ёки похол шикастланаётган бўлса, янчиш тирқишини ўзгартиришдан олдин янчиш тезлигини камайтириш орқали муаммони бартараф этишга уриниг.

Қуйидаги мақсадларда ўзгартирилади:

Қуйидаги мақсадларда янчиш тезлигини оширинг:

- Дон сепаратордан қочишидан олдин унинг бошқа экин турларидан ажратилишига йўл қўйиш.
- Ҳосил оқимини яхшилаш.
- Мураккаб ҳосил шароитларида унумдорликни яхшилаш.
- Қаттиқ похол билан ишлаш жараёнини яхшилаш.
- Кўп миқдорда ҳосил йиққанда тиқилиш хавфини камайтириш.

Қуйидаги мақсадларда янчиш тезлигини туширинг:

- Қувват сарфини камайтириш; унумдорликни ошириш учун осон янчиладиган дон учун янчиш тезлигини тушириш.
- Дон намунаси сифатини ошириш; янчиш тезлигини тушириш орқали тозалаш пошнасида камроқ похол ва бегона материалларнинг йиғилишини таъминлаш.
- Дон шикастланишини камайтириш; агар янчиш тезлиги жуда юқори бўлса, янчиш барабани остидаги панжара тирқиши тўғри созланган тақдир ҳам синган бошоқлар ва ёриқлар учраши мумкин.

Ростлаш ҳолатлари– машина опцияларига қараб ҳар хил турдаги созлаш ҳолатлари жорий параметрлар ўзгарганда пайдо бўлиши мумкин.

ҚАЙД: Мой ҳарорати ошган сари янчиш тезлиги 4 соатда 30 айл/дақиқага ортиши мумкин. Заруратга қараб тезликни мосланг.

Ўзгартириш тартиби:

1. Сепараторни ишга туширинг ва моторни тез холостойда ишлатинг.

H113685—UN—27JAN17

Янчиш тезлиги

2. Янчиш тезлигини ўзгартириш учун танланг.

H116279—UN—30JAN17

Ростлаш

3. Янчиш тезлигини ошириш учун (+) белгисини ёки уни тушириш учун (–) белгисини босинг ёки киритиш майдонини танлаб, исталган тезликни танлаш учун тирсакқўйгичдаги ростлаш мурватидан фойдаланинг.

H118087—UN—27JAN17

Киритиш майдони

H115034—UN—28MAR16

Тирсакқўйгични созлаш мурвати

- Кўрсаткични ошириш учун мурватни соат мили йўналишида буранг.
- Кўрсаткични камайтириш учун мурватни соат милига қарши йўналишда буранг.

ҚАЙД: Янчиш икки поғонали узатма қутисига эга (паст ва баланд тезлик). Минимал ва максимал қийматлар узатма қутиси созламаларини ўзгартиришни талаб қилиши мумкин. Қайси тезлик танланишини билиш учун оператор қўлланмасига қаранг.

ҚАЙД: Машина конфигурациясига қараб, айрим қийматларни имкони бўлмаслиги мумкин.

Минимум: 200 айл/дақ

Максимум: 1000 айл/дақ

Қадам: 10 айл/дақ

H116113—UN—27JAN17

Ёпиш

4. Ёпиш учун танланг.

PR79369,00003CB-UZ-08FEB21

Жорий созламалар | Тозаловчи вентилятор

Тозаловчи вентилятор тезлиги дон тозалигини яхшилаш ва унинг исрофини камайтириш учун вентилятор тезлигини ўзгартириш имконини беради.

ҚАЙД: Тозаловчи вентилятор созламалари ҳақида қўшимча маълумот учун оператор қўлланмансидаги "Экин параметрлари" бўлимига қаранг.

Қуйидаги мақсадларда ўзгартирилади:

Қуйидаги мақсадларда вентилятор тезлигини оширинг:

- Намуна сифатини яхшилаш; дон бункерида ташқарига учириш орқали дондан бошқа пўстлоқ ёки енгил ўсимликлар ҳажмини камайтириш.
- Кучсиз вентиляция туфайли тозаловчи тозалагичдаги исрофни қисқартириш; енгил донлар пўстлоқда тиқилиб қолиши мумкин.

Қуйидаги мақсадларда вентилятор тезлигини туширинг:

- Дон тозалагичдаги исрофни камайтириш; агар тозаловчи вентилятор тезлиги жуда юқори бўлса, майда ва енгил донлар дон тозалагичдан учиб кетиши мумкин.

Ростлаш ҳолатлари– машина опцияларига қараб ҳар хил турдаги созлаш ҳолатлари жорий параметрлар ўзгарганда пайдо бўлиши мумкин.

Ўзгартириш тартиби:

1. Сепараторни ишга туширинг ва моторни тез холостойда ишлатинг.

H113684—UN—27JAN17

Тозаловчи вентилятор тезлиги

2. Тозаловчи вентилятор тезлигини созлаш учун танланг.

H116982—UN—30JAN17

Ростлаш

3. Янчиш тезлигини ошириш учун (+) белгисини ёки уни тушириш учун (–) белгисини босинг ёки киритиш майдонини танлаб, исталган тезликни танлаш учун тирсакқўйгичдаги ростлаш мурватидан фойдаланинг.

H118088—UN—27JAN17

Киритиш майдони

H115034—UN—28MAR16

Тирсакқўйгични созлаш мурвати

- Кўрсаткични ошириш учун мурватни соат мили йўналишида буранг.
- Кўрсаткични камайтириш учун мурватни соат милига қарши йўналишда буранг.

ҚАЙД: Агар машина тозаловчи вентиляторни секинлаштириш тўплами билан жиҳозланган бўлса, максимал ва минимал қийматлар ўзгариши мумкин.

Минимум: 620 айл/дақ

Максимум: 1350 айл/дақ

Қадам: 10 айл/дақ

H116113—UN—27JAN17

Ёпиш

4. Ёпиш учун танланг.

PR79369,00003CC-UZ-08FEB21

Жорий созламалар | Ғалвир тирқиши

Ғалвир тирқиши ҳар хил экинлар ва шароитлар учун дон тозалигини яхшилаш ва дон тозалагичдаги исрофни камайтириш учун ғалвир қисмларининг оғзини ўзгартириш имконини беради.

ҚАЙД: Ғалвир тирқиши созламалари ҳақида қўшимча маълумот учун оператор қўлланмасидаги "Экин созламалари" бўлимига қаранг.

Қуйидаги мақсадларда ўзгартирилади:

Қуйидаги мақсадлар учун ғалвир тирқишини кенгайтиринг:

- Дон тозалагичдаги исрофни камайтиради; дон тозалагичдан чиқиб кетишига йўл қўймай, унинг тезроқ бункерга тушишини таъминлайди.
- Донни қипиққа туширмай, унинг тезроқ бункерга тушишини таъминлайди.

ҚАЙД: Ғалвирнинг очилиши дон тозалагичдаги босимни пасайтиради. Йирик ўзгартиришлар вентилятор тезлигини қайта созлашни талаб қилиши мумкин.

Қуйидаги мақсадлар учун ғалвир тирқишини торайтиринг:

- Намуна сифатини яхшилаш; дон бункерида йирик ва бегона жисмлар ҳажмини камайтириш.
- Таркибида тоза дон бўлмаган қипиқ ҳажмини камайтириш.

Ростлаш ҳолатлари– машина опцияларига қараб ҳар хил турдаги созлаш ҳолатлари жорий параметрлар ўзгарганда пайдо бўлиши мумкин.

Ўзгартириш тартиби:

H113706—UN—27JAN17

Ғалвир тирқиши

1.Ғалвир тирқишини созлаш учун танланг.

H116993—UN—30JAN17

Ростлаш

2.Ғалвир тирқишини кенгайтириш учун (+) ва торайтириш учун (-) ни танлаб, исталгандек ўзгартиринг.

H118089—UN—27JAN17

Киритиш майдони

H115034—UN—28MAR16

Тирсакқўйгични созлаш мурвати

- Кўрсаткични ошириш учун мурватни соат мили йўналишида буранг.
- Кўрсаткични камайтириш учун мурватни соат милига қарши йўналишда буранг.

ҚАЙД: Машина конфигурациясига қараб, айрим қийматларни имкони бўлмаслиги мумкин.

Умумий мақсадлар учун

Минимум: 0

Максимум: 22

Қадам: 1

Чуқур тишли

Минимум: 0

Максимум: 30

Қадам: 1

H116113—UN—27JAN17

Ёпиш

3.Ёпиш учун танланг.

PR79369,00003CD-UZ-08FEB21

Жорий созламалар | Элак тирқиши

Элак тирқиши ҳар хил экинлар ва шароитлар учун дон тозалигини яхшилаш ва чиқинди ҳажмини

бошқариш учун элак оғзини ўзгартириш имконини беради.

ҚАЙД: Элак тирқиши созламалари ҳақида қўшимча маълумот учун оператор қўлланмасидаги "Экин созламалари" бўлимига қаранг.

Қуйидаги мақсадларда ўзгартирилади:

Қуйидаги мақсадлар учун элак тирқишини кенгайтиринг:

- Чиқиндиларда тоза дон ҳажмини камайтиради; донни чиқиндига чиқармай, унинг тезроқ тоза дон бункерига тушишини таъминлайди.
- Тозаловчи вентилятордаги ҳаво оқимини кўпайтиради; элак тирқишини кенгайтириш элакдан кўпроқ тоза ҳаво киришига имкон беради.

ҚАЙД: Элакнинг очилиши дон тозалагичдаги босимни пасайтиради. Йирик ўзгартиришлар вентилятор тезлигини қайта созлашни талаб қилиши мумкин.

Қуйидаги мақсадлар учун элак тирқишини торайтиринг:

- Намуна сифатини яхшилаш; дон бункерида бегона жисмлар ҳажмини камайтириш.

ҚАЙД: Кам чиқиндилар, юқори унумдорлик ва дон бункери тозалигига оптимал созламани топиш учун кир дон бункери кўрингунча элак тирқишини кенгайтиринг. Шундан кейин кир тозалангунча элак тирқишини торайтиришда давом этинг.

Ростлаш ҳолатлари– машина опцияларига қараб ҳар хил турдаги созлаш ҳолатлари жорий параметрлар ўзгарганда пайдо бўлиши мумкин.

Ўзгартириш тартиби:

H113693—UN—27JAN17

Элак тирқиши

1. Элак тирқишини созлаш учун танланг.

H116994—UN—30JAN17

Ростлаш

2. Элак тирқиши кенгайтириш учун (+) ва торайтириш учун (-) белгисини танлаб, исталгандек ўзгартиринг.

H118090—UN—27JAN17

Киритиш майдони

- Кўрсаткични ошириш учун мурватни соат мили йўналишида буранг.

H115034—UN—28MAR16

Тирсакқўйгични созлаш мурвати

- Кўрсаткични камайтириш учун мурватни соат милига қарши йўналишда буранг.

ҚАЙД: Машина конфигурациясига қараб, айрим қийматларни имкони бўлмаслиги мумкин.

Умумий мақсадлар учун

Минимум: 0

Максимум: 22

Қадам: 1

Чуқур тишли

Минимум: 0

Максимум: 30

Қадам: 1

H116113—UN—27JAN17

Ёпиш

3. Ёпиш учун танланг.

PR79369,00003CE-UZ-08FEB21

Жорий созламалар | Ташқи конфигурация

Ташқи конфигурация– танланган экин турини йиғиб олишдан олдин машинада бажарилиши лозим бўлган ташқи созламаларни акс эттиради.

ҚАЙД: Батафсил маълумот учун оператор қўлланмасига қаранг.

Ўзгартириш тартиби:

⚠ ДИҚҚАТ: Ўзгартириш киритишдан олдин моторни ЎЧИРИНГ, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.

H116095—UN—27JAN17

Ташқи конфигурация

1. Ташқи конфигурацияга кириш учун танланг.
2. Машина созламалари ҳақида галдаги маълумот учун керакли ташқи конфигурацияни танланг.
   - Қирққич тезлиги
   - Ҳосилбургич
   - Камгак тури
   - Сепаратор панжарасининг оралиқ қистирмалари
   - Қипиқларни қайта фаол янчиш (жиҳозланган бўлса)
   - Узатишни тезлаштиргичнинг тезлиги
   - Узатиш камераси барабанининг ҳолати
   - Узатиш камераси конвейер занжири барабани

H116113—UN—27JAN17

Ёпиш

3. Ёпиш учун танланг.

PR79369,00003CF-UZ-08FEB21

Жорий созламалар | Ростлаш ҳолатлари

Ростлаш ҳолатлари машинага ўзгартиришлар киритилганда тизимни ростлаш созламалари қандай муносабат билдиришини кўрсатади.

ҚАЙД: Айрим элементлар фақат машина тегишли функция билан жиҳозланган бўлсагина намойиш этилади.

Оператор киритган ўзгартиришлар:

ҚАЙД: Оператор киритган ўзгартиришлар дисплей ёки тирсакқўйгичдаги ростлаш мурвати ёрдамида амалга оширилган.

H116277—UN—27JAN17

Ривож индикатори

Оператор киритган ўзгартиришларнинг ривож индикатори.

H118102—UN—27JAN17

Киритиш майдони

Оператор киритган тайинланган қийматни киритиш катаги.

H118101—UN—27JAN17

Унумдорлик қиймати

Созлаш белгиси остида акс этган қиймат ҳақиқий унумдорлик қийматини англатади.

ҚАЙД: Тизимни англатувчи белги остидаги ҳақиқий қиймат у янги тайинланган бирликка мослашгунчи милтиллашда давом этади. Қиймат янги тайинланган бирликка мослашгач, қиймат ва жараён индикатори экрандан йўқолишидан олдин 1 сония акс этишда давом этади.

Combine Advisor™ ва Active Terrain Adjustment™ киритган ўзгартиришлар:

ҚАЙД: Автоматик сақлаш ва Active Terrain Adjustment™ киритган ўзгартиришлар қўлланган тақдирда ҳам, сиз исталган вақтда қўлда ўзингиз ростлашингиз мумкин.

ҚАЙД: Combine Advisor™ киритган аксарият ўзгартиришлар ихтиёрий бўлиб, вақтинчалик созлама вазифасини бажаради ва улар тизим ушбу ихтиёрий параметрларни олиб ташлагач, ўзининг асл қийматларига қайтади.

H116278—UN—27JAN17

Ривож индикатори

Автоматик профилактика ва Active Terrain Adjustment™ ишга туширган жараён индикаторини ўзгартиради.

H118094—UN—27JAN17

Киритиш майдони

Автоматик профилактика ва Active Terrain Adjustment™ созлаган тайинлаган бирликни киритиш катаги.

H116277—UN—27JAN17

Ривож индикатори

Оператор киритган ўзгартиришларнинг ривож индикатори.

H118107—UN—27JAN17

Киритиш майдони

Оператор киритган тайинланган қийматни киритиш катаги.

H118101—UN—27JAN17

Унумдорлик қиймати

Созлаш белгиси остида акс этган қиймат ҳақиқий унумдорлик қийматини англатади.

ҚАЙД: Тизимни англатувчи белги остидаги ҳақиқий қиймат у янги тайинланган бирликка мослашгунчи милтиллашда давом этади. Қиймат янги тайинланган бирликка мослашгач, қиймат ва жараён индикатори экрандан йўқолишидан олдин 1 сония акс этишда давом этади.

ҚАЙД: Тизим ихтиёрий созламани ишлатаётганини билдириш учун киритиш майдони мовий рангда қолади ва унда "АВТО" ёзуви бўлади. Тизим ушбу ихтиёрий созламани олиб ташлагач, унумдорлик қиймати ихтиёрий созламадан аввалги қийматга қайтади.

PR79369,00003D0-UZ-08FEB21

Қўшимча созламалар

Қўшимча созламалар батафсил созламаларга ўтиш ва камроқ фойдаланиладиган созламаларга кириш имконини беради.

Қўшимча созламалар саҳифасида мавжуд пунктлар:

H116272—UN—27JAN17

Сепаратор аниқлиги

Сепаратор аниқлиги—сепаратордаги йўқотиш индикатори учун бурчакдаги устунсимон VisionTrak™ дисплейида акс этувчи чизиқлар сонини ўзгартириш имконини беради (марказий чизиқлар сонидан қатъи назар).

H116272—UN—27JAN17

Тозалагич аниқлиги

Бошмоқ аниқлиги– VisionTrak™ дисплейида акс этувчи чизиқлар сонини ўзгартириш имконини беради (марказий чизиқлар сонидан қатъи назар).

H116669—UN—30JAN17

Исроф датчигини босиб синаш

Исроф датчигини босиб синаш тести– дон исрофини назорат қиладиган турли датчиклар тўғри ишлашини ва дон исрофини аниқлашини текшириш имконини беради. Дон исрофини назорат қилувчи датчикни босиб синаш тестини очиш учун танланг.

VisionTrak – Deere & Company савдо белгиси

ҚАЙД: Дон исрофини назорат қилувчи датчикни босиб синаш тестига Калибрлаш ва тартиблар саҳифасига орқали ҳам кириш мумкин.

PR79369,00003D1-UZ-08FEB21

Қўшимча созламалар | Сепаратор аниқлиги

Сепаратор аниқлиги сепаратордаги йўқотиш индикатори учун бурчакдаги устунсимон VisionTrak™ дисплейида акс этувчи чизиқлар сонини ўзгартириш имконини беради (марказий чизиқлар сонидан қатъи назар).

Ўзгартиришдан олдин:

H119125—UN—27JAN17

Жорийга созланг

1. Машинада йиғимни бошланг ва ва жорийга созлаш тугмасини босинг.
2. Қувват манбасини ўчиринг, (Маълумот учун оператор қўлланмасига қаранг.
3. Сепараторда дон исроф бўлмаётганини текширинг.

ҚАЙД: Агар исроф бўлса, исроф VisionTrak™ дисплейида акс этган чизиқлар сонига мақбуллигини текширинг.

Қуйидаги ҳолларда ўзгартирилади:

- VisionTrak™ дисплейида сепаратордан дон исрофига оид мақбул миқдор акс этмайди.
- Янчиш ва ажратиш бўлимларида дон исрофига кўпроқ урғу бериш учун сепаратор аниқлигини оширинг.
- Янчиш ва ажратиш бўлимларида дон исрофига камроқ урғу бериш учун сепаратор аниқлигини туширинг.

Ўзгартириш тартиби:

N118004—UN—22OCT15

Қўшимча созламалар

1. Қўшимча созламалар тугмасини танланг.



H118553—UN—27JAN17

Сурилгич

ҚАЙД: Сурилгич жорий аниқликни билдиради.

H116272—UN—27JAN17

Сепаратор аниқлиги

2. Сепаратор аниқлигини ошириш учун (+) ва пасайтириш учун (-) белгисини танланг.

   Минимум: -5

   Максимум: 5

   Бирламчи: 0

   Қадам: 1

H116113—UN—27JAN17

Ёпиш

3. Ёпиш учун танланг.

PR79369,00003D2-UZ-08FEB21

Қўшимча созламалар | Тозалагич аниқлиги

Тозалагич аниқлиги тозалагичдаги исроф индикатори учун бурчак устунидаги VisionTrak™ дисплейида акс этувчи чизиқлар сонини ўзгартириш имконини беради (марказий чизиқлар сонидан қатъи назар).

Ўзгартиришдан олдин:

H119125—UN—27JAN17

Жорийга созланг

1. Машинада йиғимни бошланг ва ва жорийга созлаш тугмасини босинг.
2. Қувват манбасини ўчиринг, (Маълумот учун оператор қўлланмасига қаранг.
3. Дон тозалагичда дон исроф бўлмаётганини текширинг.

VisionTrak – Deere & Company савдо белгиси

ҚАЙД: Агар исроф бўлса, исроф VisionTrak™ дисплейида акс этган чизиқлар сонига мақбуллигини текширинг.

Қуйидаги ҳолларда ўзгартирилади:

- VisionTrak™ дисплейида дон тозалагичдан дон исрофига оид мақбул миқдор акс этмайди.
- Дон тозалагич бўлимида дон исрофига кўпроқ урғу бериш учун бошмоқ аниқлигини оширинг.
- Дон тозалагич бўлимида дон исрофига камроқ урғу бериш учун бошмоқ аниқлигини туширинг.

Ўзгартириш тартиби:

N118004—UN—22OCT15

Қўшимча созламалар

1. Қўшимча созламалар тугмасини танланг.



H118553—UN—27JAN17

Сурилгич

ҚАЙД: Сурилгич жорий аниқликни билдиради.

H116272—UN—27JAN17

Тозалагич аниқлиги

2. Тозалагич аниқлигини ошириш учун (+) ва пасайтириш учун (-) белгисини танланг.

   Минимум: -5

   Максимум: 5

   Бирламчи: 0

   Қадам: 1

H116113—UN—27JAN17

Ёпиш

3. Ёпиш учун танланг.

PR79369,00003D3-UZ-08FEB21

Унумдорлик режаси

Самарадорлик мўлжали агар VisionTrak™ бурчакдаги дисплейдаги панеллар тозалагичдаги исроф индикатори, сепаратор исрофи индикатори ва умумий исроф индикатори сонини машинадан чиқаётган дон йўқотилишининг даража намунасига ростланишига имкон беради.

Қуйидаги ҳолларда ўзгартирилади:

- Экин турини алмаштириш.
- Ҳосил йиғиш шароитлари бир-биридан фарқланади (нам ва қуруқ экин, жуда нам ва бироз нам, А вариант ва Б вариант, ёки уруғ шаклидан катта ҳажм ёки ҳосилдорлик).

ҚАЙД: Ушбу экин тури ва ҳосил йиғиш шароитлари учун охирги унумдорлик режасини ишлатаётган бўлсангиз, янги режасини ўрнатиш шарт эмас.

Ўзгартириш тартиби:

ҚАЙД: Маккажўхори ёки соя дони каби йириқроқ уруғлар одатда буғдой ёки канолага қараганда пастроқ рақамли калибрлаш қийматига эга бўлади.

ҚАЙД: Пастроқ калибрлаш қийматини танлаш дисплейда худди шу мақбул дон исрофи учун янада кўп чизиқларни акс эттиради.

Автоматик:

ҚАЙД: Машинани кераклi унумдорликда ишлатинг ва жорийга созлаш тугмасини босинг, бу ишчи хусусиятларини хотирага сақлайди ва жами йўқотиш индикаторини марказлаштиради.

ҚАЙД: Combine Advisor™ иловасида унумдорлик режасини ўрнатиш тугмасига босиш ҳам дон исрофига оид автоматик режани бажаради.

H119125—UN—27JAN17

Жорий сифатида ўрнатиш

Жорий сифатида ўрнатишни жорий йўқотиш даражасига VisionTrak™ дисплейининг баландликнинг жами йўқотилиши устунини созлаш учун танланг.

Қўлланма:

H119105—UN—27JAN17

Киритиш катаги

Рақамли клавиатурани очинг ва керакли қийматни киритинг.

Минимум: 1

Максимум: 99

Қадам: 1

ҚАЙД: Автоматик созлама тавсия этилади. Қўлда созлаш функцияси фақатгина автоматик созлама керакли натижани тақдим этмаганда ишлатилиши керак.



H117836—UN—22DEC16

Умумий исроф индикатори

ҚАЙД: Умумий исроф индикатори панелидаги график ҳозир визуал йўриқнома вазифасини бажаради. Умумий исроф ҳажмини ошириш ва тушириш учун ора-орада бурчакдаги устунсимон дисплейга қарашингиз мумкин.

Умумий исроф индикатори панелидаги график яшил соҳадан тепада ёки пастда бўлса ва исроф даражаси мақбул бўлса, дон исрофини назорат қилиш функцияси ё нотўғри созланган ёки ушбу функция охирги марта калибрлангандан бери машинадан юқори оқимдаги жисмлар мавжуд. Юқори оқимдаги жисм юқори ҳаракат тезлиги ёки юқори экин ҳосилдорлиги сабаб пайдо бўлиши мумкин.

Агар машина “тиқилиб” қолса, ўртадаги гистограмма юқорига қараб қимирлайди (15–20 сония) ва аввалги кўрсаткичга қайтади. Бундай ҳолат юз берса, уни эътиборсиз қолдиринг.

PR79369,00003D4-UZ-08FEB21

Мотор иловаси

Моторга кириш

Иловага дисплей орқали кириш:

H113668—UN—22OCT15

Меню

1. Меню

N119118—UN—23SEP16

Машина созламалари

2. Машина созламалари варағи

H113552—UN—09MAR16

Мотор

3. Мотор

Иловага навигация панели орқали кириш:

H113709—UN—04JAN17

Мотор иловаси тугмаси

Дисплей остидаги навигация панелида мотор тугмасини босинг.

PR79369,00003D6-UZ-09FEB21

Моторнинг бош саҳифаси



H133251—UN—02MAR21

Мотор

ҚАЙД: Белгиланган матн ушбу бўлимда ёки ушбу нашрнинг бошқа қисмида қўшимча маълумот мавжудлигини кўрсатади.

Бош саҳифа фақат мисол таъриқасида берилган. Сизнинг бош саҳифангиз функциялар ва уланган жиҳозларга қараб фарқ қилиши мумкин.

Мотор иловаси мотор созламаларига кириш ва уларни ўзгартириш учун ишлатилади.

Моторнинг бош саҳифасида мавжуд элементлар:

ҚАЙД: Айрим элементлар фақат машина тегишли функция билан жиҳозланган бўлсагина намойиш этилади.



H113549—UN—04JAN17

Мотор қуввати

Мотор қуввати– мотор сарфлаётган қуввати миқдори.

H115017—UN—04JAN17

Мотор ишлаш вақти

Мотор соатлари — тўпланган мотор соатлари.



H113829—UN—04JAN17

Чиқинди газ фильтрини автоматик тозалаш

Чиқинди газ фильтрини автоматик тозалаш– автоматлаштирилган жараён бўлиб, зарур бўлганда чиқинди газлар фильтрини тозалаб беради.

H113830—UN—04JAN17

Тўхтаб туриш ҳолатида фильтрни тозалаш

Тўхтаб туриш ҳолатида фильтрни тозалаш– тўхтаб туриш режимида тизимга чиқинди газ фильтрини қўшимча тозалаш имконини беради.



H126195—UN—24APR19

Чиқитларни бошқариш

Чиқитларни бошқариш фильтрининг ҳажми– ишлатилган ва қолган фильтр ҳажмининг индикатори.

H118112—UN—04JAN17

Ҳаво компрессори

Ҳаво компрессори– ҳаво компрессорини ёқиш ёки ўчириш учун тугмани тортинг.

Ишга тушириш саҳифаси модуллари

Ушбу илова модуллари Схема менежери ёрдамида саҳифани ишга тушириш учун қўшилиши мумкин.

Мисол:

H115023—UN—04JAN17

Мотор қуввати

Мотор қуввати — мотор соатлари ва моторнинг чиқувчи кучини кўрсатади.

ҚАЙД: Сепишингиз учун ҳар хил модуллардан фойдаланиш мумкин.

Қисқа тугмалар

Ушбу илова учун қисқа тугмалар Layout Manager ёрдамида ёрлиқлар панелига қўшилиши мумкин.

H118309—UN—04JAN17

Ҳаво компрессори

Ҳаво компрессорининг тезкор тугмаси — ҳаво компрессорини тезда ёқиш ёки ўчириш имконини беради.

PR79369,00003D5-UZ-10FEB21

Мотор қуввати

Мотор соатлари ишлатилаётган мотор қуввати ва тўпланган мотор соатларини кўриш имконини беради. Қувват ўлчагичи дисплей ва бурчакдаги устунсимон дисплейда акс этиб, жорий қувват сарфини намойиш қилиб туради.

МУҲИМ: Агар сигнал ёки ортиқча тутун пайдо бўлса, диагностика учун Жон Дир дилери ёки бошқа малакали сервис провайдерига мурожаат қилинг.

Мотор қуввати саҳифасида акс этадиган элементлар:



H113549—UN—04JAN17

Мотор қуввати

Мотор қуввати– мотор сарфлаётган қуввати миқдори.

H115017—UN—04JAN17

Мотор ишлаш вақти

Мотор соатлари— тўпланган мотор соатлари.

Изохрон мотор регулятори

Моторнинг номинал қувватидан ошиб кетмагунча, унинг унумдорлиги ва самарадорлигини ошириш учун мотор ва унинг ҳаракатланувчи компонентлари тезлигини сақлаб туради.

Қувват ўлчагич



H113549—UN—04JAN17

Яшил соҳа

- **Яшил соҳа**– машина самарадорлигини максималлаштириш ва моторнинг мунтазам тезлигини сақлаб туриш учун моторнинг яшил соҳанинг юқори бўлагида ишлатади.



H113551—UN—04JAN17

Сариқ соҳа

- **Сариқ соҳа**— мураккаб шароитларда ишлатиладиган керакли юқори чеклов. Бу соҳада камроқ қувват қавариқлиги мавжуд.

  Бўшатиш шнекини ишлатишдан олдин сариқ соҳанинг пастроқ диапазонини созланг.



H113550—UN—04JAN17

Қизил соҳа

- **Қизил соҳа**– қувватнинг юқори даражаси бўлиб, унда қувват сақланмаслиги боис узоқ муддат ишлатиш тавсия этилмайди.

МУҲИМ: Индикатор чизиғи қизил соҳага силжиса, мотор қуввати максималлашади ва ушбу ҳолатда машина ўчиб қолиши мумкин. Индикатор яшил ва сариқ соҳаларга силжигунча агрегатга тушадиган юкни камайтиринг.

Қуйидаги шароитларда ишлаш қувват сарфи оширади:

- Тепалик ерлар
- Оғир ёки нам экин
- Ҳўл ер
- Ҳаддан ортиқ юриш тезлиги

N0LMWLO,0000371-UZ-16JUL20

Чиқинди газ фильтри тизими ҳақида

Машинангиз чиқинди газларни тозалайдиган ва фильтрлайдиган, эмиссия талабларига жавоб берадиган мотор билан жиҳозланган. Одддий ишчи режимида ва АВТО режимида ишлаганда, тизим операторнинг минимал аралашувини талаб этади.

H113829—UN—04JAN17

Чиқинди газ фильтрини автоматик тозалаш

Чиқинди газ фильтри тизимида дизель зарралари ёки қурум тўпланишининг олдини олиш учун:

- Чиқинди газ фильтрини тозалашнинг АВТО режимидан фойдаланинг.
- Кераксиз холостойда ишлашга йўл қўйманг.
- Тегишли мотор мойидан фойдаланинг.
- Таркибида олтингугурт ўта кам бўлган ёқилғи туридан фойдаланинг.

ҚАЙД: Батафсил маълумот учун оператор қўлланмасидаги "Ёқилғи ва смазкалар" бўлимига қаранг.

ДИҚҚАТ: АВТО ёки ТЎХТАБ ТУРИШ тозалаш режими ёқилган бўлса, чиқинди газ фильтрини тозалаш жараёнида маълум вақтларда корпусга юк тушмаганда ёки енгил юк шароитида чиқинди газ ҳарорати юқори бўлиши мумкин.

Чиқинди гази фильтрини тозалаш пайтида машина ёки тиркамаларга сервис кўрсатилса, жиддий жароҳат олиш мумкин. Қайноқ ҳаво ва қисмларга тегишдан эҳтиёт бўлинг.

Чиқинди гази фильтрларини автоматик ёки қўлда/стационар тозалашда мотор узоқ вақт тез холостойда ва 45 дақиқигача юқори ҳароратда ишлайди. Шикаст етиши ёки ёнғиннинг олдини олиш учун чиқинди газ фильтри, машина қисмлари ва чиқариш мосламаларида чиқит йўқлилига ишонч ҳосил қилинг. Бутун жараён давомида газ чиқариш туйнугини одамлардан, бинолардан ва эриши, ёниши ёки портлаши мумкин бўлган ҳар қандай нарсадан узоқда тутинг.

АВТО режими– автоматлаштирилган жараён бўлиб, нормал иш давомида чиқинди газлар фильтрини тозалаб беради.

Чиқинди газ фильтрини ундаги ҳарорат кўтарилиб, хавф туғдирганда ўчиринг.

H113830—UN—04JAN17

Тўхтаб туриш ҳолатида фильтрни тозалаш

Тўхтаб туриш ҳолатида фильтрни тозалаш– тўхтаб туриш режимида тизимга чиқинди газ фильтрини қўшимча тозалаш имконини беради.

Моторни совитиш– чиқинди газ фильтри тозалангандан кейин моторни совитиш даври.

PR79369,00003D7-UZ-09FEB21

Чиқинди газ фильтрини автоматик тозалаш

H113829—UN—04JAN17

Чиқинди газ фильтрини автоматик тозалаш

АВТО режими чиқинди газларни фильтрлаш тизимига керак бўлганда фильтрларни тозалашга имкон беради. Бурчак дисплейи индикатори ва тирсакқўйгич дисплейи операторга чиқинди газлар

фильтри тизимининг фаолияти билан боғлиқ бўлган маълумотларини кўрсатади.

H113811—UN—04JAN17

Чиқаётган газларнинг юқори ҳарорати индикатори

Чиқаётган газларнинг юқори ҳарорати индикатори бурчакдаги устунсимон дисплейда чиқариш тизимидаги ҳарорат кўтарилганда ёнади.

ДИҚҚАТ: АВТО ёки ТЎХТАБ ТУРИШ тозалаш режими ёқилган бўлса, чиқинди газ фильтрини тозалаш жараёнида маълум вақтларда корпусга юк тушмаганда ёки енгил юк шароитида чиқинди газ ҳарорати юқори бўлиши мумкин. Чиқинди газ ҳароратининг кўтарилиши хавф туғдирганда чиқинди газ фильтрини тозалаш тизимини ўчиринг.

ҚАЙД: Агар тўхтаб туриш режимида чиқинди газ фильтрини тозалаш якунланса, тизим АВТО режимга ўрнатилади.

Чиқинди газ ҳароратининг кўтарилиши хавф туғдирганда Чиқинди газ фильтрини автоматик тозалаш тизимини ўчиринг.

МУҲИМ: Агар чиқиш фильтрини тозалаш жараёнида ёки тозалаш якунланиши билан мотор ўчирилса, мотор қисмлари ишдан чиқиши мумкин. Сигнал чалинади ва дисплейда огоҳлантирувчи хабар пайдо бўлади. Машинани ишга туширинг ва компонентлар совиши учун дисплейдаги хабарларни бажаринг. Моторни совитиш ривожига. қаранг.

PR79369,00003D8-UZ-09FEB21

Тўхтаб туриш ҳолатида фильтрни тозалаш

Тўхтаб туриш режимида чиқинди газ фильтрини тозалаш функцияси зарур бўлганда чиқинди газлар фильтрини тозалаш учун сиз ишга туширадиган жараёндир.

Жараён давомида моторнинг тезлиги тизим томонидан бошқарилади ва амалиётни бажариш учун машина тўхтаб туриши талаб этилади. Тўхтаб туриш режимида чиқинди газ фильтрини тозалаш жараёни учун талаб этиладиган вақт чиқинди газ фильтрини чеклаш даражасига, атроф-муҳит ҳарорати ва чиқинди газнинг ҳозирги ҳароратига боғлиқ.

Ўзгартириш тартиби:

ДИҚҚАТ: АВТО ёки ТЎХТАБ ТУРИШ тозалаш режими ёқилган бўлса, чиқинди газ фильтрини тозалаш жараёнида маълум вақтларда корпусга юк тушмаганда ёки енгил юк шароитида чиқинди газ ҳарорати юқори бўлиши мумкин.

Чиқинди гази фильтрини тозалаш пайтида машина ёки тиркамаларга сервис кўрсатилса, жиддий жароҳат олиш мумкин. Қайноқ ҳаво ва қисмларга тегишдан эҳтиёт бўлинг.

Чиқинди гази фильтрларини автоматик ёки қўлда/стационар тозалашда мотор узоқ вақт тез холостойда ва юқори ҳароратда ишлайди. Чиқаётган газлар ва фильтр қисмлари қизиб кетиб, одамни куйдириши, аланга чиқариши ёки оддий буюмларни эритиши мумкин.

МУҲИМ: Агар чиқиш фильтрини тозалаш жараёнида ёки тозалаш якунланиши билан мотор ўчирилса, чиқинди газларни тозалаш компонентлари ишдан чиқиши мумкин. Машинани ишга туширинг ва компонентлар совиши учун дисплейдаги хабарларни бажаринг. Моторни совитиш ривожига. қаранг.

ҚАЙД: Тўхтаб туриш режимида чиқинди газлар фильтрини тозалаш 40 дақиқадан ошиши мумкин.

H113804—UN—09MAR16

Бекор қилиш

Тўхтаб туриш режимида фильтрни тозалаш буйруғини тўхтатиш учун Бекор қилиш тугмасини босинг.

H113830—UN—04JAN17

Тўхтаб туриш ҳолатида фильтрни тозалаш

1. Тўхтаб туриш режимида чиқинди газ фильтрини тозалаш тугмасини босинг.
2. Машина тўхтаб туриш режимида фильтрни тозалашга созланганини текширинг.
   - Машинани ташқарида жойлаштиринг
   - Машина ҳаракатини тўхтатинг
   - Мотор тезлигини секин холостойга қўйинг
   - Тўхтаб туриш тормозини ишга туширинг
   - Сепараторни узинг
   - Яқинлик датчигини тозаланг

- Мотордаги чиқитларни бошқариш тизимининг вазифалари

N118440—UN—09MAR16

Белгини текшириng

Шарт бажарилганда қутидаги шарт ёнида яшил белги пайдо бўлади.

H113803—UN—09MAR16

Кейинги

3. Барча шартлар бажарилгач, кейинги тугмасини танланг.

ҚАЙД: Чиқинди газ фильтри тизими чиқинди газ ҳароратини ошириш учун мотор тезлигини бошқаради.

H113801—UN—04JAN17

Ривож индикатори

Чиқинди газ фильтрини тозалаш жараёнини ривож индикатори кўрсатади.

H114770—UN—22JAN20

Ёпиш

4. Тугма босилгач, дисплейдаги ҳолат марказида акс этувчи хабар пайдо бўлади.

ҚАЙД: Ёпиш тугмаси босилгач, тозалаш жараёни давом этади.

H113816—UN—04JAN17

Ҳолат маркази

Тартиб ҳолатини текшириш ва ҳолат марказини очиш учун ҳолат марказини танланг.

H118543—UN—04JAN17

Ҳолатни текшириng

Тозалаш жараёнини кўриш учун ҳолатни текшириш тугмасига босинг.

H113825—UN—04JAN17

Тозалаш жараёни якунланди

Чиқинди газ фильтрини тозалаш жараёни якунланганда тизим бу ҳақда сизни огоҳлантиради.

H114770—UN—22JAN20

Ёпиш

5. Дисплейга қайтиш учун босинг.

Агар сиз процедурадан кейин дарҳол машинани хизматга қайтармасангиз, моторни тўхтатишдан олдин унинг нормал иш ҳароратига қайтишига имкон беринг. Моторни совитиш ривожига. қаранг.

ҚАЙД: Агар тўхтаб туриш режимида чиқинди газ фильтрини тозалаш якунланса, тизим АВТО режимга ўрнатилади.

PR79369,00003D9-UZ-09FEB21

Чиқинди газ фильтрини автоматик тозалаш режимни ўчириш

Чиқинди газ фильтрини автоматик тозалашга оид автўчирилган.

МУҲИМ: Чиқинди газ фильтрини тозалаш тизимини фақат зарур бўлганда ўчиринг.

Қуйидаги ҳолларда ўзгартирилади:

- Уй ичида ёки том остида, агар юқори ҳароратли газларни ташқарига чиқариш тизими уланмаган бўлса.
- Машинани ўчиришдан олдин тозалаш циклини тугатиш учун етарли вақт бўлмаса.
- Кўп миқдордаги экин чанги ёки сомон бўлса.
- Ёқилғи қуйиш жойи яқинида.

Ўзгартириш тартиби:



H113829—UN—04JAN17

Автоматик

1. Тўхтаб туриш режимида чиқинди газ фильтрини тозалаш функциясини очиш учун танланг.

H113848—UN—04JAN17

ON/OFF

2. Чиқинди газ фильтрини автоматик тозалаш функциясини ёқиш ёки ўчириш учун босинг.

H114770—UN—22JAN20

Ёпиш

3. Чиқинди газ фильтрини тозалаш функциясини ёпиш учун танланг.

PR79369,00003DA-UZ-09FEB21

Мотор совитилмоқда

Моторни совитиш – бу мотор ва унинг қисмларининг совиши учун талаб этиладиган муайян вақт давридир.

МУҲИМ: Агар чиқиш фильтрини тозалаш жараёнида ёки тозалаш якунланиши билан мотор ўчирилса, чиқинди газларни тозалаш компонентлари ишдан чиқиши мумкин. Сигнал чалинади ва дисплейда огоҳлантирувчи хабар пайдо бўлади. Машинани ишга туширинг ва компонентлар совиши учун дисплейдаги хабарларни бажаринг.

Мотор совитилмоқда режимига кириш

H127479—UN—26SEP19

Моторни совитиш белгиси

1. Мотор совитилмоқда сигнали экранда пайдо бўлиб, машина ўчирилишига қадар қолган вақтни кўрсатади.

H113812—UN—04JAN17

OK

2. Мотор совитилмоқда сигналининг устида ОК тугмасини босинг.

H127477—UN—26SEP19

Ҳолат маркази

3. Мотор совитилаётганда моторни совитиш белгиси ҳолат марказида акс этади.



H127983—UN—19NOV19

Ҳолат маркази дисплейи

4. Жараённи кўриш учун ҳолат маркази дисплейида моторни совитиш белгисини босинг.

H127510—UN—26SEP19

Мотор совитилди

5. Моторни совитиш вақти ўз ниҳоясига етгач, мотор ОК белгиси экранда пайдо бўлади.

МУҲИМ: Агар мотор совитилаётганда мотор ўчиб қолса, экранда уни ёқиш зарурлигини билдирадиган сигнал пайдо бўлади.

H113812—UN—04JAN17

OK

6. Мотор совитилгани ҳақидаги хабар пайдо бўлиб, машинани ўчириш мумкинлиги ҳақида хабар беради. Хабарни ёпиш учун танланг.

PR79369,00003DB-UZ-09FEB21

Чиқитларни бошқариш фильтрининг ҳажми

Чиқитларни бошқариш фильтрининг ҳажмини кўрсатадиган индикатор.



H126195—UN—24APR19

Яшил соҳа

- **Яшил соҳа—** фильтр ҳажми етарли.



H126196—UN—24APR19

Сариқ соҳа

- **Сариқ соҳа—** фильтр ҳажми кам қолган. Яқин вақтда фильтрни ечинг ва тозаланг.

ҚАЙД: Экранда ҳар бир калит цикли давомида фильтр тозалангунга қадар қайта ишга тушадиган хабар пайдо бўлади.

H126197—UN—24APR19

Қизил соҳа

- **Қизил соҳа—** фильтрда етарли ҳажм мавжуд эмас. Ҳозироқ фильтрни ечинг ва тозаланг.

ҚАЙД: Индикатор қизил соҳага кирганда, стоп DTC сигнали ишга тушади. Мотордаги чиқитларни бошқариш фильтрини ечинг ва тозаланг.

N0LMWLO,0000377-UZ-16JUL20

Ҳаво компрессори

Ҳаво компрессори машина тозалаш учун қўшимча сиқилган ҳаво билан таъминлайди.

Ҳаво компрессори қуйидаги шартлар бажарилгандагина ишлайди:

- Мотор ишламоқда.
- Машина тўхтаб туриш режимида.
- Сепаратор ўчирилган.
- Ўроқ ўчирилган.
- Машинанинг ташқи қисмлари ҳаракатланмаяпти.

Ўзгартириш тартиби:

МУҲИМ: Ҳаво бакидаги намликни ҳар куни қуритиб туринг. Тафсилотлар учун оператор қўлланмасига қаранг.

МУҲИМ: Машина мотори ишлаб турганида ҳеч қачон ҳаво фильтрлари ёки чиқинди бошқаруви ҳаво фильтрларини тозаламанг.

ҚАЙД: Борт ҳаво компрессори машинадаги шиналарни дамлаш ёки пневматик мосламаларни ишлатиш учун тавсия этилмайди.

H113822—UN—04JAN17

Ҳолат кўрсаткичи

Ҳолат индикатори– ҳаво компрессори талабларига оид ҳолатларни акс эттиради.

H116670—UN—04JAN17

ON/OFF

Ҳаво компрессорини ёқиш ёки ўчириш учун босинг.

ҚАЙД: Ҳаво компрессори фаол бўлганда, яшил рангли ҳолат индикатори милтиллаб, сепаратор, ўроқ, бўшатиш шнеки ва пропулция тизимларининг унумдорлиги тушганини сизга эслатади.

ҚАЙД: Бирламчи шартлар бажарилмаганда, суриладиган ЁҚИШ/ЎЧИРИШ тугмаси Ҳаво компрессори ҳолати экранда пайдо бўлиб, тизимни ишга тушишдан тўсаётган носозликни бартараф этишга ёрдам беради.

PR79369,00003DC-UZ-09FEB21

Ҳаво компрессори ҳолати

Ҳаво компрессори ҳолати унга ҳаво компрессори тизимини ишга тушириш учун зарур бўлган талабларни кўрсатади.

H116670—UN—04JAN17

ЁҚИШ/ЎЧИРИШ

Барча талаблар бажарилмаганда ҳаво компрессори ҳолати саҳифасини очиш учун суриладиган ON/OFF тугмасини босинг.

Ҳаво компрессори ҳолати саҳифасида мавжуд элементлар:

H113824—UN—04JAN17

Кулранг

Тайёр эмас— талаблар бажарилмаган.

H113824—UN—04JAN17

Кулранг

Тайёр— талаблар бажарилган, аммо ёқилмаган.

H113822—UN—04JAN17

Яшил

Фаол— талаблар бажарилган ва тизим ёқилган.

Ҳаво компрессори талаблари

- Мотор ишламоқда.
- Машина тўхтаб туриш режимида.
- Сепаратор ўчирилган.
- Ўроқ ўчирилган.
- Машинанинг ташқи қисмлари ҳаракатланмаяпти.

H113826—UN—04JAN17

Сигнал хабари

Хабар талаб бажарилмаганда кўрсатилади.

H113825—UN—04JAN17

Белгини текширинг

Шарт бажарилганда, яшил белги пайдо бўлади.

H114770—UN—22JAN20

Ёпиш

Ҳаво компрессори ҳолатини ёпиш учун босинг.

SS43267,00008A2-UZ-19NOV19

HVAC иловаси

HVAC тизимига кириш

Иловага дисплей орқали кириш:

H113668—UN—22OCT15

Меню

1. Меню

N119118—UN—23SEP16

Машина созламалари

2. Машина созламалари варағи

H114795—UN—04JAN17

HVAC

3. HVAC

Иловага навигация панели орқали кириш:

H114794—UN—17MAR16

HVAC

Дисплей остидаги навигация панелида HVAC тугмасини босинг.

PR79369,00003DD-UZ-09FEB21

Иситиш, вентиляция ва кондиционер тизими (HVAC) бош саҳифаси



H120313—UN—04JAN17

HVAC

ҚАЙД: Белгиланган матн ушбу бўлимда ёки ушбу нашрнинг бошқа қисмида қўшимча маълумот мавжудлигини кўрсатади.

Бош саҳифа фақат мисол таъриқасида берилган. Сизнинг бош саҳифангиз функциялар ва уланган жиҳозларга қараб фарқ қилиши мумкин.

HVAC иловаси ҳарорат, вентилятор тезлиги, кабина ичида ҳаво айланиши режими ва ташқи ҳароратни кўриш функцияларини созлаш учун ишлатилади (жиҳозланган бўлса).

H119378—UN—15SEP16

Ҳароратни ўрнатиш

HVAC бош саҳифасидаги мавжуд пунктлар:

Ҳарорат ўрнатиш — кабина ичидаги ҳароратни ростлайди.

H114797—UN—17MAR16

Ҳаво Оқими Режими

Ҳаво оқими режими — кабина ичида ҳаво тақсимотини ростлайди.

H114801—UN—17MAR16

Вентилятор тезлиги

Вентилятор тезлиги — кабина ичидаги вентилятор тезлигини созлаш имконини беради.

N145869—UN—26SEP19

Кондиционер

Кондиционер(A/C)– ҳавони совитиш/иситиш тизимини ёқиш ёки ўчириш имконини беради.

H119377—UN—16SEP16

Ташқарида

Ташқарида — жорий ташқи ҳароратни кўриш имконини беради.

H115024—UN—04JAN17

A/C

Ишга тушириш саҳифаси модуллари

Ушбу илова модулларини Схема менежери ёрдамида ишга тушириш саҳифаларига қўшиш мумкин.

Мисол:

A/C— сурилувчи тугмаси бевосита кондиционерни ёқиш ёки ўчириш имконини беради.

ҚАЙД: Сепишингиз учун ҳар хил модуллардан фойдаланиш мумкин.

Қисқа тугмалар

Бу илова учун ёрлиқлар Схема менежери ёрдамида ёрлиқ панелига қўшилиши мумкин.

Мисол:

H116265—UN—04JAN17

A/C ON/OFF

A/C ON ва OFF– кондиционерни бевосита ёқиш ёки ўчириш имконини беради.

ҚАЙД: Иловада ҳар хил тезкор тугмаларни ишлатиш мумкин.

PR79369,00003DE-UZ-09FEB21

Ҳароратни ўрнатиш

Ҳароратни ўрнатиш функцияси кабина ичида керакли ҳарорат даражасини ўрнатиш имконини беради.

Ўзгартириш тартиби:

N145866—UN—26SEP19

Ҳароратни ўрнатиш

1. Кабинадаги ҳарорат созламаларини ўзгартириш учун ҳароратни ўрнатиш менюсидаги қийматни танланг.

H114792—UN—22JAN20

Камайтириш

2. Қийматни камайтириш учун танланг.

H114791—UN—22JAN20

Ошириш

3. Қийматни ошириш учун танланг.

H114770—UN—22JAN20

Ёпиш

4. Кабина ҳароратини созлаш менюсини ёпиш учун танланг.

Муқобил ўзгартириш тартиби:

CommandARM™ ҳарорат назорати — ҳароратни ўзгартириш учун тирсакқўйгичдаги ҳароратни ошириш ёки тушириш тугмаларини босинг.

PR79369,00003DF-UZ-09FEB21

Вентилятор тезлиги

Вентилятор тезлиги кабина ичидаги вентилятор тезлигини ўзгартириш имконини беради.

H114801—UN—17MAR16

Вентилятор тезлиги

Ўзгартириш тартиби:

1. Уни ўзгартириш учун Вентилятор тезлиги саҳифасидаги экран соҳасини танланг.

H114802—UN—17MAR16

Индикатор

2. Индикатор минус (–) ёки плюс (+) тугмалари босилганда, танланган вентилятор тезлиги, автоматик режим ёки ўчиш функциясига қараб ҳаракатланади.

H114998—UN—04JAN17

Камайтириш

   a. Вентилятор тезлиги ёки АВТО режим ёки Ўчиқ ҳолат танлангунча камайтириш учун танланг.

H114997—UN—04JAN17

Ошириш

5. Контргайкаларни бўшатинг (A) ва ҳар бир гайкани (B) беш марта бураб қўйинг.



H100393—UN—23FEB11

A—Тишли узатма
B—Червякли узатма

6. Червякли (B) ва тишли (A) узатма қуйи ҳолатга тушмагунча кабинадаги переключатель ёрдамида камгакни ёпиқ ҳолатга келтиринг.



H96927—UN—17JUN10

A—Дастак
B—Нейтрал ҳолат

7. Дастани (A) суриб, ротор узатма қутисини нейтрал ҳолатга (B) келтиринг.



H100394—UN—23FEB11

A—Олд ҳалқали болтнинг юқори гайкаси
B—Олд ҳалқали болтнинг пастки контргайкаси
C—Орқа ҳалқали болтнинг юқори гайкаси
D—Орқа ҳалқали болтнинг пастки контргайкаси

8. Олд ҳалқали болт юқори гайкасини (A) ротор соат милига қарши айланаётганда элементлар камгакга қарши "тиқиллашни" бошлагунча секин ростланг. Уч марта тўлиқ орқага буринг.
9. Орқа ҳалқали болт юқори гайкасини (C) ротор соат милига қарши айланаётганда элементлар камгакга қарши "тиқиллашни" бошлагунча секин ростланг. Уч марта тўлиқ орқага буринг.
10. Олд ҳалқали болт пастки гайкасини (A) камгакга қарши "тиқиллашни" бошлагунча секин ростланг. "Тиқиллаш" тўхтагунча аста орқага буринг. "Тиқиллаш" тўхтаган заҳоти, бир марта тўла орқага буринг ва тепа контргайкани қотиринг.
11. Орқа ҳалқали болт юқори гайкасини (C) элементлар камгакга қарши "тиқиллашни" бошлагунча секин ростланг. "Тиқиллаш" тўхтагунча аста орқага буринг. "Тиқиллаш" тўхтаган заҳоти, бир марта тўла орқага буринг ва тепа контргайкани қотиринг.
12. Пастки олд қисм камгакнинг созлаш гайкасини қотиринг. Олд ҳалқали болтнинг юқори гайкасини

(A) калит билан ушлаб туриб, олд ҳалқали болт контргайкасини (B) қотиринг.

13. Орқа камгакнинг созлаш гайкасини қотиринг. Орқа ҳалқали болтнинг юқори гайкасини (C) калит билан ушлаб туриб, орқа ҳалқали болт контргайкасини (D) қотиринг.



H100395—UN—23FEB11

Тўхтатгич болтлар

A—Тўхтатгич болт (2 та)
B—Контргайка
C—Болт боши
D—Контргайка

14. Олд ва орқа камгакнинг тўхтатиш болтини (A), пастки гайкани (B) болтнинг боши (C) камгак ичига қулай жойлашгунча ростланг. Юқори гайкани (D) пастки гайкани (B) ключда ушлаб туриб қотиринг.



H100377—UN—22FEB11

A—Қалпоқчали винтлар (4 та)
B—Сепаратор панжараси

15. Сепаратор панжарасини (B) ўрнатинг ва қалпоқчали винтлар (A) билан қотиринг.

16. Ротор ротор узатма қутисини аввалги ҳолатига келтиринг.

17. Аввалроқ олиб қўйилган сепараторни текширувчи қопқоқлар ва ҳимоя экранларини ўрнатинг.

18. Кабина ичидаги **Threshing Clearance Calibration (STS Electric)**-ни танланг ва дисплейда намойиш бўлган кўрсатмаларни бажаринг. Дисплейда Тизим Камгакнинг горизонтал сатҳини ростлаш ўрнига мос келмайдиган ҳолда камгак ноль ўринда жойлашганлигини аниқланганлиги сабабдан “калибровка режимидан чиқиб кетиш зарурлиги” ҳақидаги огоҳлантириш матни пайдо бўлиши мумкин.

OUO6075,0004601-UZ-28MAR17

Камгак сатҳини ростлаш (Камгакни фаол изоляция қилиш)

H117012—UN—28MAR16

Янчиш тирқишини ростлаш

ҚАЙД: Агар жиҳозланган бўлса, юмалоқ метал тўсинли камгак қопламаларини барабан ости панажарасининг горизонтал сатҳини ростлашдан олдин олиб қўйинг.

1. Двигателни ёқинг ва янчиш тирқишини ростлаш тугмасини босинг.
2. Янчиш тирқишини 0 га қўйинг.

ҚАЙД: Агар дон элементлари ўрнини юқори зичликдаги янчиш тишлари ёки шоли янчиш элементлари эгаллаган бўлса, янчиш тирқишини 15 га ўрнатинг.

3. Двигателни ЎЧИРИНГ ва қўл тормозини ўрнатинг ва калитни буриб, машинани ёқинг.



H113295—UN—23MAR15

A—Сепараторни текшириш қопқоқлари

4. Сепараторни текшириш қопқоқларини (A) ечиб олинг.



H109596—UN—17DEC13

Стандарт турдаги қуйма сепаратор панжараси



H109682—UN—22JAN14

Ўта мустаҳкам сепаратор панжараси

A—Қалпоқчали винтлар (4 та)
B—Сепаратор панжараси
C—Қалпоқчали винтлар ва гайкалар
D—Сепаратор панжараси бармоқлари

ҚАЙД: Сепаратор панжарасини чиқариб олганда айланувчи ротор билан ишлаш учун йўл очилади.

5. Стандарт сепаратор панжаралари ўрнатилган машиналарда, қалпоқчали винтларни (A) ва сепаратор панжарасини (B) олиб қўйинг.
6. Ўта мустаҳкам сепаратор панжаралари бармоқлари ўрнатилган машиналарда, қалпоқчали винтлар (A), гайкалар (C) ва бармоқларни (D) олиб қўйинг.

ҚАЙД: Айланувчи ротор билан ишлашга йўл очиш учун икки ёки ундан кўпроқ панжара бармоқларини олиб қўйиш зарур бўлиши мумкин.



H109276—UN—16OCT13

A—Резина прокладка (2та)

7. Резина прокладка асосини очиб олинг (A) ва икки цилиндр бўйлаб тепага кўтаринг.



H113060—UN—24FEB15

A—Штифт (2 та)
B—Цилиндр қулфи (2 та)

ҚАЙД: Цилиндр қулфини чиқариб олиш учун камгакни бошқа жойга олиш зарур бўлиши мумкин.

8. Штифт (A) ва цилиндр қулфини (B) ҳар бир цилиндрдан ечиб олинг.



H109919—UN—27FEB14



H109920—UN—27FEB14

A—Горизонтал сатҳни созловчи қалпоқчали винтлар (2та)
B—"Z" шаклидаги профиль
C—Гайка (2 та)
D—Гайка (2 та)
E—Гайка (2 та)

9. Камгакни созловчи қалпоқчали винтларни (A) "Z" шаклидаги профилдаги кронштейндан (B) ечиб олинг ва камгак ва "Z" шаклидаги профиль мажмуини ушлаб туриши учун йўлакчадан ўтказиб ўрнатинг.
10. Гайкани (C) "Z" шаклидаги профиль кронштейнига қўлда қотиринг ва гайкани (D) йўлакчага икки томондан озгина қотиринг.

ҚАЙД: Ноль даражагача ростлаш учун гайка (E) ва йўлакча орасида лозим оралиқ қолганига ишонч ҳосил қилинг. Гайкани йўлакчага тўлиқ ҚОТИРМАНГ.



H109683—UN—22JAN14

A—Контргайка (2 та)
B—Цилиндр тиргаги (2та)

11. Цилиндр тиргагидан (B) контргайкани (A) бўшатинг ва иккала цилиндр таёқларида тиргакни пастга туширинг.
12. Кабина ичидаги **Камгак сатҳини созлаш**ни танланг ва дисплейда намойиш бўлган кўрсатмаларни бажаринг. Дисплейда Тизим Камгакнинг горизонтал сатҳини ростлаш ўрнига мос келмайдиган ҳолда камгак ноль ўринда жойлашганлигини аниқланганлиги сабабдан "калибровка режимидан чиқиб кетиш зарурлиги" ҳақидаги огоҳлантириш матни пайдо бўлиши мумкин.

ҚАЙД: Кабина ташқарисида қуйидаги амалларни бажаришда калит ЁҚИЛГАН ҳолда ҚОЛДИРИЛИШИ шарт.



H96927—UN—17JUN10

A—Дастак
B—Нейтрал ҳолат

13. Дастани (A) суриб, ротор узатма қутисини нейтрал ҳолатга (B) келтиринг.
14. Роторни соат милига қарши айлантиринг ва камгакни элементлар "тиқиллашни" бошлагунча орқа созловчи қалпоқчали винтни қотиринг. "Тиқиллаш" пайдо бўлганда, созловчи қалпоқчали винтни уч марта тўла айлантиринг.
15. Роторни соат милига қарши айлантиринг ва камгакни элементлар "тиқиллашни" бошлагунча тепага суриб олд томон созловчи қалпоқчали винтни қотиринг. "Тиқиллаш" пайдо бўлганда, созловчи қалпоқчали винтни уч марта тўла айлантиринг.
16. Роторни соат милига қарши айлантиришда давом этинг ва камгакни элементлар "тиқиллашни" бошлагунча тепага қараб суриб орқа созловчи маҳкамлаш болини қотиринг. "Тиқиллаш" пайдо бўлганда, созловчи қалпоқчали винтни бир ярим марта тўлиқ айлантиринг.
17. Роторни соат милига қарши айлантиришда давом этинг ва камгакни элементлар "тиқиллашни" бошлагунча тепага қараб суриб олд созловчи қалпоқчали винтни қотиринг. "Тиқиллаш" пайдо бўлганда, созловчи қалпоқчали винтни бир ярим марта тўлиқ айлантиринг.



H109594—UN—16DEC13

A—Гайка (2 та)

18. Камгакларни қулфланишига ёрдам бериш учун гайкани (A) йўлакчага қотиринг.



H109602—UN—19DEC13

A—Цилиндр тиргаклари (2та)
B—Цилиндр гильзалари (2 та)

19. Созлаш жараёнида цилиндр тиргакларини тўғри мослаш жуда муҳим.

ҚАЙД: Цилиндр гильзаларилариниҳаддан ортиқ қотирманг.

20. Цилиндр тиргакларини (A) улар цилиндр гильзаларига мустаҳкам ўрнашгунча қўл билан стрелка йўналиши томонга буринг.



H109683—UN—22JAN14

A—Контргайка (2 та)
B—Цилиндр тиргаги (2та)

ҚАЙД: Контргайкаларни (A) қотиришдан олдин, цилиндр қулфидаги кўрсаткичларни (B) цилиндр тиргагининг олти ёқлик текислигига тўғрилаб ўрнатилиши лозим.

21. Ҳар бир цилиндрда контргайкани (A) цилиндр тиргагига (B) қотиринг.

ҚАЙД: Созловчи қалпоқчали винтлар “Z” шаклидаги тўсин кронштейни ва йўлакчага қотирилган ҳолда қолиши ШАРТ.

22. **Камгакнинг горизонтал сатҳини созлаш**ни ростлангунча давом этинг.



H109603—UN—19DEC13

A—Созловчи қалпоқчали винт (2та)
B—Сақлаш кронштейни (2 та)

23. Созламалар қабул бўлса, **Камгакнинг горизонтал сатҳини созлаш** режимидан чиқинг, ўчириб/ёқиш калитини ЎЧИРИНГ, ва созловчи қалпоқчали винтларни ечиб олинг (A).

24. Созловчи қалпоқчали винтларни сақлаш кронштейнларида (B) қолдиринг.

25. Моторни ишга туширинг. Кабина ичидан **Янчиш тирқишини (гидравлик) созлаш**-ни бажаринг ва дисплейдаги кўрсатмаларга амал қилинг.

Дисплейда Тизим Камгакнинг горизонтал сатҳини ростлаш ўрнига мос келмайдиган ҳолда камгак ноль ўринда жойлашганлигини аниқланганлиги сабабдан “калибровка режимидан чиқиб кетиш зарурлиги” ҳақидаги огоҳлантириш матни пайдо бўлиши мумкин.

МУҲИМ: Тизимда камгакнинг горизонтал сатҳини ростланишига мос келмайдиган ноль ҳолатда жойлашганлигини аниқлангани сабабли “созлаш режимидан чиқиб кетиш зарур” деган огоҳлантириш пайдо бўлиши мумкин. Бундай ҳолда камгакнинг сатҳини созлаш режимидан чиқинг, Камгак сатҳини созлаш амалларини такрорланг, ва Янчиш тирқиши (гидравликаси)ни такроран созланг.



H113060—UN—24FEB15

A—Штифт (2 та)
B—Цилиндр қулфи (2 та)

26. Камгакни 35 гача очинг ва ҳар бир цилиндрда аввалроқ олиб қўйилган цилиндр қулфларини (B) ва штифтларини (A) ўрнатинг.



H109821—UN—10FEB14

A—Резина прокладка (2та)

27. Резина прокладканинг ост қисмини (A) ҳар иккала цилиндрга ўрнатинг.



H109596—UN—17DEC13

Стандарт турдаги қуйма метал сепаратор панжараси



H109682—UN—22JAN14

Ўта мустаҳкам сепаратор панжараси

A—Қалпоқчали винтлар (4 та)
B—Сепаратор панжараси
C—Қалпоқчали винтлар ва гайкалар
D—Сепаратор панжараси бармоқлари

28. Стандарт қуйма сепаратор панжараси ўрнатилган машиналарда сепаратор панжарасини (B) қалпоқчали винтлар ёрдамида ўрнатинг (A).

29. Ўта мустаҳкам сепаратор панжаралари ўрнатилган машиналарда, сепаратор панжараси бармоқларини (D) қалпоқчали винтлар ва гайкалар ёрдамида ўрнатинг (C). Спецификацияга кўра қотиринг.

Характеристика	
Ўта мустаҳкам сепаратор панжарасининг қалпоқчали винтлар ва контргайкалари—Айланиш моменти	73 Н м (54 фунт/фут)

30. Ротор ротор узатма қутисини аввалги ҳолатига келтиринг.
31. Аввалроқ олиб қўйилган сепараторни текширувчи қопқоқлар ва ҳимоя экранларини ўрнатинг.

OUO6075,0004600-UZ-28MAR17

Сепараторнинг юқори қопқоқ лопастлари (жиҳозланган бўлса)



H97060—UN—22JUN10

A—Сепараторнинг юқори қопқоқ лопастлари
B—Такомиллашган жойлашув
C—Стандарт жойлашув

Сепараторнинг юқори қопқоқ лопастлари (A) машинанинг ўнг томонида тоза дон юклаш шнеки орқасида жойлашган.

Дастурий илова ёрдамида, сепараторнинг юқори қопқоқ лопастларини икки турли хил ҳолатда ишлатиш мумкин.

ҚАЙД: Сепараторнинг юқори қопқоқ лопастларини такомиллашган режимда ишлатишда муайян экин ва шароитлар ҳолатида баъзи дон турларининг исрофи ошишишга олиб келиши мумкин. Сомон сифатини ошириш мақсадида ўримнинг сепараторда туриш вақти қисқартирилган.

- (B) - Такомиллашган жойлашув
- (C) - Стандарт жойлашув

Қўшимча маълумот учун "Қолдиқни бошқариш иловаси бўйича ёрдам" ёки "Оператор станцияси ёрдами"га қаранг.

OUO6075,0004392-UZ-31JAN17

Янчиш элементлари ва тишлари (TriStream ротор)—Олиб қўйиш ва ўрнатиш

H82539—UN—07MAR05



H73898—UN—30OCT02

A—Қалпоқчали винт

МУҲИМ: Ротор мувозанатга келтирилган қурилма ҳисобланади. Элементлар ва тишларни мувозанатни сақлаш учун учталаб алмаштириш зарур. Алмаштириш тўпламларини сервис қисмлар орқали олиш мумкин, таркибида янги қалпоқчали винтлар ва олдиндан ўрнатилган резба қулфи (Threadlock) ва Прокладка (Sealer) мавжуд. Тишлар ва элементлар бўшаб қолса машинага шикаст етказилиши мумкин.

Агар тишлар ва элементларни алмаштиришдан бошқа сабаб билан олиб қўйиш зарур бўлса, чиқариб олишдан олдин тиш/элементларда ва роторда жойлашган ўринларини белгилаб қўйинг. Мувозанатни сақлаб қолиш учун аввалги ўринларига ўрнатинг. Доимо янги қалпоқчали винтлардан фойдаланинг.

Агар олд томон шнек тишлари сингани ёки шикастланганлиги сабабли алмаштирилаётган бўлса, янчилмаган маҳсулот қолдиқлари чиқарилгани ва олд кўндаланг шнек тозаланганига ишонч ҳосил қилинг. Буни машинани кейинги ишга туширишдан олдин бажармаса синган тишлар қайта айланиб тишларнинг такрор шикастланишига олиб келиши мумкин.

1. Моторни ЎЧИРИНГ, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.
2. Ротор билан ишлашга йўл очиш учун сепаратор панжаралари ёки камгак бўлимларини чиқариб қўйинг.

ҚАЙД: Машина моделининг вариантига боғлиқ равишда, қуйидаги бўлимга мурожаат қилинг:

- *Камгак бўлими (Камгакни стандарт ростлаш) - Олиб қўйиш ва ўрнатиш*
- *Камгак бўлимлари (Камгакни фаол изоляция қилиш) - Олиб қўйиш ва ўрнатиш*

3. KXE10110 тирқиш ўлчагич ёрдамида янчиш элементлари ва сепаратор тишлари қопламаларини текшириш.
4. Қалпоқчали винтлар (A) ва янчиш элементларни ёки тишларни ечиш.



H54006—UN—18FEB99

A—Ички резбали тиқин

5. RIVNUT® ички резбали тиқинларни (A) текшириб чиқинг. Шикастланганда алмаштиринг.
6. Агар битта элемент ёки тишни алмаштириш лозим бўлса, бутун гуруҳни алмаштиринг. Мисол: Агар 2-элементни алмаштириш лозим бўлса, гуруҳдаги 1 ва 3-элементларни ҳам алмаштиринг.
7. Элементларни ва тишларни аниқлаш учун янчиш элементлари ва сепаратор тишлари схемасидан фойдаланинг.
8. Қалпоқчали винтларни керакли даражада қотиринг.

Характеристика	
Янчиш элементи ва сепаратор тишларининг қалпоқчали винтлар—Айланиш моменти	90 Н м (66 фунт/фут)

OUO6075,0001804-UZ-13MAY14

RIVNUT – RIVNUT Engineered Products Inc. савдо белгиси.

Янчиш элементи ва сепаратор тиши жойлашуви (TriStream роторининг қаттиқ дон учун мўлжалланган конфигурацияси)



H82830—UN—23MAR05

ҚАЙД: Агар зич қадоқли конфигурация зарур бўлса, қаттиқ дон учун мўлжалланган конфигурацияга ротор ичидаги "О" тамғаси қўйилган ўринларга қўшимча элементларни ўрнатиш мумкин.

Янчиш элементи гуруҳлари (Роторнинг қаттиқ дон учун мўлжалланган конфигурацияси)	**Сепаратор тиши гуруҳи (Роторининг қаттиқ дон учун мўлжалланган конфигурацияси)**
Элементларнинг 1-гуруҳи = 1, 2, 3	**Тишларнинг 1-гуруҳи =** 1, 4, 5
Элементларнинг 2-гуруҳи = 4, 5, 6	**Тишларнинг 2-гуруҳи =** 2, 3, 6
Элементларнинг 3-гуруҳи = 8, 10, 12	**Тишларнинг 3-гуруҳи =** 8, 9, 11
Элементларнинг 4-гуруҳи = 14, 16, 18	**Тишларнинг 4-гуруҳи =** 7, 10, 12
Элементларнинг 5-гуруҳи = 19, 21, 23	**Тишларнинг 5-гуруҳи =** 13, 16, 18
	Тишларнинг 6-гуруҳи = 14, 15, 17
	Тишларнинг 7-гуруҳи = 19, 22, 23
	Тишларнинг 8-гуруҳи = 20, 21, 24

OUO6075,0000B81-UZ-22MAR11

Янчиш элементи ва сепаратор тиши жойлашуви (TriStream роторининг зич қадоқ учун мўлжалланган конфигурацияси)



H82364—UN—03FEB05

ҚАЙД: Зич қадоқ конфигурацияси фақат дала шароитида жиҳозланади.

Янчиш элементи гуруҳлари (Роторнинг зич қадоқ учун мўлжалланган конфигурацияси)	Сепаратор тиши гуруҳи (Роторининг зич қадоқ учун мўлжалланган конфигурацияси)
Элементларнинг 1-гуруҳи = 1, 2, 3	**Тишларнинг 1-гуруҳи =** 1, 4, 5
Элементларнинг 2-гуруҳи = 4, 5, 6	**Тишларнинг 2-гуруҳи =** 2, 3, 6
Элементларнинг 3-гуруҳи = 7, 9, 11	**Тишларнинг 3-гуруҳи =** 8, 9, 11
Элементларнинг 4-гуруҳи = 8, 10, 12	**Тишларнинг 4-гуруҳи =** 7, 10, 12
Элементларнинг 5-гуруҳи = 13, 15, 17	**Тишларнинг 5-гуруҳи =** 13, 16, 18
Элементларнинг 6-гуруҳи = 14, 16, 18	**Тишларнинг 6-гуруҳи =** 14, 15, 17
Элементларнинг 7-гуруҳи = 19, 21, 23	**Тишларнинг 7-гуруҳи =** 19, 22, 23
Элементларнинг 8-гуруҳи = 20, 22, 24	**Тишларнинг 8-гуруҳи =** 20, 21, 24

OUO6075,0000B80-UZ-22MAR11

Янчиш элементлари ва тишлари (Ўзгарувчан оқимли ротор)—Олиб қўйиш ва ўрнатиш

Янчиш элементлари



H94732—UN—22SEP09

A—Қалпоқчали винтлар
B—Резбали планка
C—Янчиш элементи

МУҲИМ: Ротор мувозанатга келтирилган қурилма ҳисобланади. Мувозанатни сақлаш учун элементлар учталик гуруҳда алмаштирилиши зарур. Биттадан ортиқ тўпламни ўрнатишда, элементларни бир бирига аралаштирманг ва қўшманг. Алмаштириш тўпламларини сервис қисмлар орқали олиш мумкин,уларнинг таркибида янги қалпоқчали винтлар ва олдиндан ўрнатилган резба қулфи ва прокладка мавжуд. Ҳар доим эҳтиёт қисмлар сифатида келган қалпоқчали винтлардан фойдаланинг. Элементлар бўшаб қолса машинага шикаст етказилиши мумкин.

1. Моторни ЎЧИРИНГ, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.
2. Янчиш элементлари билан ишлашга йўл очиш учун камгакнинг бўлимларини ечиб олинг.

ҚАЙД: Машина моделининг вариантига боғлиқ равишда, қуйидаги бўлимга мурожаат қилинг:

- *Камгак бўлими (Камгакни стандарт ростлаш) - Олиб қўйиш ва ўрнатиш*
- *Камгак бўлимлари (Камгакни фаол изоляция қилиш) - Олиб қўйиш ва ўрнатиш*

3. KXE10110 тирқиш ўлчагич ёрдамида янчиш элементлари қопламаларини текширинг.
4. Қалпоқчали винтларни ечиб олинг ва ташлаб юборинг (A) ва керак бўлса, янчиш элементининг (C) резьбали планкасини (B) қолдиринг.



H94747—UN—24SEP09



H97768—UN—25AUG10

Тўлиқ ўрнатилган



H97769—UN—26AUG10

Тўлиқ ўрнатилмаган

A—Янчиш элементи
B—Элемент втулкаси
C—Ротор асоси тирқиши
D—Резбали планка
E—Қалпоқчали винтлар

5. Алмаштиришга мўлжалланган янчиш элементини (A) ротор асосига ўрнатинг. (Янчиш элементларини аниқлаш учун "Янчиш элементлар жойлашуви схемаси"дан фойдаланинг).

Янчиш элементи гуруҳлари
Элементларнинг 1-гуруҳи = 1, 2, 3
Элементларнинг 2-гуруҳи = 4, 5, 6
Элементларнинг 3-гуруҳи = 7, 8, 9
Элементларнинг 4-гуруҳи = 10, 11, 12

Элементларнинг 5-гуруҳи = 13, 14, 15

6. Элемент планкаси (B) ротор асосидаги тирқишлар орқали (C) тўлиқ ўрнатилганига ишонч ҳосил қилинг.
7. Аввалроқ олиб қўйилган резбали планкани (D) ва машина билан бирга келтирилган қалпоқчали винтларни (E) ўрнатинг.
8. Қалпоқчали винтларни керакли даражада қотиринг.

Характеристика	
Янчиш элементлари қалпоқчали винтлар—Айланиш моменти	87 ± 9 Н м (64 ± 7 фунт/фут)

МУҲИМ: Қотирилгандан кейин элементлар ўз ўринларида рисоладагидай ўрнатилганига ишонч ҳосил қилинг.

Шоли янчиш элементлари жўхори-дон янчиш элементларидан баландроқ бўлади. Камгакнинг горизонтал сатҳи созланган бўлиши шарт.

9. Камгакнинг горизонтал сатҳини созланг. Ушбу бўлимда "Камгак горизонтал сатҳини ростлаш"га қаранг.
10. Камгакнинг горизонтал сатҳини созланг.

ҚАЙД: Машина моделининг вариантига боғлиқ равишда, қуйидаги бўлимга мурожаат қилинг:

- *Камгак сатҳини ростлаш (Камгакни стандарт ростлаш)*
- *Камгак сатҳини ростлаш (Камгакни фаол изоляция қилиш)*

Сепаратор тишлари



H94733—UN—22SEP09

A—Юмалоқ қалпоқчали винтлар
B—Контргайка (2 та)
C—Сепаратор тишлари

МУҲИМ: Ротор мувозанатга келтирилган қурилма ҳисобланади. Тишларни мувозанатни сақлаш учун жуфтликда алмаштириш зарур. Биттадан ортиқ тўпламни ўрнатишда, тишларни бир бирига аралаштирманг ва қўшманг. Ҳар доим эҳтиёт қисмлар сифатида келган қалпоқчали винтлардан фойдаланинг. Тишлар бўшаб қолса машинага шикаст етказилиши мумкин.

1. Сепаратор тишларига йўл очиш учун сепаратор панжараларини чиқариб қўйинг.

ҚАЙД: Машина моделининг вариантига боғлиқ равишда, қуйидаги бўлимга мурожаат қилинг:

- *Камгак бўлими (Камгакни стандарт ростлаш) - Олиб қўйиш ва ўрнатиш*
- *Камгак бўлимлари (Камгакни фаол изоляция қилиш) - Олиб қўйиш ва ўрнатиш*

2. KXE10110 тирқиш ўлчагич ёрдамида сепаратор тишлари қопламаларини текширинг.

ҚАЙД: Чиқариб олиш осон бўлиши учун, ротор узатмасини нейтрал ҳолатга ўтказинг.

3. Зарур бўлганда, юмалоқ қалпоқчали қалпоқчали винтларни (A), гайкаларни (B) ва сепаратор тишларини (C) чиқариб олиб, ташлаб юборинг.



H94751—UN—25SEP09

A—Сепаратор тиши
B—Ротор асоси
C—Юмалоқ қалпоқчали винтлар
D—Гайкалар

МУҲИМ: Сепаратор тишларини лозим мувозанатни сақлаш учун жуфтликда алмаштириш зарур.

Сепаратор тишлари жуфтликлари	
1-2	11-12
3-4	13-14
5-6	15-16
7-8	17-18
9-10	19-20

4. Машина билан бирга келтирилган сепаратор тишини (A) ротор асосига (B) ўрнатинг. (Сепаратор тишларини аниқлаш учун "Сепаратор тишларининг жойлашуви схемаси"га қаранг).
5. Машина билан бирга келтирилган юмалоқ қалпоқчали қалпоқчали винтларни ўрнатинг (C) ва гайкалар (D) билан қотиринг.
6. Гайкаларни спецификацияларга мувофиқ қотиринг.

Характеристика	
Тишлар учун қалпоқчали винтлар—Айланиш моменти	75 ± 11 Н м (55 ± 8 фунт/фут)

OUO6075,0001805-UZ-13MAY14

Янчиш элементи ва сепаратор тиши жойлашуви (ўзгарувчан оқимли стандарт конфигурацияли ротор)



H94731—UN—09MAR10
OUO6075,0000B83-UZ-07APR11

Янчиш элементи ва сепаратор тиши жойлашуви (Ўзгарувчан оқимли зич қадоқли конфигурацияли ротор)



H94748—UN—08MAR10
OUO6075,0000B84-UZ-07APR11

Posi-Torq™ сепаратори—Икки хил диапазонли



H96715—UN—02JUN10



H96936—UN—17JUN10

A—Дастак
B—Паст тезлик ҳолати (1)
C—Юқори тезлик ҳолати (2)

ДИҚҚАТ: Posi-Torq™ сепараторини суришдан олдин двигателни ЎЧИРИНГ, қўл тормозини ўрнатинг ва калитни чиқаринг.

Posi-Torq – Deere & Company савдо белгиси

ҚАЙД: Шикастланишнинг олдини олиш учун дони йирик экинлар учун энг паст тезликни танланг.

Паст тезликдан юқори тезликка ўтиш учун ёки юқори тезликдан паст тезликка ўтиш учун, дастани (A) белгиланган нейтрал ҳолатга буринг.

Паст тезлик ҳолати (B) учун, дастани сепараторни ён листи томон итаринг.

Юқори тезлик ҳолати (C) учун, дастани сепараторни ён лист томонидан тортинг.

Узатмани тўла ишга солиш учун, ўтказиш дастасини қимирлатиб турли тезлик шкивларини бироз айлантириш зарур бўлиши мумкин.

ҚАЙД: Шестернялар тўлиқ ишга тушганига ишонч ҳосил қилинг.

Сепаратор ишини бир тезликдан иккинчисига ўтказишда тезлик диапазонини тўғри билиш учун ЁҚИЛГАН ва ЎЧИРИЛГАН ҳолатларини алмаштириб кўринг (ўчириб-ёқиб кўринг).

Дақиқасига 530 айланиш тезлиги билан узоқ вақт ишлашда паст тезлик режимига ўтинг.

OUO6075,00045D0-UZ-20MAR17

Сепаратор узатмаси шкивидаги оралиқ масофа - Ростлаш



H75081—UN—07FEB03



H101227—UN—26APR11

A—Қалпоқчали винтлар (4 та)
B—Гайка
C—Тортувчи муфта

МУҲИМ: Агар оралиқ10 мм (3/8 дюймдан) катта бўлса, шкив юришини чеклайди. Агар узатма турли тезлик диапазонларининг юқори томонида ишлатилса қуйидаги носозликлардан бири содир бўлиши мумкин:

- **Ременнинг тортилиши ёки узилиб кетиши**
- **Подшипник ёки ўқнинг синиши/ишдан чиқиши**

Агар оралиқ 6 мм (1/4 дюймдан) катта бўлса, айланиш моментини сезиш чекланади. Агар узатма турли тезлик диапазонларининг паст томонида ишлатилса қуйидаги носозликлардан бири содир бўлиши мумкин:

- **Ремень узилиши**
- **Ременнинг сирғалиб чиқиб кетиши**

Турли тезлик диапазонининг юқори тезлик томонида ишлаётганда юқори тезликка эришишнинг имкони бўлмаса ёки турли тезлик узатмасини паст тезликда ишлатганда тасма сирғалиб чиқиб кетган бўлса, оралиқнинг тўғрилигини текширинг. Аъло самарага эришиш учун, оралиқ масофани (тирқишни) спецификацияларга мувофиқ ўрнатинг.

Характеристика

Шкивлар—Тирқиш. . . . . 8 мм + 2 мм
(5/16 дюйм ± ва 1/16 дюйм)

Сепаратор қўшилган ҳолатда, сепаратор узатмасини энг паст тезликка ўтказиш билан айланаётган шкивларни ёпинг.

ДИҚҚАТ: Моторни ЎЧИРИНГ, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.

Узатмалар қутиси атрофидаги қалпоқчали винтларни (A) бўшатинг.

ҚАЙД: Ременни шкивлар орасида рисоладагидек ўрнатиш учун узатмалар қутисини нейтрал ҳолатга қўйинг. Тортувчи муфтани ростлаш учун шкивларни қўлда айлантиринг.

Ҳаракатланадиган шкивлар орасида керакли тирқишга эришиш учун гайкани (B) бўшатинг ва тортиш муфтасини (C) ростланг.

Характеристика

Шкивлар—Тирқиш. . . . . 8 мм (5/16 дюйм)

Гайка (B) ва қалпоқчали винтларни (C) қотиринг.

Узатма қутиси корпусини керакли тезлик диапазони томонга ўтказинг.

OUO6075,00046EA-UZ-11APR17

Сепараторнинг турли тезликда ишлайдиган узатма ремени - Алмаштириш



H101228—UN—26APR11



H101229—UN—26APR11

A—Шланг
B—Тиқин
C—Қалпоқчали винтлар (4 та)
D—Гайка
E—Тортувчи муфта

Сепаратор қўшилган ҳолатда, сепаратор узатмасини энг паст тезликка ўтказиш билан айланаётган шкивларни ёпинг.

ДИҚҚАТ: Моторни ЎЧИРИНГ, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.

Узатма дастагини нейтрал ҳолатга қўйинг.

Иккита ключ ёрдамида, шлангни (A) айланувчи гидравлик муфтадан чиқаринг.

Мой бўшлиғини вакуумдан бўшатиш учун тиқинни (B) тозаланг ва ечиб қўйинг.

Узатма шкивларини чиқариб очинг.

ҚАЙД: Сепараторнинг турли тезликда ишлайдиган узатмаси ременига йўл очиш зарур бўлганда ҳимоя экранларини ечиб олинг.

Гайкани (D) бўшатинг ва узатмалар қутиси ва шкив мажмуини чапга суриш учун тортма муфтани (E) ростланг.

Гайкани (D) бўшатинг ва узатмалар қутиси ва шкив мажмуини чапга суриш учун тортма муфтани (E) мосланг.

Ременни ечиб олинг ва алмаштиринг. Ременни яхши жойлаш учун шкивларни қўлда айлантиринг.

Ҳаракатланадиган шкивлар орасидаги оралиқ масофа (тирқиш) спецификацияга мувофиқ бўлиши учун шкивларни айлантиринг ва тортма муфтани ростланг.

Характеристика

Шкивлар—Тирқиш. . . . . 8 мм (5/16 дюйм)

Гайка (D) ва қалпоқчали винтларни (C) қотиринг.

ҚАЙД: Аввалроқ сепараторнинг турли тезликда ишловчи узатмаси ременига йўл очиш учун олиб қўйилган ҳимоя экранини ўрнатинг.

Тиқинни (B) ва гидравлик шлангни (A) узатма шкивига ўрнатинг.

Узатма қутиси корпусини керакли тезлик диапазони томонга ўтказинг.

Двигателни ёқинг ва сепараторни қўшинг. Турли тезликда ишлайдиган узатмани бир неча марта турли тезлик диапазонларида ишлатиб кўринг. Сепаратор узатмасини ўчиринг.

ҚАЙД: Бир неча соатдан кейин шкивлар орасидаги тирқишни яна текшириб кўринг ва зарур бўлса ростланг.

OUO6075,00046EB-UZ-11APR17

Шнек остки қисми тақсимловчиси



H83545—UN—20MAY05

A—Шнек остки қисми ажратувчилари

Дон исрофини олдини олиш ёки адирли дойда ўрим-йиғим пайтида материалнинг бир томонга тўпланишига йўл қўймаслик учун шнек остки қисми ажратувчиларини (A) тепага кўтаринг.

OUO6075,0000755-UZ-20MAR07

Чиқариш битери ремени - Ростлаш



H108263—UN—18JUN13

А услуб



H108264—UN—18JUN13

В услуб

A—Гайка
B—Гайка
C—Шайба
D—Ўлчагич

⚠ ДИҚҚАТ: Моторни ЎЧИРИНГ, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.

Гайкани (A) бўшатинг ва шайба (C) ўлчагич планкасининг охири (D) ва поғона ости орасида жойлашгунга қадар гайкани (B) қотиринг. Контргайкани қотиринг.

OUO6075,000438F-UZ-10OCT16

Чиқариш битери ремени—Алмаштириш



H108265—UN—18JUN13

А услуб



H108266—UN—18JUN13

В услуб

А—Қалпоқчали винтлар
В—Шчит

⚠ ДИҚҚАТ: Моторни ЎЧИРИНГ, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.

Қалпоқчали винтларни (А) ва ҳимоя экранини (В) машинанинг чап орқа томонидан ечиб олинг.



H108267—UN—18JUN13

А услуб



H108268—UN—18JUN13

В услуб

А—Гайкалар
В—Чиқариш битери ремени

Гайкаларни (А) бўшатинг ва шкивдан ременни (В) ечиб олинг.

Сочгич ўрнатилган машиналар



H99547—UN—05JAN11

А—Қалпоқчали винтлар
В—Шчит

Қалпоқчали винтлар (А) ва ҳимоя экранни (В) ечинг.



H100562—UN—03MAR11

A—Чиқариш битери ремени

Оралиқ ўқдан ременни (A) чиқариб ечиб олинг.

Алмаштириш учун олинган чиқариш битери ременини оралиқ ўққа ўрнатинг.

Аввалроқ ечиб олинган ҳимоя экрани ва қалпоқчали винтларни ўрнатинг.

Қирққич ўрнатилган машиналар



H108269—UN—18JUN13

A услуб



H108270—UN—18JUN13

B услуб

A—Гайкалар
B—Ички қирққич узатма ремени
C—Чиқариш битери ремени

Қирққич мажмуини чап томон листдаги включатель билан бирга тўлиқ кўтаринг ва қирққич ҳимоя экранларини ечиб олинг.

ҚАЙД: Қайта ўрнатишда ёрдам бериши мақсадида таранглагичнинг гайкаларни бўшатишдан олдин ўрнини белгилаб қўйинг.

Гайкаларни (A) бўшатинг ва шкивдан ички ременни (B) ечиб олинг.

Ременни (C) қирққич оралиқ ўқидан чиқаринг ва олиб қўйинг.



H108271—UN—18JUN13

A услуб



H108272—UN—18JUN13

В услуб



H108273—UN—18JUN13

А услуб

A—Чиқариш битери ремени
B—Ички қирққич узатма ремени
C—Гайка
D—Шайба
E—Ўлчагич
F—Контргайка

Алмаштириш учун олинган чиқариш битери ременини (A) қирққич оралиқ ўқига ўрнатинг.

Ички ременни (B) ўрнатинг ва ремень шкивлар билан рисоладагидек ўрнашганига ишонч ҳосил қилинг.

Қирққич мажмуини чап томон листдаги включатель билан бирга тўлиқ пастга туширинг.

Гайкани (C) шайба (D) кўрсаткич планканинг чети (E) ва поғонанинг остига ўрнагунча қотиринг. Контргайкани (F) қотиринг.

Аввалроқ ечиб олинган қирққич ҳимоя экранларии ўрнатинг.



H108274—UN—18JUN13

В услуб

A—Чиқариш битери ремени
B—Гайка
C—Шайба
D—Ўлчагич
E—Контргайка

Чиқариш битери ременини (A) шкив устига ўрнатинг.

Гайкани (B) шайба (C) ўлчагич планкаси (D) ва поғона ости орасида ўрнашгунча қотиринг. Контргайкани (E) қотиринг.



H108265—UN—18JUN13

А услуб



H108266—UN—18JUN13

В услуб

А—Қалпоқчали винтлар
В—Шчит

Шчитни (Б) ўрнатинг ва қалпоқчали винтлар (А) билан маҳкамланг.

OUO6075,000438E-UZ-10OCT16

Чиқариш битерининг емирилишни олдини олувчи қопламалари - Алмаштириш (5 ва 10-Қанотсимон тури)



H109628—UN—14JAN14



H109629—UN—14JAN14

А—Юмалоқ қалпоқчали винтлар
В—Чиқариш битерининг емирилишни олдини олувчи қопламаси
С—Қалпоқчали винтлар
D—Чиқариш битери қанотлари

ДИҚҚАТ: Моторни ЎЧИРИНГ, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.

ҚАЙД: Емирилишнинг олдини олувчи қопламаларни қўшимча фойдаланиш учун ўгириб қўйиш мумкин.

Чиқариш битерининг қанотлари ва емирилишни олдини олувчи қопламаларини чиқариш битерини ечмасдан алмаштириш мумкин.

ҚАЙД: Чиқариш битери машинадан ечилса, ёки унга техник хизмат кўрсатилган бўлса, қисувчи болтларни қанотларни маҳкамлашдан олдин қотиринг.

Зарур бўлганда, юмалоқ қалпоқчали винтларни ечиб олинг (А) ва чиқариш битерининг емирилишини олдини олувчи қопламаларини (В) алмаштиринг. Юмалоқ қалпоқчали винтларни керакли даражада қотиринг.

Характеристика

Чиқариш битерининг емирилишининг олдини олувчи қопламаларнинг юмалоқ қалпоқчали болтлари—Айланиш моменти. . . . . 70 Н м (52 фунт/фут)

Зарур бўлганда, қалпоқчали винтларни (С) ечиб олинг ва чиқариш битерининг емирилишини олдини олувчи қопламаларини алмаштиринг. Қалпоқчали винтларни керакли даражада қотиринг.

Характеристика

Чиқариш битери қанотининг қалпоқчали винтлар—Айланиш моменти. . . . . 70 Н м (52 фунт/фут)

OUO6075,000464E-UZ-13MAR17

Чиқариш битерининг емирилишининг олдини олувчи қопламалари - Алмаштириш (8-қанот услуби)



H85626—UN—27MAR06



H85627—UN—27MAR06

Чиқариш битерининг қанотлари ва емирилишининг олдини олувчи қопламалари (Стандарт)

A—Юмалоқ каллакли болтлар
B—Чиқариш битерининг емирилишни олдини олувчи қопламаси
C—Қалпоқчали винтлар
D—Чиқариш битери қанотлари

ДИҚҚАТ: Моторни ЎЧИРИНГ, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.

ҚАЙД: Емирилишнинг олдини олувчи қопламаларни қўшимча фойдаланиш учун ўгириб қўйиш мумкин.

Чиқариш битерининг қанотлари ва емирилишни олдини олувчи қопламаларини чиқариш битерини ечмасдан алмаштириш мумкин. Лозим мувозанатни сақлаш мақсадида чиқариш битери қанотларини қарама-қарши жуфтликда алмаштиринг.

ҚАЙД: Чиқариш битери машинадан ечилса, ёки унга техник хизмат кўрсатилган бўлса, қисувчи болтларни қанотларни маҳкамлашдан олдин қотиринг.

Заруратга кўра, юмалоқ каллакли болтларни ечиб олинг (A) ва чиқариш битерининг емирилишининг олдини олувчи қопламаларни (B) алмаштиринг.

Юмалоқ каллакли болтларни керакли даражада қотиринг.

Характеристика

Чиқариш битерининг емирилишининг олдини олувчи қопламарнинг юмалоқ қалпоқчали винтлари—Айланиш моменти. . . . . 70 Н м (52 фунт/фут)

Зарур бўлганда, қалпоқчали винтларни (C) ечиб олинг ва чиқариш битерининг емирилишини олдини олувчи қопламаларини алмаштиринг. Қалпоқчали винтларни керакли даражада қотиринг.

Характеристика

Чиқариш битери қанотининг қалпоқчали винтлар—Айланиш моменти. . . . . 70 Н м (52 фунт/фут)

OUO6075,000464F-UZ-20MAR17

Зич ўсувчи донли экинлар учун чиқариш битерининг емирилишининг олдини олувчи қоплама - Алмаштириш



H107173—UN—06MAR13



H107174—UN—06MAR13

Чиқариш битерининг қанотлари ва емирилишининг олдини олувчи қопламалари (Зич ўсувчи донли экинлар)

A—Юмалоқ қалпоқчали винтлар
B—Чиқариш битерининг емирилишни олдини олувчи қопламаси
C—Қалпоқчали винтлар
D—Чиқариш битери қанотлари

ДИҚҚАТ: Моторни ЎЧИРИНГ, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.

Чиқариш битерининг қанотлари ва емирилишни олдини олувчи қопламаларини чиқариш битерини ечмасдан алмаштириш мумкин. Лозим мувозанатни сақлаш мақсадида чиқариш битери қанотларини қарама-қарши жуфтликда алмаштиринг.

ҚАЙД: Агар чиқариш битери машинадан ечилса, ёки унга техник хизмат кўрсатилган бўлса, қисувчи болтларни қанотларни маҳкамлашдан олдин қотиринг.

Чиқариш битерининг емирилишини олдини олувчи қопламаларини алмаштираётганда, ҳар доим метал қисмларни ҳам алмаштиринг.

Зарур бўлганда, юмалоқ қалпоқчали винтларни ечиб олинг (A) ва чиқариш битерининг емирилишини олдини олувчи қопламаларини (B) алмаштиринг. Юмалоқ қалпоқчали винтларни керакли даражада қотиринг.

Характеристика	
Чиқариш битерининг емирилишининг олдини олувчи қопламаларнинг юмалоқ қалпоқчали болтлари—Айланиш моменти	107 Н м (79 фунт/фут)

Зарур бўлганда, қалпоқчали винтларни (C) ечиб олинг ва чиқариш битерининг емирилишини олдини олувчи қопламаларини алмаштиринг. Қалпоқчали винтларни керакли даражада қотиринг.

Характеристика	
Чиқариш битери қанотининг қалпоқчали винтлар—Айланиш моменти	70 Н м (52 фунт/фут)

OUO6075,0004A14-UZ-09AUG18

Устидан ўтказувчи тўқмоқ ремени (жиҳозланган бўлса) - Ростлаш



H114991—UN—08JUL15

A—Гайка
B—Гайка
C—Шайба
D—Ўлчагич

ДИҚҚАТ: Моторни ЎЧИРИНГ, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.

Гайкани (A) бўшатинг ва шайба (C) ўлчагич планкасининг охири (D) ва поғона ости орасида жойлашгунга қадар гайкани (B) қотиринг. Контргайкани қотиринг.

OUO6075,000438D-UZ-12OCT16

Устидан ўтказувчи тўқмоқ ремени (жиҳозланган бўлса) - Алмаштириш



H114992—UN—08JUL15

A—Қалқонлар

ДИҚҚАТ: Моторни ЎЧИРИНГ, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.

Машинанинг ўнг орқа томонидан қалпоқчали винтлар ва ҳимоя экранларини (A) ечиб олинг.



H98551—UN—12OCT10

A—Гайкалар
B—Устидан ўтказувчи тўқмоқ ремени

Гайкаларни (A) бўшатинг ва шкивдан ременни (B) ечиб олинг.

Алмаштиришга мўлжалланган ременни ўрнатинг ва таранглovчи асбобни шайба ўлчагич планкаси ва поғона остки қисми орасида жойлашгунча ростланг. Контргайкани қотиринг.

Ҳимоя экранини ўрнатинг ва қалпоқчали винтлар билан қотиринг.

OUO6075,0004389-UZ-12OCT16

Устидан ўтказувчи тўқмоқ (жиҳозланган бўлса) — Қанотларни алмаштириш



H120581—UN—23JAN17



H120582—UN—23JAN17

Устидан ўтказувчи тўқмоқ қанотлари ва емирилишининг олдини олувчи қопламалари

A—Думалоқ каллакли болт
B—Устидан ўтказувчи тўқмоқ емирилиши олдини олувчи қопламалари
C—Ариқча
D—Қалпоқчали винт
E—Устидан ўтказувчи тўқмоқ қаноти

ДИҚҚАТ: Моторни ЎЧИРИНГ, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.

ҚАЙД: Қанотлар қўшимча фойдаланиш учун ўгириб қўйилиши мумкин эмас.

Устидан ўтказувчи тўқмоқ қанотлари ва емирилишни олдини олувчи қопламаларини устидан ўтказувчи тўқмоқни ечмасдан алмаштириш мумкин. Лозим мувозанатни сақлаш мақсадида устидан ўтказувчи тўқмоқ қанотларини қарама-қарши жуфтликда алмаштиринг.

ҚАЙД: Агар устидан ўтказувчи тўқмоқ машинадан ечилса, ёки унга техник хизмат кўрсатилган бўлса, қисувчи болтларни қанотларни маҳкамлашдан олдин қотиринг. Қалпоқчали винтларни белгиланган даражада қотиринг.

1. Заруратга кўра, юмалоқ каллакли болтларни (A) ечиб олинг ва устидан ўтказувчи тўқмоқ емирилишини олдини олувчи қопламаларини (B) алмаштиринг.
2. Расмда кўрсатилганидек, устидан ўтказувчи тўқмоқ емирилишининг олдини олувчи қопламаларни ариқчанинг (C) охиригача ростланг.
3. Юмалоқ каллакли болтларни керакли даражада қотиринг.

Характеристика	
Устидан ўтказувчи тўқмоқ емирилишининг олдини олувчи қопламаларнинг юмалоқ каллакли болтлар—Айланиш моменти	79 Н·м (58 фунт/фут)

4. Зарур бўлганда, қалпоқчали винтларни (C) ечиб олинг ва устидан ўтказувчи тўқмоқ емирилишини олдини олувчи қопламаларини алмаштиринг. Қалпоқчали винтларни белгиланган даражада қотиринг.

Характеристика	
Устидан ўтказувчи тўқмоқ қанотининг қалпоқчали винтлар—Айланиш моменти	79 Н·м (58 фунт/фут)

OUO6075,00050C7-UZ-14MAY21

Тақсимлаш ўқининг ўнг томон олд қисми ремени - Ростлаш



H96938—UN—17JUN10

A—Гайка
B—Гайка
C—Шайба
D—Ўлчагич

ДИҚҚАТ: Моторни ўчиринг, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.

Гайкани (A) бўшатинг ва гайкани (B) шайба (C) ўлчагич планкасининг охири (D) ва поғона ости орасида жойлашгунча қотиринг. Контргайкани қотиринг.

OUO6075,00007F8-UZ-17JUN10

Тақсимлаш ўқининг ўнг томон олд қисми ремени - Алмаштириш



H96924—UN—16JUN10

A—Гайкалар
B—Ўнг томон олд қисми ремени

ДИҚҚАТ: Моторни ўчиринг, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.

Гайкаларни (A) бўшатинг ва ременни (B) ечиб олинг.

Алмаштиришга мўлжалланган ременни ўрнатинг ва таранглovчи асбобни шайба ўлчагич планкаси ва поғона остки қисми орасида жойлашгунча ростланг. Контргайкани қотиринг.

OUO6075,00007F9-UZ-17JUN10

Контрузатма ўқининг ўнг томон орқа қисми ремени - Ростлаш



H96939—UN—17JUN10

A—Гайка

B—Гайка
C—Шайба
D—Ўлчагич

ДИҚҚАТ: Моторни ўчиринг, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.

Гайкани (A) бўшатинг ва гайкани (B) шайба (C) ўлчагич планкасининг охири (D) ва поғона ости орасида жойлашгунча қотиринг. Контргайкани қотиринг.

OUO6075,00007FA-UZ-17JUN10

Контрузатма ўқининг ўнг томон орқа қисми ремени - Алмаштириш



H96940—UN—17JUN10

A—Гайкалар
B—Контрузатма ўқининг олд қисми ремени
C—Контрузатма ўқининг орқа қисми ремени

ДИҚҚАТ: Моторни ўчиринг, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.

Гайкаларни (A) бўшатинг ва ўнг томон олд қисм контузатма ўқи ременини (B) ечиб олинг.

Гайкаларни (A) бўшатинг ва орқа қисм контрузатма ўқи ременини ечиб олинг (C).

Алмаштиришга мўлжалланган ременни ўрнатинг ва таранглovчи асбобни шайба ўлчагич планкаси ва поғона остки қисми орасида жойлашгунча ростланг.

Алмаштиришга мўлжалланган ременни ўрнатинг ва таранглovчи асбобни шайба ўлчагич планкаси охири ва поғона ости орасига ўрнашгунча ростланг.

OUO6075,00007FB-UZ-22JUN10

Тозалагичнинг вентиляция каналлари ва кириш эшикчасини тозалаш



H115537—UN—20AUG15

A—Вентиляция каналлари (2та)
B—Қисқич
C—Қулфлаш
D—Тозалагичнинг кириш эшикчасини тозалаш

ДИҚҚАТ: Моторни ЎЧИРИНГ, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.

Вентиляция каналларида (A) топилган ҳар қандай материални чиқариб ташланг.

ҚАЙД: Тозалаш башмагининг кириш эшикчасини фақат машинанинг чап томонида жойлашган.

Қисқични (B) очинг ва тозалаш башмагининг кириш эшикчасини (D) очиш учун қулфни (C) буранг.

Кириш эшикчасини очиш операторга хом дон панжарасини, элакни ростлашда, ёки тозалаш башмаги атрофини тозалашда тозалаш башмаги ҳудудига йўл очади.

Кириш эшикчасини ёпинг ва қулф ва қисқични маҳкамланг.

OUO6075,0004E8B-UZ-16JUN20

Тозалаш башмаги шнеки узатмалари - қўлда тозалаш эшикчаси (жиҳозланган бўлса)



H102538—UN—29JUN11

A—Тозалаш эшикчаси

ДИҚҚАТ: Моторни ЎЧИРИНГ, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.

Операторга тозалаш башмаги шнеки узатмалари ҳудудини тозалаш ва текшириш имконини беради.

1. Тозалаш эшикчасидан қалпоқчали винтларни (A) тоза жойга чиқариб қўйинг.
2. Машинани ишга туширишдан олдин тозалаш эшикчасини ёпинг.

OUO6075,0004E8C-UZ-08JUL20

Тозалаш башмаги шнеклари узатмалари - Тозалаш эшикчаси (агар ўрнатилган бўлса)



H95822—UN—24MAR10

A—Очиш штифти
B—Дастак
C—Тозалаш эшикчаси
D—Ёпиқ ҳолат
E—Очиқ ҳолат

ДИҚҚАТ: Моторни ўчиринг, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.

Операторга тозалаш башмаги шнеки узатмалари ҳудудини тозалаш ва текшириш имконини беради.

Очиш штифтини (A) ечиб олинг ва тозалаш эшикчасини (C) очиш ёки ёпиш учун дастани (B) буранг.

Дастани керакли ҳолатга буранг:

- Ёпиқ ҳолат (D)
- Очиқ ҳолат (E)

OUO6075,0000F8B-UZ-09FEB12

Тозалагич, вентилятор ва транспортер шнеклари ремени—Ростлаш



H116821—UN—07JAN16

Ҳимоя экрани аниқлик учун олиб қўйилган

A—Гайка
B—Гайка
C—Шайба
D—Ўлчагич

ДИҚҚАТ: Моторни ЎЧИРИНГ, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.

Гайкани (A) бўшатинг ва шайба (C) ўлчагич планкасининг охири (D) ва поғона ости орасида жойлашгунга қадар гайкани (B) қотиринг. Контргайкани қотиринг.

OUO6075,00041C4-UZ-11APR16

Тозалагич, вентилятор ва конвейер шнеклари ремени—Алмаштириш



H116823—UN—07JAN16



H54683—UN—17MAY99

Ременни йўналтириш

A—Гайкалар
B—Шплинт
C—Ремень

ДИҚҚАТ: Моторни ЎЧИРИНГ, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.

Ўнг томон олд қисм контрузатма ўқи ремени ва тозалаш вентиляторининг кўп тезликда ишлайдиган узатмаси ременларини ечиб олинг.

Гайкаларни (A) бўшатинг ва шплинтни (B) таранглаш стерженидан ечиб олинг.

Тозалагич, вентилятор ва коевейер шнеклари ременини ечиб олинг (C).

Алмаштиришга мўлжалланган ременни ўрнатинг ва тарангловчи асбобни шайба ўлчагич планкаси ва поғона остки қисми орасида жойлашгунча ростланг.

Таранглаш стерженини жойлаштиринг ва шплинтни ўрнатинг.

Олд қисм контрузатма ўқини, тозалаш вентилятори узатмасининг ременини ўрнатинг ва таранглаш стерженини шайба ўлчагич планкаси охири ва поғона ости орасига келгунча ростланг.

OUO6075,00041C5-UZ-11APR16

Тозалаш вентилятори редуктори (Active Terrain Adjustment™ сиз)—Ростлаш



H96946—UN—17JUN10

A—Гайкалар
B—Резбалар охири

ДИҚҚАТ: Моторни ЎЧИРИНГ, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.

ҚАЙД: Тозалаш вентиляторининг минимал/максимал тезлиги электрон тарзда назорат қилинади. Агар электр мосламаларда бузилиш бўлса, тўхтатиш гайкалари узатманинг ҳимоясини таъминлайди. Гайкалар кўрсатилганидек ўрнатилиши керак.

Гайкалар (A) расмда кўрсатилгандек резбалар (B) охирида бирга тиқилишига ишонч ҳосил қилинг.

OUO6075,0004580-UZ-11JAN17

Тозалаш вентилятори редуктори (Active Terrain Adjustment™)—Ростлаш



H120470—UN—11JAN17

Тозалаш вентиляторининг минимал/максимал тезлиги электрон тарзда назорат қилинади, ростлашнинг ҳожати йўқ.

OUO6075,000457F-UZ-11JAN17

Тозалаш вентилятори редуктори (Active Terrain Adjustment™сиз)—Алмаштириш



H96945—UN—17JUN10

A—Пастки шкив
B—Тиргак дастаклар
C—Тепа шкив
D—Ремень

Двигателни ёқинг, сепараторни қўшинг ва вентиляторни паст тезликда ишлатинг.

Сепараторни узинг, двигателни ЎЧИРИНГ ва калитни чиқаринг.

⚠ ДИҚҚАТ: Моторни ЎЧИРИНГ, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.

Пастки шкивни (A) тўлиқ ишлаш ҳолатига келтириб пона билан маҳкамланг.

Тиргак дасталарни (B) узинг ва дасталарни тескари томонга буриб қўйинг.

Тепа шкивни (C) чиқаринг ва ременни (D) пастки шкивга тортиб қўйинг.

Алмаштиришга мўлжалланган ременни ўрнатинг, понани чиқариб олинг ва тиргак дасталарни уланг.

Тозалаш вентилятори тезлиги созлангалигини текширинг.

OUO6075,000457D-UZ-11JAN17

Тозалаш вентилятори редуктори (Active Terrain Adjustment™-ли) - Алмаштириш



H120469—UN—11JAN17

A—Пастки шкив
B—Пружинали штифт
C—Штифт
D—Тиргак дастаклар
E—Тепа шкив
F—Ремень

Двигателни ёқинг, сепараторни қўшинг ва вентиляторни паст тезликда ишлатинг.

Сепараторни узинг, двигателни ЎЧИРИНГ ва калитни чиқаринг.

⚠ ДИҚҚАТ: Моторни ЎЧИРИНГ, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.

Пастки шкивни (A) тўлиқ ишлаш ҳолатига келтириб пона билан маҳкамланг.

Пружинали штифтни (B) ва штифтни (C) редуктор двигателидан чиқаринг.

Тиргак дасталарни йўлдан четга чиқишига имкон беринг.

Тепа шкивни (E) чиқаринг ва тасмани (F) пастки шкивга тортиб қўйинг.

Алмаштиришга мўлжалланган ременни ўрнатинг, понани чиқариб олинг ва тиргак дасталарни уланг.

Тиргак дасталарни редуктор двигатели билан бирга ростланг ва аввалроқ очиб олинган штифтлар билан маҳкамланг.

Тозалаш вентилятори тезлиги созлангалигини текширинг.

OUO6075,000457E-UZ-11JAN17

Созланувчи олд ғалвир (жиҳозланган бўлса)



H120645—UN—31JAN17

A—Дастак

ДИҚҚАТ: Двигатель тасодифан ишга тушиб кетиши ва одамлар жароҳат олишининг олдини олиш учун двигателни ЎЧИРИНГ, тўхтаб туриш тормозини тортинг ва калитни чиқариб олинг.

Олд ғалвир билан ишлашга йўл очиш мақсадида сепаратор қопқоқларини олиб қўйинг.

Дастак (A) ёрдамида олд ғалвирни керакли ҳолатга келтиринг.

ҚАЙД: Дастак тўлиқ кўтарилганда, олд ғалвир тўлиқ ёпилган бўлади. Дастак тўлиқ туширилганда, ғалвири тўлиқ очилган бўлади. Битта арақча ўлчами тахминан 4 мм-га (5/32 дюймга) тенг.

OUO6075,00045AC-UZ-02FEB17

Ўрнатилган олд ғалвир



H54528—UN—01APR99

Ўрнатилган олд ғалвир 24 мм (25/16 дюйм)-га баландликда жойлашган.

Олд ғалвиридан ўтган экин материали тозалашни давом этиш учун ғалвирга тушади.

OUO6075,00045AF-UZ-02FEB17

Ғалвир ва элак — Ўлчамлар

Ғалвир оралиғи узунлиги



H89699—UN—21AUG07

A—Симдан-симгача

Машиналарга уч хил ғалвир ва иккита турли хилдаги элак ўрнатилган бўлиши мумкин.

- Чуқур тишли ғалвир ва элак
  - Ғалвир 41 мм (1-5/8 дюйм)
  - Элак 30 мм (1-3/16 дюйм)
- Умумий мақсадлар учун ғалвир ва элак
  - Элак 30 мм (1-3/16 дюйм)
  - Элак 30 мм (1–3/16 дюйм)
- Текис тишли тароқ ғалвир ва элак
  - Ғалвир 30 мм (1–3/16 дюйм)
  - Элак 30 мм (1–3/16 дюйм)

Ғалвир ва элак тирқиши томонининг узунлигини тўғри ўлчаш усули расмда кўрсатилган ва симдан-симгача (A) масофани ўлчашдан иборат. Бу усулни чуқур тишли, умумий мақсадлар учун мўлжалланган,

текис тишли тароқ ғалвири ёки элак ўрнатилган ҳолларда узунликни ўлчаш учун қўлласа бўлади.

Элак тирқиши томонининг узунлиги



H120674—UN—02FEB17

A—Томон узунлиги

Машиналарга икки хил элаклар ўрнатилган бўлиши мумкин.

- Чуқур тишли элак
  - Элак 22 мм (7/8 дюйм)
- Умумий мақсадлар учун элак
  - Элак 10 мм (3/8 дюйм)

Ғалвир тирқиши томонининг узунлигини (A) тўғри ўлчаш усули расмда кўрсатилган ва тирқиш остидан тирқиш томони тепасигача ўлчашдир. Бу усулни чуқур тишли ёки умумий мақсадларга мўлжалланган элак ўрнатилган ҳолларда қўлласа бўлади.

Тирқишлар орасидаги масофа



H92974—UN—03OCT08

A—Тирқишдан-тирқишгача

ҚАЙД: Ҳар доим томонлар узунлиги зарур нуқтага етганида ғалвир/элакларини ёпинг ва сўнг кераксиз бўшлиқни бартараф этиш учун тирқиш узунлигини зарур нуқтагача очинг.

Ғалвир ва элак тирқиши томонлари орасидаги масофани ўлчашнинг тўғри усули тирқишдан-тирқишгача (A) ўлчашдан иборат. Бу усулни ғалвири ёки элак тирқишлари томонлари орасидаги масофа дисплейда кўрсатилган кўрсаткичга мувофиқ бўлса, қўллаш мумкин.

OUO6075,000503A-UZ-14MAY21

Умумий мақсадлар учун ғалвир 30 мм (1-3/16 дюйм)



H54526—UN—01APR99

ҚАЙД: Кўрсатилган ўлчам симдан-симгача бўлган масофа.

Умумий мақсадлар учун қўлланиладиган ғалвирини маккажўхори, соя, оқ жўхори, майда донлар, ўт уруғлари ва бошқа махсус мўлжалланган экинлар учун ишлатса бўлади. Ушбу ғалвир қуруқ шароитлар учун тавсия қилинади ва жўхори барглари ва соя, кунгабоқар ва оқ жўхори пояларини "санчилиши"га бардошлидир.

OUO6075,00045B1-UZ-02FEB17

Чуқур тишли ғалвир 41 мм (1-5/8 дюйм)



H58751—UN—13JUL99

ҚАЙД: Кўрсатилган ўлчам симдан-симгача бўлган масофа.

Майда донлар, озиқ-овқат жўхориси ёки попкорн учун тавсия қилинмайди.

Чуқур тишли ғалвир ва чуқур тишли элак маккажўхорининг юқори намлиги ва юқори ҳосилдорлиги шароитларида ажратиш/ғалвирлашда

қўшимча ишлаб чиқариш самарадорлигини, маккажўхори ва соя ҳосилини йиғишда юқори ҳажмларни ва доннинг ўта тоза чиқишини таъминлайди.

OUO6075,000467C-UZ-20MAR17

Премиум сифатли маккажўхори ғалвири 41 мм (1-5/8 дюйм)



H124256—UN—17MAY18

ҚАЙД: Кўрсатилган ўлчам симдан-симгача бўлган масофа.

Юқори ҳосил берган нам маккажўхори (+25%) шароити учун тавсия қилинган.

Премиум сифатли маккажўхори ғалвири маккажўхори ҳосилини йиғишда энг юқори ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлаш учун лойиҳалаштирилган. Ғалвирдаги тирқиш томонининг узунроқ йиғилиши кўпроқ дон олиш имкониятини яратади, хусусан юқори ҳосилдор маккажўхорини йиғишда ёки қиялик майдонларда ҳосил йиғишда қўл келади. Чунки қиялик майдонларда катта тирқиш оралиғи тозалаш башмагининг самарадорлигини оширади.

Маккажўхори ҳосилини йиғиш учун Премиум сифатли Хом дон ғалвириинг бошқа афзаллик жиҳатлари қаторига қуйидагилар киради:

- Тозалашнинг қисқариши машина ортидан нобудгарчиликни камайишини кўрсатмоқда.
- Янада юқори сифатли ва тоза дон йиғиш учун хас-хашак қолдиқлари ҳажмининг қисқариши билан дон бункерида сўта бўлакларининг камайиши юқори сифатли дон ҳосили олишга эришилди.
- Маккажўхори ҳосилини йиғиш учун Премиум сифатли ғалвир конструкцияси юқори намлик шароитларда ортиқча материалнинг кам йиғилиши имконини беради.
- Ғалвир тирқиши томонининг четлари эгилганлиги туфайли, Премиум сифатли маккажўхори ҳосилини йиғиш ғалвирини тозалаш осон ва уни тозалашда шикастланиш эҳтимоли кам. Ғалвир тирқиши томонининг четга бурилганлик жиҳати туфайли майд-чуйда ўсимлик ўзак-илдизларининг элемент (ғалвир) орасидан ўтиб кетиши ёки унда тиқилиб қолиши эҳтимолини камайтиради.

OUO6075,0004944-UZ-25MAY18

Текис тишли тароқ ғалвир 30 мм (1–3/16 дюйм)



H125454—UN—06DEC18

ҚАЙД: Кўрсатилган ўлчам симдан-симгача бўлган масофа.

Текис тишли тароқ ғалвир учун умумий мақсадларга мўлжалланган ғалвиридагига қараганда ғалвир тирқиши орасидаги масофа 2-3 мм кенгроқ бўлиши ва вентилятор дақиқасига 50 айланишга кўпроқ тезликда ишлашини талаб қилади.

Текис тишли тароқ ғалвир одатда, хусусан, мураккаб шароитларда қипиқ қолдиқлари ҳажмини камайтиради ва дон бункеридаги сифатни оширади (бегона ўт кўп бўлганда ёки экинлар донларида попуклар жуда кўп бўлганда), масалан, канола, мойли дон (рапс) ва ясмиқни йиғишда. Бурилган ғалвир бармоқлари ғалвирдан узун хас-чўпларнинг ўтиб кетиши сонини камайтиради.

OUO6075,000503B-UZ-14MAY21

Умумий мақсадлар учун элак 30 мм (1 - 3/16 дюйм)



H54527—UN—01APR99

ҚАЙД: Кўрсатилган ўлчам симдан-симгача бўлган масофа.

Ушбу элак барча асосий кўп экиладиган экинлар ва кўплаб махсус экин турларини йиғиш учун мос келади.

OUO6075,00045B3-UZ-03FEB17

Чуқур тишли элак 30 мм (1 -3/16 дюйм)



H54526—UN—01APR99

ҚАЙД: Кўрсатилган ўлчам симдан-симгача бўлган масофа.

Майда донлар, озиқ-овқат жўхориси ёки попкорн учун тавсия қилинмайди.

Чуқур тишли ғалвир юқори намлик шароитида ва юқори ҳосил шароитида донни ажратиш/тозалашда қўшимча тозалаш самарадорлигини таъминлайди.

Чуқур тишли ғалвир билан бирга ушбу элак юқори ишлаб чиқариш самарадорлигини ва маккажўхори ва соя донларининг сифати ва тозалиги юқори бўлишини таъминлайди.

OUO6075,000467D-UZ-20MAR17

Ғалвир/элакни ростлаш тугмаси



H97564—UN—14SEP10

A—Ғалвирни ростлаш тугмаси
B—Элакни ростлаш тугмаси

МУҲИМ: Ғалвири/элакни ечиб олишда тирқишлар томонларига шикаст етказишнинг олдини олиш мақсадида ғалвир/элак тирқишларини ёпиб қўйинг.

Ғалвирни ростлаш тугмаси (A) ва элакни ростлаш тугмаси (B) машинанинг чап томонида жойлашган.

Ғалвири ва элакни ростлаш тугмаси операторга ғалвирни ёки элакни очиш ёки ёпишга ва аввалги ҳолатларга келтиришга ёрдам беради.

OUO6075,00007DC-UZ-21MAR11

Икки ҳудудли созланувчи орқа ғалвир - Ростлаш



H121327—UN—24APR17

A—Созлаш механизми

ДИҚҚАТ: Двигатель тасодифан ишга тушиб кетиши ва одамлар жароҳат олишининг олдини олиш учун двигателни ЎЧИРИНГ, тўхтаб туриш тормозини тортинг ва калитни чиқариб олинг.

Қирққич/Сочгич мажмуини кўтаринг.

Созлаш механизмини (A) ғалвирни ёпиш учун соат мили йўналишида ва очиш учун эса соат мили йўналишига тескари буранг.

Ғалвир тирқишлари оралиқ масофаси (зазори) зарур нуқтадан ўтгандан кейин уларни ёпинг ва кейин ортиқча зазорни баратараф этиш учун ғалвир тирқишлари томонлари масофасини зарур белгиланган нуқтагача очинг.

ҚАЙД: Икки ҳудудли созланувчи орқа ғалвир созламалари билан танишиш учун "Экинлар созламалари" бўлимига қаранг.

Ғалвир тирқиши томонлари орасидаги масофаларни ўлчанг ва созлашни тасдиқланг.

OUO6075,0004726-UZ-24APR17

Ғалвири/элак элементлари - Чиқариб олиш ва ўрнатиш



H115544—UN—20AUG15

A—Қисқич
B—Қулфлаш
C—Кириш эшиги

ДИҚҚАТ: Двигатель тасодифан ишга тушиб кетиши ва одамлар жароҳат олишининг олдини олиш учун двигателни ЎЧИРИНГ, тўхтаб туриш тормозини тортинг ва калитни чиқариб олинг.

МУҲИМ: Ғалвир/элакка шикаст етишини олдини олиш учун, машинадан элементларни чиқариб олишдан аввал барча ғалвир тирқишларини тўлиқ ёпиб қўйинг.

ҚАЙД: Электр пичоқ тўпламли узатма билан жиҳозланган машиналар: Ғалвир/элак элементларини чиқариб олиш мақсадида, пичоқлар тўпламини 100% қўшилган ҳолатга ўтказинг. Қўшимча маълумот учун "Қолдиқни бошқариш иловаси бўйича ёрдам" ёки "Оператор станцияси ёрдами"га қаранг.

Ғалвир/элак элементларини чиқариб олиш учун қирққич ёки сочгични (жиҳозланган бўлса) чиқариб олишнинг ҳожати йўқ. Қирққич ёки сочгич тўлиқ кўтарилган бўлиши шарт.

Элакни чиқариб олиш ғалвирини чиқариб олишга ўхшашдир.

1. Қисқични (A) очинг ва кириш эшикчасини (C) очиш учун қулфни (B) буранг.



H121328—UN—24APR17

A—Қалпоқчали винт (2 та)
B—Қоплама
C—Электр улаш боғлами

ҚАЙД: Ғалвир двигателини чиқариб олиш шарт эмас.

2. Қалпоқчали винтларни (A) ва қопқоқни (B) ечинг.
3. Ғалвир моторидан электр улаш боғламини (C) узинг.



H121329—UN—24APR17



H119692—UN—24OCT16

A—Қайтарма борт
B—Қалпоқчали винт ва гайка (2 та)
C—Қалпоқчали винтлар (4 та)
D—Қалпоқчали винт ва гайка (3 та)

ҚАЙД: Кўтарма орқа деворни/бортни олиб қўйиш шарт эмас.

4. **Пастки борт (A):**

   a. Қалпоқчали винт ва гайкани (B) машинанинг иккала томонидан ҳам ечиб олинг.

   b. Машинанинг иккала томонида ҳам қалпоқчали винтларни (C) бўшатинг.

   c. Бортнинг марказий қисми остидаги қалпоқчали винтларни (D) ечиб олинг.

   d. Бортни орқа томонга суриб, уни туширинг.



H119693—UN—24OCT16



H119913—UN—02NOV16

A—Қалпоқчали винт (6 та)
B—Пластик бармоқлар (2 та)
C—Қалпоқчали винтлар (4 та)

5. **Ғалвирни чиқариб олиш:**

   a. Қалпоқчали винтларни (A) ва пластик бармоқларни (B) машинанинг ҳар иккала томонидан ҳам ечиб олинг.

   b. Машинанинг иккала томонида ҳам қалпоқчали винтларни (C) ечиб олинг.

   c. Машинанинг орқасидан орқали ғалвир элеменитини суринг.

   d. Ғалвир элементида дон прокладкаларини текшириб кўринг ва зарур бўлса таъмирланг ёки алмаштиринг.



H119696—UN—24OCT16



H119695—UN—24OCT16



H121020—UN—07MAR17

A—Қалпоқчали винт
B—Тўсин
C—Втулка
D—Электр улаш боғлами
E—Қалпоқчали винтлар (4 та)

6. **Элакни ечиб олиш:**

   a. Машинанинг иккала томонидаги қалпоқчали винтларни (A) бўшатинг.

   b. Йўлакчани (B) кўтаринг ва втулка (C) устига қўйинг.

   c. Ғалвир двигателидан электр улаш боғламини (D) узинг.

   d. Машинанинг иккала томонида ҳам қалпоқчали винтларни (E) бўшатинг.

   e. Элак элементини машинанинг орқасидан суринг.

   f. Элак элементида дон прокладкаларини

текшириб кўринг ва зарур бўлса таъмирланг ёки алмаштиринг.

7. **Элакни ўрнатиш:**
   a. Элак элементини машинанинг орқасидан ўрнатинг.
   b. Йўлакчаларни туширинг ва электр улаш боғламини ўрнатинг.
   c. Қалпоқчали винтларни керакли даражада қотиринг.

Характеристика

Элакнинг қалпоқчали винтлар—Айланиш моменти. . . . . 37 Н м (27 фунт/фут)



H119693—UN—24OCT16



H119913—UN—02NOV16

A—Қалпоқчали винт (6 та)
B—Пластик бармоқлар (2 та)
C—Қалпоқчали винтлар (4 та)

8. **Ғалвирни ўрнатиш:**
   a. Ғалвирни ўрнатинг ва электр улаш боғламини ўрнатинг.
   b. Қалпоқчали винтларни (C) спецификацияга мувофиқ қотиринг.

Характеристика

Ғалвирни қалпоқчали винтлар—Айланиш моменти. . . . . 37 Н м (27 фунт/фут)

   c. Пластик бармоқларни (B) ғалвирнинг ҳар иккала томонидан ҳам ечиб олинг.
   d. Қалпоқчали винтларни (A) спецификацияга мувофиқ қотиринг.

Характеристика

Пластик бармоқларни қалпоқчали винтлар—Айланиш моменти. . . . . 8 N m (71 фунт–дюйм)

9. Орқа бортни кўтаринг ва аввалроқ ечиб олинган метал қисмларни ўрнатинг.
10. Аввалроқ ечиб олинган қопқоқни ўрнатинг ва қалпоқчали винтлар билан қотиринг.
11. Йўл очиш эшикчасини ёпинг ва қулф ва қисқич билан маҳкамланг.

OUO6075,0004A49-UZ-09NOV18

Ғалвир/элак/поддон йиғма мажмуалари

Қуйидаги йиғма мажуаларда хизмат кўрсатилмайдиган тузилма маҳкамлаш қисмлари мавжуд бўлиб, улар таъмирланмайди:

- Ғалвир каркасининг чап ва ўнг томонлари
- Элак каркасининг чап ва ўнг томонлари
- Қайтган маҳсулот поддони каркаси
- Ғалвир элементи
- Элак элементи

ҚАЙД: Кўрсатиб ўтилган йиғма мажмуаларни сервис қисмлар билан алмаштириш мумкин. Қўшимча маълумотлар учун Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.

SS43267,0000623-UZ-11JUN15

Ғалвир/элак двигатели—Қўлда ростлаш



H121330—UN—24APR17

A—Қалпоқчали винтлар
B—Қоплама

ДИҚҚАТ: Двигатель тасодифан ишга тушиб кетиши ва одамлар жароҳат олишининг олдини олиш учун двигателни ЎЧИРИНГ, тўхтаб туриш тормозини тортинг ва калитни чиқариб олинг.

ҚАЙД: Ғалвир/элак двигатели учун бир хил қўлда созлаш тартибини қўллаш мумкин.

1. Қалпоқчали винтларни (A) ва қопқоқни (B) ечинг.



H119699—UN—24OCT16

A—Мурват

МУҲИМ: Созланаётган двигателга шикаст етказмаслик учун мурватга механик ключ ишлатманг.

2. Двигателни созлашда мурватдан (A) фойдаланинг. Мурватни соат мили йўналиши ва тескари томонга қараб бураб ғалвир/элакни очинг.

OUO6075,000467E-UZ-24APR17



H97030—UN—22JUN10

В услуб

A—Гайка
B—Гайка
C—Шайба
D—Ўлчагич

ДИҚҚАТ: Моторни ЎЧИРИНГ, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.

Гайкани (A) бўшатинг ва шайба (C) ўлчагич планкасининг охири (D) ва поғона ости орасида жойлашгунга қадар гайкани (B) қотиринг. Контргайкани қотиринг.

OUO6075,0004385-UZ-10OCT16

Тоза дон элеватори ремени - Ростлаш



H97127—UN—27OCT10

А услуб

Тоза дон элеватори ремени - Алмаштириш

H97128—UN—27OCT10

А услуб



H97033—UN—22JUN10

В услуб

A—Гайкалар
B—Тоза дон элеватори ремени

⚠ ДИҚҚАТ: Моторни ЎЧИРИНГ, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.

Гайкани (A) бўшатинг ва гайкани (B) шайба (C) ўлчагич планкаси охири (D) ва поғона ости орасида жойлашгунча қотиринг.



H97032—UN—22JUN10



H97034—UN—22JUN10

A—Қалпоқчали винтлар
B—Қоплама
C—Тоза дон элеватори ремени

Қалпоқчали винтларни (A) ва қопқоқни (B) ечинг.

Тоза дон элеватори ременини (C) шкивлардан ечиб олинг.

Алмаштиришга мўлжалланган ременни ўрнатинг ва тарангловчи асбобни шайба ўлчагич планкаси ва поғона остки қисми орасида жойлашгунча ростланг. Контргайкани қотиринг.

Аввалроқ ечиб олинган қопқоқни ўрнатинг ва қалпоқчали винтлар билан қотиринг.

OUO6075,0004384-UZ-10OCT16

Тоза дон элеватори конвейери занжири —Ростлаш



H62184—UN—13JAN00



H87582—UN—07MAR07

A—Гайка (4 та)
B—Гайка (2 та)

⚠ ДИҚҚАТ: Моторни ЎЧИРИНГ, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.

1. Қулф лўкилдонини бўшатиб пастки эшикчани очинг.
2. Подшипник қопқоғидан гайкаларни ечиб олинг (жиҳозланган бўлса).
3. Гайкаларни (A) бўшатинг ва гайкалар (B) ёрдамида занжирни ростланг. Подшипник корпусини пастга суриб занжирни қотиринг.

4. Агар занжирнинг пастки чети шпонкада хар томонга ҳаракатланиши мумкин бўлиб, лекин шпонкадан ажрамаса, элеватор занжири тўғри созланган бўлади. Занжир шпонкадан 6 мм-га (1/4 дюйм) бўшаб қолса, занжирни қайта ростланг. Бир муддат ишлатилгандан кейин, занжирни тўғри росташ учун ярим занжир ҳалқасини олиб ташлаш зарур бўлиши мумкин.
5. Подшипник қопқоғини ўрнатинг (жиҳозланган бўлса) ва гайкалар билан қотиринг.
6. Пастки эшикчани ёпиб, қулф лўкидони билан маҳкамланг.

OUO6075,0004E8D-UZ-17JUN20

Тоза дон элеваторининг емирилишини олдини олиш листлари ва эшикча (жиҳозланган бўлса)



H126546—UN—20JUN19

Қуйидаги қисмлар тоза дон элеваторини абразив (емирувчи) экинларни йиғишда ҳимоя билан таъминлайди:

- Емирилишнинг олдини олиш орқа лист (A)
- Емирилишнинг олдини олиш листи (B)
- Эшикча (C)

Тоза дон элеваторининг ушбу қисмларининг емирилишини мунтазам текшириб туринг.

Зарур бўлганда, тоза дон элеваторининг ушбу қисмларини чиқариб ташлаб, алмаштиринг. Қўшимча маълумот учун Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.

OUO6075,0004BD0-UZ-20JUN19

VisionTrak™ ишлашини текшириш



H120521—UN—19JAN17

Сепаратор сенсорлари



H120618—UN—26JAN17

Ўнг томон башмак сенсори

A—Sensors

ҚАЙД: Ушбу текширишни икки киши амалга ошириши талаб қилинади. Бир киши сенсорларни босганда, бошқа одам кабинада ўтириб кузатиши зарур.

Сепаратор сенсорлари машинанинг чап томонида сепаратор қопқоқлари остида жойлашган.

Тозалагич сенсорлари машинанинг орқа томонидаги бортда жойлашган.

1. Калит переключателини RUN ҳолатига буранг, бироқ машинани ўт олдирманг.
2. Асосий включателни қўшинг.

ҚАЙД: Аввал созланган экин турида ишлаётган бўлиши ШАРТ. Дон исрофини созлаш кўрсаткичи 50 дан паст бўлиши ШАРТ.

3. Сенсорларни (A) бир неча марта босинг. VisionTrak™ дисплейини кузатиб турган одам башмакда йўқотиш ва сепараторда исроф кўрсаткичлари/индикаторларида ҳаракатни кўриши лозим.

VisionTrak – Deere & Company савдо белгиси

ҚАЙД: Қайтган дон йўқолишини созлаш кўрсаткичини дастлабки ҳолатига қайтаринг ёки бошқа экин турига созланг.

4. Асосий включателни узинг ва калит включателини ЎЧИРИНГ (OFF).
5. Агар VisionTrak™ ушбу текширишлардан кейин ишламаса, қўшимча маълумот учун Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.

OUO6075,000447B-UZ-26JAN17

ActiveVision™ тоза дон элеватори камераси (жиҳозланган бўлса)



H125312—UN—06NOV18

A—ActiveVision™ тоза дон элеватори камераси

ДИҚҚАТ: Камерага ҳар қандай техник хизмат кўрсатиш ёки уни ечиб олишдан олдин, моторни ўчиринг, тўхташ тормозини қўйинг ва калитни чиқаринг.

ҚАЙД: Тозалаш тезлиги бир неча омилга, жумладан, ишлаш шароитлари, об-ҳаво ва экин шароитларига боғлиқ равишда ўзгариб туради. Камера линзасини тоза, юмшоқ, намланган мато билан тозаланг.

Лўкидонни очинг ва ActiveVision™ тоза дон элеватори камерасини (A) тозаланг.

OUO6075,000507B-UZ-27APR21

ActiveVision™ - Қолдиқлар тизими камераси (жиҳозланган бўлса)



H120250—UN—09DEC16

ActiveVision™ қипиқ элеватори камераси (A услуби)



H120251—UN—09DEC16

ActiveVision™ қипиқ элеватори камераси (B услуби)

A—ActiveVision™ қипиқ тизими камераси

ДИҚҚАТ: Камерага ҳар қандай техник хизмат кўрсатиш ёки уни ечиб олишдан олдин, моторни ўчиринг, тўхташ тормозини қўйинг ва калитни чиқаринг.

ҚАЙД: Тозалаш тезлиги бир неча омилга, жумладан, ишлаш шароитлари, об-ҳаво ва экин шароитларига боғлиқ равишда ўзгариб туради. Камера линзасини тоза, юмшоқ, намланган мато билан тозаланг.

ActiveVision – Deere & Company савдо белгиси

Лўкидонни очинг ва ActiveVision™ қипиқ тизими камерасини (A) тозаланг.

OUO6075,000507C-UZ-14MAY21

Қипиқ тизими элеватори сенсорлари



H70551—UN—02JAN02

A услуб



H105437—UN—17MAY12

B услуб

A—Қипиқ сенсорлари

Агар ҳосил йиғилмаётган вақтда ёки бўш бўлганда қипиқ сенсори дисплейи тинимсиз тўла эканлигини кўрсатса (барча кўрсаткич чизиқлари ёқилган бўлса), у сенсорнинг линзаси материал билан қопланиб қолганини ёки линза остидаги прокладкадан чанг ўтиб кетганини ҳам билдириши мумкин.

ДИҚҚАТ: Қипиқ сенсори 1 Тоифали лазер маҳсулоти ва ёқилганда нурланиш таратади. Қипиқ сенсорларига хизмат кўрсатишда, эҳтиёт бўлиб ишлаш ва нурга тўғридан-тўғри қарамаслик лозим.

Хизмат кўрсатиш ёки сенсорларни чиқариб олишдан олдин, калит включатели ЎЧИРИЛГАН бўлиши ва қипиқ сенсори розеткадан ечиб олинган бўлиши шарт.

Сенсорни унинг линзаси ечиб олинганда ИШЛАТМАНГ. Линза жойида бўлганда мавжуд лазер нурланиши:

- 850 нм
- 500 нмс пульс кенглиги
- ≤ 500 Hz частотаси
- < 90 nJ пульс
- 43 uW ўртача кучланиш
- 1 тоифа даражалари (Eye Safe - Кўз хавфсизлиги)

Сенсор линза чиқариб қўйилиб ишлатилганда мавжуд лазер нурланиш даражалари:

- 850 нм
- 500 нмс пульс кенглиги
- ≤ 500 Hz частотаси
- < 380 nJ пульс
- 188 uW ўртача кучланиш
- 3R тоифа даражалари (кўз шикастланиши учун паст эҳтимоллик мавжуд)

1. Қипиқ сенсорларини (A) текшириш учун ечиб олинг ва зарур бўлса, линзаларни тозаланг.
2. Линзалар тоза бўлса, уларни чиқариб олиб, чангланганини текширинг. Чанг топилса, ҳудудини тозаланг ва линзани ускунага қайта ўрнатинг ва бунда прокладка маҳкам ёпилганлигига ишонч ҳосил қилинг.
3. Линза ўрнатишдан аввал барча ечиб олинган болтлар қотирилганлигига ишонч ҳосил қилинг.

ДИҚҚАТ: Сенсорларни алмаштиришдан один элеватор устига пластик қопқоқ ўрнатмаслик уларнинг нотўғри ишлашига, нотўғри маълумотлар кўрсатишига, ёки сенсорнинг шикастланишига олиб келиши мумкин, ва сенсор очиб олинганда кўзларга зарар келтириши мумкин бўлган нурланиш чиқишига олиб келиши мумкин.

4. Сенсор ва текшириш тизимини ўрнатинг.
5. Агар дисплей тўла ёки бўш маълумотини кўрсатишда давом этса, Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.

OUO6075,0004568-UZ-12DEC16

ActiveVision — Deere & Company савдо белгиси

Қипиқ тизими элеватори парраклари



H62187—UN—13JAN00

А услуб



H97055—UN—22JUN10

В услуб

ДИҚҚАТ: Моторни ЎЧИРИНГ, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.

Элеватор занжирини вақти-вақти билан парракларининг емирилганлиги ёки тушиб қолган-қолмаганлигини текшириб туринг.

Лой шароитларида лойни сидириб тушириш учун элеваторга битта метал паррак ўрнатилиши мумкин.

OUO6075,0004382-UZ-10OCT16

Қипиқ элеватори узатмаси ремени - Ростлаш (А услуб)



H62186—UN—13JAN00

A—Контргайка
B—Гайка
C—Шайба
D—Ўлчагич

ДИҚҚАТ: Моторни ЎЧИРИНГ, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.

Контргайкани (A) бўшатинг.

Гайкани (B) шайба (C) ўлчагич планкаси (D) ва поғона ости орасида ўрнашгунча қотиринг. Контргайкани қотиринг.

OUO6075,0004381-UZ-26JAN17

Қипиқ тизими элеватори парраги занжири—Ростлаш



H62185—UN—13JAN00

А услуб



H97059—UN—22JUN10

В услуб

A—Гайка (4 та)
B—Гайка (2 та)

ДИҚҚАТ: Моторни ЎЧИРИНГ, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.

1. Қулф лўкилдонини бўшатиб пастки эшикчани очинг.
2. Подшипник қопқоғидан гайкаларни очиб олинг.
3. Гайкаларни (A) бўшатинг ва гайкалар (B) ёрдамида занжирни ростланг. Подшипник корпусини пастга суриб занжирни қотиринг.
4. Агар занжирнинг пастки чети шпонкада хар томонга ҳаракатланиши мумкин бўлиб, лекин шпонкадан ажрамаса, элеватор занжири тўғри созланган бўлади. Занжир шпонкадан 6 мм-га (1/4 дюйм) бўшаб қолса, занжирни қайта ростланг. Бир муддат ишлатилгандан кейин, занжирни тўғри росташ учун ярим занжир ҳалқасини олиб ташлаш зарур бўлиши мумкин.
5. Подшипникни ўрнатинг ва гайкалар билан қотиринг.
6. Пастки эшикчани ёпиб, қулф лўкидони билан маҳкамланг.

OUO6075,0004E8E-UZ-17JUN20

Юқори қипиқ шнеки узатмаси занжири - Ростлаш (A услуби)



H62189—UN—13JAN00

A—Қалпоқчали винт
B—Блок

ДИҚҚАТ: Моторни ЎЧИРИНГ, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.

Қалпоқчали винтни (A) бўшатинг ва занжирни қотириш учун блокни (B) ростланг. Занжирни қотиришда қалпоқчали винтни қотиринг.

OUO6075,000437F-UZ-26JAN17

Қипиқ тизими узатмаси ремени - Ростлаш (B услуби)



H97014—UN—13SEP10

A—Гайка
B—Гайка
C—Шайба
D—Ўлчагич

ДИҚҚАТ: Моторни ЎЧИРИНГ, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.

Гайкани (A) бўшатинг ва шайба (C) ўлчагич планкасининг охири (D) ва поғона ости орасида

жойлашгунга қадар гайкани (B) қотиринг.
Контргайкани қотиринг.

OUO6075,0004377-UZ-26JAN17

Қипиқ тизими узатмаси ремени - Ростлаш (B услуби)



H97015—UN—22JUN10



H97016—UN—22JUN10



H97017—UN—13SEP10

A—Гайкалар
B—Контрузатма ўқининг орқа қисми ремени
C—Гайкалар
D—Қипиқ тизими узатмаси ремени

ДИҚҚАТ: Моторни ЎЧИРИНГ, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.

Гайкаларни (A) бўшатинг ва орқа контрузатма ўқи ременини (B) шкивдан ечиб олинг.

Гайкаларни (C) бўшатинг ва қипиқ узатма ременини (D) ечиб олинг.

Алмаштиришга мўлжалланган ременни ўрнатинг ва таранглovчи асбобни шайба ўлчагич планкаси ва поғона остки қисми орасида жойлашгунча ростланг.

Орқа контрузатма ўқи ременини шкивга ўрнатинг ва таранглагич асбобини шайба ўлчагич планкаси охири ва поғона ости орасига тушгунга қадар ростланг.

OUO6075,0004378-UZ-26JAN17

Қипиқ тизими узатмаси ремени—Ростлаш (B услуб)



H105438—UN—17MAY12

A—Гайка
B—Гайка
C—Шайба
D—Ўлчагич

ДИҚҚАТ: Моторни ЎЧИРИНГ, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.

Гайкани (A) бўшатинг ва шайба (C) ўлчагич планкасининг охири (D) ва поғона ости орасида жойлашгунга қадар гайкани (B) қотиринг. Контргайкани қотиринг.

OUO6075,0004379-UZ-26JAN17

Қипиқ тизими узатмаси занжири - Алмаштириш (B услуби)



H105439—UN—17MAY12

A—Гайкалар
B—Шчит
C—Қалқонлар

ДИҚҚАТ: Моторни ЎЧИРИНГ, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.

Гайкаларни (A) бўшатинг ва ҳимоя экранларини (B ва C) ечиб олинг.



H97963—UN—30JUN11

A—Занжир
B—Кронштейн

Агар тўлиқ таранглаштирилган занжир (A) кроншетйнга (B) тегадиган бўлса ёки ундан 3 мм (1/8 дюйм) масофадан кам масофада жойлашган бўлса, занжирни алмаштиринг.

Алмаштиришга мўлжалланган занжирни ўрнатинг ва таранглагични шайба ўлчагич планкаси охири ва поғона ости орасида жойлашгунга қадар ростланг.

Аввалроқ ечиб олинган ҳимоя экранларини ўрнатинг.

OUO6075,000437A-UZ-26JAN17

Қипиқ тизимининг емирилишининг олдини олувчи қопламалар ва янчиш барабани тўқмоқлари - Чиқариб олиш ва ўрнатиш (B услуб)



H97073—UN—13SEP10

A—Гайкалар

⚠ ДИҚҚАТ: Моторни ЎЧИРИНГ, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.

Гайкаларни (A) бўшатинг ва қипиқ тизими узатмаси ременидан ремень таранглигини бўшатинг.



H97069—UN—13SEP10



H97070—UN—13SEP10

A—Қалпоқчали винтлар (3 та)
B—Планка
C—Бортикли/елкачали болтлар (2 та)
D—Қалпоқчали винт
E—Стержень
F—Кириш қопламаси

Қалпоқчали винтларни (A) ва планкани (B) ечиб олинг.

Бортикли/елкачали болтларни (C), қалпоқчали винтни (D), ва йўл очиш қопламасидан (F) стерженни (E) ечиб олинг.



H97072—UN—13SEP10

A—Қалпоқчали винтлар ва гайкалар
B—Емирилишни олдини олувчи қопламалар

Емирилишнинг олдини олиш қопламаларидан қалпоқчали винтларни ва гайкаларни (A) ечиб олинг.

Зарур бўлганда емирилишнинг олдини олиш қопламаларни ечиб олинг ва алмаштиринг.

Емирилишнинг олдини олиш қопламаларининг қалпоқчали винтларни спецификацияга мувофиқ қотиринг.

Характеристика	
Емирилишнинг олдини олувчи қопламаларнинг қалпоқчали винтлар—Айланиш моменти	70 Н м (52 фунт/фут)



H97084—UN—23JUN10

A—Қалпоқчали винтлар ва гайкалар
B—Янчиш барабани тўқмоқлари

Янчиш барабани тўқмоқлааридан (B) қалпоқчали винтлар ва гайкаларини (A) ечиб олинг.

Зарур бўлганда янчиш барабани тўқмоқларини ечиб олинг ва алмаштиринг.

Янчиш барабани тўқмоқларини қалпоқчали винтларни спецификацияга мувофиқ қотиринг.

Характеристика

Янчиш барабани тўқмоқларининг қалпоқчали винтлар—Айланиш моменти. . . . . 37 N·m ± 7 Н м (27 фунт/фут ± 5фунт/фут)

ҚАЙД: Қипиқ тизими устига қопқоқни ўрнатаётганда қопқоқ прокладкалари ўз жойида қолишига ишонч ҳосил қилинг.

Йўл очиш қопқоғини ўрнатинг ва уни стержень ва қалпоқчали винт билан қотиринг.

Бортикли/елкачали болтларни ўрнатинг ва резина бўлагини тирқиш билан мослаштиринг, планка ва қалпоқчали винтларни ўрнатинг.

Қипиқ тизими узатмаси ременининг таранглаштиргичини шайба ўлчагич планкаси охири ва поғона ости орасига жойлашгунча ростланг.

OUO6075,000437B-UZ-26JAN17

Қипиқ тизимининг емирилишининг олдини олувчи қопламалари ва янчиш барабани тўқмоқлари - Ростлаш (B услуб)



H97073—UN—13SEP10

A—Гайкалар

⚠ ДИҚҚАТ: Моторни ЎЧИРИНГ, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.

Гайкаларни (A) бўшатинг ва қипиқ тизими узатмаси ременидан ремень таранглигини бўшатинг.



H105439—UN—17MAY12

A—Гайкалар
B—Шчит
C—Қалқонлар

Гайкаларни (A) бўшатинг ва ҳимоя экранларини (B ва C) ечиб олинг.

Қипиқ тизими эркин айланиши учун узатма занжирини ечиб олинг.



H97094—UN—13SEP10

A—Ростлаш дастаси
B—Қалпоқчали винтлар, M6
C—Қалпоқчали винтлар ва гайкалар

ҚАЙД: Ростлаш дастасини буриш емирилишнинг олдини олувчи қопламалар ва янчиш барабани тўқмоқлари орасидаги масофани ноль ҳолатга келтиради.

Ростлаш дастасини (A) расмда кўрсатилгандек пастга суринг ва қалпоқчали винтларни (B) мавжуд тирқишларга ўрнатинг.

Қалпоқчали винтлар ва гайкаларни (C) бўшатинг.

Битерни "тиқиллаш" эшитилгунга қадар айлантириш билан йўл очиш эшикчасини секин ростланг.

"Тиқиллаш" тугагунча секинлик билан бўшатинг ва қалпоқчали винтлар ва гайкаларни қотиринг.

Қипиқ тизими узатмаси ременининг таранглаштиргичини шайба ўлчагич планкаси охири ва поғона ости орасига жойлашгунча ростланг.

Занжирни ўрнатинг ва таранглагични шайба ўлчагич планкаси охири ва поғона ости орасида жойлашгунга қадар ростланг.

Аввалроқ ечиб олинган ҳимоя экранларини ўрнатинг.

OUO6075,000437C-UZ-26JAN17

Қипиқ тизими қайтган маҳсулоти камгак —Ростлаш (B услуб)



H97103—UN—13SEP10

A—Экинни йиғиб оладиган даста
B—Майда дон ҳолати
C—Йирик дон ҳолати

ДИҚҚАТ: Моторни ЎЧИРИНГ, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.

МУҲИМ: Одам жароҳат олиши ёки машинага шикаст етишининг олдини олиш учун, экинни йиғиб олиш усулини танлаш дастасини машина ишлаётганда бурманг (ишлатманг).

ҚАЙД: Қипиқ тизими камгакнинг тавсия қилинган мосламалари билан "Экин созламалари" бўлимида танишинг.

Майда дон ҳолати (B):

Майда донли экинлар ҳосилини йиғишда экинни йиғиб олиш дастаси (A) "ПАСТ" (LOWER) ҳолатида бўлиши лозим.

Йирик дон ҳолати

Йирик экинлар ёки шикастланиш эҳтимоли бор нозик экинлар ҳосилини йиғаётган вақтда, экинни йиғиб олиш дастаси (A) "ЮҚОРИ" (UPPER) ҳолатида бўлиши лозим.

OUO6075,000467F-UZ-20MAR17

Қипиқ тизими шнекларини тозалаш эшикчаси (B услуби)

H97095—UN—13SEP10

A—Дастак

⚠ ДИҚҚАТ: Моторни ЎЧИРИНГ, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.

Қипиқ тизими шнекларини тозалаш эшикчасини очиш учун дастадан (A) фойдаланинг ва зарур бўлса, материални чиқариб ташланг.

OUO6075,000437E-UZ-26JAN17

Узатма ременлари—Чап қўл



H107018—UN—25FEB13

A услуб			
A	Асосий ва барабан насосининг стандарт/юқори тезликда ишлайдиган ремени	F	Контрузатма ўқи, чиқариш битери ва қирққич ремени
B	Тўкиш шнеки тизими, #60 роликли занжир	G	Поя қирққич ременлари
C	Тўкиш шнеки тизими ремени	H	Белгиланган тезликда ишлайдиган узатгич қутиси узатма ремени Узатгич камерасининг ўзгарувчан тезликда ишловчи стандарт/юқори юкламали ремени
D	Сепараторнинг турли тезликда ишлайдиган узатма ремени	I	Двигателга тушадиган майда зарраларни бошқариш ремени (Охирги бўлим 4 / Босқич V)
E	Чиқариш битери ремени (шолига мўлжалланмаган машинада) Чиқариш битери ременлари (шолига мўлжалланган машинада)		
B услуб			
A	Асосий ва барабан насосининг стандарт/юқори юкламали ремени ёки CommandTouch™ турли тезликларда ишлайдиган Узатиш камераси узатма ремени (танланувчи вариант)		

B	Тўкиш шнеки тизими, #60 роликли занжир (10 572 Л (300 Бб) Дон бункери) Тўкиш шнеки тизими, #80 роликли занжир (14 096 Л (400 Бб) Дон бункери)
C	Тўкиш шнеки тизими ремени
D	Сепараторнинг турли тезликда ишлайдиган узатма ремени
E	Чиқариш битери ременлари
F	Контрузатма ўқи, чиқариш битери ва қирққич ремени
G	Поя қирққич ременлари
H	Белгиланган тезликда ишлайдиган узатгич қутиси узатма ремени Узатиш камерасининг ўзгарувчан тезликда ишлайдиган узатмаси стандарт/юқори юкламали ремени ёки CommandTouch™ узатиш камерасининг ўзгарувчан тезликда ишлайдиган узатма ремени (Танлаш учун вариант)
I	Двигателга тушадиган майда зарраларни бошқариш ремени (Охирги бўлим 4 / Босқич V)

CommandTouch – Deere & Company савдо белгиси

OUO6075,00047E1-UZ-13NOV17

Узатма ременлари - Ўнг қўл (A услуби)



H99322—UN—10DEC10

A—Тоза дон элеватори ремени
B—Ўнг томон оралиқ ўқи ремени
C—Қипиқ шнеки ва Элеватор ремени
D—Қипиқ қолдиғи шнеки, #50 занжир
E—Тозалагич вентилятори ва транспортер шнеклари ремени
F—Олд ўнг томондаги оралиқ ўқи ремени
G—Тозалаш вентилятори ўзгарувчан ремени
H—Узатишни тезлаштиргич ремени
I—Узатиш конвейери (занжир), #60 занжир
J—Устидан ўтказувчи тўқмоқ узатиш ремени (жиҳозланган бўлса)

OUO6075,0004375-UZ-26JAN17

Узатма ременлари - Ўнг қўл (В услуби)



H96904—UN—16JUN10

A—Тоза дон элеватори ремени
B—Ўнг томон оралиқ ўқи ремени
C—Қипиқ элеватори/Тепа шнек #60 роликли занжир
D—Қипиқ тизими узатмаси ремени
E—Олд ўнг томондаги оралиқ ўқи ремени
F—Тозалагич вентилятори ва транспортер шнеклари ремени
G—Узатишни тезлаштиргич ремени
H—Узатиш конвейери (занжир), #60 занжир
I—Тозалаш вентилятори ўзгарувчан ремени
J—Устидан ўтказувчи тўқмоқ узатма ремени (опция)

OUO6075,0004374-UZ-26JAN17

Узатишни тезлаштиргич - Ўчириш

ҚАЙД: Агар мавжуд бўлса узатишни тезлаштиргичнинг ўчириш/узиш асбобини ишлатинг. Қўшимча маълумот учун Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.

1. Сепараторни узинг.
2. Моторни ЎЧИРИНГ, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.
3. Сепаратор узатма қутисини паст тезликка ўтказинг.
4. Дастакни тепага кўтариб, узатиш тезлатгичи ремени таранглигини бўшатинг ва кронштейндаги ариқчадан чиқаринг.
5. Тош ажраткич эшикчасини очинг ва уни тозаланг. Тошларни ушлаб олгич эшикчасини очиқ ҳолда қолдиринг.
6. Овозли сигнал беринг, двигателни ёқинг ва двигатель тезлигини ўрта юкланишда ишлаш ҳолатига қўйинг.
7. Материални, чиқариш битерини ва қирққични тозалаш учун сепараторни қўшинг.
8. Сепараторни узинг.
9. Моторни ЎЧИРИНГ, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.
10. Двигателни ўчиринг, машинани қўл тормозига ўтказинг ва калитни чиқаринг. Узатиш тезлатгичига йўл очиш қопқоқларини ечиб олинг ва тезлатгич ҳудудидан экин материалини тозалаб, чиқариб ташланг.
11. Тозалагандан сўнг, тезлатгични уланг, ва эркин айланишига ишонч ҳосил қилиш учун уни бир марта айлантиринг.
12. Овозли сигнал беринг, двигателни ёқинг ва двигатель тезлигини ўрта юкланишда ишлаш ҳолатига қўйинг.
13. Сепараторни ёқинг. Агар включатель қўйиб юбормаса, сепараторни узинг ва 9-13 амалларни такрорланг.
14. Моторни ЎЧИРИНГ, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.
15. Тошни ушлаб олгичнинг эшикчасини ёпинг ва камгак тирқишлари орасидаги масофани дастлабки ҳолатгача созлаб қўйинг. Узатиш

тезлатгичига йўл очиш қопқоқларини алмаштиринг.

16. Агар бошидан юқори тезликда ишлатилаётган бўлса, сепаратор узатмаси қутисини дастагини суринг ва сепаратор тезлигини дастлабки ҳолатгача созланг ва ишни қайта бошланг.

OUO6075,00046EC-UZ-29MAR17

Сепаратор - Тозалаш

Сепараторни узинг.

ҚАЙД: Камгак мосламаси кўрсаткичини қайд қилиб қўйинг ва камгакни кенг очиқ ҳолатига ростланг.

Моторни ЎЧИРИНГ, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.

Сепаратор узатмаси қутиси дастгини нейтрал ҳолатга ўтказин.

Дастакни тепага кўтариб, узатиш тезлатгичи ремени таранглигини бўшатинг ва кронштейндаги арикчадан чиқаринг.

Тош ажраткич эшикчасини очинг ва уни тозаланг. Тош ажраткич эшикчасини ёпинг.

Овозли сигнал беринг, двигателни ёқинг ва двигатель тезлигини ўрта юкланишда ишлаш ҳолатига қўйинг.

Сепараторнинг чиқариш битерини тозалаш учун қўшинг.

Сепараторнинг ўзгарувчан тезликда ишлайдиган ременини ўрта юкланиш диапазонига мосланг.

Сепараторни узинг.

Моторни ЎЧИРИНГ, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.

Сепаратор узатма қутисини паст тезликка ўтказинг.

Овозли сигнал беринг, двигателни ёқинг ва двигатель тезлигини ўрта юкланишда ишлаш ҳолатига қўйинг.

МУҲИМ: Асосий двигатель узатмалар қутиси ва гидравлик муфтага шикаст етказишнинг олдини олиш учун сепаратор ифлосланишида сепаратор муфтасини 3 дақиқада давомида уч мартадан ортиқ қўшманг.

Ёқилган сепараторни бир режимдан бошқа режимга ўтказиш орасида машинани нейтрал ҳолда ишлатиб туришга ўтказиб, 1 дақиқа кутиб туринг.

Сепараторни тозалаш учун уни ёқинг. Агар чиқинди тозаланмаса, сепараторни ўчиринг.

Агар сепараторни электр манбасидан узишнинг имкони бўлмаса, камгаклар ва бошқа панжараларни чиқариб олиб, сомон (хашакни) бироз қўлда олиб ташлаш зарур. Ифлосланишдан тозалашдан сўнг, камгак ва бошқа панжараларни алмаштиринг.

Сепаратор тозаланганидан кейин, камгак тирқишлари орасидаги масофани дастлабки созламаларга ўрнатинг.

Тозалагандан сўнг, тезлатгични уланг, ва эркин айланишига ишонч ҳосил қилиш учун уни бир марта айлантиринг.

Дастлаб юқори тезликда ишланган бўлса, сепаратор узатмалари қутиси редукторини юқори тезлик ҳолатига ўтказинг. Сепаратор тезлигини дастлабки созламаларга қайтаринг ва ишни қайта бошланг.

OUO6075,0004939-UZ-12APR18

Чиқариш битери—Электр манбасидан узиш

ҚАЙД: Агар мавжуд бўлса, чиқариш битерининг ўчириш асбобидан фойдаланинг. Қўшимча маълумот учун Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.

1. Ўроқ ва сепараторни ўчиринг.

ҚАЙД: Камгак мосламаси кўрсаткичини қайд қилиб қўйинг ва камгакни кенг очиқ ҳолатига ростланг.

2. Моторни ЎЧИРИНГ, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.
3. Поя қирққични кўтаринг.
4. Чиқариш битери ҳудудига йўл очиш учун қопқоқларини олиб қўйинг, сўнг битер ҳудудини экин массасидан тозаланг.
5. Шкивни қўлда айлантиришга имкон яратиш учун чиқариш битерининг узатма шкиви устидаги ҳимоя экранларини ечиб олинг.
6. Ифлосликлардан тозалашдан сўнг, чиқариш битери эркин айланишига ишонч ҳосил қилиш учун уни бир марта айлантиринг.
7. Сепаратор узатмаси қутиси дастгини нейтрал ҳолатга ўтказин.
8. Дастакни тепага кўтариб, узатиш тезлатгичи ремени таранглигини бўшатинг ва кронштейндаги арикчадан чиқаринг.
9. Овозли сигнал беринг, двигателни ёқинг ва двигатель тезлигини ўрта юкланишда ишлаш ҳолатига қўйинг.
10. Сепараторни чиқариш битери ва қирққични тозалаш учун қўшинг.

11. Сепараторни узинг.
12. Моторни ЎЧИРИНГ, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.
13. Сепаратор узатма қутиси дастагини дастлабки тезликка ўтказинг.
14. Тозалагандан сўнг, тезлатгични уланг, ва эркин айланишига ишонч ҳосил қилиш учун уни бир марта айлантиринг.
15. Дастакни тепага кўтариш ва уни кронштейн арықчасига ўрнатиш орқали узатиш тезлатгичи узатмасини қўшинг.
16. Поя қирққични ишлаш ҳолатига пастга туширинг.
17. Овозли сигнал беринг, двигателни ёқинг ва двигатель тезлигини ўрта юкланишда ишлаш ҳолатига қўйинг.
18. Сепараторни ёқинг.
19. Камгак созламаси кўрсаткичини дастлабки кўрсаткичларга ўрнатинг ва ишлашни такроран бошланг.

OUO6075,00046EE-UZ-29MAR17

Қолдиқ материалларни қайта ишлаш имкониятлари (ўрта/олий сифатли қолдиқ)



H125189—UN—15OCT18

Олий сифатда қирқиш



H125190—UN—22OCT18

Олий сифатли қаторлаб уюмлаш

ҚАЙД: Узлуксиз чизиқлар сомон оқимини англатади. Узуқ чизиқлар чори оқимини англатади.

Сомон ва чорилар уюмларда бирлаштирилади.

OUO6075,0004A2E-UZ-15OCT18

Қолдиқ материалларни қайта ишлаш имкониятлари (юқори сифатли қолдиқ)



H117674—UN—11MAR16

Юқори сифатда қирқиш



H118033—UN—05APR16

Юқори сифатли қаторлаб уюмлаш

ҚАЙД: Узлуксиз чизиқлар сомон оқимини англатади. Узуқ чизиқлар чори оқимини англатади.

Сомонни тушириш ва чорини сочиш қобилияти.

OUO6075,00049BD-UZ-31MAY18

Қолдиқ материалларни қайта ишлаш имкониятлари (Сомон сочгич)



H117675—UN—11MAR16

Сочгичнинг жойлашуви



H118034—UN—05APR16

Уюмлагич жойлашуви

ҚАЙД: Узлуксиз чизиқлар сомон оқимини англатади. Узуқ чизиқлар чори оқимини англатади.

Материал сочилган, аммо майдаланмаган

OUO6075,00049BE-UZ-31MAY18

Уюмларга йиғиш бўйича умумий маълумот (ўрта / олий сифатли қолдиқ)



H124423—UN—30MAY18

Ўрта/олий сифатда уюмларга йиғиш

ҚАЙД: Узлуксиз чизиқлар сомон оқимини англатади. Узуқ чизиқлар чори оқимини англатади.

- Қирққични тўлиқ кўтаринг. Қирққични ростлаш тугмаси ҳақида маълумот ушбу бўлимда кейинроқ келади.
- Қирққич узатмасини нейтрал ҳолатга ўтказинг. Қирққич узатмаси тезлигини ўзгартириш ҳақида маълумот ушбу бўлимда кейинроқ келади.

OUO6075,00049B9-UZ-18JUN18

Ғаллани йўналтирувчи мослама қанотларини ростлаш



H98165—UN—21SEP10



H98166—UN—21SEP10



H98708—UN—19OCT10

A—Қалпоқчали винт
B—Индикатор
C—Соат йўналишига қарши
D—Соат йўналиши бўйлаб

⚠ ДИҚҚАТ: Моторни ўчиринг, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.

Қалпоқчали винтни (A) бураш орқали индикатор (B) ростланади ва ғаллани йўналтирувчи мослама қанотлари сурилади.

- Соат йўналишига қарши (C) қанотлар машинанинг чап томонига қараб сурилади.
- Соат йўналиши бўйлаб (D) қанотлар машинанинг ўнг томонига қараб сурилади.

ҚАЙД: Қанотларни ғалла материалининг тарқатилиши машина кенглигига етгунга қадар ростланг.

OUO6075,00009CD-UZ-17NOV10

Уюмларга йиғиш бўйича умумий маълумот (юқори сифатли қолдиқ)



H118033—UN—05APR16

Юқори сифатли қаторлаб уюмлаш

ҚАЙД: Узлуксиз чизиқлар сомон оқимини англатади. Узуқ чизиқлар чори оқимини англатади.

- Сомонни уюмларга йиғиш ва чорини тарқатиш учун, қирқиш ва отиб бериш эшигини очинг (Юқори сифатли модель). Қўшимча маълумот учун "Қолдиқни бошқариш иловаси бўйича ёрдам" ёки "Оператор иш жойи ёрдами"га қаранг.
- Сомон ҳажми кам бўлган экинларни йиғишда сўта йўналтирувчи қопқоғини жўхори позициясига туширинг. Қўшимча маълумот учун ушбу бўлимдаги ғаллани йўналтирувчи мослама қисмига қаранг.

OUO6075,00046FF-UZ-05APR17

Уюмларга йиғиш мосламасининг кесишувчи тароқлари



H98368—UN—30SEP10

A—Кесишувчи тароқлар

Кесишувчи тароқлардан ўриладиган сомон материалини энсизроқ уюмларга йиғишга йўналтириш учун фойдаланилади.

OUO6075,0004700-UZ-05APR17

Қайтарма борт—ростлаш (олий сифатли қолдиқлар)



H98131—UN—20SEP10

A—Қалпоқчали винт (4 та)
B—Ўйиқлар

⚠ ДИҚҚАТ: Моторни ўчиринг, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.

Қайтарма бортнинг ҳар икки томонидаги қалпоқчали винтларни (A) бўшатинг.

Сомонни тарқатиш кенглигини назорат қилиш учун қайтарма бортни ўйиқларга (C) ростланг.

Ҳолатни белгилаб қўйиш учун қайтарма бортнинг ҳар икки томонидаги қалпоқчали винтларни тортиб қотиринг.

SS43267,000060A-UZ-04JUN15

Қайтарма борт қанотлари (Қўлда ростлаш)—Ростлаш (олий сифатли қолдиқ)



H98133—UN—20SEP10

A—Гайкалар
B—Қайтарма борт қаноти

⚠ ДИҚҚАТ: Моторни ўчиринг, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.

ҚАЙД: Агар завод созламаларида керакли тарзда сочиш кенглиги ёки текис тарқатиш назарда тутилмаган бўлмаса, қайтарма борт қанотлари ростланиши мумкин.

Завод созламалари бўйича қайтарма борт қанотлари 9,1 метрлик (30 футлик) платформада бўлади.

Сомонни сочиш кенглигини назорат қилиш керак бўлганда, гайкаларни (A) бўшатинг ва қайтарма борт қанотини (C) ростланг. Ушбу бўлимнинг пастроқ қисмида қайтарма борт қанотлари (қўлда ростлаш) - Завод созламаларига қаранг.

Гайкаларни қотиринг ва зарурат бўлса, қайтарма бортнинг бошқа қанотларида ҳам буни амалга оширинг.

SS43267,000060B-UZ-04JUN15

Қайтарма борт қанотлари (электр двигатель) — Ростлаш (Олий сифатли қолдиқлар)



H98134—UN—21SEP10

A—Гайкалар
B—Қайтарма борт қаноти
C—Тешиклар

ДИҚҚАТ: Моторни ўчиринг, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.

ҚАЙД: Агар завод созламаларида керакли тарзда сочиш кенглиги ёки текис тарқатиш мосламаси бўлмаса, қайтарма борт қанотлари ростланиши мумкин.

Завод созламалари бўйича қайтарма борт қанотлари 9,1 метрлик (30 футлик) платформада бўлади.

Сомонни сочиш кенглигини назорат қилиш керак бўлганда, гайкаларни (A) бўшатинг ва қайтарма борт қанотини (C) ростланг. Ушбу бўлимнинг пастроқ қисмида қайтарма борт қанотлари (электрни ростлаш)—Завод созламаларига қаранг.

1. Қайтарма борт қанотларидаги гайкаларни қотиринг.
2. Қайтарма борт қанотининг олд қисмидаги гайкани тўлиқ бир айланага бўшатинг.
3. Қайтарма борт қанотининг орқа қисмидаги гайкани 1-1/2 айланага бўшатинг.
4. Қайтарма борт қанотини осон суриш мумкинлигини текширинг.
5. Заруратга қараб, қайтарма бортнинг бошқа қанотларини ҳам шу тарзда ростланг

OUO6075,0004702-UZ-05APR17

Қайтарма борт қанотлари (қўлда ростлаш)—Завод созламалари (Олий сифатли қолдиқлар)



H100407—UN—23FEB11

9,1 метрлик (30 футлик) платформадаги қайтарма борт қанотларининг созламалари

A—693 мм (27.3 дюйм)
B—548 мм (21.6 дюйм)
C—382 мм (15 дюйм)
D—262 мм (10.3 дюйм)
E—133 мм (5.2 дюйм)
F—48 мм (1.9 дюйм)

SS43267,000060D-UZ-04JUN15

Қайтарма борт қанотлари (электрни ростлаш)—Завод созламалари (Олий сифатли қолдиқлар)



H100408—UN—23FEB11

9,1 метрлик (30 футлик) платформадаги қайтарма борт қанотларининг созламалари (қуйидаги қайтарма қанотда кўринг)

A—1-қанот
B—Иккинчи тешик
C—2-қанот
D—Учинчи тешик
E—3-қанот
F—Олтинчи тешик
G—4-қанот
H—Бешинчи тешик
I—5-қанот
J—Тўртинчи тешик
K—6-қанот
L—Биринчи тешик

ҚАЙД: Қайтарма борт қанотларини ростлашда тешиклар марказдан ташқарига қараб жойлаштирилган.

Агар 7,6 метрлик (25 футлик) кенгликдаги ёйиб сочиш мосламаси керак бўлса, қўшимча тўплам бўйича қўшимча маълумот учун Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.

SS43267,000060E-UZ-04JUN15

PowerCast™ қайтарма борти—Ростлаш (опция)



H98132—UN—20SEP10

A—Қалпоқчали винтлар (4 та)
B—Ўйиқлар

⚠ ДИҚҚАТ: Сочувчи қайтарма борт ишлаб турганда унинг ортида ҳеч ким туришига йўл қўйманг. Ростлашдан аввал моторни ўчиринг, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.

Энг яхши самарадорлик учун PowerCast™ қайтарма борт текис ёки ерга параллел ҳолатда бўлиши керак. Шина ўлчамларига мос равишда қайтарма бортни кўтариш ёки тушириш керак бўлиши мумкин.

Машинани текис ерга қўйинг.

PowerCast™ қайтарма бортининг ҳар икки томонидаги қалпоқчали винтларни (A) бўшатинг.

PowerCast™ қайтарма борти ҳолатини белгилаш учун PowerCast™ қайтарма бортини ўйиқларнинг (C) юқори ёки паст қисмига ростланг.

PowerCast™ қайтарма борти ҳолатини белгилаш учун унинг ҳар икки томонидаги қалпоқчали винтларни қотиринг.

OUO6075,0004701-UZ-05APR17

PowerCast™ қайтарма борти пичоғи—алмаштириш (опция)



H98170—UN—22SEP10

A—Контргайка
B—Қалпоқчали винт
C—Сочгич диски узеллари

⚠ ДИҚҚАТ: Диск узеллари, тахминан, 13 кг (29 фунт) оғирликка эга.

МУҲИМ: Диск узеллари чап қўл ва ўнг қўл учун мослаштирилган бўлади. Ечиб олишдан аввал диск узели жойлашув ҳолатини белгилаб қўйинг.

Сочгич диски узелидан (C) контргайка (A) ва қалпоқчали винтни (C) ечиб олинг.



H98171—UN—22SEP10

PowerCast – Deere & Company савдо белгиси

МУҲИМ: Эскирган ёки шикастланган пичоқларни алмаштиришда диск айланиши мувозанатини сақлаш учун дискнинг қарама-қарши томонидаги пичоқларни бир вақтда алмаштиринг.

Материални оптимал тарзда сочишга эришиш учун пичоқлар тешикларга нисбатан кетма-кетлик тарзида жойлаштирилган. Захира пичоқлари олдинги пичоқлар ечиб олинган тешикларга қўйилишига ишонч ҳосил қилинг.

Заруратга қараб, техник хусусиятлари мувофиқ келувчи захира пичоқларини ўрнатинг ва контргайкани қотиринг.

Характеристика	
Пичоқни маҳкамлагич—Айланиш моменти	22 N m (16 фунт/фут)

OUO6075,0004706-UZ-05APR17

PowerCast™ қайтарма борти (опция) орқа деворча



H98180—UN—22SEP10

A—Маҳкамлагич (8 та)
B—Орқа деворча

ҚАЙД: Оғир шароитда сомон йиғиш чоғида кўпроқ материални машинанинг марказий қисмига отиб бериш учун деворчаларни олиб қўйиш мумкин.

Жўхори йиғим-теримида материалнинг оптимал тарзда тарқатиб берилишини таъминлаш учун олд ва орқа деворчалар ҳар доим ўрнатилган бўлиши керак.

Дала ҳолати

Деворчалардан кенгроқ платформаларда қолдиқларни кенгроқ тарқатиб беришни назорат қилиш учун фойдаланилади.

Орқа деворчаларни (B) кўрсатилганидек пайвандланган ремень ортига ўрнатинг ва маҳкамлагич (A) билан қотиринг.



H98181—UN—22SEP10

A—Тез ёпилувчи штифтлар
B—Шчит
C—Орқа деворча
D—Қулоқли гайка

Сақлаш ҳолати

Тез ёпилувчи штифтлар (A) ва шчитни (B) олиб ташлаш ва маҳкамлаш.

Орқа деворчани (C) кўрсатилганидек пайвадланган шпилькага ўрнатинг ва қулоқчали гайка (D) билан маҳкамланг.

Олдинроқ олиб ташланган шчит ва тез ёпилувчи штифтларни ўрнатинг.

OUO6075,0004707-UZ-05APR17

Ғаллани йўналтирувчи мослама



H114990—UN—08JUL15



H99171—UN—23NOV10

A—Очиш штифти
B—Ғаллани йўналтирувчи мослама дастаги
C—Қичик дон ҳолати
D—Йирик дон ҳолати

МУҲИМ: Жароҳат олиш ёки комбайнга шикаст етказилишининг олдини олиш учун комбайн ишлаб турганда ғаллани йўналтирувчи мослама дастагини ҳаракатлантирманг.

Кичик дон ҳолати (C):

Туташтирувчи штифтни (A) тортинг ва ғаллани йўналтирувчи мослама дастагини (B) "ЮҚОРИ" ҳолатига ўтказинг. Дон тозалаш лентасига хизмат кўрсатишда ғаллани йўналтирувчи мослама дастаги "ЮҚОРИ" ҳолатига ўтказилиши керак.

Йирик дон ҳолати (D):

ҚАЙД: Жўхори ёки кунгабоқар йиғим-теримида ғаллани йўналттирувчи мослама дастаги "ПАСТ" ҳолатида бўлиши керак.

Туташтирувчи штифтни (A) тортинг ва ғаллани йўнатлирувчи мослама дастагини (B) "ПАСТ" ҳолатига ўтказинг. Материал олдинга отилишининг олдини олиш орқали ғаллани йўналтирувчи мослама дон тозалаш лентасини ҳимоя қилади.

SS43267,000067D-UZ-08JUL15

Вентиляция каналлари



H115835—UN—08SEP15

A—Вентиляция канал

Янчиш мосламасининг ҳар икки ёнидаги вентиляция канал (A) хусусан дон тозалаш лентаси паст тезликда ишлаётганда янада эркин нафас олиш имкониятини беради. Йиғим-терим шароитидан келиб чиққан ҳолда, дон идиши сифати яхшиланиши ва дон узатиш бўлмасидаги чанг миқдори камайтирилиши мумкин.

OUO6075,000417A-UZ-11APR16

Устидан ўтказувчи тўқмоқ платформаси (жиҳозланган бўлса)—Олиб ташлаш (Юқори сифатли қолдиқлар учун)



H115544—UN—20AUG15

A—Қисқич
B—Қулфлаш
C—Дон тозалаш мосламасининг кириш эшиги

ДИҚҚАТ: Моторни ЎЧИРИНГ, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.

ҚАЙД: Устидан ўтказувчи тўқмоқ платформаси ҳақида қўшимча маълумот олиш учун Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.

Устидан ўтказувчи тўқмоқ платформаси жўхори / йирик донлар йиғим-теримида ўрнатилиши, кичик донлар йиғим-теримида эса олиб ташланиши керак.

1. Дон тозалаш мосламасининг кириш эшигини очиш учун қисқични (A) очинг ва фиксаторни (C) буранг.



H113090—UN—03MAR15

A—Устидан ўтказувчи тўқмоқ платформаси
B—Қалпоқчали винт ва гайка (2 та)

ҚАЙД: Устидан ўтказувчи тўқмоқ платформасини олиб ташлаш учун икки киши керак бўлади. Бир киши паррак платформасини ушлаб турса, иккинчиси қалпоқчали винтлар ва гайкаларни ечиб олади.

2. Устидан ўтказувчи тўқмоқ платформасини (A) ушлаб туринг ва ускунанинг ҳар икки томонидаги қалпоқчали винтлар ва гайкаларни (C) ечиб олинг.
3. Кириш эшигини ёпинг ҳамда фиксатор ва қисқич билан маҳкамланг.

OUO6075,0004E91-UZ-23JUN20

Қирққич бошқарув панели (опция)



H98138—UN—21SEP10

A—Маҳкамлагич
B—Бошқарув панели

МУҲИМ: Жўхори йиғим-теримида бошқарув панели олиб ташланиб, сақлаш ҳолатига қўйилиши керак. Бошқарув панели олиб ташланмаса, бу ғалвир қисмига зарар келтириши мумкин.

Бошқарув панели қаттиқ сомонни кесиш сифатини, тарқатиш ва сочиш кенглигини яхшилайди. Қўшимча маълумот учун Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.

Қирққичнинг таг қисмидан маҳкамлагич (A) ва бошқарув панелини (B) олиб ташланг.



H98139—UN—21SEP10

A—Бошқарув панели
B—Маҳкамлагич

Қирққичнинг ички қисмига бошқарув панелини (A) ўрнатиш учун қирққични тўлиқ кўтаринг ва маҳкамлагич (B) билан қотиринг.

OUO6075,00009BF-UZ-21SEP10

Қирққичнинг қўзғалмас пичоқлари блоки (электр кучайтиргичсиз)—Ростлаш



H98137—UN—20SEP10

Пичоқлар блокининг иш ҳолати

A—Қулоқли гайка

B—Дастак

ДИҚҚАТ: Моторни ЎЧИРИНГ, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.

МУҲИМ: Жўхори ўришда пичоқлар блоки тўлиқ ишдан тўхтатилиши керак.

ҚАЙД: Қирққич ишдан тўхтатилган пичоқлар билан ҳам ишлатилиши мумкин. Аммо кесиш сифати пасаяди.

Электр энергияси истеъмолини оптималлаштириш ва қониқарли кесиш узунлигига эришиш учун ишлаш ва тўхтаб турган ҳолатлари ўртасидаги ҳолатдан фойдаланинг.

Пичоқларни ҳар қандай ҳолатга ростлаш мумкин. Пичоқлар ҳолати материални қирқиш узунлигини белгилайди.

Пичоқлар блокининг иш ҳолати

1. Қирққичдаги қулоқли гайкани (A) бўшатинг.
2. Пичоқлар блоки ростлаш ариқчасининг юқори қисмига келгунча, ростлаш дастагини (C) пастга туширинг.
3. Пичоқлар блокини бир ҳолатда қотириш учун қулоқли гайкани тортиб қотиринг.

Пичоқлар блокининг тўхтаб турган ҳолати:

1. Қирққичдаги қулоқли гайкани (A) бўшатинг.
2. Пичоқлар блоки ростлаш ариқчасининг пастки қисмига келгунча, ростлаш дастагини (C) пастга туширинг.
3. Пичоқлар блокини бир ҳолатда қотириш учун қулоқли гайкани тортиб қотиринг.

OUO6075,0004BAF-UZ-30MAY19

Қирққичнинг қўзғалмас пичоқлари блоки (электр узатма)—Ростлаш (Жиҳозланган бўлса)



H125256—UN—24OCT18

A—Электр улагич
B—Қалпоқчали винт (2 та)
C—Кронштейн
D—Шайба (2 та)

ДИҚҚАТ: Моторни ЎЧИРИНГ, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.

1. Электр улагични (A) узинг.
2. Қалпоқчали винтлар (B), ҳалқа (C) ва шайбаларни (D) олиб ташланг.



H125257—UN—24OCT18

A—Пружинали штифт
B—Узатма
C—Штифт
D—Шайба

3. Пружинали штифтни (A) чиқаринг.

4. Узатмани (B) маҳкамлашда штифтни (C) ҳамда шайбани (D) олиб ташланг.
5. Узатмани қирққичдан олиб ташланг.



H125258—UN—24OCT18

A—Гайка (2 та)
B—Чегараловчи (2 та)
C—Қалпоқчали винт (2 та)

6. Ускунанинг ҳар икки томонидан гайка (A), чегараловчи (B) ва қалпоқчали винтни (C) олиб ташланг.



H125261—UN—24OCT18

A—Пичоқлар блоки
B—Тешик (100% иш ҳолатида)
C—Тешик (50% иш ҳолатида)
D—Тешик (0% иш ҳолатида)

7. Пичоқлар блокини ускунанинг ҳар икки томонидаги ён листлардаги исталган тешиклар билан мувофиқлаштиринг.
   - (B) тешик - пичоқлар блокида 100% иш ҳолатида.
   - (C) тешик - пичоқлар блоки 50% иш ҳолатида.
   - (D) тешик- пичоқлар блоки 0% иш ҳолатида.



H125260—UN—24OCT18

A—Чегараловчи (2 та)
B—Пичоқлар блоки
C—Ён лист
D—Қалпоқчали винт (2 та)
E—Гайка (2 та)

8. Аввал олиб ташланган чегараловчини (A) ускунанинг ҳар икки томонидаги пичоқлар блоки (C) ва ён листлар (C) ўртасига ўрнатинг.
9. Аввал олиб ташланган қалпоқчали винт (D) ва гайкани (E) ускунанинг ҳар икки томонига ўрнатинг.

OUO6075,0004BAE-UZ-30MAY19

Қирққичнинг қўзғалмас пичоқлари блоки (электр узатма)—Ростлаш (Жиҳозланган бўлса)



H125262—UN—24OCT18

A—Гайка
B—Қалпоқчали винт
C—Қистирма

⚠ ДИҚҚАТ: Моторни ЎЧИРИНГ, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.

1. Ускунанинг ҳар икки томонидан гайка (A), қалпоқчали винт (B) ва чегараловчини (C) олиб ташланг.



H125263—UN—24OCT18

A—Қалпоқчали винт (2 та)
B—Чегараловчи (2 та)
C—Гайка (2 та)

2. Гайка (A), чегараловчи (B) ва қалпоқчали винтни (C) ускунанинг ҳар икки томонида сақлаш ҳолатидаги тешикка ўрнатинг.



H125264—UN—24OCT18

A—Узатма
B—Шайба (2 та)
C—Кронштейн
D—Қалпоқчали винт (2 та)
E—Электр улагич

3. Узатмани (A) кўрсатилганидек ўрнатинг.
4. Шайбаларни (B) узатма ва кронштейн (C) ўртасига ўрнатинг ва қалпоқчали винтлар (D) билан маҳкамланг.
5. Қалпоқчали винтларни керакли даражада қотиринг.

Характеристика

Қалпоқчали винтлар—Айланиш моменти. . . . . 40 N m (30 фунт/фут)

6. Электр улагични (E) ускунанинг симлар тўпламига уланг.



H125265—UN—24OCT18

A—Узатма
B—Шайба

C—Штифт
D—Пружинали штифт

7. Пичоқлар блокини то узатма кронштейндаги тешикка мувофиқ келгунча кўтаринг.
8. Шайбани (B) узатма ва кронштейн ўртасига ўрнатинг ҳамда штифт (C) ва пружинали штифтни (D) кўрсатилганидек маҳкамланг.

OUO6075,0004BB0-UZ-30MAY19

Қирққичнинг қўзғалмас пичоқлари (электр узатмасиз)—Алмаштириш



H98140—UN—21SEP10

A—Қулоқли гайка
B—Тарангловчи стержень

⚠ ДИҚҚАТ: Моторни ЎЧИРИНГ, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг. Пичоқ тиғлари ўткир.

1. Қирққичдаги қулоқли гайкани (A) бўшатинг.
2. Пичоқлар блоки ростлаш найчасининг таг қисмига етгунча ростлаш дастагини юқорига қараб суринг.

ҚАЙД: Кейинроқ йиғиш учун втулкаларни пичоқлар блокининг ташқи учига маҳкамлаб қўйинг.

3. Пичоқлар блокини уланг ва ускунанинг ўнг томонидан тарангловчи стерженни (B) олиб ташланг.



H126355—UN—21MAY19

A—Штифт
B—Тортувчи стержень
C—Контргайка

4. Тортувчи стержендан (B) штифтни (A) олиб ташланг.
5. Тортувчи стерженни ушлаб турган қисқичлардаги контргайкаларни бўшатинг.
6. Тортувчи стержен алмаштирилиши керак бўлган пичоқларни тозалагунча суринг.
7. Кўпроқ фойдаланиш учун пичоқларни иккинчи томонини ўгириб қўйинг ёки агар ҳар икки томони ейилиб бўлган бўлса, пичоқларни алмаштиринг.
8. Тортувчи стерженни пичоқлар билан мувофиқ қўйинг.
9. Қисқичлардаги контргайкаларни қотиринг ва штифтни ўрнатинг.

ҚАЙД: Пичоқлар блокининг ташқи учидаги втулкалар ҳолатини ўзгартиринг.

10. Пичоқлар блокини ўрнатинг ва ускунанинг ўнг томонидан тарангловчи стерженни суринг.
11. Қулоқли гайка ўрнатинг ва пичоқлар блокини исталган ҳолатга ростланг.

МУҲИМ: Жўхори ўришда пичоқлар блоки тўлиқ ишдан тўхтатилиши керак.

12. Пичоқлар блокини муайян ҳолатда қотириш учун қулоқли гайкани тортиб қотиринг.

OUO6075,0004BAD-UZ-21MAY19

Қирққичнинг қўзғалмас пичоқлари (электр узатма)—Алмаштириш



H125266—UN—24OCT18

A—Гайка

B—Шайба

ДИҚҚАТ: Моторни ЎЧИРИНГ, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг. Пичоқ тиғлари ўткир.

1. Пичоқлар блокининг чап томонидаги гайка (A) ва шайбани (C) олиб ташланг.



H125267—UN—24OCT18

A—Пичоқлар блоки
B—Таранглovчи стержень

ҚАЙД: Кейинроқ йиғиш учун втулкаларни пичоқлар блокининг ташқи учига маҳкамлаб қўйинг.

2. Пичоқлар блокини (A) маҳкамлашда таранглovчи стерженни (B) ускунанинг ўнг томонидан олиб ташланг.



H130611—UN—24JUN20

A—Қалпоқчали винт
B—Қалпоқчали винт ва контргайка
C—Тортувчи стержень

3. Заруратга қараб қалпоқчали винтларни (A) бўшатинг.
4. Заруратга қараб қалпоқчали винтлар ва контргайкаларни (B) бўшатинг.
5. Тортувчи стерженни алмаштирилиши керак бўлган пичоқларни тозалагунча суринг.
6. Кўпроқ фойдаланиш учун пичоқларни иккинчи томонини ўгириб қўйинг. Агар ҳар икки томони ейилиб бўлган бўлса, пичоқларни алмаштиринг.
7. Тортувчи стерженни пичоқларга мувофиқ тарзда мосланг.
8. Заруратга қараб, аввал бўшатилган қалпоқчали винтларни ва контргайкаларни (B) қотиринг.
9. Заруратга қараб, аввал бўшатилган қалпоқчали винтларни (A) қотиринг.



H125269—UN—24OCT18

A—Пичоқлар блоки
B—Ростлаш дастаги
C—Таранглovчи стержень

10. Пичоқлар блокини (A) ўрнатинг ва ростлаш дастагидаги (B) тешикни пичоқлар блокига мувофиқ қўйинг.

ҚАЙД: Пичоқлар блокининг ташқи учларидаги втулкалар ҳолатини ўзгартиринг.

11. Таранглovчи стерженни (C) ускунанинг ўнг томонидан суринг.

МУҲИМ: Жўхори ўришда пичоқлар блоки тўлиқ ишдан тўхтатилиши керак.

12. Ускунанинг чап томонида аввал олиб ташланган шайбани ўрнатинг ва аввал олиб ташланган гайка билан маҳкамланг.

OUO6075,0004E9D-UZ-08JUL20

Қирққичга кириш эшиги



H113088—UN—03MAR15



H113086—UN—02MAR15

A—Қалпоқчали винт (3 та)
B—Кириш эшиги

⚠ ДИҚҚАТ: Моторни ЎЧИРИНГ, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.

1. Қалпоқчали винтларни (A) ечиб олинг ва таянч насоси мосламасини бир четга олиб қўйинг.
2. Узун ключ ёрдамида ремен таранглаткич дастасидан (B) тарангликни камайтиринг, кейин моторга тўпланадиган чиқиндиларни бошқариш ременини (C) ечиб олинг.



H105391—UN—09MAY12

A—Таранглаткич

3. Бўшатиш шнеки узатма занжиридаги таранглаткични (A) бўшатинг.



H130209—UN—07MAY20

A—Бўшатиш шнеки узатма занжири
B—Юлдузча

4. Бўшатиш шнеки узатма занжирини (A) юлдузчадан (B) чиқариб олинг.



H130210—UN—07MAY20

A—Гайка (2 та)
B—Қалпоқчали винт (2 та)
C—Ремен тутқичи

5. Гайка (A) ва қалпоқчали винтни (B) бўшатинг.

6. Ремен тутқичидан (C) қалпоқчали винтларини ечиб олинг.
7. Машинадан ремен тутқичини ечиб олинг.



H130211—UN—07MAY20

A—Ремен тутқичи
B—Бўшатувчи шнек узатма ремени (2 та)

8. Ремен тутқичидан (A) қалпоқчали винтларини ечиб олинг.
9. Машинадан ремен тутқичини ечиб олинг.
10. Бўшатувчи шнек узатма ременларини (B) ечиб олинг.
11. Бўшатувчи шнекнинг янги узатма ременларини ва олдин ечиб олинган ремен тутқичларини ўрнатинг.



H130219—UN—07MAY20

A—Қалпоқчали винт (2 та)
B—Бўшатувчи шнек узатма ремени (2 та)
C—Ремен тутқичи
D—Гайка (2 та)

ҚАЙД: Ремен тутқичига пайвандланган гайкалар учун тишли фиксатор ва герметикдан (ўрта кучли) фойдаланинг.

12. Бўшатувчи шнек узатма ременини (B) ремен тутқичи (C) ўртасига жойлаштириш учун қалпоқчали винтларни (A) ростланг.
13. Бўшатувчи шнек узатма ременлари ремен тутқич ўртасига жойлаштирилгандан сўнг, гайкани (D) қотиринг.
14. Насос мосламасини ўрнатинг ва қалпоқчали винтларни белгиланган даражада қотиринг.

Характеристика

Қалпоқчали
винтлар—Айланиш моменти. . . . . 80 N m
(59 фунт/фут)

15. Узун ключ ёрдамида ремен таранглаткич дастасидан таранглиқни камайтиринг, кейин моторга тўпланадиган чиқиндиларни бошқариш ременини (B) ўрнатинг.
16. Қалқонни ўрнатинг ва қалпоқчали винтлар билан қотиринг.
17. Узатма занжирини ўрнатинг ва шайба ўлчагич охирига тенглашгунига қадар таранглаткични ростланг.

OUO6075,0004E32-UZ-08JUL20

Электрон бошқарув блоклари яқинида пайвандлаш

TS953—UN—15MAY90

МУҲИМ: Электр ёйи ёрдамида пайвандлаш ускунаси билан моторни ишга тушириб юборманг. Ток ва кучланишлар жуда юқори бўлиб, жиддий зарар етказиши мумкин.

1. Аккумуляторнинг манфий (-) кабелларини узинг.
2. Аккумуляторнинг мусбат (+) кабелларини узинг.
3. Мусбат ва манфий кабелларни бир-бирига уланг. Машина рамасига бириктирманг.
4. Симлар тўпламини пайвандланадиган жойдан узоқлаштиринг.
5. Пайвандлаш аппаратини иш жойида, бошқарув блокларидан узоқда ерга уланг.
6. Пайвандлагандан кейин 1-5 босқичларни тескарисига бажаринг.

DX,WW,ECU02-UZ-14AUG09

Электрон бошқарув блоки улагичларини тоза ҳолда сақланг

МУҲИМ: Бошқарув блокини очманг ва юқори босимли пуркагич билан тозаламанг. Намлик, кир ва бошқа ифлослантирувчи моддалар жиддий шикаст етказиши мумкин.

1. Клеммаларни тоза ва ёт чиқиндилардан холи сақланг. Намлик, кир ва бошқа ифлослантирувчи моддалар клеммаларнинг вақт ўтиши билан емирилишига ва электр уланишини яхши таъминлаб бера олмаслигига олиб келиши мумкин.
2. Агар улагич ишлатилмаётган бўлса, уни бегона буюмлар ва намликдан сақлаш учун устини чангдан сақловчи қалпоқча ёки намликдан сақловчи прокладка билан ёпиб қўйинг.
3. Бошқарув блокларини таъмирлаб бўлмайди.
4. Бошқарув блоклари ишдан чиқиш эҳтимоли ЭНГ ПАСТ бўлган компонент ҳисобланиши боис диагностика амалиётини бажариш орқали блокни алмаштиришдан аввал унинг ишдан чиққан қисмини аниқлаб олинг. (John Deere дилерига мурожаат қилинг.)
5. Бошқарув блоклари электр тармоғи клемма ва улагичларини таъмирлашнинг имкони бор.

DX,WW,ECU04-UZ-11JUN09

Электр тизимида эҳтиёт чораларига риоя қилиш



H125566—UN—21JAN19

А стиль



H96581—UN—30JUN10

В стиль

ДИҚҚАТ: Суюқлик миқдорини текшириш учун машина текис жойда туриши керак. Ҳар бир катакдаги тешикни қоплаб турувчи пластиналарнинг тепасидан аккумулятордаги суюқлик миқдори кўриниб туриши керак.

Аккумуляторларга учқун ва алангани яқинлаштирманг, чунки электролитлардан чиққан газ портловчидир. Учқун чиқмаслиги учун ерга улаш кабелини биринчи бўлиб ажратинг ва энг охирида уланг. Ток уриши ва куйишнинг олдини олиш учун электр тизимининг бирор бир қисмига хизмат кўрсатиш ёки аккумуляторни олиб ташлашдан олдин аккумуляторни ўчириш тугмасини босиб ўчиринг.

OUO6075,0004A94-UZ-11JAN19

Оддий электр деталлар билан ишлаш / Компьютерда бошқариладиган тизимлар билан жиҳозланган машиналарда эҳтиёт чоралари

- Ўт олдиргич ва двигатель ишлаётган пайтда ҳеч қачон аккумуляторни узманг.

  Нимага: Бу электр кучланиши кескин ошиб, электр деталларга шикаст етишига олиб келиши мумкин.

- Ўт олдиргич ёниқ ҳолатида бўлганда ташқи манба кабелини уламанг.

  Нимага: Бу электр кучланиши кескин ошиб, электр деталларга шикаст етишига олиб келиши мумкин.

- Қувват олдиришдан аввал (имкони бўлса) аккумуляторни узинг

  Нимага: Машинадаги электр юкламалар қувват олиш жараёнини секинлаштириши мумкин. Аккумулятор зарядлагичи электр кучланиши кескин ошиб, электр деталларга шикаст етишига олиб келиши мумкин.

- Хеч қачон машинани ишлаши мўлжалланганидан кўра юқори бўлган кучланиш билан ўт олдирманг

  Нимага: Бу электр деталларига шикаст етказиши мумкин

- Ўт олдиргич ёниқлигида ёки машина ишлаб турганида, электр коннекторларини уламанг ёки узманг.

  Нимага: Бу компьютер дастури ишлашига халақит бериши, компьютер тизимида хатоликлар келтириб чиқариши ва электр кучланиши кескин ошиб, электр деталларга шикаст етишига олиб келиши мумкин.

- Аниқ кўрсатма берилмаган бўлса, синов учун ҳеч қайси қисмга қувват ёки ерга улашни қўлламанг.

  Нимага: Нотўғри кучланишни электрон тизимнинг нотўғри нуқтасига улаш ўша қисмнинг бузилишига олиб келиши мумкин.

- Машинада пайвандлаш ишларини бажариш вақтида, пайвандланаётган деталларни ерга улаб қўйинг. Максимал хавфсизликни таъминлаш учун пайвандлашдан олдин барча электрон бошқарув блокларини узиб қўйинг.

  Нимага: Пайвандлаш билан боғлиқ юқори ток ерга улаш симларининг жгутларини шикастлаши мумкин. Пайвандлаш электр кучланиши кескин ошиб, электр деталларга шикаст етишига олиб келиши мумкин.

KC01776,00003CF-UZ-19MAR01

Аккумуляторларни хавфсиз сақлаш

TS204—UN—15APR13



TS203—UN—23AUG88

Аккумулятор гази портлаши мумкин. Аккумуляторларга учқун ва алангани яқинлаштирманг. Аккумуляторнинг электролит миқдорини текшириш учун фонардан фойдаланинг.

Ҳеч қачон устунлари орасига металл буюм қўйиш орқали аккумулятор зарядини текширманг. Вольтметр ёки гидрометр ишлатинг.

Доим аккумуляторнинг ерга уланган (-) зажимини биринчи навбатда олиб ташланг ва ерга уланган зажимни охирида алмаштиринг.

Аккумулятор электролитидаги сульфат кислота заҳарли бўлиб, терини куйдириши, кийимларни тешиши ва кўзга сачраганда кўр қилиб қўйиши мумкин.

Қуйидаги эҳтиёт чораларини кўринг:

- Аккумуляторларни ҳаво айланадиган жойда тўлдиринг.
- Кўзойнак ва резина қўлқоп тақиб олинг
- Аккумуляторларни тозалаш учун ҳаво пуркаманг
- Электролит қўшилганида буғида нафас олманг
- Электролитни сачратиб ёки тўкиб юборманг
- Батареяни кучайтириш ёки зарядлаш амалини тўғри бажаринг.

Агар кислота терига ёки кўзга тушса:

1. Терини сув билан чайиб ташланг.
2. Кислотани зарарсизлантириш учун ошхона содаси ёки лайм суртинг.
3. Кўзни сув билан 15-30 дақиқа чайинг. Дарҳол тиббий ёрдам олинг.

Агар кислота ютиб юборилса:

1. Мажбурлаб қайт қилманг.
2. Кўп миқдорда сув ёки сут ичинг, аммо 2 литрдан (2 квартадан) ошиб кетмасин.
3. Дарҳол тиббий ёрдам олинг.

ОГОҲЛАНТИРИШ: Аккумулятор штирлари, қисқичлари ва шу каби анжомларида қўрғошин ва қўрғошин бирикмалари бор, Калифорния штатида бу химикатлар саратон келтириб чиқаради ва репродуктив тизимга зарар келтиради, деб ҳисобланади. **Тегингандан кейин қўлингизни ювинг.**

DX,WW,BATTERIES-UZ-02DEC10

Аккумулятор - Ўрнатиш



H125567—UN—21JAN19

A стиль

H96586—UN—30JUN10

В стиль

А—Вентиляция қувурлари

ДИҚҚАТ: Суюқлик миқдорини текшириш учун машина текис жойда туриши керак. Ҳар бир катакдаги тешикни қоплаб турувчи пластиналарнинг тепасидан аккумулятордаги суюқлик миқдори кўриниб туриши керак.

Жиддий жароҳат ёки ўлим хавфидан эҳтиёт бўлинг. Агар аккумулятор қутиси тўғри шамоллатиб турилмаса, у ерда водород гази тўпланиши мумкин. Ҳар доим аккумуляторлар ёки аккумулятор қутисига хизмат кўрсатилгандан сўнг, вентиляция найчаларини (А) қайта ўрнатинг. Вентиляция шланглари эгилган ёки букилмаганини текширинг.

Янги аккумуляторнинг вентиляция мосламаси вентиляция шлангини улаш учун мос келиши керак. Вентиляция мосламаси билан жиҳозланган аккумуляторларни алмаштириш учун Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.

Агар аккумуляторга вентиляция мосламаси бириктирилмаган бўлса, унда машина двигатели ишлаганда ёки аккумулятор зарядланаётган вақтда аккумулятор қопқоғи ёпиқ туриши керак.

OUO6075,0004A95-UZ-11JAN19

Аккумулятор кабеллари - улаш

ДИҚҚАТ: АККУМУЛЯТОРНИНГ ФАҚАТ МАНФИЙ ҚУТБИ ЕРГА УЛАНГАН. Ҳар доим ерга улаш симини аккумуляторнинг манфий (-) штирига уланг. Стартер кабелини аккумуляторнинг мусбат (+) штирига уланг. Аккумулятор ёки генератордаги қутблардаги уланишлар алмаштириб юборилса, электр тизимига жиддий зарар етиши мумкин. Охирида, ерга улаш симини манфий (-) терминалга уланг.

МУҲИМ: Аккумуляторларнинг терминаллари бир хил жойлашган бўлиши керак.

Аккумуляторларни улаётганда:

Барча тугмалар ва аксессуарларни ўчиринг. Аккумуляторнинг барча штирлари ва қисқичларини тозаланг.

Ерга улаш шинасини манфий штирга БИР ТЕККИЗИБ ОЛИНГ. Чақнаш содир бўлмаслиги керак. Агар чақнаш содир бўлса, УЛАМАНГ. Аккумулятор ҳолати тескари эмаслигига ишонч ҳосил қилинг.

Агар яна чақнаш содир бўлса, барча улаб-узгичлар ва аксессуарлар ўчганини қайта текширинг. Туташувлар, оксидланиб қолган ёки узилган симлар, бўш клеммалар бор-йўқлигини текширинг.

Манфий (-) ерга улаш симларини уланг.

OUO6075,00007D7-UZ-19MAR07

Аккумуляторларни зарядлаш

Аккумуляторни тўлиқ зарядланган ҳолатда сақланг, айниқса ҳаво совуқлигида. Аккумулятор 12.50 вольтдан юқори тўлиқ зарядланган ҳолатда сақланмаса, ишлаш муддати қисқариши мумкин.

ДИҚҚАТ: Ҳеч қачон музлаган аккумуляторни зарядламанг. Аккумуляторни зарядлагичга улашдан олдин хона ҳароратида муздан туширинг. Аккумуляторларни фақат ҳаво айланадиган жойда зарядланг. Аккумуляторларни комбайнда зарядлашда иккала кабелини ҳам қисқичлардан ажратиб қўйинг.

МУҲИМ: Агар аккумуляторлар тўлиқ қувват олмаса/зарядланмаса, электролит музлаб қолиши мумкин.

Қайси аккумулятор зарядланиши кераклигини аниқланг.

Аккумуляторнинг иккала кабелини узиб, зарядлагичнинг мусбат кабелини (+) қисқичга, манфий кабелини (-) қисқичга уланг.

Аккумуляторга илова қилинган фойдаланиш йўриқномасига амал қилинг. Ҳар доим аккумуляторларни 12 вольтли зарядлагич билан зарядланг/қувватланг.

OUO6075,00007D8-UZ-19MAR07

Аккумуляторлар солиштирма оғирлигини текшириш

ДИҚҚАТ: Суюқлик миқдорини тўғри аниқлаш учун аккумуляторлар текис жойда туриши керак. Ҳар бир катакдаги тешикни қоплаб турувчи пластиналарнинг тепасидан аккумулятордаги суюқлик миқдори кўриниб туриши керак.

Аккумулятор гази портлаши мумкин. Аккумуляторларга учқун ва алангани яқинлаштирманг. Аккумуляторнинг электролит миқдорини текшириш учун фонардан фойдаланинг.

Ҳеч қачон устунлари орасига металл буюм қўйиш орқали аккумулятор зарядини текширманг. Вольтметр ёки гидрометрдан фойдаланинг.



TS182—UN—23AUG88

Аккумулятор ҳолатини аниқлаш учун ҳар бир катакчада электролитнинг солиштирма оғирлигини аккумулятор гидрометридан фойдаланиб текширинг. Кўрсаткич 1.225 дан паст бўлса, аккумуляторни зарядланг. Катакчалар орасидаги фарқ 0.050 бўлса, аккумуляторни янгисига алмаштиринг.

Электролитнинг ҳарорат ўзгариши учун ҳар доим солиштирма оғирлик кўрсаткичларини тўғриланг. 80 F дан юқори ҳар бир 10 F учун 0.004 дан қўшиб боринг. 27 C дан юқори ҳар бир 10 C учун 0.007 дан қўшиб боринг. Агар электролит ҳарорати 80 F (27 C) дан паст бўлса, мос равишда айириб боринг. Тўлиқ зарядланган аккумуляторнинг тўғри солиштирма оғирлиги 1.265 дан 1.280 гача бўлади.

OUO6075,00007D9-UZ-19MAR07

Аккумуляторлар—уловчи кучайтиргич



H125568—UN—21JAN19

A стиль



H123369—UN—08FEB18

B стиль

A—Мусбат (+) штир
B—Манфий (-) штир

Қўшимча 12 В аккумуляторни параллел улаш орқали совуқ ҳавода ўт олдириш осонроқ бўлиши мумкин.

ДИҚҚАТ: Аккумуляторлардан чиқадиган газ портловчидир. Аккумуляторларга учқун яқинлаштирманг.

МУҲИМ: Ҳеч қачон ташқи манба кабелини ўт олдиргич ёки аккумуляторни узиш тугмаси ЁНИҚ ҳолатида уламанг. Ҳеч қачон 12 В дан кўп билан машинани ўт олдирманг.

Штирлардан ҳимоя қопқоқларини ечиб олинг.

Биринчи кабель қўшимча аккумулятордаги мусбат (+) штирига уланиши керак. Мусбат (+) штирнинг (A) бошқа томонини машина аккумуляторига уланг.

Иккинчи кабель қўшимча аккумулятордаги манфий (-) штирига уланиши керак. Манфий (-) штирнинг (B) бошқа томонини машина аккумуляторига уланг.

OUO6075,0004A96-UZ-11JAN19

Аккумуляторларни ечиб олиш ва ўрнатиш (A услуб)



H125569—UN—21JAN19

A—Аккумуляторни узиш дастаги
B—Қалпоқчали винт (2 та)
C—Ғилоф

1. Аккумуляторни узиш дастагини (A) соатга тескари йўналишда OFF ҳолатигача буранг.
2. Аккумуляторни ечиб олиш учун қалпоқчали винтлар (A) ва қопқоқни (B) ечинг.



H125570—UN—21JAN19

A—Мусбат кабель
B—Манфий кабель
C—Қисқич

3. Аккумуляторнинг манфий (-) кабелини узинг, кейин мусбат (+) кабелини узинг.
4. Аккумулятор қисқичи (C) ва вентиляция қувурларини ечиб олинг.
5. Аккумуляторни ва аккумулятор ўрнатиш жойини тозаланг.
6. Аккумуляторни аккумулятор қутисига ўрнатинг.
7. Аккумуляторнинг кабеллари ва клеммаларини тозалаб, вентиляция қувурларини қайта уланг.
8. Аккумуляторнинг аввал мусбат (+) кабелини, кейин манфий (-) кабелини уланг.
9. Аккумуляторни ўрнатинг ва қисқичларини маҳкамланг.
10. Аввалроқ ечиб олинган қопқоқни ўрнатинг ва қалпоқчали винтлар билан қотиринг.
11. Аккумуляторни узиш дастагини соат стрелкаси бўйича (A) ON ҳолатига буранг.

OUO6075,0004A97-UZ-11JAN19

Аккумуляторларни ечиб олиш ва ўрнатиш (B услуб)



H123348—UN—08FEB18

A—Аккумуляторни узиш дастаги
B—Қалпоқчали винтлар (9 та)
C—Ғилоф

1. Аккумуляторни узиш дастагини (A) соатга тескари йўналишда OFF ҳолатигача буранг.
2. Аккумуляторни ечиб олиш учун маҳкамлаш қалпоқчали винтлари (B) ва қопқоқни (C) ечинг.



H96583—UN—30JUN10

A—Қисқич
B—Мусбат кабель
C—Манфий кабель

3. Аккумулятор қисқичи (A) ва вентиляция қувурларини ечиб олинг.
4. Аккумуляторнинг аввал мусбат (+), кейин манфий (-) кабелини узинг.
5. Аккумуляторни ва аккумулятор ўрнатиш жойини тозаланг.
6. Аккумуляторни аккумулятор қутисига ўрнатинг.
7. Аккумуляторнинг кабеллари ва клеммаларини тозалаб, вентиляция қувурларини қайта уланг.
8. Аккумуляторнинг аввал мусбат (+) кабелини, кейин манфий (-) кабелини уланг.
9. Аккумуляторни ўрнатинг ва қисқичларини маҳкамланг.
10. Аввалроқ ечиб олинган қопқоқни ўрнатинг ва қалпоқчали винтлар билан қотиринг.
11. Аккумуляторни узиш дастагини соат стрелкаси бўйича (A) ON ҳолатига буранг.

OUO6075,0004898-UZ-07FEB18

Аккумуляторни узиш дастаги



H125571—UN—21JAN19

A стиль



H123349—UN—07FEB18

B стиль

A—Аккумуляторни узиш дастаги

МУҲИМ: Final Tier 4/Stage V: Машинани ўчирганингиздан кейин камида 90 сония аккумуляторни узманг. Двигатель ўчгандан кейин SCR тизими дархол автоматик равишда DEF линияларни бўшатади. Агар линиялар бўшатилишига етарли вақт берилмаса, линияда қолган суюқлик кристаллашиб, линияларга тиқилиб қолиши мумкин. Музлатадиган об-ҳавода суюқлик музлаб, қувурлар ёрилиши мумкин.

ҚАЙД: Машина 25 кундан узоқ сақланадиган бўлса, аккумуляторни узиш дастагини ЎЧИҚ ҳолатига буранг. Агар 90 кундан узоқ сақланадиган бўлса, аккумулятор ёки аккумуляторлар юкланишини камайтириш учун унга уланган манфий симни узиб қўйинг.

Машинанинг электр тизиминини ёқиш учун аккумуляторни узиш дастагини (A) ЁҚИШ ҳолатига соат мили бўйлаб буринг ёки машинанинг электр тизимини ЎЧИРИШ учун дастакни соат милига тескари буринг.

OUO6075,0004A98-UZ-11JAN19

Машинанинг сақлагич маркази



H121173—UN—04APR17

A стиль



H121174—UN—04APR17

B стиль

A—Қулфлаш тилчаси
B—Ғилоф

ҚАЙД: Сақлагич маркази машинанинг моделига қараб чап ёки ўнг томонда жойлашган.

Захира сақлагичлари ва сақлагич торткичи қопқоқнинг остида жойлашган.

Сақлагич марказини очиш учун қулфлаш тилчасини (A) босинг ва қопламани (B) соат милига тескари буранг.

- F1 - F2 фойдаланилмайди
- F3 - (15A) (cc# 0642), бошқарув блоки RC2 қуввати 1
- F6—(15A) (cc# 0652), бошқарув блоки RC2 қуввати 2
- F7 - (30A) (cc# 0342), бошқарув блоки RC1 қуввати 1
- F8 – фойдаланилмайди
- F9—(30A) (cc# 0362), Ўнг электр таъминоти Модули 1 (RPM1) қуввати 5
- F11—(20A) (cc# 0332), Ўнг электр таъминоти Модули 1 (RPM1) қуввати 3
- F12—(20A) (cc# 0322), Ўнг электр таъминоти Модули 1 (RPM1) қуввати 2
- F13 - F14 фойдаланилмайди
- F15—(20A) (cc# 0352), Ўнг электр таъминоти Модули 1 (RPM1) қуввати 4
- F16 – фойдаланилмайди
- F17—(30A) (cc# 0912), донни сезувчи тизим қуввати
- F18—(25A) (cc# 0372), бошқарув блоки RC1 қуввати 2
- F19 - F26 фойдаланилмайди
- F27—(30A) (cc# 0152), бошқарув блоки LC1 қуввати 2
- F28 - F30 фойдаланилмайди
- F31—(10A) (cc# 0012), аккумуляторнинг бирламчи занжир кучланиши
- F32—(30A) (cc# 0142), Чап электр таъминоти Модули 1A (LPM1A) қуввати 4
- F33 – фойдаланилмайди
- F34—(30A) (cc# 0112), Чап электр таъминоти Модули 1A (LPM1A) қуввати 1
- F35—(30A) (cc# 9232), пичоқ тўпламли узатма билан жиҳозланган машиналар қуввати
- F36—(30A) (cc# 0312), Ўнг электр таъминоти Модули 1 (RPM1) қуввати 1
- F37 - F38 фойдаланилмайди
- F39—(10A) (cc# 4972), бошқарув блоки SSU/XSC учун бирламчи занжир кучланиши
- F40 - F42 фойдаланилмайди

- F43—(25A) (cc# 5222), бошқарув блоки ECU қуввати 3
- F44—(30A) (cc# 0712), Чап электр таъминоти Модули 2B (LPM2B) қуввати 1
- F45—(20A) (cc# 0122), Чап электр таъминоти Модули 1A (LPM1A) қуввати 2
- F46—(30A) (cc# 0132), Чап электр таъминоти Модули 1A (LPM1A) қуввати 3
- F47 – фойдаланилмайди
- F48—(25A) (cc# 5012), бошқарув блоки ECU қуввати 1
- F49 - F50 фойдаланилмайди
- F51 - (30A) (cc# 0162), бошқарув блоки LC1 қуввати 1
- F52 – фойдаланилмайди
- F54 - (10A) (cc# 0422), бошқарув блоки PTP қуввати
- F55—(25A) (cc# 5022), бошқарув блоки ECU қуввати 2
- F56—(15A) (cc# 5042), Ёқилғи Узатиш Насоси
- F57—(30A) (cc# 0222), Чап электр таъминоти Модули 2B (LPM2B) қуввати 2
- F58 - F62 фойдаланилмайди
- F63—(15A) (cc# 5062), дозалаш насоси қуввати
- F64—(20A) (cc# 0212), Чап электр таъминоти Модули 2A (LPM2A) қуввати 1
- F67 – фойдаланилмайди
- F68—(25A) (cc# 0172), Чап электр таъминоти Модули 1A (LPM1A) қуввати 5
- F69—(30A) (cc# 0972), Флекс қолдиқларини майдаловчи қуввати 2
- F70 - F71 фойдаланилмайди
- F73 - (30A) (cc# 0252), бошқарув блоки LC2 қуввати 1
- F74—(30A) (cc# 0972), Флекс қолдиқларини майдаловчи қуввати1
- F75 - F77 фойдаланилмайди
- F78—(30A) (cc# 0242), бошқарув блоки LC2 қуввати 1
- F79 – фойдаланилмайди
- F80—(30A) (cc# 0722), Чап электр таъминоти Модули 2B (LPM2B) қуввати 2

OUO6075,0004A31-UZ-08NOV18

Ички сақлагичлар



H121175—UN—04APR17

A стиль



H121176—UN—04APR17

B стиль

A—Лўкидон (3 та)
B—Ғилоф
C—F82 - Ички сақлагич
D—F92 - Ички сақлагич

ҚАЙД: Ички сақлагичлар машинанинг моделига қараб чап ёки ўнг томонида жойлашган.

Ички сақлагичлар билан ишлаш учун лўкидонларни (A) очинг ва ғилофни (B) олиб ташланг.

- F82—ички сақлагич, (125A) (cc# 8002), бошқарув блоки CAB
- F92—ички сақлагич, (125A) (cc# 8912), машина сақлагичи маркази

OUO6075,00046FD-UZ-04APR17

Сақлагич маркази



H119639—UN—13OCT16

A—Қулфлаш тилчалари
B—Ғилоф

ҚАЙД: Сақлаш маркази машина ичида, олд ўриндиқларни ўртасидаги қути ичида жойлашган.

Сақлагич марказини очиш учун қулфлаш тилчасини (A) босинг ва ғилофни (B) ечиб олинг.

- F801—(15A) (cc# 8262), ARMC қуввати
- F802—(10A) (cc# 8802), сервер-монитор қуввати
- F803—(15A) (cc# 8302), SCL қуввати
- F804—(15A) (cc# 8072), PDU қуввати
- F805—(15A) (cc# 8152), Қабул Қилувчи қуввати
- F806—(15A) (cc# 8162), Ҳар хил машиналар қуввати
- F807—(10A) (cc# 8192), ATC қуввати
- F808—(20A) (cc# 8082), ҳаво айлантиргич қуввати 1
- F809—(20A) (cc# 8182), ҳаво айлантиргич қуввати 2
- F810—(20A) (cc# 8172), ўриндиқ қуввати
- F811—(20A) (cc# 8092), аксесуар қуввати
- F812—(15A) (cc# 8242), Ёрдамчи розеткалар
- F813—(20A) (cc# 8252), Қўшимча ток узайтиргичи
- F814—(20A) – фойдаланилмайди
- F815—(20A) (cc# 8622), олд тозалагич қуввати
- F816—(10A) (cc# 8312), радио қуввати
- F817—(7.5A) (cc# 8322), Тирсакқўйгич қуввати
- F818—(5A) (cc# 0006), уйғотувчи қуввати
- F819—(5A) (cc# 8112), USB зарядлагич

OUO6075,00045AD-UZ-31JAN17

Видео Хавфсизлик

ДИҚҚАТ: Тўқнашиб кетишнинг олдини олиш ёки машина ён-атрофида пиёдалар турганини аниқлаш учун камерага ишонманг. Хайдовчи ёки бошқа йўловчиларга жароҳат етказиш ёки ўлим хавфига йўл қўймаслик учун машинани ҳайдаётганда ҳушёр туринг ва атрофга қаранг. Хавфсизлик бўлимидаги орқага юриш пайтида рўй бериши мумкин бўлган бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш усуллар билан танишинг ва яхшилаб тушуниб олинг.

МУҲИМ:

- **Камера ёки видео илова “кўзгусимон” эканини тушуниб олинг.**
- **Камерани қаттиқ ва хавфсиз жойга ўрнатинг.**
- **Камеранинг қамров кенглигини тушуниб олинг.**
- **Камерани тўғри ишлаётганини назорат қилиб туринг.**
- **Камера линзаларини тоза сақланг.**

OUO6075,00013B2-UZ-31JAN13

Видео интерфейс имкониятлари



H119626—UN—12OCT16

A—Видеокамеранинг 1-уланиш жойи (тирсакқўйгич)
B—Видеокамеранинг 2-уланиш жойи (тирсакқўйгич)
C—Видеокамеранинг 3-уланиш жойи (тирсакқўйгич)
D—Видеокамеранинг 4-уланиш жойи (тирсакқўйгич)
E—Видеокамеранинг 1-уланиш жойи (ихтиёрий экран)
F—Видеокамеранинг 2-уланиш жойи (ихтиёрий экран)
G—Видеокамеранинг 3-уланиш жойи (ихтиёрий экран)
H—Видеокамеранинг 4-уланиш жойи (ихтиёрий экран)

Машина хайовчи ўриндиғининг ўнг томонида

жойлашган саккизта видеокамера улаш жойи билан жиҳозланган.

(А-Д) видеокамера улаш жойлари сигналларни тирсакқўйгич экранига борувчи серверга юборади.

(Е—Н) видеокамера улаш жойлари сигналларни ихтиёрий GreenStar™ 3 2630 экранига юборади.

Видеога мос камералар ҳақида қўшимча маълумот олиш учун Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.

OUO6075,0004684-UZ-20MAR17

Камераларни ростлаш (жиҳозланган бўлса)



H116367—UN—25NOV15

A—Бункер камераси
B—Бўшатиш шнеки камераси
C—Орқани кўриш камераси
D—Тиркама камераси

ҚАЙД: Камера услублари кўрсатилганидан фарқ қилиши мумкин. Қўшимча маълумот учун Жон Дир дилери ёки малакали техник хизмат кўрсатиш марказига мурожаат қилинг.

Агар машина камералар (A—D) билан жиҳозланган бўлса, керак бўлса камераларни ростланг.

OUO6075,00041A7-UZ-28JAN16

H59774—UN—30AUG99

A—Галоген лампа

Галоген лампаларни алмаштиришда хавфсизлик қоидалари



TS266—UN—23AUG88

ДИҚҚАТ: Галоген лампаларда (A) босим остидаги газ бор. Лампадан нотўғри фойдаланилса, парчаланиб кетиши мумкин. Шикастланишдан сақланиш учун:

- **Лампа улаб-узгични ЎЧИРИНГ ва лампани алмаштиришдан олдин совишини кутинг. Лампа тўлиқ алмаштирилгунча улаб-узгич ЎЧИРИЛГАН турсин.**
- **Лампани алмаштириш вақтида ҳимоя кўзойнагини тақинг.**
- **Лампани асосидан ушланг. Ҳимоя қўлқопларини тақинг ёки чироқ лампаси сиртига тегманг.**
- **Ўрнатишдан аввал шиша лампага тушган бармоқ изларини кетказиш учун тоза латта ва спиртдан фойдаланинг. Лампада йиғилган тери мойи исиб кетиш ва**

муддатдан аввал бузилишга сабаб бўлади.

- **Лампани тушириб юборманг ёки қирилмасин.**
- **Лампани намликдан асранг.**
- **Лампани корпусидан ташқарида ишлатманг. Лампанинг ичида юқори босими бор ва агар лампа ёрилса ёки синса, портлаши ва жароҳатланишга сабаб бўлиши мумкин.**
- **Ишлатилган лампани янги лампа қутисига жойланг ва ахлатга ташланг. Болалар тегмайдиган жойда сақланг.**

OUO6075,0001356-UZ-12DEC12

Кабинанинг галоген чироқ фаралари — Алмаштириш



H96621—UN—25MAY10



H96622—UN—25MAY10

A—Коннектор
B—Прожектор мосламаси
C—Лампа мосламаси

ДИҚҚАТ: Қабул камерасини кўтаринг, қабул камерасининг хавфсизлик тиргагини ишга туширинг, моторни ўчиринг, тўхташ тормозини ишлатинг ва фараларни алмаштириш ёки ростлашдан олдин калитни чиқаринг.

1. Симлар жгути коннекторини (A) фара мосламасидан (B) ажратинг.
2. Чироқ корпусини кабинадан ташқарига айлантиринг.
3. Лампа мосламасини (C) соат милига тескари айлантиринг ва ечиб олинг.

ҚАЙД: Захира чироқ лампалари терига сезувчан. Ҳимоя қўлқопларини тақинг ёки чироқ лампаси сиртига тегманг.

4. Лампани алмаштиринг.
5. Лампа мосламасини итаринг ва корпусга ўрнатиш учун соат милига кўра буранг.
6. Лампа корпусини аввалги иш ҳолатига айлантиринг ва сим жгутини уланг.
7. Зарурият бўлса, қолган чироқларга ҳам такрорланг.

OUO6075,00050F5-UZ-05MAY21

Галоген чироқли кабина фаралари — Ростлаш

Вертикал ростлаш



H96624—UN—25MAY10

A—Қалпоқчали винт

ДИҚҚАТ: Қабул камерасини кўтаринг, қабул камерасининг хавфсизлик тиргагини ишга туширинг, моторни ўчиринг, тўхташ тормозини ишлатинг ва фараларни алмаштириш ёки ростлашдан олдин калитни чиқаринг.

ҚАЙД: Тўғри ёритиш бурчакларига етиш учун чироқ мосламалари керагича ростланиши мумкин.

1. Қалпоқчали винтни (A) бўшатинг.
2. Чироқ мосламасини керакли ҳолат учун юқорига ва пастга айлантиринг ва қалпоқчали винтни қотиринг.

3. Зарурият бўлса, қолган чироқларга ҳам такрорланг.

Горизонтал ростлаш

1. Чироқ мосламасини керакли ҳолатга чап ёки ўнгга буринг.
2. Зарурият бўлса, қолган чироқларга ҳам такрорланг.

OUO6075,00050F6-UZ-05MAY21

Кабинанинг галоген чироқ фаралари (узоқ ва яқинни олиш фаралари) — Алмаштириш

H96625—UN—25MAY10



H96626—UN—25MAY10

A—Винт (2 та)
B—Олд панел линзалари
C—Қисқич
D—Лампа мосламаси

ДИҚҚАТ: Қабул камерасини кўтаринг, қабул камерасининг хавфсизлик тиргагини ишга туширинг, моторни ўчиринг, тўхташ тормозини ишлатинг ва фараларни алмаштириш ёки ростлашдан олдин калитни чиқаринг.

1. Винтлар (A) ва олд панел линзаларни (B) корпусдан ечинг.
2. Лампа мосламасини (D) ечиб олиш учун қисқичларни (C) сиқинг.

ҚАЙД: Захира чироқ лампалари терига сезувчан. Ҳимоя қўлқопларини тақинг ёки чироқ лампаси сиртига тегманг.

3. Лампани ечиб олиб, янгиси билан алмаштиринг.
4. Чироқ лампа асосига қисқичлардан фойдаланиб, лампани бириктиринг.
5. Олд панел линзаларини коннектор ички корпуси билан бир текис ҳолатга келтиринг ва винтлар билан қотиринг.
6. Зарурият бўлса, қолган чироқларга ҳам такрорланг.

OUO6075,00050F7-UZ-14MAY21

Кабинанинг галоген чироқ фаралари (узоқ ва яқинни олиш фаралари) — Ростлаш



H96628—UN—25MAY10

A—Қалпоқчали винт

ДИҚҚАТ: Қабул камерасини кўтаринг, қабул камерасининг хавфсизлик тиргагини ишга туширинг, моторни ўчиринг, тўхташ тормозини ишлатинг ва фараларни алмаштириш ёки ростлашдан олдин калитни чиқаринг.

ҚАЙД: Тўғри ёритиш бурчакларига етиш учун чироқ мосламалари керагича ростланиши мумкин.

1. Қалпоқчали винтни (A) бўшатинг.
2. Чироқ мосламасини керакли ҳолат учун юқорига ва пастга айлантиринг ва қалпоқчали винтни қотиринг.
3. Зарурият бўлса, қолган чироқларга ҳам такрорланг.

OUO6075,00050F8-UZ-05MAY21

Ёруғлик диодли (LED) чироқлар Кабина фаралари (узоқ ва яқинни олиш) (жиҳозланган бўлса) — Алмаштириш



H134286—UN—04MAY21

Яқинни олувчи фара кўрсатилган

A—Яқинни олувчи кабина фара мосламаси
B—Коннектор
C—Қалпоқчали винт

ДИҚҚАТ: Қабул камерасини кўтаринг, қабул камерасининг хавфсизлик тиргагини ишга туширинг, моторни ўчиринг, тўхташ тормозини ишлатинг ва фараларни алмаштириш ёки ростлашдан олдин калитни чиқаринг.

1. Коннекторини (B) фара мосламасидан (A) ажратинг.
2. Қалпоқчали винт (C) ва гайкани ечинг.
3. Фара мосламасини ечиб олинг ва алмаштиринг.

OUO6075,00050FF-UZ-14MAY21

Ёруғлик диодли (LED) чироқлар Кабина фаралари (узоқ ва яқинни олиш) (жиҳозланган бўлса) — Ростлаш



H134287—UN—04MAY21

Яқинни олувчи фара кўрсатилган

A—Қалпоқчали винт
B—Яқинни олувчи кабина фара мосламаси
C—Узоқни олувчи кабина фара мосламаси

ДИҚҚАТ: Қабул камерасини кўтаринг, қабул камерасининг хавфсизлик тиргагини ишга туширинг, моторни ўчиринг, тўхташ тормозини ишлатинг ва фараларни алмаштириш ёки ростлашдан олдин калитни чиқаринг.

1. Қалпоқчали винтни (A) бўшатинг.
2. Фара мосламасини (B) ёки (C) керакли ҳолат учун юқорига ва пастга айлантиринг ва қалпоқчали винтни қотиринг.
   - **Яқинни ёритувчи кабина фаралари:** Фара мосламаси ва машинанинг олдидаги ердаги ёруғлик/қоронғилик чегараси орасидаги масофа 30 м (98 фут) дан кам бўладиган қилиб, чироқнинг (B) ҳолатини ростланг.
   - **Узоқни ёритувчи кабина фаралари:** Чироқнинг (C) ўрнини ердаги чироқ шуъласи машинанинг олдидан максимум 100 м (328 фут) масофадан кўриниб турадиган қилиб ростланг.
3. Зарурият бўлса, қолган чироқларга ҳам такрорланг.

OUO6075,0005100-UZ-14MAY21

Галоген лампа панел чироқлари (жиҳозланган бўлса) — Алмаштириш



H98976—UN—02NOV10

A—Коннектор
B—Лампа мосламаси

ДИҚҚАТ: Фараларни алмаштириш ёки ростлашдан аввал қабул камерасини тўлиқ пастга туширинг.

1. Коннектор (A) симларини лампа тўпламидан (B) ажратинг.

2. Лампани соат милига тескари айлантиринг ва ечиб олинг.

ҚАЙД: Захира чироқ лампалари терига сезувчан. Ҳимоя қўлқопларини тақинг ёки чироқ лампаси сиртига тегманг.

3. Лампани ечиб олиб, янгиси билан алмаштиринг.
4. Лампа мосламасини итаринг ва корпусга ўрнатиш учун соат милига кўра буранг.
5. Коннектор симларини чироқ мосламасига уланг.
6. Зарурият бўлса, қолган чироқларга ҳам такрорланг.

OUO6075,00050F9-UZ-05MAY21

Ёруғлик диодли (LED) Панел чироғи (жиҳозланган бўлса) - Алмаштириш



ZX340912—UN—29MAY18

A—Коннектор
B—Чироқ мосламаси

ДИҚҚАТ: Фараларни алмаштириш ёки ростлашдан аввал қабул камерасини тўлиқ пастга туширинг.

1. Коннектор (A) симларини чироқ мажмуасидан (B) ажратинг.
2. Чироқ мажмуасини ечиб олиб, алмаштиринг.
3. Коннектор симларини чироқ мажмуасига уланг.
4. Зарурият бўлса, қолган чироқларга ҳам такрорланг.

OUO6075,00050FA-UZ-05MAY21

Пастки ҳайдаш чироқлари лампасини (жиҳозланган бўлса) — Алмаштириш



H96629—UN—02NOV10

A—Коннектор
B—Лампа мосламаси

ДИҚҚАТ: Фараларни алмаштириш ёки ростлашдан аввал қабул камерасини тўлиқ пастга туширинг.

1. Коннектор (A) симларини лампа тўпламидан (B) ажратинг.
2. Лампани соат милига тескари айлантиринг ва ечиб олинг.

ҚАЙД: Захира чироқ лампалари терига сезувчан. Ҳимоя қўлқопларини тақинг ёки чироқ лампаси сиртига тегманг.

3. Лампани ечиб олиб, янгиси билан алмаштиринг.
4. Лампа мосламасини босинг ва корпусга ўрнатиш учун соат милига кўра буринг ва симини уланг.
5. Зарурият бўлса, қолган чироқларга ҳам такрорланг.

OUO6075,00050FB-UZ-05MAY21

Пастки ҳайдаш чироқлари (жиҳозланган бўлса) — Ростлаш



H98977—UN—02NOV10

A—Винт (3 та)

ДИҚҚАТ: Фараларни алмаштириш ёки ростлашдан аввал қабул камерасини тўлиқ пастга туширинг.

ҚАЙД: Тўғри ёритиш бурчакларига етиш учун чироқ мосламалари керагича ростланиши мумкин.

1. Чироқ мосламасини юқорига ва пастга буриш учун винтларни (A) айлантиринг ва қотиринг.
2. Зарурият бўлса, қолган чироқларга ҳам такрорланг.

OUO6075,00050FC-UZ-14MAY21

Ёруғлик чиқарадиган диод (LED) чироқлари (ихтиёрий) - алмаштириш



H119680—UN—20OCT16

A—Ёруғлик чиқарувчи диод (LED) чироқлари

ДИҚҚАТ: Қабул камерасини кўтаринг, қабул камерасининг хавфсизлик тиргагини ишга туширинг, моторни ўчиринг, тўхташ тормозини ишлатинг ва фараларни алмаштириш ёки ростлашдан олдин калитни чиқаринг.

1. Ёруғлик чиқарадиган диод (LED) чироқлари (A) кўрсатилганидек, кабинанинг икки томонида жойлашган.



H119681—UN—20OCT16

A—Қалпоқли винт ва шайба (2 та)
B—Қалпоқли винт ва шайба (19 та)
C—Кабина томи
D—Антенна

ҚАЙД: GreenStar GreenStar™ бор бўлса уни жойлашган жойидан ечиб олинг.

2. Қалпоқчали винтлар ва шайбаларни (A ва B) ечиб олинг.
3. Кабина томининг (C) олд чап томонини кўтаринг ва антеннани (D) узинг.
4. Кабина томининг олд қисмини ечиб олинг.



H119701—UN—25OCT16

GreenStar – Deere & Company савдо белгиси



H119683—UN—20OCT16

A—Гайкали қалпоқчали винт
B—Коннектор
C—Втулка

5. Қалпоқчали винт ва гайкани (A) ечинг.
6. Жгут коннекторини (B) узинг ва втулкани (C) ечиб олинг.
7. Чироқ мосламасини ечиб олинг ва ташлаб юборинг.
8. Чироқ мосламасини тескари тартибда ўрнатинг.
9. Қалпоқчали винтни белгиланган даражада қотиринг.

Характеристика

Гайка—Айланиш моменти. . . . . 30 Н·м (22 фунт/фут)

10. Лампа корпусини аввалги иш ҳолатигача айлантиринг.
11. Зарурият бўлса, қолган чироқларга ҳам такрорланг.



H119681—UN—20OCT16

A—Қалпоқли винт ва шайба (2 та)
B—Қалпоқли винт ва шайба (19 та)
C—Кабина томи
D—Антенна

12. Антеннани (D) уланг ва кабина томини (C) ўрнатинг.
13. Қалпоқчали винтларни ва шайбаларни (B) ўрнатинг ва белгиланган даражада қотиринг.

Характеристика

Қалпоқчали винтлар—Айланиш моменти. . . . . 6 Н·м (53 фунт-дюйм)

14. Қалпоқчали винтларни ва шайбаларни (A) ўрнатинг ва белгиланган даражада қотиринг.

Характеристика

Қалпоқчали винтлар—Айланиш моменти. . . . . 10 Н·м (89 фунт–дюйм)

OUO6075,00050FD-UZ-14MAY21

Ёруғлик чиқарадиган диод (LED) чироқлари (ихтиёрий) - ростлаш

Вертикал ростлаш



H119703—UN—26OCT16

A—Қалпоқчали винт

ДИҚҚАТ: Қабул камерасини кўтаринг, қабул камерасининг хавфсизлик тиргагини ишга туширинг, моторни ўчиринг, тўхташ тормозини ишлатинг ва фараларни алмаштириш ёки ростлашдан олдин калитни чиқаринг.

ҚАЙД: Тўғри ёритиш бурчакларига етиш учун чироқ мосламалари керагича ростланиши мумкин.

1. Қалпоқчали винтни (A) бўшатинг.
2. Чироқ мосламасини керакли ҳолат учун юқорига ва пастга айлантиринг ва қалпоқчали винтни қотиринг.
3. Зарурият бўлса, қолган чироқларга ҳам такрорланг.

Горизонтал ростлаш



H119681—UN—20OCT16

A—Қалпоқли винт ва шайба (2 та)
B—Қалпоқли винт ва шайба (19 та)
C—Кабина томи
D—Антенна

ҚАЙД: GreenStar GreenStar™ бор бўлса уни жойлашган жойидан ечиб олинг.

1. Қалпоқчали винтлар ва шайбаларни (A ва B) ечиб олинг.
2. Кабина томининг (C) олд чап томонини кўтаринг ва антеннани (D) узинг.
3. Кабина томининг олд қисмини ечиб олинг.



H119704—UN—26OCT16

A—Гайкали қалпоқчали винт

4. Қалпоқчали винт ва гайкани (A) бўшатинг.
5. Чироқ мосламасини керакли ҳолатга чап ёки ўнгга буринг.
6. Қалпоқчали винтни белгиланган даражада қотиринг.

Характеристика

Гайка—Айланиш моменти. . . . . 30 Н·м (22 фунт/фут)

7. Зарурият бўлса, қолган чироқларга ҳам такрорланг.



H119681—UN—20OCT16

A—Қалпоқли винт ва шайба (2 та)
B—Қалпоқли винт ва шайба (19 та)
C—Кабина томи
D—Антенна

8. Антеннани (D) уланг ва кабина томини (C) ўрнатинг.
9. Қалпоқчали винтларни ва шайбаларни (B) ўрнатинг ва белгиланган даражада қотиринг.

Характеристика

Қалпоқчали винтлар—Айланиш моменти. . . . . 6 Н·м (53 фунт-дюйм)

10. Қалпоқчали винтларни ва шайбаларни (A) ўрнатинг ва белгиланган даражада қотиринг.

Характеристика

Қалпоқчали винтлар—Айланиш моменти. . . . . 10 Н·м (89 фунт–дюйм)

OUO6075,00050FE-UZ-14MAY21

Маёқ чироқларини алмаштириш (A услуб)



H111426—UN—12JUN14

GreenStar – Deere & Company савдо белгиси



H96614—UN—25MAY10



H96615—UN—25MAY10

A—Линзалар
B—Қисқич
C—Маҳкамлагич
D—Лампа мосламаси
E—Коннектор

ДИҚҚАТ: Маёқ чироқларни алмаштириш ёки ростлашдан аввал машина ўргичини кўтаринг ва хавфсизлик тиргагини туширинг.

Линзани (A) босинг ва ечиб олиш учун соатга тескари йўналишда айлантиринг.

Қулфлаш тилчасидан (C) қисқични (B) олинг.

Коннектор (E) дан лампа мосламасини (D) ечинг.

ҚАЙД: Захира чироқ лампалари терига сезувчан. Ҳимоя қўлқопларини тақинг ёки чироқ лампаси сиртига тегманг.

Лампани алмаштиринг ва тескари тартибда ўрнатинг.

Зарурият бўлса, қолган чироқларга ҳам такрорланг.

OUO6075,0004582-UZ-18JAN17

Маёқ чироғини алмаштириш (B услуб)



H111428—UN—12JUN14

A—Қулоқли гайка
B—Маёқ чироғи

ДИҚҚАТ: Маёқ чироқларни алмаштириш ёки ростлашдан аввал машина ўргичини кўтаринг ва хавфсизлик тиргагини туширинг.

ҚАЙД: Ёруғлик чиқарувчи диодлар маълум шина ўлчамларига қараб йўл-транспорт баландлиги талаблари учун маҳаллий ва ҳукумат қоидаларига жавоб бериши талаб етилади.

Қулоқли гайкани (A) бўшатинг ва маёқ чироғини (B) жойидан ечиб олинг.

Чироқ мажмуасини (B) ечиб олинг ва алмаштиринг.

Маёқ чироғи мосламаси токка уланганини текшириш учун озгина босиб кўринг ва қулоқли гайкаларни охиригача бураб маҳкамланг.

Зарурият бўлса, қолган чироқларга ҳам такрорланг.

OUO6075,000478B-UZ-28JUN17

Галоген лампали ишчи чироқлар (жиҳозланган бўлса) - Алмаштириш



H96617—UN—25MAY10

Культиваторнинг ўнг чироғи

A—Коннектор

ҚАЙД: Кўрсатилган жараён культиватор чироқларини алмаштириш учун ўринли. Ушбу жараён қуйидаги турдаги чироқларни алмаштириш учун ўринли:

- *Бўшатиш чироқлари*
- *Ёрдамчи дала чироқлари*
- *Кириш эшиги чироқлари*
- *Культиватор чироқлари*
- *Бункер чироғи*
- *Бўшатиш шнеки чироғи*

1. Коннектор симларини (A) лампа мосламасидан ажратинг.
2. Лампани соат милига тескари айлантиринг ва ечиб олинг.

ҚАЙД: Захира чироқ лампалари терига сезувчан. Ҳимоя қўлқопларини тақинг ёки чироқ лампаси сиртига тегманг.

3. Лампани ечиб олиб, янгиси билан алмаштиринг.
4. Лампа мосламасини босинг ва корпусга ўрнатиш учун соат милига кўра буринг.
5. Коннектор симларини чироқ мосламасига уланг.
6. Зарурият бўлса, қолган чироқларга ҳам такрорланг.

OUO6075,0004BCA-UZ-19JUN19

Ёруғлик диодли (LED) ишчи чироқни (жиҳозланган бўлса) алмаштириш



H126512—UN—17JUN19

Культиваторнинг ўнг чироғи

A—Коннектор
B—Чироқ мажмуаси

ҚАЙД: Кўрсатилган жараён культиватор чироқларини алмаштириш учун ўринли. Ушбу жараён қуйидаги турдаги чироқларни алмаштириш учун ўринли:

- *Бўшатиш чироқлари*
- *Ёрдамчи дала чироқлари*
- *Кириш эшиги чироқлари*
- *Культиватор чироқлари*
- *Бункер чироғи*
- *Бўшатиш шнеки чироғи*

1. Коннектор (A) симларини чироқ мажмуасидан (B) ажратинг.
2. Чироқ мажмуасини ечиб олиб, алмаштиринг.
3. Коннектор симларини чироқ мажмуасига уланг.
4. Зарурият бўлса, қолган чироқларга ҳам такрорланг.

OUO6075,0004BC8-UZ-18JUN19

Ённи ёритувчи галоген лампалари ва дон тозалагич чироқлари (жиҳозланган бўлса) - Алмаштириш



H57680—UN—28MAY99

A—Коннектор
B—Фиксатор ҳалқаси

ҚАЙД: Кўрсатилган жараён ённи ёритиш чироқларини алмаштириш учун ўринли. Ушбу жараён қуйидаги турдаги чироқларни алмаштириш учун ўринли:

- *Дон тозалагич чироқлари*

1. Коннектор симларини (A) лампа мосламасидан ажратинг.
2. Фиксатор ҳалқасини (B) соат милига тескари итариб айлантиринг ва ечиб олинг.

ҚАЙД: Захира чироқ лампалари терига сезувчан. Ҳимоя қўлқопларини тақинг ёки чироқ лампаси сиртига тегманг.

3. Лампани ечиб олиб, янгиси билан алмаштиринг.
4. Чироқ мосламасини тескари тартибда ўрнатинг.
5. Коннектор симларини чироқ мосламасига уланг.

6. Зарурият бўлса, қолган чироқларга ҳам такрорланг.

OUO6075,0004BCB-UZ-19JUN19

Ёруғлик диодли (LED) Ённи ёритиш чироқлари ва дон тозалагич чироқларини алмаштириш (жиҳозланган бўлса) – Алмаштириш



H126513—UN—17JUN19

A—Коннектор
B—Чироқ мажмуаси
C—Қалпоқчали винт ва гайка (2 та)
D—Маҳкамлагич (4та)
E—Пластина

ҚАЙД: Кўрсатилган жараён ённи ёритиш чироқларини алмаштириш учун ўринли. Ушбу жараён қуйидаги турдаги чироқларни алмаштириш учун ўринли:

- *Дон тозалагич чироқлари*

1. Коннектор (A) симларини чироқ мажмуасидан (B) ажратинг.
2. Қалпоқчали винт ва гайкаларни (C) ечиб олинг.
3. Тилчаларни (D) босинг ва чироқ мосламасини пластинадан (E) ажратинг.
4. Чироқ мосламасини машина ташқарисидан ечиб олинг.
5. Алмаштирилаётган чироқ мосламасини машина ташқарисидан ўрнатинг.

ҚАЙД: Чироқ мосламасидаги тилчалар пластинани жойига мустаҳкамлайди.

6. Чироқ мосламасини аввалроқ ечилган тез ёпилувчи штифт билан қотириб қўйинг.
7. Аввалроқ ечиб олинган қалпоқчали винтлар ва гайкаларни қотиринг.
8. Коннектор симларини чироқ мажмуасига уланг.
9. Зарурият бўлса, қолган чироқларга ҳам такрорланг.

OUO6075,0004BC9-UZ-18JUN19

Аварийка/габарит чироқлари, габарит/тормоз чироқлари ва орқа огоҳлантирувчи чироқлар - Алмаштириш



H121705—UN—07JUN17

Хавфдан огоҳлантирувчи/габарит чироқлари



H100491—UN—28FEB11

Габарит/тормоз чироқлари ва хавфдан огоҳлантириш орқа чироқлари

A—Винтлар

Винтларни (A) танланган линза қопламасини ечинг.

Чироқ лампасини итариш ва соат милига тескари айлантириш орқали ечиб олинг.

ҚАЙД: Захира чироқ лампалари терига сезувчан. Ҳимоя қўлқопларини тақинг ёки чироқ лампаси сиртига тегманг.

Лампа ва линза қопламаларини танланган линза қопламасига тескари тартибда ўрнатинг.

OUO6075,0004759-UZ-07JUN17

Салон чироғи - Алмаштириш



H96618—UN—02JUN10

A—Линза қопламаси
B—Лампа

Линза қопламасини (A) олиб, лампани (B) алмаштиринг.

ҚАЙД: Захира чироқ лампалари терига сезувчан. Ҳимоя қўлқопларини тақинг ёки чироқ лампаси сиртига тегманг.

Лампа ва линза қопламаларини тескари тартибда ўрнатинг.

OUO6075,0000783-UZ-04NOV10

Харита чироғи - Алмаштириш



H97965—UN—13SEP10

A—Харита чироғи мосламаси
B—Коннектор

Харита чироғи мосламасини (A) ечиб олинг ва коннектор симини (B) узинг.

Харита чироғи мосламасини ечиб олинг ва алмаштиринг.

Харита чироғи мосламасини кўрсатилгандек тескари тартибда ўрнатинг.

OUO6075,00009AF-UZ-13SEP10

Ҳаракатлантирувчи узатма ва орқа ўқ

Шиналарга техник хизмат кўрсатиш чоғида хавфсизлик чораларига риоя қилинг



TS211—UN—15APR13

ДИҚҚАТ: Шина ва тўғинлар ажратилаётганда отилиб кетиб, жароҳат ёки ўлимга сабаб бўлиши мумкин.

Керакли асбоб-ускуналар ва тажрибангиз бўлмаса, шинани ўрнатишга уринманг.

Шинадаги босимни меъёрида сақланг. Тавсия этилган босимдан ошириб дамламанг.

Шина ва ғилдирак мажмуасини асло пайвандламанг ёки қиздирманг. Ҳарорат туфайли босим ошиб кетиб, шина портлаши мумкин. Пайвандлаш оқибатида ғилдирак заифлашиши ёки деформацияга учраши мумкин.

Шинани дамлаётганда олинадиган штуцер ва узайтиргич шлангидан фойдаланинг, шина олдида ёки тепасида турманг. Мавжуд бўлса, ҳимоя панжарасидан фойдаланинг.

Ғилдиракларнинг босими , кесилган ва бўртиб чиққан жойлари, зиён етган тўғин, етишмаётган болт ва гайкалар бўлмаслиги учун текшириб чиқинг.

DX,RIM1-UZ-27OCT08

Бириктирилган ўроқ билан йўлда ташиш

Комбайнни умумий йўлларда ҳайдаш бўйича мамлакат ва маҳаллий қонунларга риоя қилинг.

Германияда машинани йўлда ташиш учун маҳаллий TUEV дан рухсатнома олинган бўлиши талаб қилинади.

Рухсатнома учун дилерга ёки ишлаб чиқарувчи заводга мурожаат қилинг.

OUO6075,0004673-UZ-16MAR17

Шиналарга қараш ва сервис

МУҲИМ: Оригинал қурилманинг шина спецификацияларига тўғри келмайдиган шиналарни ўрнатиш машинанинг яхши ишламаслигига сабаб бўлиши мумкин. Кўрсатма учун дилер ёки шина таъминотчиси билан маслаҳатлашинг.

Субстандарт ёки тавсия этилганидан каттароқ шиналардан фойдаланиш кафолатни йўққа чиқаради ва барқарорликни пасайтириши, бошқаришга таъсир қилиши, шинанинг муддатидан носоз бўлиши ёки чидамлилик ва хавфсизлик билан боғлиқ бошқа муаммоларга сабаб бўлиши мумкин.

Шиналарга зарар етгани ёки босими нисбатан пасайганини ҳар куни текширинг.

Ҳар 100 соат ишлаганида, шина босимини текширинг. Шиналар суюқлик балластли бўлса, махсус ҳаво-сув ўлчагичидан фойдаланинг ва пастдаги клапан штокидан фойдаланинг.

Камерасиз шинада кичик тешик вақтинчалик шинани ечиб олмай тузатилиши мумкин, шундай қилиб банд мавсумда вақт кетишининг олди олинади.

Шиналарни қуёш нури остида, нефт маҳсулотлари ва химикатлар таъсирида қолдирманг.

Эҳтиёт бўлиб ҳайданг. Тошлар ва ўткир жисмларга тегмасликка ҳаракат қилинг.

МУҲИМ: Шина янада шикастланмаслиги учун иложи борича тез тузатиш керак.

ҚАЙД: Барча шина маълумот ва характеристикалари чоп этиш вақтидаги энг янги маълумотларга асосланган. Исталган вақтда огоҳлантириш бермасдан ўзгартириш киритиш ҳуқуқи сақлаб қолинган. Онлайн комбайн қишлоқ хўжалиги техникаси эҳтиёт қисмлари қўлланмаси ёки шина босими жадваллари ҳақида қўшимча маълумот учун Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.

Жадвалларда берилган шина босимлари шинанинг ён томонида кўрсатилган босимлардан фарқ қилиши мумкин.

Ўроқнинг мослиги ва белгиланган дамлаш босимлари йирик дон конфигурацияларининг олд ўқ юкламасига асосланади.

Юклама конфигурацияга асосан фарқ қилади. Бу энг ёмон ҳолатни акс этмаслиги мумкин. Шубҳангиз бўлса, маҳаллий шина дилери билан маслаҳатлашинг.

Барча шиналар ҳам барча машиналар ёки барча ишлаб чиқариш қувватлари учун мавжуд эмас.

Борт ҳаво компрессори (жиҳозланган бўлса) машинадаги шиналарни дамлаш ёки пневматик мосламаларни ишлатиш учун тавсия этилмайди.

OUO6075,0004635-UZ-20MAR17

Шиналар ҳақида асосий маълумотлар

Диагонал шина

16.9 - 28 10PR R1
A B C D E

H125004—UN—25SEP18

Диагонал шина оддий номенклатурага кўра аниқланади.

A—Шина протекторининг дюймдаги кенглиги.
B—Шина диагонал эканини билдиради.
C—Гардиш ўлчамини дюймда кўрсатади.
D—Қатлам рейтинги қатламлар сонини эмас, каркас кучини кўрсатади.
E—Шинанинг тури ва ўлчами.

Радиал шина

16.9 R 28 R1W
A B C D

H125005—UN—25SEP18

Радиал шина оддий номенклатура ва халқаро тизим ёрдамида аниқланиши мумкин.

Оддий номенклатура

A—Шина протекторининг дюймдаги кенглиги.
B—Шина радиал эканини кўрсатади.
C—Гардиш ўлчамини дюймда кўрсатади.
D—Шинанинг тури ва ўлчами.

600 /65 R 28 R1 155 A8
A B C D E F G

H125006—UN—25SEP18

Халқаро тизим

A—Шина кенглигини миллиметрда кўрсатади.
B—Шина (борти) баландлигини кенгликка нисбатан фоизда кўрсатади.
C—Шина радиал эканини кўрсатади.
D—Гардиш ўлчамини дюймда кўрсатади.
E—Шинанинг тури ва ўлчами.
F—Шинанинг юкланиш сиғими индексини кўрсатади.
G—Шинада белгиланган тезликни акс эттиради.

Юқори ўтказувчан шина

850 /60 - 38 R1
A B C D E

H125007—UN—25SEP18

Юқори ўтказувчан шина аралаш номенклатура ёрдамида аниқланади.

A—Шина кенглигини миллиметрда кўрсатади.
B—Шина (борти) баландлигини кенгликка нисбатан фоизда кўрсатади.
C—Шина диагонал эканини билдиради.
D—Гардиш ўлчамини дюймда кўрсатади.
E—Шинанинг тури ва ўлчами.

OUO6075,0004A27-UZ-08JAN19

Шина протектори турлари

H125003—UN—24SEP18

ҚАЙД: Шина қадам шакли шинани қайси компания ишлаб чиқарганига қараб турлича бўлади.

Шина қадам шаклларининг қишлоқ хўжалигида энг кўп қўлланиладиган учта тури мавжуд.

A—R1 шина. Қишлоқ хўжалиги ишларида кенг тарқалган ва аксарият тупроқ ҳолатларига мос келади.
B—R1 W шина. Пойнаклари R1 шинага қараганда 20% юқорироқ бўлиб, йўлларда юришда узоқ муддат чидамлиликни таъминлайди.
C—P2 шина. Лойли ва бироз нам ерларда ишлатилади. Масалан, суғориладиган шоли даласида.

OUO6075,0004A28-UZ-24SEP18

Олд шина босими (S760 ва S770)

ҚАЙД: Қўшимча маълумот учун шу бўлимдаги Шиналарга қараш ва сервисга қаранг.

МУҲИМ: Барча йўлда ташиш № каллак/ташиш устунида кўрсатилган босимда амалга оширилиши КЕРАК. Ташиш вақтида нотўғри босим машинанинг барқарорлигини пасайтириши мумкин. Тўғри босим ёқилғини янада тежаш ва узоқроқ шина ҳаётийлигига сабаб бўлади.

Тезлик	Ташиш тезлиги 40 км/соат (25 мил/соат)		Терим тезлиги 10 км/соат (6 мил/соат)				
Тахминий масса	Каллаксиз/ташиш[a]	4500–5500 кг	1500–2500 кг	2500–3500 кг	3500–4500 кг	4500–5500 кг	5500–6000 кг
		9900–12 100 фунт	3300–5500 фунт	5500–7700 фунт	7700–9900 фунт	9900–12 100 фунт	12 100–13 200 фунт
Ременли йиғиштиргич/лентали жатка каллаклари	Қўлланмайди-и	Қўлланмайди-и	BP15 620F 620R 622F 622R 625F 625R	630F 630R 635F 635R 725D 722PF 725PF 722X 725X	RD30F RD35F RD40F 730D 735D 740D 735X 730PF 735PF	HD35R HD35F HD35X HD40R HD40X HD45R RD45F 740X 740PF	HD40F HD45F
Олд шина ўлчами	S760 ва S770 - Шина босими - бар/кПа (фунт/кв.дюйм)						
680/85R32 178A8	1,4/140 (20)	ТЭ	2,4/240 (35)	2,8/280 (41)	3,2/320 (47)	ТЭ	ТЭ
680/85R32 CHO 178A8	1,4/140 (20)	ТЭ	2,0/200 (29)	2,4/240 (35)	3,2/320 (47)	ТЭ	ТЭ
IF 680/85R32 CFO 179A8	1,4/140 (20)	ТЭ	1,6/160 (23)	2,0/200 (29)	2,2/220 (32)	ТЭ	ТЭ
VF 710/70R42 CFO 190B	1,6/160 (23)	ТЭ	1,6/160 (23)	2,0/200 (29)	2,4/240 (35)	ТЭ	ТЭ
800/65R32 172A8-178A8	1,8/180 (26)	ТЭ	2,8/280 (41)	2,8/280 (41)	3,2/320 (47)	ТЭ	ТЭ
IF 800/65R32 CFO 178A8-179A8	1,6/160 (23)	ТЭ	2,0/200 (29)	2,4/240 (35)	ТЭ	ТЭ	ТЭ
800/70R32 CHO 175A8	1,4/140 (20)	ТЭ	1,8/180 (26)	2,0/200 (29)	2,0/200 (29)	ТЭ	ТЭ
IF 800/70R32 CFO 182A8	1,6/160 (23)	ТЭ	1,8/180 (26)	2,0/200 (29)	2,2/220 (32)	ТЭ	ТЭ
800/70R38 173A8-181A8	1,4/140 (20)	ТЭ	2,0/200 (29)	2,0/200 (29)	2,4/240 (35)	ТЭ	ТЭ
IF 800/70R38 CFO 184A8-187A8	1,2/120 (17)	ТЭ	1,4/140 (20)	1,6/160 (23)	1,6/160 (23)	ТЭ	ТЭ
VF 800/70R38 CFO 193A8	1,2/120 (17)	2,6/260 (38)	1,4/140 (20)	1,6/160 (23)	2,0/200 (29)	ТЭ	ТЭ
LSW 800/55R46 CFO 190D	1,2/120 (17)	3,2/320 (47)	1,8/180 (26)	2,4/240 (35)	2,4/240 (35)	ТЭ	ТЭ
900/60R32 176A8	1,2/120 (17)	ТЭ	2,4/240 (35)	2,4/240 (35)	2,8/280 (41)	ТЭ	ТЭ
900/60R38 181A8	1,2/120 (17)	ТЭ	2,0/200 (29)	2,2/220 (32)	2,4/240 (35)	ТЭ	ТЭ
IF 900/65R32 CFO 191A8	1,2/120 (17)	3,2/320 (47)	1,4/140 (20)	1,6/160 (23)	2,6/260 (38)	ТЭ	ТЭ
VF 900/60R32 CFO 193A8	1,2/120 (17)	2,8/280 (41)	1,6/160 (23)	1,8/180 (26)	2,4/240 (35)	ТЭ	ТЭ
VF 900/60R38 CFO+ 193A8	1,2/120 (17)	2,8/280 (41)	1,4/140 (20)	1,4/140 (20)	1,6/160 (23)	ТЭ	ТЭ
LSW 1100/45R46 CFO 201D	1,2/120 (17)	2,4/240 (35)	1,2/120 (17)	1,4/140 (20)	2,4/240 (35)	ТЭ	ТЭ

Тезлик	**Ташиш тезлиги 40 км/соат (25 мил/соат)**		**Терим тезлиги 10 км/соат (6 мил/соат)**				
Тахминий масса	**Каллаксиз/ ташиш[a]**	**4500–5500 кг**	**1500–2500 кг**	**2500–3500 кг**	**3500–4500 кг**	**4500–5500 кг**	**5500–6000 кг**
		9900–12 100 фунт	**3300–5500 фунт**	**5500–7700 фунт**	**7700–9900 фунт**	**9900–12 100 фунт**	**12 100–13 200 фунт**
Ременли йиғиштиргич/лентали жатка каллаклари	**Қўлланмайди-и**	**Қўлланмайди-и**	**BP15 620F 620R 622F 622R 625F 625R**	**630F 630R 635F 635R 725D 722PF 725PF 722X 725X**	**RD30F RD35F RD40F 730D 735D 740D 735X 730PF 735PF**	**HD35R HD35F HD35X HD40R HD40X HD45R RD45F 740X 740PF**	**HD40F HD45F**
Олд шина ўлчами	**S760 ва S770 - Шина босими - бар/кПа (фунт/кв.дюйм)**						
IF 1250/50R32 CFO 201B	1,2/120 (17)	2,4/240 (35)	1,2/120 (17)	1,2/120 (17)	1,4/140 (20)	ТЭ	ТЭ
LSW 1250/35R46 CFO 202B	1,2/120 (17)	2,4/240 (35)	1,2/120 (17)	1,2/120 (17)	1,4/140 (20)	ТЭ	ТЭ
520/85R42 157A8-165B DUALS	1,2/120 (17)	2,0/200 (29)	1,8/180 (26)	2,0/200 (29)	2,2/220 (32)	ТЭ	ТЭ
IF 520/85R42 CFO 169D ҚЎШ ШИНАЛАР	1,2/120 (17)	1,8/180 (26)	1,4/140 (20)	1,4/140 (20)	2,2/220 (32)	ТЭ	ТЭ
VF 520/85R42 CFO 174A8 DUALS	1,2/120 (17)	1,8/180 (26)	1,4/140 (20)	1,4/140 (20)	2,2/220 (32)	ТЭ	ТЭ
580/85R42 166D ҚЎШ ШИНАЛАР	1,2/120 (17)	2,0/200 (29)	1,6/160 (23)	1,6/160 (23)	1,8/180 (26)	ТЭ	ТЭ
650/85R38 173A8 DUALS	1,2/120 (17)	1,8/180 (26)	1,6/160 (23)	1,6/160 (23)	1,6/160 (23)	ТЭ	ТЭ
ТЭ = тавсия этилмайди							

b. Бўшатиш шнекининг қулф дастасини (B) туйнуклар текислангунча кўтаринг.

c. Аввал ечиб олинган штифт ва пружинали штифтни ўрнатинг.



H107241—UN—18MAR13

A—Қурилма
B—Кабель

28. Қурилмани (A) бўшатинг ва кабелни (B) сақлаш ҳолатидан чиқариб олинг.



H125429—UN—04DEC18

A—Кабель
B—Пружинали штифт

ҚАЙД: Кабель суянчиқнинг ички қисмига ўрнатилганини текширинг.

Агар кабель етиб бормаса, ўқни турли ҳолатларга ростланг.

29. Кабелни (A) штифт устидан ўрнатинг ва пружинали штифт (B) билан қотиринг.



H97171—UN—29JUN10

A—Платформа

30. Нарвон узайтмасини сим билан платформага (A) боғланг.



H114482—UN—08JUN15

A—Ўқлар
B—Стопор планкалари
C—Лўкидонлар

31. Штифтларни (A) стопор планкалари (B) орқали ўрнатинг ва чап томондаги тепага очиладиган эшикларнинг олд ва орқа бурчакларига пружинали штифтлар билан қотиринг. Машинанинг нариги томонида ҳам такрорланг.
32. Тепага очиладиган эшикларни лўкидонларга (C) боғлаш учун симдан фойдаланинг. Машинанинг нариги томонида ҳам такрорланг.



H106224—UN—16JAN13

A—Аварийкалар

33. Чап ва ўнг томондаги аварийкаларни (жиҳозланган бўлса) кўрсатилганидек орқа томонга буринг.



H106169—UN—16JAN13

A—Секин ҳаракатланувчи транспорт воситаси белгиси

34. Агар жиҳозланган бўлса, секин ҳаракатланувчи транспорт воситаси белгисини (A) беркитинг.

МУҲИМ: Машинани тиркамага занжирлар билан маҳкамланг.

35. Машинани тиркамага занжирлар билан маҳкамланг (бириктириш ҳақида маълумот учун кабина нарвонидаги Машина бириктириладиган жойлар стикерига қаранг).

OUO6075,0004BC3-UZ-04JUN19

Машина бириктириладиган жойлар стикери



H106687—UN—24JAN13

A—Машина бириктириладиган жойлар стикери

ДИҚҚАТ: Машинани кўтаришдан олдин доимо бункерни бўшатинг.

ҚАЙД: Машина бириктириладиган жойлар машинанинг олд ва орқа томонида жойлашган.

Машина бириктириладиган жойлар стикери (A) кабина нарвонида жойлашган. Стикерда машина занжир ёрдамида бириктириладиган жойлар аниқ кўрсатилган.

OUO6075,0001393-UZ-24JAN13

Машина бириктириладиган жойлар



H105885—UN—24OCT12

ДИҚҚАТ: Машинани ташишдан олдин доимо бункерни бўшатинг.

ҚАЙД: Машина бириктириладиган жойлар машинанинг олд ва орқа томонида жойлашган.

Машинани тўғри маҳкамлаш учун унда кўрсатилган жойларни ишлатинг.

OUO6075,00011DC-UZ-10FEB16

Домкрат қўйиш мумкин бўлган жойлар



H105883—UN—24JAN13

A—Домкрат қўйиш мумкин бўлган жойлар (олд)

B—Домкрат қўйиш мумкин бўлган жойлар (орқа)

ДИҚҚАТ: Машинани кўтаришдан олдин доимо дон бункерини бўшатинг.

Машина юриб кетмаслиги учун шинанинг икки томондан блокланг.

ҚАЙД: Домкрат қўйиш мумкин бўлган жойлар машинанинг олди, орқаси ва иккала ён томонларида жойлашган.

Машинани тавсия қилинган жойларга (A ва B) домкрат қўйиб кўтаринг.

OUO6075,0004B7B-UZ-30MAY19

Ташиш ҳақида маълумот

ДИҚҚАТ: Тепадаги кабеллар орқали электр токи уриш хавфини камайтириш учун машинанинг бирор қисми баландлиги 4 м (13 фут 1 дюйм) дан ошмаслиги керак. Бункер қопқоғи ёпилган бўлиши ва радио антенна машинани ташишдан олдин горизонтал ҳолатга бурилган бўлиши керак.

Электр линиясига ўралашиб қолманг. Бункер қопқоғи ёпилган бўлиши ва радио антенна машинани ташишдан олдин горизонтал ҳолатга бурилган бўлиши керак.

Машинани катта йўлда ҳайдаш ёки шатакка олишга оид маҳаллий қоидалар билан танишинг. Йўл ҳаракати қатнашчиларини оогоҳлантириш учун Жон Дир дилеридан олинган ёрдамчи чироқлар ва мосламаларни ишлатинг.

Машинани ясси платформали юк машинасида ёки шаттака олиш йўли билан ташиш мумкин.

Шатакка олганда, ушбу бўлимдаги Машинани шатакка олиш рукнига мурожаат қилинг.

OUO6075,0004318-UZ-24JUN16

Машинани шатакка олиш (Механик трансмиссияли машиналар)

ҚАЙД: Тугма трансмиссияли машиналар ва ProDrive™ трансмиссияли машиналари тугмаси ҳақида кўпроқ маълумот учун Трансмиссия бўйича ёрдам иловаси ёки Оператор иш жойи бўйича ёрдамга қаранг.

ДИҚҚАТ: Машинани тросс билан шатакка олманг. Тросс узилиб кетса, тан жароҳати етказиши мумкин.

Электр линиясига ўралашиб қолманг. Ташишдан олдин бункер узайтмалари туширилиши ва антенна пасайтирилиши керак.

Машинани катта йўлда ҳайдаш ёки шатакка олишга оид маҳаллий қоидалар билан танишинг. Йўл ҳаракати қатнашчиларини оогоҳлантириш учун Жон Дир дилеридан олинган ёрдамчи чироқлар ва мосламаларни ишлатинг.

Машинани фавқулодда ҳолатлардан ташқари қисқа

ProDrive – Deere & Company савдо белгиси

масофага 8 км/с (5 мил) тезликда шатакка олманг. Машинани шатакка олиш тартиби:

- Бункерни бўшатинг ва ўроқни ечиб олинг.
- Бўшатиш шнекини орқага буринг. Бункер узайтмаларини йиғинг.
- Нарвонни олдинга буринг ва радио антеннани пастга туширинг.
- Тўхтаб туриш тормозини бўшатинг.

ДИҚҚАТ: Муфталарни олиб ташламанг. Муфталар олиб ташланса, тормоз ишламайди.

- Узатмаларни алмаштириш қутиси дастаги ва кўп функцияли дастакни нейтрал ҳолатга қўйинг.
- Машинани олдинга ҳаракатланиш йўналиши бўйича асосий штифт атрофида занжир билан боғлаган ҳолда шатакка олинг. Занжир гидравлик линияларга зарар етказмаслигига ишонч ҳосил қилинг. Машинани бошқариш ва тормозлаш учун ҳайдовчи ўз ўриндиғида ўтириши лозим.
- Қонунда тақиқланмаган бўлса, огоҳлантириш чироқларини ЁҚИНГ.
- Хавфсиз ва ўртача тезликда, 8 км/соат (5 мил) тезликдан ошмаган ҳолда ҳаракатланинг.

ДИҚҚАТ: Катта йўлдаги бошқа ҳайдовчилар, тиркамали ёки шатакка олинган мосламали секин юрувчи тракторлар ва ўзиюрар машиналарга урилиб кетманг. Орқада автомобил бор-йўқлигини текширинг (айниқса бурилишларда), қўл сигналларидан фойдаланинг ва бурилиш чироқларини ёқинг.

Прожектор, аварийка ва бурилиш чироқларини кундузи ҳам, кечқурун ҳам ишлатинг. Жиҳозни ёритиш ва белги қўйиш борасидаги маҳаллий қоидаларга риоя қилинг. Ёритиш ва габарит чироқларини кўринадиган ва яхши ишчи ҳолатда сақланг. Шикастланган ёки йўқолган чироқлар ва белгиларни алмаштиринг ёки таъмирланг.

OUO6075,000447D-UZ-31JAN17

Қўлда уланадиган тиркама илмоғи - Бириктириш (Стандарт)



H118213—UN—14APR16

A—Тиркама илмоғи
B—Электр улагич

ДИҚҚАТ: Тиркамани илмоқ билан улашдан олдин моторни ЎЧИҚ ҳолатга созланг, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.

Қирққични тўлиқ кўтаринг.

Тиркамани занжирга (A) бириктиринг ва тиркама илмоғининг ўқи билан маҳкамлаб қўйинг.

Тиркама электр симларини электр улагичга (B) уланг.

OUO6075,00042C1-UZ-29JUN16

Ярим автоматик тиркама илмоғи - Бириктириш (ихтиёрий)



H111228—UN—12MAY14

A—Дастак
B—Электр улагич

ДИҚҚАТ: Тиркамани илмоқ билан улашдан олдин моторни ЎЧИҚ ҳолатга созланг, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.

Қирққични тўлиқ кўтаринг.

Қулф ўқини очиш учун дастакни (A) кўтаринг ва

тиркамани машинага бириктиринг. Трейлер тутқичи қулфлаш ўқи билан мослашса, даста пастга тушади ва автоматик равишда тиркаш занжири жойида қулфланади.

Тиркама электр симларини электр улагичга (B) уланг.

OUO6075,000431B-UZ-29JUN16

Олд шатак илмоғи



H102206—UN—14JUN11

Олд шатак илмоғи (HillMaster™ компаниясига мансуб бўлмаган машина)



H116908—UN—14JAN16

Олд шатак илмоғи (HillMaster™ компаниясига мансуб машина)

A—Илмоқ

Агар керак бўлса, олдинги ўқдаги илмоққа (A) занжир улаб, машинани тўғридан-тўғри лойдан тортиб олинг ёки чиқариб олинг. Занжир гидравлик линияларга зарар етказмаслигига ишонч ҳосил қилинг.

OUO6075,0004ECB-UZ-09JUL20

Орқа шатакка олиш илмоғи

Қўлда уланадиган тиркама илмоғи



H118216—UN—14APR16



H111232—UN—12MAY14

A—Қалпоқчали винт ва гайка (4 та)
B—Тиркама илмоғи
C—Илмоқ

ДИҚҚАТ: Машинани тиркама илмоғидан тортманг. Фақат комплектга кирувчи шатакка олиш илмоғидан фойдаланинг. Доим мос келадиган занжир ишлатинг. Синиш даражасидан ошириб юборманг. Занжирни тасма ёки тросга уламанг. Шатак қурилмаси синиб кетса, унда йиғилган энергия туфайли жиддий тан жароҳати етиши мумкин.

Тиркама илмоғидан (B) маҳкамлаш болтлари ва гайкаларини (A) ечиб олинг.

Занжирни илмоққа (C) маҳкамланг ва машинани тортинг. Бу илмоқни тиркамани тортиш учун ишлатманг.

Тиркама илмоғини ўрнатинг ва қалпоқчали винтлар ва гайкалар билан қотиринг. Маҳкамлагичларни белгиланган даражада қотиринг.

Характеристика	
Тиркама илмоғи қурилмаси—Айланиш моменти	205 N m (151 фунт/фут)

Ярим автоматик тиркама илмоғи



H111231—UN—12MAY14



H111232—UN—12MAY14

A—Қалпоқчали винт ва гайка (4 та)
B—Тиркама илмоғи
C—Илмоқ

ДИҚҚАТ: Машинани тиркама илмоғидан тортманг. Фақат комплектга кирувчи шатакка олиш илмоғидан фойдаланинг. Доим мос келадиган занжир ишлатинг. Синиш даражасидан ошириб юборманг. Занжирни тасма ёки тросга уламанг. Шатак қурилмаси синиб кетса, унда йиғилган энергия туфайли жиддий тан жароҳати етиши мумкин.

Тиркама илмоғидан (B) маҳкамлаш болтлари ва гайкаларини (A) ечиб олинг.

Занжирни илмоққа (C) маҳкамланг ва машинани тортинг. Бу илмоқни тиркамани тортиш учун ишлатманг.

Тиркама илмоғини ўрнатинг ва қалпоқчали винтлар ва гайкалар билан қотиринг. Маҳкамлагичларни белгиланган даражада қотиринг.

Характеристика

Тиркама илмоғи қурилмаси—Айланиш моменти. . . . . 205 N m (151 фунт/фут)

OUO6075,00042C2-UZ-29JUN16

Йиғим-терим бўйича маслаҳатлар

Паст ҳароратларда бошқариш

МУҲИМ: Паст ҳароратларда ишлаётганда тегишли маркали дизель ёқилғиси ишлатилаётганини тасдиқланг. Илиқроқ даражадаги дизель ёқилғиси ёқилғи қувурлари, ёқилғи фильтрлари ва ёқилғи бакида қуюқлашиб қолади. Агар дизель ёқилғиси қуюқлашиб қолса, ёқилғи тизими сервисга муҳтож бўлади. Кўпроқ маълумот олиш учун Ёқилғи ва смазкалар бўлимига қаранг.

Қор ва муз мавжуд бўлган паст ҳароратларда комбайн функциялари ёмонлашиши мумкин. Комбайнга минимал қор киришини таъминлаш учун махсус эътибор талаб ЭТИЛАДИ. Ғалвир, тозаловчи вентилятор, сепаратор камгаки ва сепаратор тишларига қор ютиладиган бўлса, улар тўсилиб қолиши мумкин. Бундай жойларнинг тўсилган ҳолатда ишлаши машина шикастланиши ва сезиларли тузатишларга сабаб бўлиши ёки функционал фаолиятнинг ёмонлашувига олиб келиши мумкин. Совуқ ҳароратларда ишлашдан аввал Жон Дир дилери билан маслаҳатлашинг.

OUO6075,0004574-UZ-31JAN17

Йиғим-терим бўйича маслаҳатлар

Машинани йиғиб олинадиган экинга ва дала шароитларига мосланг.

Машинага ортиқча юклама бўлмайдиган тезликни танланг. Сепараторни тўлиқ тезликда ушлаб туриш учун мотор тўлиқ айланиш тезлигида бўлиши керак. Секин ҳаракатланиш учун секин тезлик танланг, лекин мотор айланиш тезлиги секин бўлмасин.

Агар йиғиб олинадиган экин учун камгак жуда яқин ўрнатилса, сомон ортиқча майдаланади, бу эса ҳосилни йиғиб олиш учун кўпроқ от кучи талаб этади.

Агар йиғиб олинадиган экин учун камгак жуда кенг ўрнатилса, сомон тўлиқ майдаланмайди.

Камгак тўғри созлангандан кейин, жуда кам миқдордаги экинни зарарлайдиган сепаратор тезлигини максимал янчишга созланг. Агар донга зарар етса, камгак тирқишини кенгайтирманг. Аксинча узатишни тезлаштиргичнинг тезлигини камайтиринг. Ушбу экинларнинг камгак оралиғи уруғларнинг шикастланишига жуда кам таъсир қилади.

Ловия ва нўхат каби экинлар тез ёрилиб кетади ва пастроқ тезликдаги узатиш тезлатгичидан фойдаланишни талаб қилиши мумкин. Ловия ва нўхат йиғиб олаётганда, ҳосил ёрилмаслиги учун юмшоқ таглик сифатида етарли материал билан таъминлаш учун машинани тўлиқ ҳолатда тутинг.

Шароитга қараб қуйидагилар сомон сифатини яхшилашга ёрдам беради:

- Қабул камераси занжир тезлигини пасайтириш
- Узатишни тезлаштиргичнинг тезлигини пасайтириш
- Ротор тезлигини пасайтириш
- Камгакни очиш
- Янчиш элементларини камайтириш
- Юмалоқ металл тўсинларини ўрнатиш

Ёнбағир шароитларида ишлашни яхшилаш учун шнек остки қисми тақсимловчисини кўтариш, Жон Дир дилерингизда бор узун ғалвир тақсимловчиларни ўрнатиш ва/ёки сепаратор панжараси қопқоқларини ўрнатиш орқали донни тақсимлашга эътибор беринг (жиҳозланган бўлса). Буларнинг ҳар бири ёнбағирларда машинанинг ишлашини яхшилашга ёрдам берувчи тозалаш бошмоғига чори ва дон тақсимотини яхшилаши мумкин.

Ўрувчи платформадан фойдаланганда, экинни иложи борича баланд қилиб, паст бошларни йўқотмасдан ўриб олинг. Паррак жойлашуви ва тезлигини бир текис узатишга созланг. Тоза ўриш учун косилка регистр ичида ва ҳимоя воситаларини бир текисда сақланг.

Маккажўхори йиғиб олаётганда, маккажўхори ўроғини фақат сўта учун керак бўлган баландлигида бўлишини таъминланг. Сўта исроф бўлмаслиги учун ўроқни қатор ўртасида тутинг.

Ременли узайтиргичдан фойдаланганда, қаторни марказда тутинг, шунда материаллар қабул камерасига тенг миқдорда узайтирилади. Дон бошлари бир йўналишда ётиши керак. Машинани дастлаб бошоқлар териладиган қилиб бошқаринг.

Қатор экини ўроғи билан сояни йиғишда ўроқни иложи борича пастроқ тутинг. Жўхори ёки кунгабоқар каби экинларни йиғишда, бошларни поясидан кесиб олиш учун ўроқни етарли даражада паст ишлатинг.

Ғалвирнинг дастлабки учдан икки қисмида дон ёки уруғлар жуда йирик материаллардан ажратилиб, пастки элакка тушиши учун ғалвир тешикларини созланг.

Тоза дон ва уруғларни учириб юбормасликка ҳаракат қилиб, иложи борича кучли ҳаво пурканг. Оғир экин енгил экинга қараганда кўпроқ ҳаво талаб қилади.

SS43267,00004E6-UZ-03FEB15

Ўроқнинг автоматик бошқаруви комбинациялари

Кўп учрайдиган режимлар қуйида кўрсатилган, аммо кўплаб комбинациялар ҳам мавжуд.

ҚАЙД: Исталган режимларни хотирага сақлаш учун кўп функцияли дастакдаги исталган 1, 2 ёки 3 фаоллаштириш тугмасини 2 сония босиб туринг.

Авто ўроқ назорати тугмалари (ёқилган режимлар)	1-фаоллаштириш тугмаси	2-фаоллаштириш тугмаси	3-фаоллаштириш тугмаси
Баландликни тиклаш	H126436—UN—06JUN19 *Баландликни тиклаш*		
Баландликни тиклаш | Баландлик датчиги	H126436—UN—06JUN19 *Баландликни тиклаш*	H126437—UN—06JUN19 *Баландлик датчиги*	
Баландликни тиклаш | HydraFlex™ Баландлик датчиги	H126436—UN—06JUN19 *Баландликни тиклаш*	H126437—UN—06JUN19 *HydraFlex™ баландлик датчиги*	
Баландликни тиклаш | Баландлик датчиги | HydraFlex™ баландлик датчиги [a]	H126436—UN—06JUN19 *Баландликни тиклаш*	H126437—UN—06JUN19 *Баландлик датчиги*	H126437—UN—06JUN19 *HydraFlex™ баландлик датчиги*
Баландликни тиклаш | Баландлик датчиги | HydraFlex™ баландлик датчиги [b]	H126436—UN—06JUN19 *Баландликни тиклаш*	H126437—UN—06JUN19 *Баландлик датчиги*	H126437—UN—06JUN19 *HydraFlex™ баландлик датчиги*
Баландликни тиклаш | баландлик датчиги | Ўроқ сузгичини фаоллаштириш	H126436—UN—06JUN19 *Баландликни тиклаш*	H126437—UN—06JUN19 *Баландлик датчиги*	H126447—UN—06JUN19 *Фаол ўроқ сузиши*
Баландликни тиклаш | HydraFlex™ баландлик датчиги | Ўроқ сузгичини фаоллаштириш	H126436—UN—06JUN19 *Баландликни тиклаш*	H126437—UN—06JUN19 *HydraFlex™ баландлик датчиги*	H126447—UN—06JUN19 *Фаол ўроқ сузиши*
Баландликни тиклаш | Ўроқ сузгичини фаоллаштириш	H126436—UN—06JUN19 *Баландликни тиклаш*		H126447—UN—06JUN19 *Фаол ўроқ сузиши*
Баландлик датчиги	H126437—UN—06JUN19 *Баландлик датчиги*		
HydraFlex™ баландлик датчиги	H126437—UN—06JUN19 *HydraFlex™ баландлик датчиги*		

Авто ўроқ назорати тугмалари (ёқилган режимлар)	1-фаоллаштириш тугмаси	2-фаоллаштириш тугмаси	3-фаоллаштириш тугмаси
Баландлик датчиги | HydraFlex™ баландлик датчиги [a]	H126437—UN—06JUN19 *Баландлик датчиги*		H126437—UN—06JUN19 *HydraFlex™ баландлик датчиги*
Баландлик датчиги | HydraFlex™ баландлик датчиги [b]	H126437—UN—06JUN19 *Баландлик датчиги*		H126437—UN—06JUN19 *HydraFlex™ баландлик датчиги*
Баландлик датчиги | HydraFlex™ баландлик датчиги | Ўроқ сузгичини фаоллаштириш [a]	H126437—UN—06JUN19 *HydraFlex™ баландлик датчиги*		H126447—UN—06JUN19 *Фаол ўроқ сузиши*
Баландлик датчиги | Ўроқ сузгичини фаоллаштириш	H126437—UN—06JUN19 *Баландлик датчиги*		H126447—UN—06JUN19 *Фаол ўроқ сузиши*
HydraFlex™ баландлик датчиги | Ўроқ сузгичини фаоллаштириш	H126437—UN—06JUN19 *HydraFlex™ баландлик датчиги*		H126447—UN—06JUN19 *Фаол ўроқ сузиши*
Фаол ўроқ сузиши	H126447—UN—06JUN19 *Фаол ўроқ сузиши*		
Барабан ҳолатини тиклаш	H126448—UN—06JUN19 *Барабан ҳолатини тиклаш*		
Дека ҳолатини тиклаш	H126449—UN—06JUN19 *Дека ҳолатини тиклаш*		
Гидравлик қабул камерасини олдинга/орқага оғдириш (агар жиҳозланган бўлса)	H126450—UN—06JUN19 *Гидравлик қабул камерасининг олдинга/орқага эгилиши*		
Тиғ олдинга/орқага ҳолати [c]	H126451—UN—06JUN19 *Тиғ олдинга/орқага ҳолати*		

HydraFlex – Deere & Company савдо белгиси
[a]Баландлик датчиги ва HydraFlex баландлик датчигини ёқиш учун Жон Дир дилерига мурожаат қилинг. 600F, 600FD ёки 700FD ёрдамчи баландлик датчиклари ёки 600D ёки 700D ростлаш штурвалини талаб қилади.
[b]600D ва 700D платформасида стандарт режим, агар калибрлаш давомида ростлаш штурваллари бўшатилган бўлса. 600D ёки 700D ростлаш штурвалини талаб қилади.
[c]Европа 600X ва 700X ўроқ платформалари.

OUO6075,0004BC5-UZ-07JUN19

Шина радиуси кодини ўзгартириш

Агар шиналар ёки асосий узатмалар заводдан чиққанида бериктирилганидан бошқасига ўзгартирилган бўлса, тизимни қайта калибрлаш зарур бўлади. Хотирага тўғри шина коди киритилганини тасдиқланг.

МУҲИМ: Узатма ғилдиракларни ўзгартирганда шина радиуси ҳам ўзгариши мумкин. CAB бошқарув блоки янги шина радиусига созланиши керак. Қўшимча маълумот учун Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.

Тизимни қайта калибрлашдаги хатолик нотўғри ҳосил мониторинги натижаларига сабаб бўлиши мумкин.

OUO6075,0001111-UZ-11APR12

Ягона нуқтали ҳосил калибрлаш ёки кўп нуқтали ҳосил калибрлаш



H105056—UN—19MAR12



H105057—UN—19MAR12

A—Юклама 1
B—Юклама 2
C—Юклама 3
D—Юклама 4
E—Минимум оқим
F—Ўртача оқим
G—Ўртача оқим
H—Максимум оқим

ҚАЙД: Машина юриш тезлигини ўзгартириш оқим тезлигини ўзгартиришнинг энг яхши усули.

Оқим тезлигини ўзгармас сақлашининг энг яхши усули VisionTrak™ диспейини кузатиш ва машина юриш тезлигини мос равишда ростлаш ҳисобланади.

Ягона нуқтали ҳосилни калибрлаш

Бир ёки учгача калибрлаш юкламалари йиғилганида ягона нуқтали калибрлаш амалга оширилади.

Бундай турдаги калибрлаш даланинг ҳосилдорлиги нисбатан ўзгармас ва машина ўзгармас юриш тезлигида кичик оқим вариациясида бошқарилганда тавсия этилади.

Калибрлаш юкламасини йиғиш учун тахминан 2722 кг (6000 фут) максимал терим тезлигида теринг.

Бир ёки икки қўшимча юкламаларда юриш талаб этилмайди, аммо тизим умумий хатони ўртача олишига имкон бериши мумкин.

Кўп нуқтали ҳосилни калибрлаш

Терилаётган далада турлича ҳосил ёки машина ўзгарувчан тезликларда турли дон оқимларида ишлаётганда ишлатилади.

Бундай турдаги калибрлаш ҳар бир калибрлаш юкламасини кутилган оқим шароитида йиғиб беради.

Ҳар бир калибрлаш учун тахминан 2722 кг (6000 фут) теринг.

Камида **тўрт** калибрлаш юкламаларида турли юриш тезликларида (A-D) ёки тўрт турли оқим тезлигини (E-H) ўхшатиш учун турли ўриш кенгликларида юритинг.

OUO6075,000430B-UZ-16JUN16

VisionTrak – Deere & Company савдо белгиси

Экин созламалари

Беда ва арпа

ҚАЙД: Ҳар хил экин созламалари ўртача шароитлар учун кўрсатилган. Ҳар хил экинлар ва дала шароитлари бироз фарқли созламаларни талаб қилиши мумкин.
** Батафсил маълумот учун кейинроқ ушбу бўлимдаги сноска таърифи саҳифасига киринг.*

	Беда	Арпа
Узатиш камераси барабанининг ҳолати	Пастга	Пастга
Қабул камераси конвейер занжири (Шимолий Америка ***(A)* (B)****	26 тишли	26 тишли
Қабул камераси конвейер занжири (Европа) ***(A)* (B)****	26 тишли	32 тишли
Узатиш акселератори тезлиги ***(B)* (J)****	Баланд	Баланд
Узатиш акселераторининг ейилишдан ҳимоя қопламалари (Шимолий Америка)	Тишли	Тишли
Қабул камерасининг ейилишдан ҳимоя қопламалари (Европа) ***(G)****	Тишли қаттиқ ҳосил	Тишли қаттиқ ҳосил
Янчиш тезлиги (айл/дақ) ***(B)* (E)****	600–800	700–950
Янчиш тирқиши (мм) ***(Q)****	0–5	5–22
Камгак тури (Шимолий Америка) ***(F)****	Ингичка симли	Ингичка симли
Камгак тури (Европа) ***(F)****	Кичик/Кичик/Катта	Кичик/Кичик/Катта
Сепаратор панжараси қопқоқлари ***(D)****	Керагича ишлатинг	Керагича ишлатинг
Сепаратор панжарасининг оралиқ қистирмалари	Сақлаш ҳолатида	Сақлаш ҳолатида
Юқори қопқоқ ташиш парраклари ***(O)**** (жиҳозланган бўлса)	Стандарт	Стандарт
Вентилятор тезлиги (айл/дақ)	550–700	850–1100
Созланувчи олд ғалвир (жиҳозланган бўлса) (мм)	5–10	24
Ғалвир тирқиши (мм) ***(R)****	10–20	13–18
Икки ҳудудли созланувчи орқа ғалвир тирқиши (мм)	5 даража 10 қиялик	5 даража 10 қиялик
Элак тирқиши (мм)	1–4	6–9
Чиқиндилар тизими барабан ости панжарасининг ҳолати (жиҳозланган бўлса)	Ғалла	Ғалла
Ҳосилбургич	Ғалла	Ғалла
Пичоқ блокини ишлатиш	Мумкин	Мумкин
Қирққич тезлиги	Баланд	Баланд

OUO6075,0005041-UZ-17MAR21

Канола ва нўхат

ҚАЙД: Ҳар хил экин созламалари ўртача шароитлар учун кўрсатилган. Ҳар хил экинлар ва дала шароитлари бироз фарқли созламаларни талаб қилиши мумкин.
** Батафсил маълумот учун кейинроқ ушбу бўлимдаги сноска таърифи саҳифасига киринг.*

	Канола	Нўхат
Узатиш камераси барабанининг ҳолати	Пастга	Пастга
Қабул камераси конвейер занжири (Шимолий Америка ***(A)* (B)****	26 тишли	26 тишли
Қабул камераси конвейер занжири (Европа) ***(A)* (B)****	32 тишли	26 тишли
Узатиш акселератори тезлиги ***(B)* (J)****	Баланд	Паст
Узатиш акселераторининг ейилишдан ҳимоя қопламалари (Шимолий Америка)	Тишли	Тишли
Қабул камерасининг ейилишдан ҳимоя қопламалари (Европа) ***(G)****	Тишли қаттиқ ҳосил	Тишли қаттиқ ҳосил
Янчиш тезлиги (айл/дақ) ***(B)* (E)****	350—550 ***(л)****	400–600
Янчиш тирқиши (мм) ***(Q)****	15–40	18–24
Камгак тури (Шимолий Америка) ***(F)****	Ингичка симли	Олд панжара/йўғон симли
Камгак тури (Европа) ***(F)****	Кичик/Кичик/Катта	Олд панжара/йўғон симли
Сепаратор панжараси қопқоқлари ***(D)****	Керагича ишлатинг	Керагича ишлатинг
Сепаратор панжарасининг оралиқ қистирмалари	Сақлаш ҳолатида	Сақлаш ҳолатида
Юқори қопқоқ ташиш парраклари ***(O)**** (жиҳозланган бўлса)	Стандарт	Стандарт
Вентилятор тезлиги (айл/дақ)	600–900	800–1100
Созланувчи олд ғалвир (жиҳозланган бўлса) (мм)	5–10	24
Ғалвир тирқиши (мм) ***(R)****	10–14	15–20
Икки ҳудудли созланувчи орқа ғалвир тирқиши (мм)	5 даража 10 қиялик	5 даража 10 қиялик
Элак тирқиши (мм)	2–5	6–10
Чиқиндилар тизими барабан ости панжарасининг ҳолати (жиҳозланган бўлса)	Жўхори	Жўхори
Ҳосилбургич	Ғалла	Ғалла
Пичоқ блокини ишлатиш	Мумкин	Мумкин
Қирққич тезлиги	Баланд	Баланд

OUO6075,0005042-UZ-17MAR21

Маккажўхори (қуруқ) ва маккажўхори (ҳўл)

ҚАЙД: Ҳар хил экин созламалари ўртача шароитлар учун кўрсатилган. Ҳар хил экинлар ва дала шароитлари бироз фарқли созламаларни талаб қилиши мумкин.
** Батафсил маълумот учун кейинроқ ушбу бўлимдаги сноска таърифи саҳифасига киринг.*

	Қуруқ маккажўхори	Хўл маккажўхори
Узатиш камераси барабанининг ҳолати	Юқорига	Юқорига
Қабул камераси конвейер занжири (Шимолий Америка ***(A)* (B)****	26 тишли	26 тишли
Қабул камераси конвейер занжири (Европа) ***(A)* (B)****	26 тишли	26 тишли
Узатиш акселератори тезлиги ***(B)* (J)****	Паст ***(C)****	Паст
Узатиш акселераторининг ейилишдан ҳимоя қопламалари (Шимолий Америка)	Тишли	Тишли
Қабул камерасининг ейилишдан ҳимоя қопламалари (Европа) ***(G)****	Тишли	Тишли қаттиқ ҳосил
Янчиш тезлиги (айл/дақ) ***(B)* (E)****	250–450	350–500
Янчиш тирқиши (мм) ***(Q)****	20–35	20–35
Камгак тури (Шимолий Америка) ***(F)****	Юмалоқ тўсин	Юмалоқ тўсин
Камгак тури (Европа) ***(F)****	Юмалоқ тўсин	Юмалоқ тўсин
Сепаратор панжараси қопқоқлари ***(D)****	Ҳеч қайси	Ҳеч қайси
Сепаратор панжарасининг оралиқ қистирмалари	Ўрнатилган	Ўрнатилган
Юқори қопқоқ ташиш парраклари ***(O)**** (жиҳозланган бўлса)	Стандарт	Стандарт
Вентилятор тезлиги (айл/дақ)	900–1300	1000–1300
Созланувчи олд ғалвир (жиҳозланган бўлса) (мм)	24	24
Ғалвир тирқиши (мм) ***(R)****	15–20 (юқори сифатли маккахўхори) 15—20 (чуқур тишли) 17—22 (умумий мақсад)	16—21 (юқори сифатли маккахўхори) 16—21 (чуқур тишли) 18—22 (умумий мақсад)
Икки ҳудудли созланувчи орқа ғалвир тирқиши (мм)	5 даража 10 қиялик	5 даража 10 қиялик
Элак тирқиши (мм)	10—14 (чуқур тишли) 11—15 (умумий мақсад)	10—14 (чуқур тишли) 11—15 (умумий мақсад)
Чиқиндилар тизими барабан ости панжарасининг ҳолати (жиҳозланган бўлса)	Жўхори	Жўхори
Ҳосилбургич	Жўхори	Жўхори
Пичоқ блокини ишлатиш	Фақат ўчган ҳолатда	Фақат ўчган ҳолатда
Қирққич тезлиги	Паст	Паст

OUO6075,0005051-UZ-17MAR21

Маккажўхори сўтаси аралаш ва озиқ ловия

ҚАЙД: Ҳар хил экин созламалари ўртача шароитлар учун кўрсатилган. Ҳар хил экинлар ва дала шароитлари бироз фарқли созламаларни талаб қилиши мумкин.
** Батафсил маълумот учун кейинроқ ушбу бўлимдаги сноска таърифи саҳифасига киринг.*

	Маккажўхори сўтаси аралаш (H)* (M)*	Озиқ ловия
Узатиш камераси барабанининг ҳолати	Юқорига	Пастга
Қабул камераси конвейер занжири (Шимолий Америка ***(A)* (B)****	26 тишли	22 тишли ***(P)****
Қабул камераси конвейер занжири (Европа) ***(A)* (B)****	26 тишли	22 тишли ***(P)****
Узатиш акселератори тезлиги ***(B)* (J)****	Паст	Паст ***(C)****
Узатиш акселераторининг ейилишдан ҳимоя қопламалари (Шимолий Америка)	Тишли	Ўқсимон тишли
Қабул камерасининг ейилишдан ҳимоя қопламалари (Европа) ***(G)****	Тишли қаттиқ ҳосил	Ўқсимон тишли
Янчиш тезлиги (айл/дақ) ***(B)* (E)****	450–650	300–500 ***(L)****
Янчиш тирқиши (мм) ***(Q)****	15–30	15–30
Камгак тури (Шимолий Америка) ***(F)****	Йўғон симли ***(K)****	Олд панжара/йўғон симли
Камгак тури (Европа) ***(F)****	Йўғон симли ***(K)****	Олд панжара/йўғон симли
Сепаратор панжараси қопқоқлари ***(D)****	Ҳеч қайси	Ҳеч қайси
Сепаратор панжарасининг оралиқ қистирмалари	Ёки	Сақлаш ҳолатида
Юқори қопқоқ ташиш парраклари ***(O)**** (жиҳозланган бўлса)	Стандарт	Қўшимча
Вентилятор тезлиги (айл/дақ)	1000–1300	800–1100
Созланувчи олд ғалвир (жиҳозланган бўлса) (мм)	24	24
Ғалвир тирқиши (мм) ***(R)****	22	14–18
Икки ҳудудли созланувчи орқа ғалвир тирқиши (мм)	5 даража 10 қиялик	5 даража 10 қиялик
Элак тирқиши (мм)	Олиб ташланган	6–10
Чиқиндилар тизими барабан ости панжарасининг ҳолати (жиҳозланган бўлса)	Жўхори	Жўхори
Ҳосилбургич	Жўхори	Ғалла
Пичоқ блокини ишлатиш	Фақат ўчган ҳолатда	Мумкин
Қирққич тезлиги	Паст	Баланд

OUO6075,0005044-UZ-17MAR21

Зиғир ва ўт уруғи

ҚАЙД: Ҳар хил экин созламалари ўртача шароитлар учун кўрсатилган. Ҳар хил экинлар ва дала шароитлари бироз фарқли созламаларни талаб қилиши мумкин.
** Батафсил маълумот учун кейинроқ ушбу бўлимдаги сноска таърифи саҳифасига киринг.*

	Зиғир	Ўт уруғи
Узатиш камераси барабанининг ҳолати	Пастга	Пастга
Қабул камераси конвейер занжири (Шимолий Америка ***(A)* (B)****	26 тишли	32 тишли
Қабул камераси конвейер занжири (Европа) ***(A)* (B)****	26 тишли	32 тишли
Узатиш акселератори тезлиги ***(B)* (J)****	Баланд	Баланд
Узатиш акселераторининг ейилишдан ҳимоя қопламалари (Шимолий Америка)	Тишли	Тишли
Қабул камерасининг ейилишдан ҳимоя қопламалари (Европа) ***(G)****	Тишли қаттиқ ҳосил	Тишли қаттиқ ҳосил
Янчиш тезлиги (айл/дақ) ***(B)* (E)****	800–1000	500–850 ***(N)****
Янчиш тирқиши (мм) ***(Q)****	0–10	12–25
Камгак тури (Шимолий Америка) ***(F)****	Ингичка симли	Ингичка симли
Камгак тури (Европа) ***(F)****	Ингичка симли	Кичик/Кичик/Катта
Сепаратор панжараси қопқоқлари ***(D)****	Керагича ишлатинг	Керагича ишлатинг
Сепаратор панжарасининг оралиқ қистирмалари	Сақлаш ҳолатида	Сақлаш ҳолатида
Юқори қопқоқ ташиш парраклари ***(O)**** (жиҳозланган бўлса)	Стандарт	Стандарт
Вентилятор тезлиги (айл/дақ)	700–1050	350—600 ***(I)****
Созланувчи олд ғалвир (жиҳозланган бўлса) (мм)	24	5–10
Ғалвир тирқиши (мм) ***(R)****	8–15	12–18
Икки ҳудудли созланувчи орқа ғалвир тирқиши (мм)	5 даража 10 қиялик	5 даража 10 қиялик
Элак тирқиши (мм)	5–10	5–12
Чиқиндилар тизими барабан ости панжарасининг ҳолати (жиҳозланган бўлса)	Ғалла	Ғалла
Ҳосилбургич	Ғалла	Ғалла
Пичоқ блокини ишлатиш	Мумкин	Мумкин
Қирққич тезлиги	Баланд	Баланд

OUO6075,0005045-UZ-17MAR21

Хьюар (кластер нўхат) ва ясмиқ

ҚАЙД: Ҳар хил экин созламалари ўртача шароитлар учун кўрсатилган. Ҳар хил экинлар ва дала шароитлари бироз фарқли созламаларни талаб қилиши мумкин.
** Батафсил маълумот учун кейинроқ ушбу бўлимдаги сноска таърифи саҳифасига киринг.*

	Хьюар (кластер нўхат)	Ясмиқ
Узатиш камераси барабанининг ҳолати	Пастга	Пастга
Қабул камераси конвейер занжири (Шимолий Америка ***(A)* (B)****	26 тишли	26 тишли
Қабул камераси конвейер занжири (Европа) ***(A)* (B)****	26 тишли	26 тишли
Узатиш акселератори тезлиги ***(B)* (J)****	Паст	Паст
Узатиш акселераторининг ейилишдан ҳимоя қопламалари (Шимолий Америка)	Тишли	Тишли
Қабул камерасининг ейилишдан ҳимоя қопламалари (Европа) ***(G)****	Тишли қаттиқ ҳосил	Тишли қаттиқ ҳосил
Янчиш тезлиги (айл/дақ) ***(B)* (E)****	500–700	350–500
Янчиш тирқиши (мм) ***(Q)****	10–15	7–12
Камгак тури (Шимолий Америка) ***(F)****	Юмалоқ тўсин	Олд панжара/йўғон симли
Камгак тури (Европа) ***(F)****	Юмалоқ тўсин	Кичик/Кичик/Катта
Сепаратор панжараси қопқоқлари ***(D)****	Ҳеч қайси	Керагича ишлатинг
Сепаратор панжарасининг оралиқ қистирмалари	Сақлаш ҳолатида	Сақлаш ҳолатида
Юқори қопқоқ ташиш парраклари ***(O)**** (жиҳозланган бўлса)	Стандарт	Стандарт
Вентилятор тезлиги (айл/дақ)	650–750	800–1000
Созланувчи олд ғалвир (жиҳозланган бўлса) (мм)	24	24
Ғалвир тирқиши (мм) ***(R)****	10–15	12–18
Икки ҳудудли созланувчи орқа ғалвир тирқиши (мм)	5 даража 10 қиялик	5 даража 10 қиялик
Элак тирқиши (мм)	6–10	3–10
Чиқиндилар тизими барабан ости панжарасининг ҳолати (жиҳозланган бўлса)	Жўхори	Жўхори
Ҳосилбургич	Ғалла	Ғалла
Пичоқ блокини ишлатиш	Мумкин	Мумкин
Қирққич тезлиги	Баланд	Баланд

OUO6075,0005046-UZ-17MAR21

Люпин ва тариқ

ҚАЙД: Ҳар хил экин созламалари ўртача шароитлар учун кўрсатилган. Ҳар хил экинлар ва дала шароитлари бироз фарқли созламаларни талаб қилиши мумкин.
** Батафсил маълумот учун кейинроқ ушбу бўлимдаги сноска таърифи саҳифасига киринг.*

	Люпин	Тариқ
Узатиш камераси барабанининг ҳолати	Пастга	Пастга
Қабул камераси конвейер занжири (Шимолий Америка ***(A)* (B)****	26 тишли	26 тишли
Қабул камераси конвейер занжири (Европа) ***(A)* (B)****	26 тишли	26 тишли
Узатиш акселератори тезлиги ***(B)* (J)****	Паст	Баланд
Узатиш акселераторининг ейилишдан ҳимоя қопламалари (Шимолий Америка)	Тишли	Тишли
Қабул камерасининг ейилишдан ҳимоя қопламалари (Европа) ***(G)****	Тишли қаттиқ ҳосил	Тишли қаттиқ ҳосил
Янчиш тезлиги (айл/дақ) ***(B)* (E)****	400–600	400–500
Янчиш тирқиши (мм) ***(Q)****	12–18	10–15
Камгак тури (Шимолий Америка) ***(F)****	Олд панжара/йўғон симли	Ингичка симли
Камгак тури (Европа) ***(F)****	Олд панжара/йўғон симли	Кичик/Кичик/Катта
Сепаратор панжараси қопқоқлари ***(D)****	Керагича ишлатинг	Ҳеч қайси
Сепаратор панжарасининг оралиқ қистирмалари	Сақлаш ҳолатида	Сақлаш ҳолатида
Юқори қопқоқ ташиш парраклари ***(O)**** (жиҳозланган бўлса)	Стандарт	Стандарт
Вентилятор тезлиги (айл/дақ)	900–1100	600–750
Созланувчи олд ғалвир (жиҳозланган бўлса) (мм)	24	24
Ғалвир тирқиши (мм) ***(R)****	15–20	10–12
Икки ҳудудли созланувчи орқа ғалвир тирқиши (мм)	5 даража 10 қиялик	5 даража 10 қиялик
Элак тирқиши (мм)	4–8	4–6
Чиқиндилар тизими барабан ости панжарасининг ҳолати (жиҳозланган бўлса)	Жўхори	Ғалла
Ҳосилбургич	Ғалла	Ғалла
Пичоқ блокини ишлатиш	Мумкин	Мумкин
Қирққич тезлиги	Баланд	Баланд

OUO6075,0005047-UZ-17MAR21

Хантал ва ловия

ҚАЙД: Ҳар хил экин созламалари ўртача шароитлар учун кўрсатилган. Ҳар хил экинлар ва дала шароитлари бироз фарқли созламаларни талаб қилиши мумкин.
** Батафсил маълумот учун кейинроқ ушбу бўлимдаги сноска таърифи саҳифасига киринг.*

	Хантал	Ловия
Узатиш камераси барабанининг ҳолати	Пастга	Пастга
Қабул камераси конвейер занжири (Шимолий Америка ***(A)* (B)****	26 тишли	22 тишли ***(P)****
Қабул камераси конвейер занжири (Европа) ***(A)* (B)****	26 тишли	22 тишли ***(P)****
Узатиш акселератори тезлиги ***(B)* (J)****	Баланд	Паст ***(C)****
Узатиш акселераторининг ейилишдан ҳимоя қопламалари (Шимолий Америка)	Тишли	Ўқсимон тишли
Қабул камерасининг ейилишдан ҳимоя қопламалари (Европа) ***(G)****	Тишли қаттиқ ҳосил	Ўқсимон тишли
Янчиш тезлиги (айл/дақ) ***(B)* (E)****	600–900	300–350 ***(L)****
Янчиш тирқиши (мм) ***(Q)****	10–20	15–30
Камгак тури (Шимолий Америка) ***(F)****	Ингичка симли	Юмалоқ тўсин
Камгак тури (Европа) ***(F)****	Кичик/Кичик/Катта	Юмалоқ тўсин
Сепаратор панжараси қопқоқлари ***(D)****	Керагича ишлатинг	Ҳеч қайси
Сепаратор панжарасининг оралиқ қистирмалари	Сақлаш ҳолатида	Сақлаш ҳолатида
Юқори қопқоқ ташиш парраклари ***(O)**** (жиҳозланган бўлса)	Стандарт	Қўшимча
Вентилятор тезлиги (айл/дақ)	500–800	800–1100
Созланувчи олд ғалвир (жиҳозланган бўлса) (мм)	5–10	24
Ғалвир тирқиши (мм) ***(R)****	10–14	14–18
Икки ҳудудли созланувчи орқа ғалвир тирқиши (мм)	5 даража 10 қиялик	5 даража 10 қиялик
Элак тирқиши (мм)	2–5	6–10
Чиқиндилар тизими барабан ости панжарасининг ҳолати (жиҳозланган бўлса)	Ғалла	Жўхори
Ҳосилбургич	Ғалла	Ғалла
Пичоқ блокини ишлатиш	Мумкин	Мумкин
Қирққич тезлиги	Баланд	Баланд

OUO6075,0005048-UZ-17MAR21

Сули ва нўхат

ҚАЙД: Ҳар хил экин созламалари ўртача шароитлар учун кўрсатилган. Ҳар хил экинлар ва дала шароитлари бироз фарқли созламаларни талаб қилиши мумкин.
** Батафсил маълумот учун кейинроқ ушбу бўлимдаги сноска таърифи саҳифасига киринг.*

	Сули	Нўхат
Узатиш камераси барабанининг ҳолати	Пастга	Пастга
Қабул камераси конвейер занжири (Шимолий Америка ***(A)* (B)****	32 тишли	26 тишли
Қабул камераси конвейер занжири (Европа) ***(A)* (B)****	32 тишли	26 тишли
Узатиш акселератори тезлиги ***(B)* (J)****	Баланд	Паст
Узатиш акселераторининг ейилишдан ҳимоя қопламалари (Шимолий Америка)	Тишли	Тишли
Қабул камерасининг ейилишдан ҳимоя қопламалари (Европа) ***(G)****	Тишли қаттиқ ҳосил	Тишли қаттиқ ҳосил
Янчиш тезлиги (айл/дақ) ***(B)* (E)****	600–900	300–400
Янчиш тирқиши (мм) ***(Q)****	15–25	15–30
Камгак тури (Шимолий Америка) ***(F)****	Ингичка симли	Олд панжара/йўғон симли
Камгак тури (Европа) ***(F)****	Кичик/Кичик/Катта	Олд панжара/йўғон симли
Сепаратор панжараси қопқоқлари ***(D)****	Керагича ишлатинг	Ҳеч қайси
Сепаратор панжарасининг оралиқ қистирмалари	Сақлаш ҳолатида	Сақлаш ҳолатида
Юқори қопқоқ ташиш парраклари ***(O)**** (жиҳозланган бўлса)	Стандарт	Қўшимча
Вентилятор тезлиги (айл/дақ)	750–900	850–1050
Созланувчи олд ғалвир (жиҳозланган бўлса) (мм)	24	24
Ғалвир тирқиши (мм) ***(R)****	18–22	16–20
Икки ҳудудли созланувчи орқа ғалвир тирқиши (мм)	5 даража 10 қиялик	5 даража 10 қиялик
Элак тирқиши (мм)	6–10	6–11
Чиқиндилар тизими барабан ости панжарасининг ҳолати (жиҳозланган бўлса)	Ғалла	Жўхори
Ҳосилбургич	Ғалла	Ғалла
Пичоқ блокини ишлатиш	Мумкин	Мумкин
Қирққич тезлиги	Баланд	Баланд

OUO6075,0005049-UZ-17MAR21

Попкорн ва рапс уруғи (қуруқ)

ҚАЙД: Ҳар хил экин созламалари ўртача шароитлар учун кўрсатилган. Ҳар хил экинлар ва дала шароитлари бироз фарқли созламаларни талаб қилиши мумкин.
** Батафсил маълумот учун кейинроқ ушбу бўлимдаги сноска таърифи саҳифасига киринг.*

	Попкорн	Рапс уруғи (қуруқ)
Узатиш камераси барабанининг ҳолати	Юқорига	Пастга
Қабул камераси конвейер занжири (Шимолий Америка ***(A)* (B)****	26 тишли	26 тишли
Қабул камераси конвейер занжири (Европа) ***(A)* (B)****	26 тишли	32 тишли
Узатиш акселератори тезлиги ***(B)* (J)****	Паст	Паст
Узатиш акселераторининг ейилишдан ҳимоя қопламалари (Шимолий Америка)	Силлиқ	Тишли қаттиқ ҳосил
Қабул камерасининг ейилишдан ҳимоя қопламалари (Европа) ***(G)****	Силлиқ	Тишли қаттиқ ҳосил
Янчиш тезлиги (айл/дақ) ***(B)* (E)****	210–310	400–700 ***(L)****
Янчиш тирқиши (мм) ***(Q)****	15–25	20–40
Камгак тури (Шимолий Америка) ***(F)****	Юмалоқ тўсин	Ингичка симли
Камгак тури (Европа) ***(F)****	Юмалоқ тўсин	Кичик/Кичик/Катта
Сепаратор панжараси қопқоқлари ***(D)****	Ҳеч қайси	Керагича ишлатинг
Сепаратор панжарасининг оралиқ қистирмалари	Ўрнатилган	Сақлаш ҳолатида
Юқори қопқоқ ташиш парраклари ***(O)**** (жиҳозланган бўлса)	Стандарт	Стандарт
Вентилятор тезлиги (айл/дақ)	900–1100	620–800
Созланувчи олд ғалвир (жиҳозланган бўлса) (мм)	24	5–10
Ғалвир тирқиши (мм) ***(R)****	14–18	11–14
Икки ҳудудли созланувчи орқа ғалвир тирқиши (мм)	5 даража 10 қиялик	5 даража 10 қиялик
Элак тирқиши (мм)	6–8	3–6
Чиқиндилар тизими барабан ости панжарасининг ҳолати (жиҳозланган бўлса)	Жўхори	Жўхори
Ҳосилбургич	Жўхори	Ғалла
Пичоқ блокини ишлатиш	Фақат ўчган ҳолатда	Мумкин
Қирққич тезлиги	Паст	Баланд

OUO6075,000504A-UZ-17MAR21

Рапс уруғи (яшил) ва Шоли

ҚАЙД: Ҳар хил экин созламалари ўртача шароитлар учун кўрсатилган. Ҳар хил экинлар ва дала шароитлари бироз фарқли созламаларни талаб қилиши мумкин.
** Батафсил маълумот учун кейинроқ ушбу бўлимдаги сноска таърифи саҳифасига киринг.*

	Рапс уруғи (яшил)	Гуруч
Узатиш камераси барабанининг ҳолати	Пастга	Пастга
Қабул камераси конвейер занжири (Шимолий Америка ***(A)* (B)****	32 тишли	32 тишли
Қабул камераси конвейер занжири (Европа) ***(A)* (B)****	32 тишли	32 тишли
Узатиш акселератори тезлиги (Шимолий Америка) ***(B) * (J)****	Паст	Баланд
Узатиш акселератори тезлиги (Европа) ***(B)* (J)****	Баланд	Баланд
Узатиш акселераторининг ейилишдан ҳимоя қопламалари (Шимолий Америка)	Тишли қаттиқ ҳосил	Ўсимта
Қабул камерасининг ейилишдан ҳимоя қопламалари (Европа) ***(G)****	Тишли қаттиқ ҳосил	Ўсимта
Янчиш тезлиги (айл/дақ) ***(B)* (E)****	500—800 ***(L)****	700–1000 ***(N)****
Янчиш тирқиши (мм) ***(Q)****	20–40	15–25
Камгак тури (Шимолий Америка) ***(F)****	Ингичка симли	Йўғон симли
Камгак тури (Европа) ***(F)****	Кичик/Кичик/Катта	Йўғон симли
Сепаратор панжараси қопқоқлари ***(D)****	Керагича ишлатинг	Ҳеч қайси
Сепаратор панжарасининг оралиқ қистирмалари	Сақлаш ҳолатида	Сақлаш ҳолатида
Юқори қопқоқ ташиш парраклари ***(O)**** (жиҳозланган бўлса)	Стандарт	Стандарт
Вентилятор тезлиги (айл/дақ)	700–850	700–900
Созланувчи олд ғалвир (жиҳозланган бўлса) (мм)	5–10	24
Ғалвир тирқиши (мм) ***(R)****	11–14	16–20
Икки ҳудудли созланувчи орқа ғалвир тирқиши (мм)	5 даража 10 қиялик	5 даража 10 қиялик
Элак тирқиши (мм)	4–8	5–10
Чиқиндилар тизими барабан ости панжарасининг ҳолати (жиҳозланган бўлса)	Жўхори	Жўхори
Ҳосилбургич	Ғалла	Ғалла
Пичоқ блокини ишлатиш	Мумкин	Мумкин
Қирққич тезлиги	Баланд	Баланд

OUO6075,000504B-UZ-17MAR21

Жавдар ва махсар

ҚАЙД: Ҳар хил экин созламалари ўртача шароитлар учун кўрсатилган. Ҳар хил экинлар ва дала шароитлари бироз фарқли созламаларни талаб қилиши мумкин.
** Батафсил маълумот учун кейинроқ ушбу бўлимдаги сноска таърифи саҳифасига киринг.*

	Жавдар	Махсар
Узатиш камераси барабанининг ҳолати	Пастга	Пастга
Қабул камераси конвейер занжири (Шимолий Америка ***(A)* (B)****	26 тишли	26 тишли
Қабул камераси конвейер занжири (Европа) ***(A)* (B)****	26 тишли	26 тишли
Узатиш акселератори тезлиги ***(B)* (J)****	Баланд	Паст
Узатиш акселераторининг ейилишдан ҳимоя қопламалари (Шимолий Америка)	Тишли	Тишли
Қабул камерасининг ейилишдан ҳимоя қопламалари (Европа) ***(G)****	Тишли қаттиқ ҳосил	Тишли қаттиқ ҳосил
Янчиш тезлиги (айл/дақ) ***(B)* (E)****	700–900	300–400
Янчиш тирқиши (мм) ***(Q)****	13–26	15–25
Камгак тури (Шимолий Америка) ***(F)****	Ингичка симли	Ингичка симли
Камгак тури (Европа) ***(F)****	Кичик/Кичик/Катта	Кичик/Кичик/Катта
Сепаратор панжараси қопқоқлари ***(D)****	Керагича ишлатинг	Керагича ишлатинг
Сепаратор панжарасининг оралиқ қистирмалари	Сақлаш ҳолатида	Сақлаш ҳолатида
Юқори қопқоқ ташиш парраклари ***(O)**** (жиҳозланган бўлса)	Стандарт	Стандарт
Вентилятор тезлиги (айл/дақ)	750–950	550–750
Созланувчи олд ғалвир (жиҳозланган бўлса) (мм)	24	24
Ғалвир тирқиши (мм) ***(R)****	16–18	14–16
Икки ҳудудли созланувчи орқа ғалвир тирқиши (мм)	5 даража 10 қиялик	5 даража 10 қиялик
Элак тирқиши (мм)	6–10	4–7
Чиқиндилар тизими барабан ости панжарасининг ҳолати (жиҳозланган бўлса)	Ғалла	Жўхори
Ҳосилбургич	Ғалла	Ғалла
Пичоқ блокини ишлатиш	Мумкин	Мумкин
Қирққич тезлиги	Баланд	Баланд

OUO6075,000504C-UZ-17MAR21

Жўхори ва соя

ҚАЙД: Ҳар хил экин созламалари ўртача шароитлар учун кўрсатилган. Ҳар хил экинлар ва дала шароитлари бироз фарқли созламаларни талаб қилиши мумкин.
** Батафсил маълумот учун кейинроқ ушбу бўлимдаги сноска таърифи саҳифасига киринг.*

	Жўхори	Соя
Узатиш камераси барабанининг ҳолати	Пастга	Пастга
Қабул камераси конвейер занжири (Шимолий Америка ***(A)* (B)****	26 тишли	26 тишли
Қабул камераси конвейер занжири (Европа) ***(A)* (B)****	26 тишли	26 тишли
Узатиш акселератори тезлиги ***(B)* (J)****	Паст	Паст
Узатиш акселераторининг ейилишдан ҳимоя қопламалари (Шимолий Америка)	Тишли	Тишли
Қабул камерасининг ейилишдан ҳимоя қопламалари (Европа) ***(G)****	Тишли қаттиқ ҳосил	Тишли қаттиқ ҳосил
Янчиш тезлиги (айл/дақ) ***(B)* (E)****	550–700	450–650
Янчиш тирқиши (мм) ***(Q)****	10–25	15–30
Камгак тури (Шимолий Америка) ***(F)****	Олд панжара/йўғон симли	Олд панжара/йўғон симли
Камгак тури (Европа) ***(F)****	Олд панжара/йўғон симли	Олд панжара/йўғон симли
Сепаратор панжараси қопқоқлари ***(D)****	Керагича ишлатинг	Ҳеч қайси
Сепаратор панжарасининг оралиқ қистирмалари	Сақлаш ҳолатида	Ёки
Юқори қопқоқ ташиш парраклари ***(O)**** (жиҳозланган бўлса)	Стандарт	Стандарт
Вентилятор тезлиги (айл/дақ)	900–1100	800–1050
Созланувчи олд ғалвир (жиҳозланган бўлса) (мм)	24	24
Ғалвир тирқиши (мм) ***(R)****	14–17	14—18 (умумий мақсад) 13—17 (чуқур тишли)
Икки ҳудудли созланувчи орқа ғалвир тирқиши (мм)	5 даража 10 қиялик	5 даража 10 қиялик
Элак тирқиши (мм)	5–8	6—10 (умумий мақсад) 5—9 (чуқур тишли)
Чиқиндилар тизими барабан ости панжарасининг ҳолати (жиҳозланган бўлса)	Жўхори	Жўхори
Ҳосилбургич	Ғалла	Ғалла
Пичоқ блокини ишлатиш	Мумкин	Мумкин
Қирққич тезлиги	Баланд	Баланд

OUO6075,000504D-UZ-17MAR21

Кунгабоқар ва тритикале

ҚАЙД: Ҳар хил экин созламалари ўртача шароитлар учун кўрсатилган. Ҳар хил экинлар ва дала шароитлари бироз фарқли созламаларни талаб қилиши мумкин.
** Батафсил маълумот учун кейинроқ ушбу бўлимдаги сноска таърифи саҳифасига киринг.*

	Кунгабоқар	Тритикале
Узатиш камераси барабанининг ҳолати	Пастга	Пастга
Қабул камераси конвейер занжири (Шимолий Америка ***(A)* (B)****	26 тишли	26 тишли
Қабул камераси конвейер занжири (Европа) ***(A)* (B)****	26 тишли	32 тишли
Узатиш акселератори тезлиги ***(B)* (J)****	Паст	Баланд
Узатиш акселераторининг ейилишдан ҳимоя қопламалари (Шимолий Америка)	Тишли	Тишли
Қабул камерасининг ейилишдан ҳимоя қопламалари (Европа) ***(G)****	Тишли қаттиқ ҳосил	Тишли қаттиқ ҳосил
Янчиш тезлиги (айл/дақ) ***(B)* (E)****	200–400	850–1000
Янчиш тирқиши (мм) ***(Q)****	25–40	18–24
Камгак тури (Шимолий Америка) ***(F)****	Олд панжара/йўғон симли	Ингичка симли
Камгак тури (Европа) ***(F)****	Олд панжара/йўғон симли	Кичик/Кичик/Катта
Сепаратор панжараси қопқоқлари ***(D)****	Керагича ишлатинг	Керагича ишлатинг
Сепаратор панжарасининг оралиқ қистирмалари	Сақлаш ҳолатида	Сақлаш ҳолатида
Юқори қопқоқ ташиш парраклари ***(O)**** (жиҳозланган бўлса)	Қўшимча	Стандарт
Вентилятор тезлиги (айл/дақ)	650–850	750–1000
Созланувчи олд ғалвир (жиҳозланган бўлса) (мм)	24	24
Ғалвир тирқиши (мм) ***(R)****	10–15	16–18
Икки ҳудудли созланувчи орқа ғалвир тирқиши (мм)	5 даража 10 қиялик	5 даража 10 қиялик
Элак тирқиши (мм)	3–10	6–10
Чиқиндилар тизими барабан ости панжарасининг ҳолати (жиҳозланган бўлса)	Жўхори	Ғалла
Ҳосилбургич	Ғалла	Ғалла
Пичоқ блокини ишлатиш	Мумкин	Мумкин
Қирққич тезлиги	Баланд	Баланд

OUO6075,000504E-UZ-17MAR21

Мураккаб буғдой ва нормал буғдой

ҚАЙД: Ҳар хил экин созламалари ўртача шароитлар учун кўрсатилган. Ҳар хил экинлар ва дала шароитлари бироз фарқли созламаларни талаб қилиши мумкин.
** Батафсил маълумот учун кейинроқ ушбу бўлимдаги сноска таърифи саҳифасига киринг.*

	Мураккаб буғдой	Нормал буғдой
Узатиш камераси барабанининг ҳолати	Пастга	Пастга
Қабул камераси конвейер занжири (Шимолий Америка ***(A)* (B)****	26 тишли	26 тишли
Қабул камераси конвейер занжири (Европа) ***(A)* (B)****	32 тишли	32 тишли
Узатиш акселератори тезлиги ***(B)* (J)****	Баланд	Баланд
Узатиш акселераторининг ейилишдан ҳимоя қопламалари (Шимолий Америка)	Тишли	Тишли
Қабул камерасининг ейилишдан ҳимоя қопламалари (Европа) ***(G)****	Тишли қаттиқ ҳосил	Тишли қаттиқ ҳосил
Янчиш тезлиги (айл/дақ) ***(B)* (E)****	800–1000	750–950
Янчиш тирқиши (мм) ***(Q)****	3–15	8–16
Камгак тури (Шимолий Америка) ***(F)****	Ингичка симли	Ингичка симли
Камгак тури (Европа) ***(F)****	Кичик/Кичик/Катта	Кичик/Кичик/Катта
Сепаратор панжараси қопқоқлари ***(D)****	Керагича ишлатинг	Керагича ишлатинг
Сепаратор панжарасининг оралиқ қистирмалари	Сақлаш ҳолатида	Сақлаш ҳолатида
Юқори қопқоқ ташиш парраклари ***(O)**** (жиҳозланган бўлса)	Стандарт	Стандарт
Вентилятор тезлиги (айл/дақ)	900–1250	900–1250
Созланувчи олд ғалвир (жиҳозланган бўлса) (мм)	24	24
Ғалвир тирқиши (мм) ***(R)****	13–18	13–18
Икки ҳудудли созланувчи орқа ғалвир тирқиши (мм)	5 даража 10 қиялик	5 даража 10 қиялик
Элак тирқиши (мм)	3–8	3–8
Чиқиндилар тизими барабан ости панжарасининг ҳолати (жиҳозланган бўлса)	Ғалла	Ғалла
Ҳосилбургич	Ғалла	Ғалла
Пичоқ блокини ишлатиш	Мумкин	Мумкин
Қирққич тезлиги	Баланд	Баланд

OUO6075,000504F-UZ-17MAR21

Сноска таърифи саҳифаси

(A)* *Юқори ҳажм, яшил поялар ёки шамол қайиргани туфайли похол ёмон узатилган шароитларда 32-тишли етакчи барабанни ишлатиш тавсия этилади.*

(B)* *Қуруқ экинларда яхши похол сифати ва дон сифатига эришиш учун паст тезликдан фойдаланинг. Қуруқ, заиф кунгабоқарлар учун 15-тишли етакчи барабанни ишлатиш мумкин.*

(C)* *Юқори дон сифатига эришиш учун 320 айл/дақиқага тенг секин ишловчи тўпламдан фойдаланинг.*

(D)* *Ингичка симли камгак ишлатиладиган қуруқ экинларни ўришда тозалагич тўлиб қоладиган ҳолатларда, аввал сепаратор панжарасининг ўнг томонига икки қатор ва чап томонига уч қатор симни ўрнатинг. Йўғон симли камгак ишлатиладиган ҳолатларда аввал сепаратор панжарасининг ўнг томонига уч қатор ва чап томонига икки қатор симни ўрнатинг. Миқдор ва шаклни шароитгага қараб мосланг.*

(E)* *15 та элемент – стандарт конфигурациядир. Аксар шароитларда 15 та элемент камроқ қувват талаб қилиб, юқорироқ унумдорликка олиб келади, тозалагичга камроқ юк туширади ва похолни нисбатан кам шикастлайди. Қўшимча тўққизта элементли жойлашув (зич қадоқ) қаттиқ экин роторларида мавжуд бўлиб, қаттиқ экинларни ўришда ишлатилиши мумкин.*

(F)* *Кичик донларда янчиш, дон бункери намунаси ва сомон босимини тақсимлаш имкониятини яхшилаш учун аввал барабан ости панжараларига мўлжалланган қопқоқларни олд барабан ости панжаранинг устига ўрнатинг. Қўшимча қопқоқлар барабан ости панжарага керак бўлганда ўрнатилиши мумкин.*

(G)* *Тишли қаттиқ экиндан бошқаларга берилган тавсиялар қабул барабанини ўзгартиришни талаб қилади.*

(H)* *Тиндиргич қопламасидан фойдаланиш талаб қилади.*

(I)* *Тозаловчи вентиляторни секинлаштириш тўплами талаб қилиниши мумкин.*

(J)* *Экинни яхшироқ ўриш учун юқори тезликдан фойдаланинг.*

(K)* *Сўтани яхшироқ ўриш учун симларни ечиб ташлаш мумкин.*

(L)* *TriStream™ ротор механизми қўлланганда, экинни яхшироқ ўриш учун роторга бўшатиш белкуракларни ўрнатиш мумкин.*

(M)* *Маккажўхори сўтасини аралаштириш сепаратори панжараларидан фойдаланинг.*

(N)* *Ғоятда мураккаб экин ўриш шароитларида янчиш тишлари янчиш элементлари ўрнига ўрнатилиши мумкин (янчиш унумдорлиги пасаяди).*

(O)* *Юқори похол сифати ва/ёки экинни ўриш учун қўшимча созламалар қўлланиши мумкин. Қайд: Қўшимча созлама ишлатилганда сепаратордаги йўқотишлар ортиши мумкин.*

(P)* *Эҳтиёт қисмлар бўлими орқали харид қилиш мумкин.*

(Q)* *Kondex® Revolution™ (MaxThresh™, MaxRound™) камгакнинг тавсия этилган созламаси 2–5 мм, у Жон Дир ингичка сими, йўғон сими ва юмалоқ тўсинли камгаклардан очиқроқ.*

(R)* *Текис тишли тароқ ғалвирнинг тавсия этилган созламаси 2–3 мм, у умумий мақсадлар учун ғалвирдан очиқроқ.*

OUO6075,0005050-UZ-14MAY21

Камгак бўйича тавсиялар

ҚАЙД: Машинанинг турли экин турлари учун созламалар ҳақида батафсил маълумотларни Экин созламалари бўлимидан қаранг.

Камгак тури	Жўхори	Соя	Буғдой Арпа Майда донлилар	Гуруч	Попкорн Озиқ-овқат жўхориси	Жўхори (Мило) Кунгабоқар (ширинликлар учун)	Кунгабоқар (ёғ олиш учун)	Канола
Ингичка симли	ТЭ	ТЭ	Аъло	ТЭ	ТЭ	ТЭ	Ўртача	Аъло
Йўғон симли	Яхши	Яхши	Яхши	Аъло	ТЭ	Аъло	Аъло	Яхши
Юмалоқ тўсин	Аъло	Аъло	Ўртача	Яхши	Аъло	Ўртача	Аъло	Ўртача
Аъло = энг яхши самарадорликни таъминлайди. Яхши = яхши самарадорликни таъминлайди. Ўртача = ўртача самарадорликни таъминлайди. ТЭ = тавсия этилмайди.								

Тавсия этиладиган конфигурациялари

ҚАЙД: Машинанинг турли экин турлари учун созламалар ҳақида батафсил маълумотларни Экин созламалари бўлимидан қаранг.

Бир қанча камгак комбинациялари шароитлар ва операторнинг истакларига қараб мавжуд.

Камгак тури	Жўхори Соя	Буғдой	Арпа	Ясмиқ	Нўхат	Канола
John Deere	RB, RB, RB	SW, SW, SW Катта қопқоқлар	SW, SW, LW	SW, SW, SW	SW, RB, RB	SW, SW, SW
Kondex® Revolution™	MR, RB, RB	MT, SW, SW	MT, SW, LW	MT, SW, SW	MR, RB, RB	MT, SW, SW
SW = Жон Дир ингичка симли камгак LW = Жон Дир йўғон симли камгак RB = Жон Дир юмалоқ тўсинли камгак MT = Kondex® Revolution™ икки ярим кенгликдаги MaxThresh™ камгаклари MR = Kondex® Revolution™ бир ярим кенгликдаги MaxThresh™ камгак ва бир ярим кенгликдаги MaxRound™ камгак						

MaxThresh — Kondex корпорациясининг савдо белгиси
MaxThresh — Kondex корпорациясининг савдо белгиси
MaxRound — Kondex корпорациясининг савдо белгиси

OUO6075,0005079-UZ-11MAY21

Қувват манбаини ўчириш тартиби



H95321—UN—02NOV10



H120321—UN—20DEC16

A—Ўт олдиргич
B—Ўроқни ишга тушириш тугмаси
C—Сепаратор ишга тушириш тугмаси

ҚАЙД: Қувват манбаини ўчириш янчиш ва ажратиш майдонларида сепаратордаги экин нусхасини олиш орқали машина ижросини аниқлаш учун ишлатилади. Бу амал машина ортида юз бераётган йўқотишларни аниқлаш ва шароитни тузатиш учун қандай созламаларни амалга ошириш лозимлигини билиш учун муҳимдир.

Ҳосил ҳолати ва экиннинг келиши ҳар бир тўхтиш учун бир хил эканини текширинг.

1. Мотор тезлиги индикатори бурчакдаги устунсимон дисплейга ва янчиш тезлиги ўқиш индикаторини тирсакқўйгич дисплейига жойлаштиринг.
2. Тормоз педалларини бирга қулфланг.
3. Машинани керакли экин учун оптимал унумдорлик даражасида ишлатинг.
4. Етакчи ғилдиракни эркин ҳаракат учун олдинга юргизинг (иккала қўлни ишлатинг).
5. Тирсакқўйгичда паст холостой мотор тезлигига босинг.
6. Тормоз педалларини қисиб босинг.
   a. **ProDrive™ бўлмаган машиналар:** Тормоз педалларини тўлиқ босинг (пропулция тизимини юклаш орқали мотор тезлигини жадал туширади).
чиқиндидан холи эканлигига амин бўлинг. DEF идишлари ишлатилмай турганида ифлосланмаслиги ва буғ чиқармаслиги учун зич ёпиб қўйинг.

DEF чайқалмасин ва терига, кўзга ёки оғизга тушишига йўл қўйманг.

DEF билан ишлаш пайтида зарарли эмас, аммо у пўлат, темир, рух, никель, мис, алюмин ва магний каби материалларни коррозияга учратиши мумкин. DEF суюқлигини ташиш ва сақлаш учун мос келадиган контейнерларни ишлатинг. Полиэтилен, полипропилен ёки зангламайдиган пўлатдан қилинган контейнерлар тавсия этилади.

Терига узоқ вақт тегиб турмасин. Тасодифан тегиб кетса, терини дарҳол совунлаб ювиб ташланг.

DEF сақлаш ва чиқитга чиқаришда ишлатилган нарсаларга лой ёки чанг тегмасин. Контейнер ёки воронкаларни тозалаш учун дистилланган сув билан яхшилаб ювинг ва чайинг.

Агар DEF бакига бошқа суюқлик, масалан, дизель ёқилғиси ёки совитиш моддаси қуйиб юборилса, тизимни қандай қилиб бўшатиш ва тозалаш юзасидан дарҳол Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.

Агар DEF бакига сув қуйиб юборилса, бакни тозалаш зарур. Шу қўлланмадаги DEF бакини тозалаш бўлимига қаранг. Бакни тўлдиргач, DEF концентрациясини текширинг. Дизель газини тозалаш суюқлигини (DEF) сақлаш

Оператор доимий равишда тегишли DEF миқдорини таъминлаши керак. DEF миқдорини ҳар куни текшириб, керак бўлганида қуйиб туринг. Қуйиш портининг қопқоғи кўк рангда бўлиб, қуйидагича DEF белгиси туширилган.

DX,DEF,REFILL-UZ-15JUL20

Дизель газини тозалаш суюқлигини (DEF) йўқ қилиш

DEF суюқлигини оз миқдорда ерга тўкишда муаммо бўлмаса ҳам, унинг катта миқдори сақланиши керак. У катта миқдорда тўкиладиган бўлса, тозалашда ёрдам учун маҳаллий эгология органларига мурожаат қилинг.

DEF суюқлигининг катта миқдори спецификация доирасида бўлмаса, йўқ қилишда ёрдам учун DEF таъминотчингиз билан боғланинг. Катта миқдордаги DEFни ерга тўкманг ёки оқава сувни тозалаш қурилмаларига юборманг.

DX,DEF,DISPOSE-UZ-13JUN13

Дизел мотор совитгичи (нам дастакли цилиндр гильзалари билан жиҳозланган мотор)

Тегишли совитгич стандартларига риоя қилинмаса ва белгиланган муддатларда чиқариб ташланмаса, моторга жиддий зарар етиши мумкин, бу кафолат билан қопланмайди. Кафолатлар, жумладан, зарарли газ чиқариш борасидаги кафолатлар бажарилиши учун Жон Дир совитгичлари, эҳтиёт қисмлари ёки сервисидан фойдаланиш шарт қилиб белгиланмаган.

Тавсия этиладиган совитгичлар

Қуйидаги тайёр совитгичлар тавсия этилади:

- **John Deere COOL-GARD™ II**
- **John Deere COOL-GARD II PG**

COOL-GARD II тайёр совитгичлари музлашдан турли ҳимоя даражаларига эга ҳар хил концентрацияларда мавжуд бўлиб, улар қуйидаги жадвалда кўрсатилган.

COOL-GARD II Pre-Mix	Музлашдан ҳимоя лимити
COOL-GARD II 20/80	-9°C (16°F)
COOL-GARD II 30/70	-16°C (3°F)
COOL-GARD II 50/50	-37°C (-34°F)
COOL-GARD II 55/45	-45°C (-49°F)
COOL-GARD II PG 60/40	-49°C (-56°F)
COOL-GARD II 60/40	-52°C (-62°F)

COOL-GARD II тайёр маҳсулотларининг ҳаммасини ҳам исталган давлатда топиб бўлмайди.

Совитгичнинг токсик бўлмаган таркибли тури талаб этилса, COOL-GARD II PG ишлатинг.

Қўшимча тавсия этиладиган совитгичлар

Қуйидаги мотор совитгичлари ҳам тавсия этилади:

- Сифатли сув билан концентратнинг 40-60% аралашмасида John Deere COOL-GARD II концентрати.

МУҲИМ: Совитгични сув билан аралаштирганда, концентрация улушини 40 % дан кам ва 60 % дан кўп олманг. Концентрациянинг 40% дан кам бўлиши коррозиядан ҳимоя учун мос эмас. 60% дан кўп бўлиши совитгичнинг қуюқлашувига ва совитиш тизими муаммоларига сабаб бўлади.

Бошқа совитгичлар

Қуйидаги талабларга жавоб берса, этиленгликол ёки пропиленгликол асосли совитгичлар ишлатилиши мумкин:

COOL-GARD – Deere & Company савдо белгиси

- ASTM D6210 талабларига мос келувчи тайёр совитгич
- 2 этилгексан кислотасиз (2-EHA) қўшимча мажмуа билан ҳосил қилинган
- Сифатли сув билан концентрациянинг 40-60 % аралашмасида ASTM D6210 талабларга мос келувчи совитгич концентрати

Совитгич юқоридаги талаблардан бирортасига жавоб бермаса, минимум физик ва кимёвий хусусиятларга эга совитгич концентрати ёки тайёр совитгичдан фойдаланинг:

- Жон Дир кавитация тести методи ёки 60% ва ундан юқорига юклаш билан синов юришига мувофиқ цилиндр гильзаси кавитациясидан ҳимоя билан таъминлайди
- Нитритсиз қўшимча мажмуа билан ҳосил қилинган
- 2 этилгексан кислотасиз (2-EHA) қўшимча мажмуа билан ҳосил қилинган
- Совитиш тизими металларини (чўян, алюминий қотишмалари, мис қотишмалари, масалан жез) коррозиядан ҳимоялайди

Сув сифати

Совитиш тизимининг ишлашида сув сифати муҳим рол ўйнайди. Этиленгликол ва пропиленгликол асосидаги совитгич концентратларига аралаштириш учун дистилланган, ионсизлаштирилган ёки тузсизланган сув керак.

Совитгични чиқариб ташлаш интервалларини

Ишлатиладиган совитгич билан ўзгарадиган кўрсатилган интервалда совитиш тизимини сиздиринг ва тозаланг ҳамда янги совитгич билан қайта тўлдиринг.

COOL-GARD II ёки COOL-GARD II PG ишлатилганда, алмаштириш оралиғи 6 йил ёки 6000 соат.

Агар COOL-GARD II ёки COOL-GARD II PG дан бошқа совитгич ишлатилса, алмаштириш оралиғини 2 йил ёки 2000 соатга қисқартиринг.[2]

МУҲИМ: Совитиш тизими учун зичлагич қўшимчани ёки таркибида зичлагич қўшимча бор антифризни ишлатманг.

Этиленгликол ва пропиленгликол асосидаги совитгичларни бир-бирига аралаштирманг.

Таркибида нитрит бор моддаларни ишлатманг.

DX,COOL3-UZ-25AUG20

John Deere COOL-GARD™ II Coolant Extender

Айрим қўшимчалар ишлаш жараёнида кучсизланади. COOL-GARD™ II тайёр ва COOL-GARD II концентрат учун COOL-GARD II совитгич узайтиргичини қўшиш орқали алмаштириш интервалларини орасида совитгич қўшимчасини янгиланг.

COOL-GARD II Coolant Extender COOL-GARD II тест тасмаларида кўрсатилмагунча қўшилмасин. Бу синов тасмалари ёрдамида мотор совитгичининг музлаш нуқтаси ва қўшимчалар миқдорини, совитгич pH даражасини осон ва самарали текшириш мумкин.

Совитгич эритмасини узоғи билан ҳар 12 ойда ёки сизиб чиқиш ёки қизиб кетиш туфайли камайиб кетганида синаб туринг.

МУҲИМ: COOL-GARD II тест тасмаларини COOL-GARD II PG билан ишлатманг.

COOL-GARD II Coolant Extender барча турдаги COOL-GARD II совитувчилари билан фойдаланиш учун кимёвий жиҳатдан мос қўшимчадир. COOL-GARD II совитувчи кенгайтиргичи нитрит таркибли совитгичлар билан ишлатишга мўлжалланмаган.

МУҲИМ: Совитиш тизими бўшатилиб, қуйидагилардан бири билан тўлдирилганида, унга қўшимча қўшманг:

- **John Deere COOL-GARD II**
- **John Deere COOL-GARD II PG**

Тавсия этилмаган ёрдамчи совитувчи қўшимчалардан фойдаланиш қўшимча чўкмаларга, совитувчининг қуюқлашувига ёки совитиш тизими қисмлари коррозиясига сабаб бўлиши мумкин.

Жон Дир COOL-GARD II Coolant Extender фақат тавсия этилган концентрацияда қуйилиши керак. Тавсия қилинган миқдордан кўп ҚЎШМАНГ.

DX,COOL16-UZ-15MAY13

Иссиқ иқлимда ишлатиш

Жон Дир моторлари тавсия этилган совитгичлар билан ишлашга мўлжалланган.

Музлашдан ҳимоя шарт бўлмаган ҳудудларда ишлатсангиз ҳам, доим тавсия этилган мотор совитгичларини ишлатинг.

COOL-GARD – Deere & Company савдо белгиси

[2] Совитгич таҳлили бошқа “Совитгичлар” сервис оралиғини максимумга узайтириши мумкин, аммо Cool-Gard II совитгичлари оралиғидан ошмайди. Совитгич таҳлилида одатдаги сервис муддатидан ўтгандан кейин ҳар 1000 соатда совитгичдан намуна олинади, бунда совитгичнинг максимал ишлаш муддати ёки Cool-Gard II максимал сервис оралиғи ўтганлиги ҳисобга олинади.

МУҲИМ: Сувни совитгич сифатида *фақат фавқулодда ҳолатларда ишлатиш мумкин.*

Агар совитгич сифатида сув ишлатилса, ҳатто совитгич кондиционерлари қўшилган тақдирда ҳам, кўпикланиши, алюмин сиртининг қизиши, темир коррозияга учраши, қасмоқ йиғилиши ва коваклар пайдо бўлиши мумкин.

Имкони туғилиши биланоқ совитиш тизимини бўшатиб, тавсия этилган мотор совитгичини қуйинг.

DX,COOL6-UZ-15MAY13

Совитувчи концентрат билан аралаштириш учун сув сифати

Мотор совитгичлари учта кимёвий компонентнинг бирикмасидир: этиленгликол (EG) ёки пропиленгликол (PG) антифриз, секинлаштирувчи совитгич қўшимчалари ва сифатли сув.

Совитиш тизимининг ишлашида сув сифати муҳим рол ўйнайди. Этиленгликол ва пропиленгликол асосидаги совитгич концентратларига аралаштириш учун дистилланган, ионсизлаштирилган ёки тузсизланган сув керак.

Совитиш тизимида ишлатиладиган сув сифати қуйидаги минимал талабларга жавоб бериши керак:

Хлоридлар	<40 мг/л
Сульфатлар	<100 мг/л
Жами моддалар	<340 мг/л
Жами эритилган I қаттиқлик	<170 мг/л
pH	5.5—9.0

МУҲИМ: Бутилкаланган ичимлик сувидан фойдаланманг, чунки унда кўпинча эритилган жами моддаларнинг юқори концентрацияси бор бўлади.

Музлашдан ҳимоя

Мотор совитгичидаги гликол ва сувнинг нисбий концентрациялари унинг музлашдан ҳимоя лимитини белгилайди.

Этиленгликол	Музлашдан ҳимоя лимити
40%	-24°C (-12°F)
50%	-37°C (-34°F)
60%	-52°C (-62°F)
Пропиленгликол	**Музлашдан ҳимоя лимити**
40%	-21°C (-6°F)
50%	-33°C (-27°F)
60%	-49°C (-56°F)

Совитгич-сув аралашмасида 60% дан ортиқ этиленгликол ёки 60% дан ортиқ пропиленгликол БЎЛМАСИН.

DX,COOL19-UZ-13JAN18

Совитгичнинг музлаш нуқтасини синаш

TS1732—UN—04SEP13

SERVICEGARD™ қисм рақами 75240



TS1733—UN—04SEP13

Рефрактометр ойнасига қўйилган 50/50 совитгич билан олинган тасвир

Совитгич музлаш нуқтасини аниқлашда оддий совитгич рефрактометридан фойдаланиш энг осони, тези ва аниғи. Ушбу усул натижаси унчалик талабга жавоб бермайдиган тест тасма ёки пўкакли гидрометр методидан аниқроқ.

Совитгич рефрактометрини Жон Дир дилери орқали SERVICEGARD™ асбоблар дастури остида мавжуд. 75240 қисм рақами дала шароитларида аниқ музлаш нуқтасини аниқлаштириш учун иқтисодий ечим билан таъминлайди.

SERVICEGARD – Deere & Company савдо белгиси

Ушбу асбобдан фойдаланиш учун:

1. Совитиш тизими ташқи ҳароратга тенглашгунча кутинг.
2. Совитгични текшириш учун радиатор қопқоғини очинг.
3. Тақдим этилган томчилаткич билан совитгичдан озгина намуна олинг.
4. Рефрактометр қопқоғини очинг, бир томчи совитувчи суюқлик жойланг ва қопқоқни ёпинг.
5. Окулярга қаранг ва тегишлича фокусни жамланг.
6. Текширилаётган совитгичнинг (этиленгликол совитувчиси ёки пропилгликол) тури учун кўрсатилган музлаш кўрсаткичини ёзинг.

DX,COOL,TEST-UZ-13JUN13

Дизелли мотор обкатка мойи — Зарарли газ чиқармаслик ва сертификатланган 1-гуруҳ, 2-гуруҳ, 3-гуруҳ, синфи I, синфи II ва синфи III

Янги моторга заводда Жон Дир Break-In™ ёки Жон Дир Break-In Plus™ мотор мойи қуйилади. Обкатка даврида керакли миқдорда ушлаб туриш учун Жон Дир Break-In™ ёки Break-In Plus™ мотор мойини қуйинг.

Моторни турли шароитларда ишлатинг, айниқса битта жойда турмасдан, оғир юкланиш билан ишлатинг, шунда мотор деталлари жой-жойига тушади.

Агар янги ёки қайта қурилган моторни дастлабки ишлатишда Жон Дир Break-In™ мотор мойи ишлатилса, максимум 100 соатдан кейин мой билан фильтрни алмаштиринг.

Агар Жон Дир Break-In Plus™ мотор мойи ишлатилса, минимум 100 соатдан кейин, максимум Жон Дир Plus-50™ II ёки Plus-50™ мойи учун белгиланган вақтдан кейин мой билан фильтрни алмаштиринг.

Мотор капитал таъмирдан чиқса, унга Жон Дир Break-In™ ёки Break-In Plus™ мотор мойини қуйинг.

Агар Жон Дир Break-In™ ёки Break-In Plus™ мотор мойи топилмаса, қайишқоқлик даражаси SAE 10W-30 бўлган дизелли мотор мойини ишлатинг, у қуйидагилардан бирига жавоб берсин. Мой билан фильтрни максимум 100 соатда алмаштиринг:

- API ишлатиш классификацияси: CE
- API ишлатиш классификацияси: CD
- API ишлатиш классификацияси: CC
- ACEA мой тартиби: E2

Break-In – Deere & Company савдо белгиси.
Break-In Plus – Deere & Company савдо белгиси
Plus-50 – Deere & Company савдо белгиси.

- ACEA мой тартиби: E1

МУҲИМ: Буларни ишлатманг: Plus-50™ II, Plus-50™ ёки қуйидагилардан бирига мос келадиган мотор мойлари:

API CK-4	**ACEA E9**
API CJ-4	**ACEA E7**
API CI-4 PLUS	**ACEA E6**
API CI-4	**ACEA E5**
API CH-4	**ACEA E4**
API CG-4	**ACEA E3**
API CF-4	
API CF-2	
API CF	

Бу мойлар моторни кераклича обкаткадан чиқармайди.

Жон Дир Break-In Plus™ мотор мойини барча Жон Дир дизелли моторларида, барча газ чиқариш сертификацияси босқичларида ишлатиш мумкин.

Обкатка тугаганидан кейин Жон Дир Plus-50™ II, Жон Дир Plus-50™ ёки шу қўлланмада тавсия этилган бошқа мойларни ишлатинг.

DX,ENOIL4-UZ-02NOV16

John Deere Break-In Plus™ мотор мойи — Оралиқ 4-гуруҳ, якуний 4-гуруҳ, синфи IIIB, синфи IV ва синфи V

Янги моторга заводда John Deere Break-In Plus™ мотор мойи қуйилади. Обкатка даврида керакли миқдорда ушлаб туриш учун Жон Дир Break-In Plus™ мотор мойини қуйинг.Обкатка даврида керакли миқдорда ушлаб туриш учун Жон Дир Break-In Plus™ мотор мойини қуйинг.

Моторни турли шароитларда ишлатинг, айниқса битта жойда турмасдан, оғир юкланиш билан ишлатинг, шунда мотор деталлари жой-жойига тушади.

Янги ёки қайта қурилган моторни дастлабки ишлатишда минимум 100 соат ва максимум Deere Plus-50™ II мойи учун белгиланган муддатда мой билан фильтрни алмаштиринг.

Мотор капитал таъмирдан чиқса, унга Жон Дир Break-In Plus™ мотор мойини қуйинг.

Агар Жон Дир Break-In Plus™ мотор мойи топилмаса, қайишқоқлик даражаси SAE 10W-30 бўлган, қуйидаги талабларга жавоб берадиган мотор мойини ишлатинг:

- API хизмат тоифаси: CK-4
- API хизмат тоифаси: CJ-4

- ACEA мой тартиби: E9
- ACEA мой тартиби: E6

Янги ёки янгиланган моторни дастлабки ишлатишда бу мойлардан бири ишлатилса, минимум 100 соат ва максимум 250 соат оралиғида мой ва фильтрни алмаштиринг.

МУҲИМ: Янги ёки янгиланган моторнинг обкатка даврида бошқа турдаги мотор мойларидан фойдаланманг.

Жон Дир Break-In Plus™ мотор мойини барча Жон Дир дизелли моторларида, барча газ чиқариш сертификацияси босқичларида ишлатиш мумкин.

Обкатка тугаганидан кейин Жон Дир Plus-50™ II ёки шу қўлланмада тавсия этилган бошқа мойларни ишлатинг.

DX,ENOIL16-UZ-13JAN18

Дизелли мотор мойи — 2-гуруҳ ва синфи II



TS1743—UN—25APR19

Ҳаво ҳарорати диапазонлари учун мой қайишқоқлиги

Тегишли мой стандартларига риоя қилинмаса ва белгиланган муддатларда чиқариб ташланмаса, моторга жиддий зарар етиши мумкин, бу кафолат билан қопланмайди. Кафолатлар, жумладан, зарарли газ чиқариш борасидаги кафолатлар бажарилиши учун Жон Дир мойлари, эҳтиёт қисмлари ёки сервисидан фойдаланиш шарт қилиб белгиланмаган.

Мойни алмаштиришлар орасидаги муддатда кутилган ҳаво ҳароратига мос қайишқоқликдаги мой ишлатинг.

Жон Дир Plus-50™ II мойини ишлатган маъқул.

Жон Дир Plus-50™ ҳам тавсия этилади.

John Deere Torq-Gard™ ҳам мумкин.

Бошқа мойлар ҳам ишлатилиши мумкин, бунинг учун қуйидаги стандартлардан бирига ёки бир нечтасига мос келиши керак:

- API хизмат тоифаси: CK-4
- API хизмат тоифаси: CJ-4
- API хизмат тоифаси: CI-4 PLUS
- API хизмат тоифаси: CI-4
- API хизмат тоифаси: CH-4
- ACEA мой тартиби: E9
- ACEA мой тартиби: E7
- ACEA мой тартиби: E6
- ACEA мой тартиби: E5
- ACEA мой тартиби: E4

Дизелли мотор учун мултиқайишқоқ мойлар ишлатган маъқул.

Дизель ёқилғичи сифати ва таркибидаги олтингугурт миқдри мотор ишлатиладиган ҳудуддаги барча зарарли модда чиқариш қоидаларига риоя қилиши керак.

Таркибидаги олтингугурт 10 000 мг/кг (10 000 ppm) миқдордан ошадиган дизель ёқилғисини ИШЛАТМАНГ.

DX,ENOIL7-UZ-23APR19

Plus-50 – Deere & Company савдо белгиси.

Torq-Gard – Deere & Company савдо белгиси

Дизелли мотор мойи — Оралиқ 4-гуруҳ, якуний 4-гуруҳ, синфи III B, синфи IV ва синфи V



TS1743—UN—25APR19

Ҳаво ҳарорати диапазонлари учун мой қайишқоқлиги

Тегишли мой стандартларига риоя қилинмаса ва белгиланган муддатларда чиқариб ташланмаса, моторга жиддий зарар етиши мумкин, бу кафолат билан қопланмайди. Кафолатлар, жумладан, зарарли газ чиқариш борасидаги кафолатлар бажарилиши учун Жон Дир мойлари, эҳтиёт қисмлари ёки сервисидан фойдаланиш шарт қилиб белгиланмаган.

Мойни алмаштиришлар орасидаги муддатда кутилган ҳаво ҳароратига мос қайишқоқликдаги мой ишлатинг.

Жон Дир Plus-50™ II мотор мойи тавсия этилади.

Жон Дир Plus-50™ II мотор мойидан фойдаланилганда, сервис оралиғи узайиши мумкин. Батафсил маълумот учун мотор мойини чиқариб ташлаш оралиқлари жадвалига қаранг ва Жон Дир дилерингиз билан маслаҳатлашинг.

Жон Дир Plus-50™ II мотор мойи топилмаса, қуйидаги талабларга жавоб берадиган мотор мойи ишлатилиши мумкин:

- API хизмат тоифаси: CK-4
- API хизмат тоифаси: CJ-4
- ACEA мой тартиби: E9
- ACEA мой тартиби: E6

Таркиби 1.0 % сульфат кули, .12 % фосфор ёки .4 % олтингугурт кўрсаткичларидан юқори бўлса, бундай мотор мойидан ФОЙДАЛАНМАНГ.

Plus-50 – Deere & Company савдо белгиси

Дизелли мотор учун мултиқайишқоқ мойлар ишлатган маъқул.

Дизель ёқилғичи сифати ва таркибидаги олтингугурт миқдри мотор ишлатиладиган ҳудуддаги барча зарарли модда чиқариш қоидаларига риоя қилиши керак.

МУҲИМ: Фақат таркибида олтингугурт жуда кам бўлган (ULSD) ёқилғи ишлатинг, максимум 15 мг/кг (15 ppm) олтингугурт бўлсин.

DX,ENOIL14-UZ-23APR19

Юқори баландликда ишлатиш учун дизелли мотор мойининг сервис интервали

Моторлар **1675 м (5500 фут)** дан юқори баландликда ишласа, мой тезда эскирмаслиги ва моторга шикаст етмаслиги учун мой ва фильтрни алмаштириш интервалларини тавсия этилганидан 50% га қисқартиринг.

Мой таҳлили натижасида сервис оралиғини узайтириш мумкин.

Фақат тасдиқланган турдаги мойларни ишлатинг.

Оригинал соатларга мисол	Тегишли юқори баландлик соатлари
125	60
150	75
175	85
200	100
250	125
275	135
300	150
350	175
375	185
400	200
500	250

DX,ENOIL,SERV,HIALT-UZ-11NOV14

Мотор мойи ва фильтри сервиси интерваллари – 2-гуруҳ ва синфи II моторлар

Тавсия этиладиган мой ва фильтр сервиси интерваллари қўлланиладиган вентилятор мойи сиғими, мотор мойи тури ва фильтр комбинацияларига ва дизель ёқилғининг олтингугурт таркибига боғлиқ. Аниқ сервис интервалларини ҳам ишлатиш ва хизмат кўрсатиш амалиётларига боғлиқ.

Мойни таҳлил қилиш орқали ҳолатига баҳо беринг ва мой билан фильтрни алмаштириш вақтини аниқланг. Мотор мойини таҳлил қилиш борасида маълумот учун Жон Дир дилерига ёки бошқа малакали техникларга мурожаат қилинг.

Мой ва фильтрни камида ҳар 12 ойда алмаштиринг, ишлаган соати белгиланганидан кам бўлса ҳам.

Дизел ёқилғининг олтингугурт таркиби мотор мойи ва фильтрнинг сервис интерваллариға таъсир қилади.

- Таркибида олтингугурт 2000 мг/кг (2000 ppm) дан кам бўлган дизель ёқилғиси ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ
- Таркибида олтингугурт 2000-5000 мг/кг (2000-5000 ppm) бўлган дизель ёқилғиси ишлатилса, мой ва фильтрни алмаштириш муддати ҚИСҚАРАДИ
- Таркибидаги олтингугурт 5000 мг/кг (5000 ppm) миқдордан ошадиган дизель ёқилғисини ишлатишдан олдин Жон Дир дилери ёки ваколатли сервис кўрсатувчига мурожаат қилинг.

МУҲИМ: Моторга зарар етмаслиги учун:

- **B20 дан юқори биодизель аралашмаси ишлатилса, мой ва фильтр алмаштириш муддатини 50% га қисқартиринг. Мой таҳлили натижасида сервис оралиғини узайтириш мумкин**
- **Фақат тасдиқланган турдаги мойларни ишлатинг**

Маъқулланган мой турлари:

- “Plus-50 мойлари”га John Deere Plus-50™ II ва John Deere Plus-50™ мойлари киради
- “Бошқа мойлар”га John Deere Torq-Gard™, API CK-4, API CJ-4, API CI-4 PLUS, API CI-4, API CH-4, ACEA E9, ACEA E7, ACEA E6, ACEA E5 ва ACEA E4 киради

Мотор мойи ва фильтри сервиси интерваллари	
Ёқилғидаги олтингугурт	2000 мг/кг (2000 ppm) дан кам
Plus-50 мойлари	375 соат
Бошқа мойлар	250 соат
Ёқилғидаги олтингугурт	2000-5000 мг/кг (2000-5000 ppm)
Plus-50 мойлари	275 соат
Бошқа мойлар	150 соат
Ёқилғидаги олтингугурт	5000-10 000 мг/кг (5000-10 000 ppm)
Plus-50 мойлари	187 соат (Жон Дир дилерига мурожаат қилинг)
Бошқа мойлар	125 соат (Жон Дир дилерига мурожаат қилинг)

Plus-50 – Deere & Company савдо белгиси
Torq-Gard – Deere & Company савдо белгиси

Мотор мойи ва фильтри сервиси интерваллари
Мой таҳлили “Бошқа мойлар”нинг сервис оралиғини узайтириши мумкин, максимуми Plus-50 мойларининг оралиғидан ошмайди. Мой таҳлилида одатдаги сервис муддатидан ўтгандан кейин ҳар 50 соатда мойдан намуна олинади, бунда Жон Дир Plus-50 мойларнинг максимал ишлаш муддати ёки максимал сервис оралиғи ўтганлиги ҳисобга олинади.

DX,ENOIL12,T2,STD-UZ-13JAN18

Мотор мойи ва фильтри сервиси интерваллари — Interim Tier 4, Final Tier 4, Stage IIIB, Stage IV ва Stage V моторлар

Тегишли мой стандартларига риоя қилинмаса ва белгиланган муддатларда чиқариб ташланмаса, моторга жиддий зарар етиши мумкин, бу кафолат билан қопланмайди. Кафолатлар, жумладан, зарарли газ чиқариш борасидаги кафолатлар бажарилиши учун Жон Дир мойлари, эҳтиёт қисмлари ёки сервисидан фойдаланиш шарт қилиб белгиланмаган.

Тавсия этиладиган мой ва фильтр сервиси интерваллари қўлланиладиган вентилятор мойи сиғими, мотор мойи тури ва фильтр комбинацияларига ва дизель ёқилғининг олтингугурт таркибига боғлиқ. Аниқ сервис интерваллари ҳам ишлатиш ва хизмат кўрсатиш амалиётларига боғлиқ.

Маъқулланган мой турлари:

- John Deere Plus-50™ II
- ”Бошқа мойлар”га API CK-4, API CJ-4, ACEA E9 ва ACEA E6 киради

Мойни таҳлил қилиш орқали ҳолатига баҳо беринг ва мой билан фильтрни алмаштириш вақтини аниқланг. Мотор мойини таҳлил қилиш борасида маълумот учун Жон Дир дилерига ёки бошқа малакали техникларга мурожаат қилинг.

Мой ва фильтрни камида ҳар 12 ойда алмаштиринг, ишлаган соати белгиланганидан кам бўлса ҳам.

Дизел ёқилғининг олтингугурт таркиби мотор мойи ва фильтрнинг сервис интерваллариға таъсир қилади. Ёқилғида олтингугурт даражасининг юқорилиги мой ва фильтрнинг сервис интерваллариға таъсир қилади.

Таркибида олтингугурт 15 мг/кг (15 ppm) дан кам бўлган дизель ёқилғисидан фойдаланиш ТАЛАБ ЭТИЛАДИ.

Мотор мойи ва фильтри сервиси интерваллари	
John Deere Plus-50™ II	400 соат
Бошқа мойлар	250 соат
Мой таҳлили “Бошқа мойлар”нинг сервис оралиғини узайтириши мумкин, максимуми Plus-50™ II мойларининг оралиғидан ошмайди. Мой таҳлилида одатдаги сервис муддатидан ўтгандан кейин ҳар 50 соатда мойдан намуна олинади, бунда Жон Дир	

Мотор мойи ва фильтри сервиси интерваллари
Plus-50 II мойларнинг максимал ишлаш муддати ёки максимал сервис оралиғи ўтганлиги ҳисобга олинади.

Мотор юқори баландликда ишлатилса, мой алмаштириш интервали қисқаради. Батафсил маълумотни Юқори баландликда ишлатиш учун дизелли мотор мойининг сервис интервали бўлимидан олинг.

МУҲИМ: Моторга зарар етмаслиги учун:

- **B20 дан юқори биодизель аралашмаси ишлатилса, мой ва фильтр алмаштириш муддатини 50% га қисқартиринг. Мой таҳлили натижасида сервис оралиғини узайтириш мумкин**
- **Фақат тасдиқланган турдаги мойларни ишлатинг**

OUO6075,0004926-UZ-22MAR18

Oilscan™ ва CoolScan™



T6828AB—UN—15JUN89



T6829AB—UN—26AUG11

Oilscan™ ва CoolScan™ бу Жон Дир намуна олиш дастурлари бўлиб, улар машинанинг ишлашини назорат қилиш ва эҳтимолий муаммоларни юзага чиқишидан олдин аниқлашга мўлжалланган.

Алмаштириш муддатидан олдин ҳар бир тизимдан мой ва совитиш моддаси намуналарини олиш керак.

Oilscan – Deere & Company савдо белгиси
CoolScan – Deere & Company савдо белгиси

Жон Дир дилеридан Oilscan™ ва CoolScan™ тўпламлари мавжудлигини сўранг.

DX,OILSCAN-UZ-13SEP11

ProDrive™ узатиш қутиси, CommandTouch™, Кўп тезликли ўргични ҳайдаш механизми, Гидростатик ҳайдаш тизими, Асосий гидравлик тизим, узатма қутиси мойлари

ҚАЙД: Машиналар заводдан John Deere Hy-Gard™ билан тўлдирилган ҳолда келади.



ZX1030848—UN—15SEP02

Фақат қуйидаги мойлар тавсия қилинади:

- John Deere Hy-Gard™
- JDM J20C John Deere стандартига жавоб берувчи мойлар

ҚАЙД: Ўта паст ҳароратларда ишлатиш учун қуйидаги мойлар қўлланилиши мумкин:

- *Low Viscosity Hy-Gard™*
- *JDM J20D John Deere стандартига жавоб берувчи мойлар*

OUO6075,00046CB-UZ-30MAR17

Hy-Gard – Deere & Company савдо белгиси

Трансмиссия (механик ва тугмали ўтказиш), Асосий узатмалар, Юклаш шнеки, Бирламчи оралиқ вал, Икки тезликли сепаратор узатма қутиси мойлари



TS1653—UN—14MAR96

Мойни алмаштиришлар орасидаги муддатда кутилган ҳаво ҳароратига мос қайишқоқликдаги мой ишлатинг.

Қуйидаги мойларни ишлатган маъқул:

- John Deere GL-5 Gear Lubricant
- Жон Дир EXTREME-GARD™

Бошқа мой ҳам ишлатилиши мумкин, бунинг учун қуйидагиларга мос келиши керак:

- API хизмат тоифаси: GL-5

Маҳсулот рақами	Тавсифи	Ўлчами
TY6252	80W/90 GL5 Gear Lube редуктор мойи	16 кг пақир (35 фунт пақир)
TY6296	80W/90 GL5 Gear Lube редуктор мойи	0.9 л бак (1 квартали бак)
TY6256	85W/140 GL5 редуктор мойи	16 кг пақир (35 фунт пақир)
TY6345	85W/140 GL5 редуктор мойи	0.9 л бак (1 квартали бак)

OUO6075,0004924-UZ-21MAR18

Қабул камераси реверсори узатма қутиси



H87702—UN—25JUL07

Ҳаво ҳарорати диапазонлари учун мой қайишқоқлиги

Қуйидаги мойлар тавсия этилади:

- John Deere ISO VG 460 синтетик мойи

Бошқа мойлар ҳам ишлатилиши мумкин, бунинг учун улар қуйидагиларга мос келиши керак:

- ISO VG 460 узатма мойи ISO12925-1, CKD тури
- ANSI/AGMA 9005-E02 (EP)
- US Steel 224
- DIN 51517-3 (CLP)

OUO6075,00046CD-UZ-28MAR17

EXTREME-GARD – Deere & Company савдо белгиси.

Солидол



TS1667—UN—30JUN99

Сервислар орасидаги муддатда кутилган ҳаво ҳарорати ҳамда NLGI (Смазка материаллари миллий институти) қуюқлик қийматларига асосланган холда Солидол танланг.

Қуйидаги солидоллар тавсия этилади:

- John Deere SD полиера солидоли (TY6341)

Бошқа солидоллар ҳам ишлатилиши мумкин бўлиб, бунинг учун улар қуйидагиларга мос келиши керак:

- NLGI хизмат таснифи: GC-LB

МУҲИМ: John Deere SD POLYUREA GREASE (TY6341) қабул камераси учун зарур бўлган солидолдир.

Баъзи турдаги солидоллар қуюшқоқ ва бошқаларига мос келмайди.

Агар суриш мосламаси йўқ бўлса, дарҳол алмаштиринг. Суриш мосламасидан фойдаланишдан олдин мосламани тўлиқ тозаланг.

Маҳсулот рақами	Тавсифи
TY6341	Универсал, юқори ҳароратга мўлжалланган қаттиқ босим солидоли, роликли контактларда қўллаганда янада самарали.

HX,AG,SF7350-UZ-26OCT99

Тормоз суюқлиги (жиҳозланган бўлса)

МУҲИМ: Резервуар қопқоғини ечиб олишда ифлослантирувчи моддаларнинг резервуарга киришидан сақланинг.

Суюқлик юқорисидан 6 мм (1/4 дюйм) бўлиши керак.

Резервуарни SAE J1703d, DOT-3 ёки DOT-4 гидравлик тормоз суюқлиги билан тўлдиринг.

OUO6075,0000AE9-UZ-10DEC10

Мой фильтрлари

Тўғри ишлатиш ва смазкалаш учун мойларни фильтрлаш жуда зарур. Жон Дир брендидаги мой фильтрлари Жон Дир ускуналари учун махсус тайёрланган ва ишлаб чиқарилган.

Жон Дир фильтрлари фильтр тўлдиргичининг сифати, фильтр самарадорлик рейтинги, фильтр тўлдиргичи ва элемент қалпоқчаси орасидаги бириктириш кучи, канистранинг ишлаш муддати (тегишли ҳолларда) ва фильтр зичлагичининг босим сиғими борасидаги техник талабларга жавоб беради. Жон Дирдан бошқа мой фильтрлари ушбу асосий Жон Дир характеристикаларига жавоб бермаслиги мумкин.

Мой фильтрларини доим шу қўлланмада кўрсатилгандек мунтазам алмаштиринг.

DX,FILT1-UZ-11APR11

Ёқилғи фильтрлари

Замонавий ёқилғи тизимларида ёқилғини фильтрлашнинг аҳамияти катта. Ишланган газ чиқариш чекловлари кўпайиб бориши ва самаралироқ моторлар чиқарилиши ёқилғи тизимининг жуда катта босим остида ишлашини талаб этмоқда. Юқори босимга эришиш учун ёқилғи пуркаш компонентлари жуда аниқ бўлиши лозим. Бу технологик чегаралар оқибатида чиқинди ва сувга ўрин қолмаган.

Жон Дир брендидаги ёқилғи фильтрлари Жон Дир моторлари учун махсус тайёрланган ва ишлаб чиқарилган.

Моторни чиқинди ва сувдан ҳимоялаш учун доим ёқилғи фильтрларини шу қўлланмада кўрсатилганидек алмаштиринг.

DX,FILT2-UZ-14APR11

Алтернатив ва синтетик смазкалар

Айрим географик ҳудуддаги шароитларда смазкага оид тавсиялар бу қўлланмадагидан бошқача бўлиши талаб этилиши мумкин.

Айрим Жон Дир брендидаги совитгичлар ва смазкалар сизнинг ҳудудингизда бўлмаслиги мумкин.

Маълумот ва тавсиялар олиш учун Жон Дир дилерингизга мурожаат қилинг.

Шу қўлланмадаги талабларга мос келадиган синтетик смазкаларни ҳам ишлатиш мумкин.

Бу қўлланмада кўрсатилган ҳарорат лимитлари ва сервис оралиқлари Жон Дир брендидаги суюқликлар ёки Жон Дир машиналарида ишлатишга синалган ва/ёки маъқулланган суюқликларга тааллуқлидир.

Талабларга мос келса, қайта тозаланган асосдан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ҳам ишлатиш мумкин.

DX,ALTER-UZ-13JAN18

Смазкани сақлаш

Фақат тоза смазкалар ишлатилганидагина машинангиз юқори самарадорликда ишлаши мумкин.

Ҳар қандай смазкани сақлаш учун тоза идишларни ишлатинг.

Смазкалар ва идишларни чанг, намлик ва бошқа ифлосланишлардан ҳимояланган жойда сақланг. Сув ва чанг йиғилмаслиги учун идишларни ётқизиб сақланг.

Идишларнинг ичидагини билиш учун ҳаммасига тегишли белгилар қўйилсин.

Барча эски идишларни ичидаги қолдиқлари билан тегишли тарзда чиқитга чиқаринг.

DX,LUBST-UZ-11APR11

Смазкаларни аралаштириш

Умуман олганда, турли бренддаги ёки турдаги мойларни аралаштирманг. Мой ишлаб чиқарувчилари маълум техник хусусиятлар ва ишлаш талабларига жавоб бериши учун мойларига қўшимча аралаштиради.

Турли мойларни аралаштириш бу қўшимчаларнинг тўғри ишлашига халақит бериши ва смазка самарадорлигини пасайтириши мумкин.

Тегишли маълумот ва тавсиялар олиш учун Жон Дир дилерингизга мурожаат қилинг.

DX,LUBMIX-UZ-18MAR96

Сервис интервали—созлаш ёки тозалаш

ДИҚҚАТ: Жароҳатланишнинг олдини олиш учун ҳеч қачон ишлаб турган машина, ўроқ ёки моторни смазкаламанг ёки сервис кўрсатманг. Моторни ЎЧИРИНГ, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.

МУҲИМ: Ўртача шароитлар учун мўлжалланган сервис вақтлари. Агар машина оғир шароитда ишлатилса, тез-тез техник хизмат кўрсатиб туринг.

Созлаш ёки тозалаш сервис интервалларини ҳақида батафсил маълумотга эга бўлиш учун Калибрлаш бўйича қўлланмага ва Бошқарув панели бўйича қўлланмага қаранг.

OUO6075,0004552-UZ-20DEC16

Мойлаш наклейкаси жойлари



H97176—UN—30JUN10

Чап томон смазкалаш наклейкаси

H97177—UN—30JUN10

Ўнг томон смазкалаш наклейкаси

А—Смазкалаш наклейкалари

МУҲИМ: HillMaster машиналари: Босиб қолиб, жароҳат олишдан сақланинг. Сервис, ростлашлар ёки тузатишлар учун остига киришдан аввал доим машина текислаш тизимини бутунлай туширинг. Моторни ЎЧИРИНГ, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.

Смазкалаш наклейкалари (А) машина атрофидаги турли смазкалаш қисмларининг жойларини кўрсатади. Наклейкаларда берилган смазкалаш вақтларига амал қилинг ва кўпроқ маълумот олиш учун ушбу бўлимда берилган соат оралиқларига қаранг.

Подшипник ишдан чиқса ёки қизиб кетса, ёнғин чиқиши мумкин. Подшипниклар носозликлари ёки қизиб кетишни камайтириш ҳақида кўпроқ маълумот учун ушбу бўлимда берилган соат оралиқларига амал қилинг.

Подшипниклар атрофида ва қопламаларида поя материаллари ва бошқа қолдиқлар тўпланиб қолиши мумкин. Терим давомида бу жойларни текширинг ва керагича тозалаб туринг.

OUO6075,00044AF-UZ-14NOV16

Гидравлик шлангни алмаштириш

Гидравлик шлангларни сизиб чиқиш, тугун, кесилган жой, ёриқ, ейилиш, коррозия, сим ўрамаси чиқиб қолган ва бошқа турдаги ейилиш ёки шикаст бўлмаслиги учун текширилиши керак. Ейилган ёки шикастланган шланг тўпламлари иш вақтида ишламай қолиши мумкин ва уларни дарҳол алмаштириш керак. Алмаштирилувчи шланглар учун Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.

ДИҚҚАТ: Агар нотўғри шаклдаги шлангдан ишлатилса, машина шикастланиши, жароҳатланиш ёки ўлимга олиб келиши мумкин.

Агар шлангларни тайёрлаш зарур бўлса, алмаштирилган шланглар билан бир хил бўлишини таъминланг. Шланг номиналларини алмаштириш учун Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.

Нотўғри шланг узунлиги ёки йўналтириши шланг емирилиши ёки шикастланиши эҳтимолини оширади. Эски шлангни узунлик ва шланг йўналиши учун кўрсатма сифатида фойдаланинг.

Нотўғри фитинглар бирикувчи қисмларни шикастлаши ёки сизишларга сабаб бўлиши мумкин. Фойдаланиш учун қабул қилинган пўлат фитинглардан фойдаланишни шланг ишлаб чиқарувчисидан аниқлаштиринг. Тўғри ўлчам ва протектор туридан алмашувчи шланг сифатида фойдаланинг.

OUO6075,00043CC-UZ-12OCT16

Гидравлик тизим тозалиги



X9811—UN—23AUG88

ДИҚҚАТ: Босим билан чиқаётган суюқлик терига тегса, жиддий жароҳат етказиши мумкин. Гидравлик ёки бошқа линияларни узишдан олдин босимни бўшатиш орқали хавфнинг олдини олинг. Босим беришдан олдин ҳамма уланган жойларини қотиринг. Картон бўлаги билан суюқлик сизиб чиқиши ҳолатларини текширинг. Қўл ва танани юқори босимли моддалардан ҳимояланг.

Фавқулодда ҳолат юз берганда дарҳол шифокорга учрашинг. Терига теккан ҳар қандай суюқлик жарроҳлик йўли билан бир неча соат ичида олиб ташланиши керак, акс ҳолда бу қорасонга олиб келиши мумкин. Бунақа жароҳатни тушунмайдиган шифокорлар Deere & Company тиббий департаментига (Moline, Illinois) қўнғироқ қилиши ёки бошқа тушунадиганига юбориши лозим.

Тозалик

Агар гидравлик тизим сервис учун узиладиган бўлса, шлангнинг учлари, қувурлар ва қисм портларини ифлосланмаслиги учун тоза қилсиз сочиқлар ёки тоза пластик халталар билан ҳимояланг.

Ҳар қандай янги шлангни ўрнатишдан аввал ичини ишлатилмаган дизель ёқилғиси ёки ишлатилмаган нефт тозалаш эритмаси билан камида 10 сония чайинг. Сув, сувда эрувчи тозалагичлар ёки сиқилган ҳаводан фойдаланманг.

МУҲИМ: Гидравлик система кирланишининг олдини олиш учун гидравлик қисм юзасини электрик контакт тозалаш воситаси билан тозаланг.

Кўп элементли разъёмдан қопламани олинг ва ўроқдаги док станциясига бириктиринг. Ўроқни кўп элементли разъём сиртларига улаётганда чанг ва қолдиқларни тозаланг.

OUO6075,0004897-UZ-12APR18

Тўплагич босими

ҚАЙД: Ҳароратдаги фарқлар сабабли тўплагич босимлари сезиларли фарқ қилиши ва ростланиши зарур бўлиши мумкин. Қўшимча маълумот учун Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.

OUO6075,00043CE-UZ-12OCT16

Юқори босимли ювгичлардан фойдаланиш



T6642EJ—UN—18OCT88

МУҲИМ: Юқори босимли ювгичлар машинани тозалашнинг жуда самарали воситаси саналади. Машинага шикаст етмаслиги учун зичлагичлар, уларнинг юзалари ва наклейкаларни тозалашда 1 м (39 дюйм) дан ортиқ яқин борманг 45 ва 90 даража бурчак оралиғида сепинг. Максимум босим 12000 кПа (120 бар) (1740 фунт/кв.дюйм) дан ошмаслиги керак.

Машина қизиб турган ҳолатларда унинг қисмларига (масалан моторига) совуқ сув сепманг ёки ювманг. Айланувчи учликлардан ёки 50°C (122°F) дан юқори ҳароратдаги сувдан фойдаланманг ва зичлагичларга йўналтирманг. Сув форсункасини доимо ҳаракатлантириб туринг. Совитиш блоклари, подшипниклар ва электрон/электрик мосламаларни тозалашда юқори босимли ювгичлардан фойдаланаётганда босимни пасайтиринг. Босимли сувни электроника/ электр қисмларга ёки симларга, подшипникларга ва гидравлик зичлагичлар, ёқилғи қуйиш насосларига ёки бошқа нозик қисмларга ва компонентларга йўналтириш қисмларни ишдан чиқишига олиб келиши мумкин. Юқори босимли ювгич оператор қўлланмаси ва бириктирилган мосламалар қўлланмаларидаги кўрсатмаларга риоя қилинг.

OUO6075,0004977-UZ-17MAY18

Босим остидаги ҳаводан фойдаланиш



RW56455—UN—30JUN97

МУҲИМ: Электрон / электр компонентларга ёки улагичларга босим остида ҳавони йўналтириш статик электр тўпланиши ва қурилманинг носозлигига олиб келиши мумкин.

OUO6075,0004976-UZ-17MAY18

Мойлаш белгилари

ДИҚҚАТ: Машина мотори ишлаётган пайтда асло мойламанг ёки хизмат кўрсатманг.

Жон Дир универсал SD Polyurea смазкаси юқори ҳароратга мўлжалланган/ қаттиқ босим смазкаси ёки тенг SAE универсал қаттиқ босим (EP) юқори ҳароратга мўлжалланган смазка билан мойлаш белгисида соатбай фаолияти кўрсатилган.

John Deere SAE 30 мойи ёки қаттиқроқ мой билан белгиларда кўрсатилган соатлик интервалларда смазкаланг.

МУҲИМ: Тавсия қилинган сервис оралиқлари ўртача шароитлар учун мўлжалланган. Агар машина оғир шароитларда ишлатилса, унга тез-тез сервис кўрсатилишини таъминланг.

OUO6075,0004F7E-UZ-12NOV20

Машинангизга белгиланган интервалларда сервис кўрсатинг

Смазкалаш, текшириш ва ростлашни қуйидаги жадвалларда берилган интервалларга кўра амалга оширинг. Оригинал талабга кўра мосламаларга сервисни амалга оширинг. Масалан 1000 ишлаш соатида хизмат кўрсатганда ҳар 500 ишлаш соатида, 250 ишлаш соатида, ҳар 100 ишлаш соатида ва ҳар 25 ишлаш соатида хизмат кўрсатиладиган мосламаларга сервисни амалга оширинг.

SS43267,00006D2-UZ-12AUG15

Муҳим тавсиялар

МУҲИМ: Смазка моддасини қўллашдан аввал ва кейин смазка фитингларини тозаланг. Шикастланган ёки етишмаётган мосламаларини зудлик билан алмаштиринг.

Смазкалаш ва сервис интерваллари ушбу бўлимда кўрсатилган.

Бу интервал учун жойлар ва тартиблар ушбу бўлимда берилган.

OUO6075,00045A8-UZ-25JAN17

Техник хизмат кўрсатиш - Ҳар 10 соатда

Сервис оралиғи жадвали - Ҳар 10 соатда



H132951—UN—18JAN21

Шартли белгилар	Сервис	Ҳар 10 соатда
A	Мотор мойи миқдорини текшириng	•
B	Мотор совитгич миқдорини текшириш	•
C	Айланувчи панжара, мой совитгичи, конденсатор, радиатор ҳамда ҳаво олиш кулерини тозаланг	•
D	Гидростатик/гидравлик мой миқдорини текшириng	•
E	Асосий мотор трансмиссия корпуси мой миқдорини текшириng	•
F	Ҳаво компрессори бакидан сувни қуритинг (жиҳозланган бўлса)	•
G	Ёқилғини дастлабки тозалаш фильтрини текшириш	•
H	Иккита тезликка эга тўрт ғилдиракли механизм двигатели ўқларини мойлаш Иккита ғилдиракли узатмали оғир шароитлар ва ўта оғир шароитларга мўлжалланган ўқ подшипникларининг айланувчи цапфалари/шарнир штифтларини мойланг (лойли шароитлар)	•
I	Асосий узатма ташқи подшипникларини мойлаш (лойли шароит)	•
J	Кондиционернинг қуритиш шлангини тозалаш	•
K	Ўзгарувчи тезликдаги қабул камераси реверсори редуктор узатма қутисини мойланг (S760 ва S770 машиналари) (оғир шароитлар)	•
L	Тош ажраткични текшириng	•
M	Қипиқ элеваторининг фрикцион муфтасини мойланг (қаттиқ экин шароитларида) (S780, S785, ва S790 машиналари)	•
N	ActiveVision™ қипиқ тизими камерасини тозалаш (жиҳозланган бўлса)	•
O	ActiveVision™ тоза дон элеватори камерасини тозалаш (жиҳозланган бўлса)	•
P	Марказий мойлаш блоки (жиҳозланган бўлса) (HillMaster™ машиналар) • Асосий узатма шарнирини мойлаш • Ўроқнинг эгилувчи асосий цилиндри шарнири штифтини мойланг • Текисловчи цилиндрли стволни мойланг	•
Q	Марказий мойлаш блокисиз (HillMaster™ машиналари) • Асосий узатма шарнири	•
R	Марказий мойлаш блокисиз (HillMaster™ машиналари) • Ўроқнинг эгилувчи асосий цилиндри шарнири штифтини мойланг • Текисловчи цилиндрли стволни мойланг	•

ActiveVision — Deere & Company савдо белгиси
HillMaster – Deere & Company савдо белгиси

OUO6075,0004FB2-UZ-14MAY21

Мотор мойи миқдорир



H95375—UN—16FEB10

Tier 2/Stage II (A услуб)



H95419—UN—19FEB10

Tier 2/Stage II (B услуб)



H95306—UN—11FEB10

Final Tier 4/Stage V (A услуб)



H95396—UN—17FEB10

Final Tier 4/Stage V (B услуб)



H112961—UN—17FEB15

Tier 2/Stage II



H113142—UN—11MAR15

Final Tier 4/Stage V

A—Шчуп
B—ҚЎШИШ белгиси
C—"FULL" белгиси

МУҲИМ: Машина узоқ вақт хизмат кўрсатишини таъминлаш учун мотор мойини керакли миқдорларда сақлаш жуда муҳим саналади. Машина текис жойда тўхтаб турганида мой миқдорини текширинг.

ҚАЙД: Мой миқдорини текшириш учун шчупни олишдан олдин у корпусга тўлиқ буралгани ёки тиқилганини текширинг.

Мотор мойи миқдорини шчуп (A) билан ҳар куни текширинг. Шчупдаги мой миқдори "ADD" (қўшиш)

даражасидан пастда бўлса, моторни ишга туширманг.

Шчупни чиқаринг ва мой миқдорини текширинг. Мой миқдори шчупдаги “ADD” (қўшиш) ва штрихланган қисми орасида бўлиши керак. Агар мой миқдори ADD (“қўшиш”) белгисидан паст бўлса, мойни керагича қўшинг. Мойни танлаш бўйича тавсиялар учун ёқилғи ва смазкалар бўлимига қаранг.

OUO6075,00047E7-UZ-13NOV17

Мотор совитиш суюқлиги

H115495—UN—19AUG15

A—Мувозанатловчи бак

Совитиш моддаси даражаси "Максимал совуқ" ва "Минимал совуқ" чизиқлари орасида бўлиши керак. Агар совитиш воситаси “Мин Совуқ” даражасидан паст бўлса, совитиш воситасини қўшинг.

Мувозанатловчи бакдаги (A) совутиш суюқлиги миқдорини мотор совуқлигида текширинг. Миқдор "максимал совуқлик" чизиғигача бўлиши керак.

OUO6075,00043FB-UZ-21DEC16

Айланувчи панжара, мой совитгичи, конденсатор, радиатор ҳамда ҳаво олиш кулери



H106847—UN—08FEB13

A—Лўкидонлар
B—Айланувчи панжара эшиги

⚠ ДИҚҚАТ: Моторни ўчиринг, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.

Лўкидонларни (A) тортинг ва айланувчи панжара эшигини (B) очинг.

Tier 2/Stage II (A услуб)



H106852—UN—08FEB13

A—Конденсатор
B—Вакуум мўриси
C—Кўчириш мўриси

ҚАЙД: Ичкаридан ташқарига пуфлаш орқали сиқилган ҳаво билан жойларни тозаланг.

Айланувчи панжара эркин айланишига ишонч ҳосил қилиш учун текширинг.

Устида ва панжара орқасида чанг ва похол йиғилиб қолса, чўтка ва сиқилган ҳаво билан айланувчи панжарани тозаланг.

Конденсатор (A), мойни совитиш мосламаси, ҳайдалган ҳавони совитиш мосламаси ва радиаторни тозаланг.

Пастки вакуум мўриси (B) ва кўчириш мўрисидан (C) ахлатни тозаланг.

МУҲИМ: Совитгичларни тозалаётганда юқори босимли ювувчи ёки сиқилган ҳавони камайтиринг. Пластиналар шикастланишининг олдини олиш учун сув ёки ҳавони пластиналар бўйлаб егиб қўймаслик учун йўналтиринг. Ремен ғадир-будурларини тўғрилаш учун қиррали тароқдан фойдаланинг. Ремен ғадир-будурлари кулер самарадорлигини пасайтиради.

Айланувчи панжара эшигини ёпиб, лўкидони билан маҳкамланг.

Tier 2/Stage II (B усул) ва Final Tier 4/Stage V



H106853—UN—08FEB13



H106854—UN—08FEB13

A—Блокировка контакти
B—Ёқилғи кулери
C—Радиатор
D—Вакуум мўриси
E—Конденсаторлар
F—Айланувчи панжара эшиги
G—Кўчириш мўриси

ҚАЙД: Ичкаридан ташқарига пуфлаш орқали сиқилган ҳаво билан жойларни тозаланг.

Айланувчи панжара эркин айланишига ишонч ҳосил қилиш учун текширинг.

Устида ва панжара орқасида чанг ва похол йиғилиб қолса, чўтка ва сиқилган ҳаво билан айланувчи панжарани тозаланг.

Блокировка штифтини (A) тортинг ва ёқилғи кулерини (B) тозалаш учун айлантиринг.

Радиатор (C), мойни совитиш мосламаси ва ҳайдалган ҳавони совитиш мосламасини тозаланг.

Пастки вакуум мўрисидан (D) ахлатни тозаланг.

Айланувчи панжара эшигидаги (F) конденсаторларни (E) тозаланг.

Кўчириш мўрисидан (G) ахлатни тозаланг.

МУҲИМ: Совитгичларни тозалаётганда юқори босимли ювувчи ёки сиқилган ҳавони камайтиринг. Пластиналар шикастланишининг олдини олиш учун сув ёки ҳавони пластиналар бўйлаб егиб қўймаслик учун йўналтиринг. Ремен ғадир-будурларини тўғрилаш учун қиррали тароқдан фойдаланинг. Ремен ғадир-будурлари кулер самарадорлигини пасайтиради.

Айланувчи панжара эшигини ёпиб, лўкидони билан маҳкамланг.

OUO6075,0004975-UZ-17MAY18

Гидростатик/гидравлик мой



H115659—UN—28AUG15

A—Кўриш ойнаси

Ўроқ ерда бўлганда текширинг.

Қабул камераси тўлиқ туширилганда мой миқдори кўриш ойнасининг (A) юқори қисмида бўлиши керак.

Зарурият бўлса, мой қуйинг.

OUO6075,0004413-UZ-21DEC16

Асосий мотор узатма қутиси мойи



H121743—UN—12JUN17

A—Шчуп

Мотор узатиш қутиси гидравлик мойини текширишдан олдин моторни ўчиринг, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.

Машина 5 дақиқа туриб мойдан ҳаво ажралишига имкон беринг.

Мой миқдори шчупдаги (A) “ADD” (қўшиш) белгисидан паст бўлмаслиги керак.

Зарурият бўлса, мой қуйинг.

OUO6075,000493D-UZ-12APR18

Ҳаво компрессори баки (жиҳозланган бўлса)



H115497—UN—19AUG15

A—Ҳаво баки оқава кабели

Ҳаво баки оқава кабелини (A) тортинг ва бакдан сувни чиқаринг.

OUO6075,00043FD-UZ-21DEC16

Ёқилғини олдиндан тозалаш фильтри



H117746—UN—17MAR16

A—Ёқилғини олдиндан тозалаш фильтри

Ёқилғини дастлабки тозалаш фильтрини (A) ахлат тўпланишига текширинг ва керак бўлса тозаланг.

OUO6075,00043FE-UZ-21DEC16

Иккита тезликка эга тўрт ғилдиракли механизм двигатели ўқлари (лойли шароитлар)



H115499—UN—19AUG15

ҚАЙД: Лойда ва сувда ишлатганда, двигатель ўқларини ҳар 10 соатда мойланг. Одатий шароитда, ҳар 50 соатда мойланг.

Таркибий қисмларни двигатель ўқининг юқори ва пастки герматикаси орқали мой тозалангунича мойланг.

Иккала таркибий қисмни мойланг (иккала томондаги).

OUO6075,0004687-UZ-22MAR17

Иккита ғилдиракли узатмали оғир шароитлар ва ўта оғир шароитларга мўлжалланган ўқ подшипникларининг айланувчи цапфалари/шарнир штифтлари (лойли шароитлар)



H115500—UN—19AUG15

ҚАЙД: Лойда ва сувда ишлатганда, орқа ўқнинг шпиндель подшипниклари ва двигатель ўқларини ҳар 10 соатда мойланг. Одатий шароитда, ҳар 50 соатда мойланг.

Таркибий қисмларни двигатель ўқининг юқори ва пастки герматикаси орқали мой тозалангунича мойланг.

Лойли ва сув шароитида ишлатганда таркибий қисмларни (иккала томондаги) ҳар 10 соатда мойланг.

OUO6075,0004688-UZ-22MAR17

Асосий узатма ташқи подшипниклари (лойли шароитлар)

H115501—UN—19AUG15

ҚАЙД: Лойда ёки сувда ишлатганда асосий механизмнинг ташқи подшипникларини ҳар 10 соатда мойланг. Одатий шароитда, ҳар 50 соатда мойланг.

Лойли ва сув шароитида ишлатганда фитингни (иккала томондаги) ҳар 10 соатда мойланг.

OUO6075,0004689-UZ-22MAR17

Кондиционернинг қуритиш шланги



H115502—UN—19AUG15

A—Оқава шланги

Кабинанинг икки томонида кондиционер оқава шлангини (A) тозаланг.

OUO6075,0004402-UZ-21DEC16

Ўзгарувчи тезликдаги қабул камераси реверсори редуктор узатма қутиси (S760 ва S770 машиналари) (оғир шароитлар)



H115503—UN—19AUG15

ҚАЙД: Узатиш корпуси реверсор механизмининг узатма қутисини мойлаганда John Deere TY6341 кўп мақсадли SD Polyurea мойидан ёки Deere TY25744 синтетик мойидан фойдаланинг.

Ўта мойлаб юбориш тасмадаги мойнинг оқиб кетишига олиб келиши ва тасманинг ишламай қолишига сабаб бўлиши мумкин.

Таркибий қисмлар ўн икки соат ва икки соат ҳолатларига келгунча роликларни буринг.

Оғир шароитларда ёки мўл ҳосилли жўхорида ишлатганда ўн икки соат ҳолатидаги фитингни ҳар 10 соатда 5-8 марта мойланг.

Ортиқча мой пружина остидан оқиб чиқади.

Фитингни соат икки жойлашувида ҳар 10 соатда 2-3 марта мойланг.

OUO6075,000493E-UZ-12APR18

Тош ажраткич



H115496—UN—19AUG15

A—Дастак

Тез ёпилувчи штифтни ечинг ва тош ажраткични дастак (A) билан олинг. Тош ажраткични ёпинг ва тез ёпилувчи штифт билан қотиринг.

OUO6075,0004404-UZ-21DEC16

Қипиқ элеваторининг сирпанувчи муфтаси (қаттиқ экин шароитида) (S780, S785 ва S790 агрегатлари)



H115504—UN—19AUG15

ҚАЙД: Дағал экин шароитларида ишлаганда, қипиқ элеваторининг сирпанувчи муфтасини ҳар 10 соатда мойланг. Одатий шароитда, ҳар 50 соатда мойланг.

Қипиқ элеваторининг сирпанувчи муфтасидаги таркибий қисмларни мойланг.

OUO6075,00048A0-UZ-08FEB18

ActiveVision™ - Қолдиқлар тизими камераси (жиҳозланган бўлса)



H119876—UN—01NOV16

A услуб/B услуб

A—ActiveVision™ — Қипиқ тизими камераси

ҚАЙД: Тозалаш тезлиги бир неча омилга, жумладан, ишлаш шароитлари, об-ҳаво ва экин шароитларига боғлиқ равишда ўзгариб туради. Камера линзасини тоза, юмшоқ, намланган мато билан тозаланг.

Лўкидонни очинг ва ActiveVision™ қипиқ тизими камерасини (A) тозаланг.

OUO6075,0004FAF-UZ-27APR21

ActiveVision™ тоза дон элеватори камераси (жиҳозланган бўлса)



H125313—UN—06NOV18

A—ActiveVision™ Тоза дон элеватори камераси

ҚАЙД: Тозалаш тезлиги бир неча омилга, жумладан, ишлаш шароитлари, об-ҳаво ва экин шароитларига боғлиқ равишда ўзгариб туради. Камера линзасини тоза, юмшоқ, намланган мато билан тозаланг.

Лўкидонни очинг ва ActiveVision™ тоза дон элеватори камерасини (A) тозаланг.

OUO6075,0004FB0-UZ-27APR21

Марказий мойлаш блоки (жиҳозланган бўлса) (HillMaster™ машиналар)



H123115—UN—19JAN18

A—Кронштейн

Кронштейндаги (A) смазка мосламалари қуйидаги жойларга мой етказиб беради:

- Асосий узатма шарнирлари (икки томон)
- Ўроқнинг эгилувчи асосий цилиндри шарнири штифти
- Текисловчи цилиндр гильзалари (икки томон)

Махсус жойлардан мой оққунича таркибий қисмларни мойланг.

OUO6075,0004B3F-UZ-07JUN19

Асосий узатма шарнири (Марказий мойлаш блокисиз) (HillMaster™ машиналари)

H120022—UN—14NOV16

Мой оққунича (икки томон) таркибий қисмларни мойланг.

OUO6075,000488F-UZ-07FEB18

Ўроқнинг эгилувчи асосий цилиндри шарнири штифти (Марказий мойлаш блокисиз) (HillMaster™ машиналари)



H120023—UN—14NOV16

Мой оққунича (икки томон) таркибий қисмларни мойланг.

OUO6075,0004B41-UZ-09APR19

ActiveVision — Deere & Company савдо белгиси

Текисловчи цилиндрли стволи (марказий мойлаш блокисиз) (HillMaster™ машиналари)



H120024—UN—14NOV16

Мой оққунича (икки томон) таркибий қисмларни мойланг.

OUO6075,0004891-UZ-07FEB18

Техник хизмат кўрсатиш - Ҳар 50 соатда

Сервис оралиғи жадвали - Ҳар 50 соатда



H132953—UN—18JAN21

Шартли белгилар	Сервис	Ҳар 50 соатда
A	Иккита тезликка эга тўрт ғилдиракли механизм двигатели ўқларини мойлаш Иккита ғилдиракли механизмнинг оғир шароитлар ва ўта оғир шароитларга мўлжалланган ўқидаги шпиндель подшипниклари/бурилиш ўқларини мойлаш (одатий шароитлар)	•
B	Асосий узатма ташқи подшипникларини мойлаш (оддий шароит)	•
C	Ўзгарувчи тезликдаги қабул камераси реверсори редуктор узатма қутисини мойланг (S760 ва S770 машиналари) (оддий шароитлар)	•
D	Қабул камераси реверсори узатма мойини текширинг	•
E	Ўзгарувчи тезликдаги қабул камерасининг юқори шкивларини мойланг (S760 ва S770 машиналари)	•
F	Ёнга оғувчи қабул камерасини текширинг/тозаланг	•
G	Сепараторнинг ўзгарувчи тезликдаги етакловчи/етакланувчи шкивларини айлантиринг	•
H	Сепараторнинг ўзгарувчи тезликдаги етакловчи/етакланувчи шкивларини мойланг (S770 ихтиёрий, S780, S785, ва S790 машиналари)	•
I	Тозаловчи вентилятор ўзгарувчи юқори шкивларини мойланг	•
J	Тозаловчи вентилятор ўзгарувчи қуйи шкивларини мойланг	•
K	Ёқилғини дастлабки тозалаш фильтрини текшириш	•
L	Иккита тезликли сепаратор узатмаси мойини текширинг	•
M	Сув ажраткичи ёқилғи йирик фильтрини текшириш	•
N	Радиатор, ҳаво олиш кулери, мой совитгичи ва конденсаторни текширинг	•
O	Умумий оқим сенсорини тозалаш	•
P	Кабинанинг тоза ҳаво фильтрини тозалаш/алмаштириш	•
Q	Намлик датчигини тозаланг Намлик датчигининг четловчи шнекини тозаланг (зарур бўлса) ActiveVision™ тоза дон элеватори камерасини тозалаш (жиҳозланган бўлса)	•
9. Симлар жгутини датчикка уланг.

OUO6075,00044C6-UZ-22DEC16

ProDrive – Deere & Company савдо белгиси

Сервис оралиғи жадвали — Ҳар 1000 соатда (давоми)



H133703—UN—16MAR21

Шартли белгилар	Сервис	Ҳар 1000 соатда
A	Тормоз суюқлигини алмаштиринг (S760 ва S770 машиналар) (уч тезликли механик ёки тугмали ўтказиш трансмиссияси [PBST] билан жиҳозланган бўлса)	•

OUO6075,000503C-UZ-14MAY21

Тормоз суюқлигини алмаштириш (S760 ва S770 машиналар)

H100469—UN—25FEB11

A—Қопқоқ

ҚАЙД: Уч тезликли механик ёки тугмали ўтказиш трансмиссияси билан жиҳозланган бўлса.

1. Тормоз суюқлиги резервуаридан қопқоқни (A) олинг.



H103105—UN—23AUG11

A—Бўшатиш винти (ўнг томон ғилдирак цилиндри)
B—Бўшатиш винти (чап томон ғилдирак цилиндри)

МУҲИМ: Бўялган юзаларга шикастланишнинг олдини олиш учун найчани бўшатиш винтларига ўрнатинг.

2. Найчани ғилдирак цилиндрининг бўшатиш винтларига (A ва B) ўрнатинг.
3. Тормоз магистралларидан тормоз суюқлигини олиб ташлаш учун тормоз тепкиларини секин ерга босинг.
4. Тормоз суюқлиги мос контейнерга қуйилишига имкон беринг.

5. Тормоз суюқлиги оқизилганда ғилдирак цилиндрининг бўшатиш винтларини ёпинг.

ҚАЙД: Тормозларни бўшатиш учун иккита одам зарур. Бир одам тормозларни дамлаши ва резервуарни тўлдириши керак, бошқаси эса, тормозни бўшатиш учун бўшатиш винтларини очади ва ёпади.

Фақат тоза TY26180 ёки DOT 4 тормоз суюқлигидан фойдаланинг.

6. Зарур бўлса, тормоз суюқлиги резервуарини тўлдиринг.
7. Бўшатиш тартиби давомида вакуум яратишнинг олдини олиш учун резервуар қопқоғини бўш ўрнатинг.
8. Тормоз тепкиларини бирга қулфланг.
9. Чап томон ғилдирак цилиндрини бўшатиш винтини 1/4 айланиш билан бўшатинг.

ҚАЙД: Тормоз резервуаридаги суюқликни текширинг ва бўшатиш жараёнида керагича тўлдиринг.

10. Тормоз тепкилари қулфланган ҳолатида полга секин босинг, бўшатиш винтини қотиринг ва тормоз тепкиларини секинлик билан қўйиб юборинг. Ҳаво пуфакларисиз тоза суюқлик оқими бўлгунича такрорланг.

ҚАЙД: Бўшатиш тартиби бошланишидан олдин тизим қисман тўлдирилган бўлса, биринчи чиқишида барқарор, тоза суюқлик оқими пайдо бўлиши мумкин. Агар ғилдирак цилиндри ичи ёки атрофида ҳаво бўлса, ҳаво магистраллар бўйлаб бўшатиш винти орқали чиққунича бир неча марта айланади.

11. Чап томон ғилдирак цилиндрининг бўшатиш винтини ёпинг.
12. Тормоз тепкиларини қулфдан чиқаринг.
13. Ўнг томон ғилдирак цилиндрини бўшатиш винтини 1/4 айланиш билан бўшатинг.

ҚАЙД: Тормоз резервуаридаги суюқликни текширинг ва бўшатиш жараёнида керагича тўлдиринг.

14. Ўнг томон тормоз тепкисини секин босинг, бўшатиш винтини қотиринг ва тормоз тепкисини секин бўшатинг. Ҳаво пуфакларисиз тоза суюқлик оқими бўлгунича такрорланг.
15. Ўнг томон ғилдирак цилиндрининг бўшатиш винтини ёпинг.
16. Найчани ғилдирак цилиндрининг бўшатиш винтларидан олинг.
17. Иккита бўшатиш винтини техник хусусиятларига кўра қотиринг.

Характеристика	
Ғилдирак цилиндрининг бўшатиш винтлари—Айланиш моменти	12 Н·м (106 фунт–дюйм)

ҚАЙД: Тормоз суюқлигини қопқоққа 6 мм (1/4 дюйм) етмаган ҳолда қуйинг.

18. Тормоз суюқлиги резервуарида суюқлик даражаси мувофиқлигини текширинг.
19. Тормоз суюқлиги резервуарига қопқоқни ўрнатинг.
20. Тормоз тизимидаги сизишларни ва ҳар бир тепки маҳкам қаттиқ сезилишини текширинг.

OUO6075,000503D-UZ-14MAY21

Сервис интервали жадвали - Ҳар 2000 соатда

H119642—UN—13OCT16

ҚАЙД: John Deere Cool-Gard™ II ёки Cool-Gard TM II PG ишлатилса, совитгични алмаштириш интервали икки йил ёки 2000 соат қилиб белгиланган.

Шартли белгилар	Сервис	Ҳар 2000 соатда
A	Гидравлик/гидростатик бак мойини алмаштириш	•
B	Мотор клапани тирқишини текшириш[a]	•
C	Асосий узатмалар мойини текшириш (иккала томондаги)	•
D	Асосий мотор трансмиссияси қутиси мойини алмаштириш (ProDrive™ бўлмаган машиналар)	•
E	Сепаратор узатмаси мойини алмаштириш	•
F	Бирламчи оралиқ валдаги узатма қутиси мойни алмаштириш (ўзгармас ва ўзгарувчи тезликдаги қабул камераси)	•
G	Трансмиссия мойини алмаштириш (Механик узатиш ва Тугма переключателли трансмиссия)	•
H	Устидан ўтказувчи тўқмоқдаги узатма қутиси (ихтиёрий) (S770, S780, S785 ва S790 машиналари)	•

ProDrive – Deere & Company савдо белгиси
[a]Сервис учун Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.

OUO6075,0004DE8-UZ-02APR20

Cool-Gard – Deere & Company савдо белгиси

Гидравлик/гидростатик резервуар мойи



H115812—UN—04SEP15

А стиль



H115811—UN—04SEP15

В стиль

А—Оқава клапани
В—Қопқоқ
С—Кўриш ойнаси

ҚАЙД: Гидравлика тизими ифлосланишнинг олдини олиш учун гидравлик бакни тозаланг. Мой сиғимини характеристикалар бўлимида кўринг.

1. Мойни чиқариш учун оқава клапанини (А) очинг. Мой чиққанидан кейин клапанни ёпинг.
2. Қопқоқни (В) ечиб олинг ва қабул камераси тўлиқ туширилганда мой миқдори кўриш ойнасининг (С) юқори қисмида бўлгунича гидравлик резервуарни тўлдиринг.

OUO6075,000445A-UZ-22DEC16

Мотор клапани тирқиши

H115813—UN—04SEP15

Керак бўлса, мотор клапани тирқишини Жон Дир дилерига текширтиринг ва ростлаттиринг.

OUO6075,0004DE9-UZ-26JUN20

Асосий узатма мойи



H124881—UN—10AUG18

Бир шинали конфигурация ва HillMaster™ (чап) / Икки шинали конфигурация (ўн)

А—Оқава тиқини
В—Тўлдириш тиқини
С—Текшириш тешиги

МУҲИМ: HillMaster™ машиналари: Асосий узатма мойи миқдорини текширганда, атрофида турган шахсларни машинадан узоқроқ туриши ҳақида огоҳлантиринг.

ҚАЙД: HillMaster™ машиналари: Мой миқдорини аниқ ўлчаш учун асосий узатманинг кирувчи вали ўқнинг кардан вали билан битта даражада қилиб созлаш лозим.

Оқизиш учун икки томондаги оқава тиқинини (А) олинг.

Мой миқдори текшириш тешиги тубининг (С) 12 мм (1/2 дюйм) доирасида тўлдириш учун тўлдириш тиқинини (В) олинг.

OUO6075,0004A18-UZ-15AUG18

HillMaster – Deere & Company савдо белгиси

Асосий мотор трансмиссия корпуси мойи (ProDrive™ сиз машиналар)



H115815—UN—04SEP15

A—Оқава тиқинлари
B—Шчуп

Тиқинлардан (A) чиқаринг.

Тўлдиринг ва шчупдаги (B) мой миқдорини текширинг.

OUO6075,00046E2-UZ-28MAR17

Ажраткич узатмаси мойи



H125516—UN—17DEC18

A—Қопқоқ
B—Тўкиш
C—Оқава клапани
D—Шчуп

1. Қопқоқни (A) ечиб олинг ва чиқариш учун шлангни (B) бириктиринг.
2. Мойни чиқариш учун оқава клапанидаги (C) торс головкали қалпоқчали винтни очинг.
3. Керак бўлса, шчупни (D) тўлдиринг.

OUO6075,0004A84-UZ-17DEC18

Бирламчи оралиқ валдаги узатма қутиси мойи (ўзгармас ва ўзгарувчи тезликдаги қабул камераси)



H115817—UN—04SEP15

A—Қопқоқ
B—Шчуп

Қопқоқдан (A) чиқаринг ва шчупда (B) қайта тўлдиринг.

Мой даражаси шчупнинг тарамланган қисмида кўриниши керак.

OUO6075,00046E3-UZ-28MAR17

Трансмиссия мойи (Механик узатиш ва тугма переключателли трансмиссия)



H115818—UN—04SEP15

Механик узатмали трансмиссия / Тугма узатмали трансмиссия

A—Трубка
B—Блок
C—Калибр тиқини

1. Трубкани (A) блокдан чиқариб олинг.
2. Чиқариш учун блокни олинг.
3. Текшириш тиқинини (C) ечиб олинг ва тешикнинг 12 мм (1/2 дюйм) гача тўлдиринг.

OUO6075,0004460-UZ-22DEC16

Устидан ўтказувчи тўқмоқдаги узатма қутиси мойи (ихтиёрий) (S770, S780, S785 ва S790 машиналари)



H115819—UN—04SEP15

A—Тиқин
B—Тиқин

Тиқиндан (A) чиқаринг ва тиқиндан (B) тўлдиринг. Мой миқдори узатма қутисининг ёнидаги тиқин тешиги билан бир текис бўлиши керак.

OUO6075,00046E4-UZ-28MAR17

Техник хизмат кўрсатиш — Ҳар 2000 соат ёки уч йилда

Сервис интервали жадвали - Ҳар 2000 соатда ёки уч йилда



H125475—UN—10DEC18

Шартли белгилар	Сервис	Ҳар 2000 соат ёки уч йилда
A	DEF дозалаш фильтрини алмаштиринг (Final Tier 4/Stage V S780, S785 ва S790 машиналари)	•
B	DEF ички фильтрини алмаштиринг (Final Tier 4/Stage V S780, S785 ва S790 машиналари)	•

OUO6075,0004A6E-UZ-14DEC18

DEF дозалаш блоки фильтрини алмаштириш (S780, S785 ва S790 машиналар)



H125506—UN—14DEC18

DEF дозалаш блоки фильтри

A—Фильтр қопламаси
B—Мувозанатловчи элемент
C—Фильтр асбоби
D—DEF дозалаш блоки фильтри

ДИҚҚАТ: Кўзга тушмасин. Тушса, дарҳол кўзни кўп миқдордаги сув билан камида 15 дақиқа чайинг. Қўшимча маълумот учун материаллар хавфсизлиги паспортига (MSDS) қаранг.

МУҲИМ: Агар DEF сачраса ёки бакдан бошқа сиртга тушса, дарҳол тоза сув билан ювиб ташланг. Бўялган ва бўялмаган металл сиртларда DEF коррозияни келтириб чиқаради ҳамда пластик ва резина сиртларни қийшайтириб юбориши мумкин.

Тўкилган DEF, агар қуришга қолдирилган ёки фақат латта билан артилган бўлса, ўзидан оқ қолдиқ қолдиради. Нотўғри тозаланган DEF тўкилиши SCR тизими сизиш муаммолари ташхисига халал бериши мумкин.

ҚАЙД: DEF дозалаш блоки фильтри ва DEF ички фильтри ҳар 2000 соат ёки 36 ой ичида биргаликда ўзгартирилиши керак, қайси бири биринчи бўлишига қараб.

DEF дозалаш блоки фильтри сервиси қўшимча қопламалар ва қисмларни олиб ташлашни талаб қилади. Жойлашув бўйича маълумот учун DEF дозалаш блокига киришга қаранг.

1. DEF дозалаш блоки атрофини барча бегона қолдиқлардан тозаланг.

ҚАЙД: DEF тизимдан чиқиши учун тахминан 5 дақиқа кутинг.

2. Фильтр қопламасини (A) олиб ташланг.
3. Тенглаштирувчи элементни (B) олиб ташланг ва йўқ қилинг.

ҚАЙД: Фильтр асбоби (C) захира фильтр билан таъминланади.

4. Фильтр асбоби (C) тўлиқ тушганлигини билдирувчи ШИҚ этган товуш сезилгунча ёки эшитилгунча DEF дозалаш блоки фильтр (D) асбобининг “Қора” учини DEF дозалаш блоки фильтрига киритинг.

ҚАЙД: Олиб ташлашга ёрдам бериши учун фильтр асбоби слотига отвёртка каби асбоб киритилиши мумкин.

5. DEF дозалаш блокидан DEF дозалаш блоки фильтр асбоби ва фильтрини тортинг. DEF дозалаш блоки фильтри ва фильтр асбобини ташлаб юборинг.
6. DEF дозалаш резьбасини ва туташ юзаларни дистилланган сув билан тозаланг.
7. DEF фильтрнинг зичлагич ҳалқаларини тоза DEF билан смазкаланг. DEF дозалаш блоки фильтрини DEF дозалаш блокига эҳтиёткорлик билан киритинг.
8. DEF дозалаш блоки фильтрига янги DEF дозалаш блоки фильтр тенглаштирувчи элементини ўрнатинг.
9. Фильтри қопқоғини ўрнатинг ва мос тарзда қотиринг.

Характеристика	
Фильтр қопламаси—Айланиш моменти	23 N m (204 фунт–дюйм)

OUO6075,0004BBB-UZ-30MAY19

DEF ички фильтрини алмаштириш (S780, S785 ва S790 машиналари)



H125448—UN—05DEC18

A—Оқава тиқини
B—Фильтр қопламаси

ДИҚҚАТ: Кўзга тушмасин. Тушса, дарҳол кўзни кўп миқдордаги сув билан камида 15 дақиқа чайинг. Қўшимча маълумот учун материаллар хавфсизлиги паспортига (MSDS) қаранг.

МУҲИМ: Агар DEF сачраса ёки бакдан бошқа сиртга тушса, дарҳол тоза сув билан ювиб ташланг. Бўялган ва бўялмаган металл сиртларда DEF коррозияни келтириб чиқаради ҳамда пластик ва резина сиртларни қийшайтириб юбориши мумкин.

Тўкилган DEF, агар қуришга қолдирилган ёки фақат латта билан артилган бўлса, ўзидан оқ қолдиқ қолдиради. Нотўғри тозаланган DEF тўкилиши SCR тизими сизиш муаммолари ташхисига халал бериши мумкин.

ҚАЙД: DEF ички фильтри ва DEF дозалаш блоки фильтри ҳар 2000 соат ёки 36 ой ичида биргаликда ўзгартирилиши керак, қайси бири биринчи бўлишига қараб.

1. DEF ички фильтр мосламаси атрофини барча бегона қолдиқлардан тозаланг.

ҚАЙД: DEF тизимдан чиқиши учун тахминан 5 дақиқа кутинг.

2. Оқава тиқинини (A) олинг ва ташлаб юборинг.
3. DEF суюқлигини мос келадиган контейнерга оқизинг.
4. Фильтр қопламасини (B) олиб ташланг.

H125462—UN—06DEC18

A—Фильтр мосламаси
B—Фильтр

5. DEF корпусидан фильтр мосламасини (A) пастга тортинг.

ҚАЙД: Керак бўлса, бўшатиш учун фильтрни чертинг. Фильтр қопламаси ичидаги пластик ёрлиқлар фильтрни жойига блоклайди.

6. Фильтр қопламасидаги фильтрни (B) чиқариб, ташлаб юборинг.
7. Мослама резьбасини ва туташ юзаларни дистилланган сув билан тозаланг.

H125463—UN—06DEC18

A—Пенопласт
B—Зичлагич
C—Фильтр қопламаси

8. Пенопластни (A) ечиб олинг ва ташланг ва фильтр қопламасидаги (C) зичлагични ташлаб юборинг.
9. Аввал ечиб олинган фильтр қопламасига алмашинувчи пенопласт ва алмашинувчи зичлагични ўрнатинг.

H125464—UN—06DEC18

A—Фильтр
B—DEF корпуси

ҚАЙД: Қоплама ичидаги пластик ёрлиқлар фильтрни жойига блоклайди.

10. Кўрсатилганидек алмашинувчи фильтрни (A) фильтр қопламасига сўнг DEF корпусига (B) ўрнатинг.
11. Фильтри қопқоғини ўрнатинг ва мос тарзда қотиринг.

Характеристика

Фильтр қопламаси—Айланиш моменти. . . . . 25 N m (221 фунт–дюйм)

H125465—UN—06DEC18

A—Зичлагич ҳалқа
B—Ариқча

12. Алмашинувчи зичловчи ҳалқани (A) алмашинувчи оқава тиқинидаги ариқчага (B) ўрнатинг.
13. Оқава тиқинини фильтр қопламасига ўрнатинг ва мос тарзда қотиринг.

Характеристика

Оқава тиқини—Айланиш моменти. . . . . 4 N m (35 фунт–дюйм)

OUO6075,0004BBC-UZ-30MAY19

Техник хизмат кўрсатиш — Ҳар 3500 соат ёки уч йилда

Сервис интервали жадвали - Ҳар 3500 соатда ёки уч йилда



H125475—UN—10DEC18

Шартли белгилар	Сервис	Ҳар 3500 соат ёки уч йилда
A	DEF дозалаш фильтрини алмаштириш (Final Tier 4/Stage V S760 ва S770 машиналари)	•
B	DEF ички фильтрини алмаштириш (Final Tier 4/Stage V S760 ва S770 машиналари)	•

OUO6075,0004A6B-UZ-14DEC18

DEF дозалаш блоки фильтрини алмаштириш (S760 ва 770 машиналари)



H125605—UN—24JAN19

DEF дозалаш блоки фильтри

A—Фильтр қопламаси
B—Мувозанатловчи элемент
C—Фильтр асбоби
D—DEF дозалаш блоки фильтри

ДИҚҚАТ: Кўзга тушмасин. Тушса, дарҳол кўзни кўп миқдордаги сув билан камида 15 дақиқа чайинг. Қўшимча маълумот учун материаллар хавфсизлиги паспортига (MSDS) қаранг.

МУҲИМ: Агар DEF сачраса ёки бакдан бошқа сиртга тушса, дарҳол тоза сув билан ювиб ташланг. Бўялган ва бўялмаган металл сиртларда DEF коррозияни келтириб чиқаради ҳамда пластик ва резина сиртларни қийшайтириб юбориши мумкин.

Тўкилган DEF, агар қуришга қолдирилган ёки фақат латта билан артилган бўлса, ўзидан оқ қолдиқ қолдиради. Нотўғри тозаланган DEF тўкилиши SCR тизими сизиш муаммолари ташхисига халал бериши мумкин.

ҚАЙД: DEF дозалаш блоки фильтри ва DEF ички фильтри ҳар 3500 соат ёки 36 ой ичида биргаликда ўзгартирилиши керак, қайси бири биринчи бўлишига қараб.

DEF дозалаш блоки фильтри сервиси қўшимча қопламалар ва қисмларни олиб ташлашни талаб қилади. Жойлашув бўйича маълумот учун DEF дозалаш блокига киришга қаранг.

1. DEF дозалаш блоки атрофини барча бегона қолдиқлардан тозаланг.

ҚАЙД: DEF тизимдан чиқиши учун тахминан 5 дақиқа кутинг.

2. Фильтр қопламасини (A) олиб ташланг.
3. Тенглаштирувчи элементни (B) олиб ташланг ва йўқ қилинг.

ҚАЙД: Фильтр асбоби (C) захира фильтр билан таъминланади.

4. Фильтр асбоби (C) тўлиқ тушганлигини билдирувчи ШИҚ этган товуш сезилгунча ёки эшитилгунча DEF дозалаш блоки фильтр (D) асбобининг “Қора” учини DEF дозалаш блоки фильтрига киритинг.

ҚАЙД: Олиб ташлашга ёрдам бериши учун фильтр асбоби слотига отвёртка каби асбоб киритилиши мумкин.

5. DEF дозалаш блокидан DEF дозалаш блоки фильтр асбоби ва фильтрини тортинг. DEF дозалаш блоки фильтри ва фильтр асбобини ташлаб юборинг.
6. DEF дозалаш резьбасини ва туташ юзаларни дистилланган сув билан тозаланг.
7. DEF фильтрнинг зичлагич ҳалқаларини тоза DEF билан смазкаланг. DEF дозалаш блоки фильтрини DEF дозалаш блокига эҳтиёткорлик билан киритинг.
8. DEF дозалаш блоки фильтрига янги DEF дозалаш блоки фильтр тенглаштирувчи элементини ўрнатинг.
9. Фильтр қопқоғини ўрнатинг ва мос тарзда қотиринг.

Характеристика

Фильтр қопламаси—Айланиш моменти. . . . . 23 N m (204 фунт–дюйм)

OUO6075,0004BB9-UZ-30MAY19

DEF ички фильтрини алмаштириш (S760 ва S770 машиналари)



H125606—UN—24JAN19

A—Оқава тиқини
B—Фильтр қопламаси

ДИҚҚАТ: Кўзга тушмасин. Тушса, дарҳол кўзни кўп миқдордаги сув билан камида 15 дақиқа чайинг. Қўшимча маълумот учун материаллар хавфсизлиги паспортига (MSDS) қаранг.

МУҲИМ: Агар DEF сачраса ёки бакдан бошқа сиртга тушса, дарҳол тоза сув билан ювиб ташланг. Бўялган ва бўялмаган металл сиртларда DEF коррозияни келтириб чиқаради ҳамда пластик ва резина сиртларни қийшайтириб юбориши мумкин.

Тўкилган DEF, агар қуришга қолдирилган ёки фақат латта билан артилган бўлса, ўзидан оқ қолдиқ қолдиради. Нотўғри тозаланган DEF тўкилиши SCR тизими сизиш муаммолари ташхисига халал бериши мумкин.

ҚАЙД: DEF ички фильтри ва DEF дозалаш блоки фильтри ҳар 2000 соат ёки 36 ой ичида биргаликда ўзгартирилиши керак, қайси бири биринчи бўлишига қараб.

1. DEF ички фильтр мосламаси атрофини барча бегона қолдиқлардан тозаланг.

ҚАЙД: DEF тизимдан чиқиши учун тахминан 5 дақиқа кутинг.

2. Оқава тиқинини (A) олинг ва ташлаб юборинг.
3. DEF суюқлигини мос келадиган контейнерга оқизинг.
4. Фильтр қопламасини (B) олиб ташланг.

H125462—UN—06DEC18

A—Фильтр мосламаси
B—Фильтр

5. DEF корпусидан фильтр мосламасини (A) пастга тортинг.

ҚАЙД: Керак бўлса, бўшатиш учун фильтрни чертинг. Фильтр қопламаси ичидаги пластик ёрлиқлар фильтрни жойига блоклайди.

6. Фильтр қопламасидаги фильтрни (B) чиқариб, ташлаб юборинг.
7. Мослама резьбасини ва туташ юзаларни дистилланган сув билан тозаланг.

H125463—UN—06DEC18

A—Пенопласт
B—Зичлагич
C—Фильтр қопламаси

8. Пенопластни (A) ечиб олинг ва ташланг ва фильтр қопламасидаги (C) зичлагични ташлаб юборинг.
9. Аввал ечиб олинган фильтр қопламасига алмашинувчи пенопласт ва алмашинувчи зичлагични ўрнатинг.

H125464—UN—06DEC18

A—Фильтр
B—DEF корпуси

ҚАЙД: Қоплама ичидаги пластик ёрлиқлар фильтрни жойига блоклайди.

10. Кўрсатилганидек алмашинувчи фильтрни (A) фильтр қопламасига сўнг DEF корпусига (B) ўрнатинг.
11. Фильтр қопқоғини ўрнатинг ва мос тарзда қотиринг.

Характеристика

Фильтр қопламаси—Айланиш моменти. . . . . 25 N m (221 фунт–дюйм)

H125465—UN—06DEC18

A—Зичлагич ҳалқа
B—Ариқча

12. Алмашинувчи зичловчи ҳалқани (A) алмашинувчи оқава тиқинидаги ариқчага (B) ўрнатинг.
13. Оқава тиқинини фильтр қопламасига ўрнатинг ва мос тарзда қотиринг.

Характеристика

Оқава тиқини—Айланиш моменти. . . . . 4 N m (35 фунт–дюйм)

OUO6075,0004BBA-UZ-30MAY19

Техник хизмат кўрсатиш — Ҳар 4500 соат ёки беш йилда

Сервис интервали жадвали - Ҳар 4500 соатда ёки беш йилда



H120324—UN—22DEC16

Шартли белгилар	Сервис	Ҳар 4500 соатда ёки беш йилда
A	Моторнинг олд картер сўндиргичини алмаштиринг	•

OUO6075,0004575-UZ-10JUN19

Моторнинг картер сўндиргичи



H120325—UN—22DEC16

Tier 2/Stage II (A услуб/B услуб)



H120326—UN—22DEC16

Final Tier 4/Stage V (A услуб / B услуб)

МУҲИМ: Вибрация амортизатори мосламасини тузатиб бўлмайди ва ҳар беш йилда ёки 4500 соатдан сўнг қайси бири аввал келса, алмаштирилиши керак.

Олд моторнинг картер сўндиргичини Жон Дир дилерига алмаштиргизинг.

OUO6075,00047FE-UZ-13NOV17

Техник хизмат кўрсатиш-ҳар 6000 соат ёки олти йилда

Даврий техник хизмат кўрсатиш жадвали - ҳар 6000 соат ёки олти йилда



H119645—UN—13OCT16

ҚАЙД: John Deere Cool-Gard™ II ёки Cool-Gard TM II PG ишлатилса, совитгични алмаштириш интервали 6 йил ёки 6000 соат қилиб белгиланган.

Шартли белгилар	Сервис	Ҳар 6000 соатда ёки олти йилда
A ва B	Мотор совитиш тизимини бўшатинг, чайинг ва қайта тўлдиринг	•

OUO6075,0004465-UZ-20DEC16

Моторни совитиш тизими



H115825—UN—04SEP15

Tier 2/Stage II (A услуб)



H115826—UN—04SEP15

Tier 2/Stage II (B услуб) ва Final Tier 4/Stage V

A—Тўкиш
B—Мувозанатловчи бак

ҚАЙД: Cool-Gard™ II ёки Cool-Gard™ II PG ишлатилса, бўшатиш интервали 6 йил ёки 6000 соат.

Cool-Gard – Deere & Company савдо белгиси

Агар Cool-Gard™ II ёки Cool-Gard™ II PG дан бошқа совитгич ишлатилса, алмаштириш оралиғини 2 йил ёки 2000 соатга қисқартиринг.

Радиатордан совитгични чиқариш учун оқава клапанини (A) очинг.

Мувозанатловчи бакни (B) чайинг ва мос совитгич кондиционер билан қайта тўлдиринг. Қўшимча маълумот учун техник хизмат кўрсатиш – заруратга кўра (двигател суюқликлари ва фильтрлари) бўлимига қаранг. Совитгични танлаш бўйича тавсиялар учун Ёқилғи ва смазкалар бўлимига қаранг.

Мувозанатловчи бакдаги совитгич миқдорини мотор совуқлигида текширинг. Миқдор "максимал совуқлик" чизиғигача бўлиши керак.

OUO6075,00047FF-UZ-13NOV17

Сервис интервали жадвали – Заруратга кўра



H124383—UN—29MAY18

Шартли белгилар	Сервис	Керагича
A	Циркуляция фильтрини тозалаш/алмаштириш	•
B	Кабинанинг тоза ҳаво фильтрини тозалаш/алмаштириш	•
C	Ойна ювиш тизими бакини тўлдириш	•
D	Генератор панжарасини тозалаш	•
E	Намлик датчигини тозалаш (жиҳозланган бўлса) Намлик датчигининг четловчи шнекини тозаланг ActiveVision™ тоза дон элеватори камерасини тозалаш (жиҳозланган бўлса) ActiveVision™ тоза дон элеватори камерасининг қуритиш картрижини алмаштириш (жиҳозланган бўлса)[a]	•
F	Чиқинди тизимининг четловчи шнекини тозалаш (зарур бўлса) ActiveVision™ қипиқ тизими камерасини тозалаш (жиҳозланган бўлса) ActiveVision™ қипиқ тизими камерасининг қуритиш картрижини алмаштириш (жиҳозланган бўлса)[a]	•
G	Ўт ўчиргич кронштейни планкаларини текшириш/қотириш (жиҳозланган бўлса)	•

ActiveVision — Deere & Company савдо белгиси
[a]Агар ҳосил йиғиш мавсуми якунланган бўлса, қуритиш картрижининг яроқлилик муддатини узайтириш учун кейинги ҳосил йиғиш мавсуми бошланишини кутинг.

OUO6075,0004FBD-UZ-14MAY21

Циркуляция фильтри

H115668—UN—28AUG15

A—Циркуляция фильтри

Циркуляция фильтрини (A) тозалаш ёки алмаштириш учун қопламани ечиб олинг.

OUO6075,0004468-UZ-21DEC16

Кабинанинг тоза ҳаво фильтри



H115664—UN—28AUG15

A—Мурват
B—Тоза ҳаво фильтри

ҚАЙД: Чанг шароитларда кабинанинг тоза ҳаво фильтрини тез-тез тозалаш керак бўлиши мумкин.

Мурватни (A) буранг ва кириш қопламасини туширинг. Тозалаш ёки алмаштириш учун тоза ҳаво фильтрини (B) ечиб олинг.

OUO6075,0004469-UZ-21DEC16

Ойна ювиш тизими баки

H119647—UN—13OCT16

A—Қопқоқ

Қопқоқни (A) очинг ва ойна ювиш тизими бакини тўлдиринг.

OUO6075,000446A-UZ-21DEC16

Генератор панжараси



H119648—UN—13OCT16

Панжарани у 50% чиқинди билан қопланганда тозаланг

OUO6075,000469C-UZ-21MAR17

Намлик датчиги (жиҳозланган бўлса)





H125315—UN—06NOV18

A—Намлик датчиги

МУҲИМ: Статик электр токи намлик датчиги модулига шикаст етказиши мумкин. Шикастланишнинг олдини олиш учун машинада ишлашдан ёки уни тозалашдан олдин унинг металл юзасини камида битта қўл теккизилганига ишонч ҳосил қилинг.

Намлик датчигида ички эҳтиёт қисмлар мавжуд, датчик қуласа, улар бўшаб қолиши мумкин, бу эса дарҳол билинмаслиги мумкин. Машинада ишлаганда ёки уни тозалаганда намлик датчигидан эҳтиёткорлик билан фойдаланинг.

Бегона ўтлар, яшил экинлар ёки майда донлар (канола) билан ишлаганда намлик датчигини (A) ечинг ва тозаланг.

- Датчикнинг олд қисмига эритувчилар ва бошқа тозаловчи воситаларни суртманг.
- Датчикни тозалаш учун қуруқ матодан фойдаланиш тавсия этилади. Агар бу ёрдам бермаса, шунчаки сув ва мато билан ишқаланг.

- Намлик датчигининг олд қисмини ювманг.

Намлик датчигини ўрнатинг ва унинг калибровкасини амалга оширинг. Батафсил маълумот учун Калибрлаш бўйича қўлланмага ва Оператор иш жойи ёрдамига қаранг.

OUO6075,0004FBE-UZ-14MAY21

Намлик датчигининг четловчи шнеки (зарур бўлса)



H132959—UN—18JAN21

A—Штифт (2 та)
B—Уч қопқоғи
C—Шнек

⚠ ДИҚҚАТ: Моторни ЎЧИРИНГ, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.

1. Штифтларни (A) ва уч қопқоғини (B) олиб қўйинг.
2. Намлик датчигининг четловчисидан шнекни (C) олиб ташланг.
3. Шнек ва намлик датчиги четловчисининг ичидаги майдонни тозаланг.
4. Шнекни ўрнатинг ва текисланг.
5. Уч қопқоқни ўрнатинг ва штифтлар билан қотиринг.

OUO6075,0004FBF-UZ-18JAN21

ActiveVision™ тоза дон элеватори камераси (жиҳозланган бўлса)



H125313—UN—06NOV18

A—ActiveVision™ тоза дон элеватори камераси

ҚАЙД: Тозалаш тезлиги бир неча омил, жумладан, ишлаш шароитлари, об-ҳаво ва экин шароитларига боғлиқ равишда ўзгариб туради. Камера линзасини тоза, юмшоқ, намланган мато билан тозаланг.

Лўкидонни очинг ва ActiveVision™ тоза дон элеватори камерасини (A) тозаланг.

OUO6075,0004FC0-UZ-27APR21

Қипиқ датчигининг четловчи шнеки (зарур бўлса)



H132960—UN—18JAN21

A услуб

ActiveVision — Deere & Company савдо белгиси



H132961—UN—19JAN21

В услуб

A—Штифт (2 та)
B—Уч қопқоғи
C—Шнек

⚠ ДИҚҚАТ: Моторни ЎЧИРИНГ, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.

1. Штифтларни (A) ва уч қопқоғини (B) олиб қўйинг.
2. Намлик датчигининг четловчисидан шнекни (C) олиб ташланг.
3. Шнек ва намлик датчиги четловчисининг ичидаги майдонни тозаланг.
4. Шнекни ўрнатинг ва текисланг.
5. Уч қопқоқни ўрнатинг ва штифтлар билан қотиринг.

OUO6075,0004FC1-UZ-18JAN21

ActiveVision™ қипиқлар тизими камераси (жиҳозланган бўлса)



H119876—UN—01NOV16

A услуб/B услуб

A—ActiveVision™ қипиқ тизими камераси

ҚАЙД: Тозалаш тезлиги бир неча омил, жумладан, ишлаш шароитлари, об-ҳаво ва экин шароитларига боғлиқ равишда ўзгариб туради. Камера линзасини тоза, юмшоқ, намланган мато билан тозаланг.

Лўкидонни очинг ва ActiveVision™ қипиқ тизими камерасини (A) тозаланг.

OUO6075,0004FC2-UZ-27APR21

ActiveVision™ камеранинг қуритиш картрижи (жиҳозланган бўлса)



H130473—UN—09JUN20

A—Қалпоқчали винт (2 та)
B—Тутқич пластинаси

⚠ ДИҚҚАТ: Моторни ЎЧИРИНГ, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.

МУҲИМ: Қуритгич картрижи атрофида поя материаллари ва бошқа қолдиқлар тўпланиб қолиши мумкин. Олиб ташлашдан олдин қуритгич картрижи атрофини текширинг ва тозаланг.

ҚАЙД: ActiveVision™ тоза дон элеватори камераси кўрсатилган. ActiveVision™ қипиқ тизими камераси шунга ўхшаш.

Камера объективининг ички томонида намлик тўпланганлиги кўринса, зарур ҳолда қуритгич картрижини алмаштиринг.

Агар ҳосил йиғиш мавсуми якунланган бўлса, қуритиш картрижининг яроқлилик муддатини узайтириш учун кейинги ҳосил йиғиш мавсуми бошланишини кутинг.

ActiveVision — Deere & Company савдо белгиси

1. Қалпоқчали винтларни (A) ва тутқич пластинани (B) ечиб олинг.



H130389—UN—21MAY20

A—Қуритгичли контейнер (асбоб)
B—Ариқча
C—Қуритгичли картриж

2. Қуритгичли картриж таркибидаги алмаштириладиган қуритгичли контейнерни (A) ариқча (B) билан тенглаштиринг.
3. Қуритгичли картрижни (C) ActiveVision™ камерасидан чиқариб олинг.
4. Қуритгичли картрижни олиб ташланг.



H130390—UN—01JUN20

Қуритгичли контейнер (асбоб) ва Қуритгичли картриж

A—Қуритгичли контейнер (асбоб)
B—Қуритгичли картриж

5. Қуритгичли контейнерни (A) алмаштириладиган қуритгичли картриждан (B) чиқариб олинг.
6. Қуритгичли картрижни ActiveVision™ камерасига ўрнатинг.
7. Қуритгич асбобни ариқча билан текисланг.

ActiveVision – Deere & Company савдо белгиси

8. Қуритгичли картрижни охиргача тортиб маҳкамланг.

ҚАЙД: Тутқич пластина қуритгич картрижининг олти бурчакли шаклига мос келишига ишонч ҳосил қилинг.

9. Тутқич пластинани қуритгич картрижи устига ўрнатинг ва қалпоқчали винтлар билан маҳкамланг.
10. Қалпоқчали винтларни белгиланган даражада қотиринг.

Характеристика

Қалпоқчали винтлар—Айланиш моменти. . . . . 6,8 N m (60 фунт–дюйм)

OUO6075,0004E3B-UZ-26JUN20

Ўт ўчиргич кронштейни планкалари (жиҳозланган бўлса)



H123657—UN—02MAR18

ДИҚҚАТ: Ўт ўчиргич хавфсизлик камарларини ва маҳкамловчи қисмларни йилига камида бир марта текширинг. Агар ўт ўчиргич хавфсизлик камарларида ёки маҳкамлагич қисмларида қандайдир шикастланиш ёки ноодатий ейилиш, рангининг ўчиши ёки ейилиш каби белгилари пайдо бўлса, дарҳол бутун хавфсизлик камар тизимини янгиланг. Хавфсизлигингиз учун ўт ўчириш қисмларини машинангиз учун рухсат этилган эҳтиёт қисмлар билан алмаштиринг. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.

Ўт ўчиргич кронштейни планкаларини текширинг.

OUO6075,0004983-UZ-29MAY18

Ойналар, кўзгулар ва чироқларни тозалаш

Ҳар томон яхши кўриниб турганига амин бўлинг.

Яхши кўриниши учун ойналар, кўзгулар ва чироқларни тозаланг.

- Эритувчилар ва бошқа тозаловчи воситалардан фойдаланманг. Жон Дир ойна тозалагич воситаси ёки унинг эквиваленти тавсия этилади.
- Юмшоқ, абразив бўлмаган мато ёки сочиқдан фойдаланиш тавсия этилади.

OUO6075,0004C88-UZ-27FEB20

Ишланган газ чиқаришга оид зарур маълумотлар

Хизматни тақдим этувчи

Чиқинди газларни назорат қилиш мосламалари ва тизимларига тегишли малакага эга бўлган устахона ёки машина эгаси танлаган одам оригинал ёки эквивалент бутловчи қисмлар ёрдамида техник хизмат кўрсатиши, алмаштириши ёки таъмирлаши мумкин. Шу билан бирга кафолат, чақириб олиш ва John Deere томонидан тўланадиган бошқа хизматлар тегишли ваколатга эга бўлган John Deere сервис марказларида кўрсатилиши шарт.

DX,EMISSIONS,REQINFO-UZ-12JUN15

Орқа нарвон ва майдони



H95325—UN—11FEB10

A—Дастак
B—Дастак

ДИҚҚАТ: Моторни ўчиринг, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.

Дастакни (A) кўтаринг ва эшик илингунича нарвонни чайқатинг.

Дастак (B) ёрдамида нарвонни орқага тортинг.

OUO6075,0000588-UZ-16FEB10

Мотор фильтрига кириш қопқоғи



H95353—UN—25AUG10

A—Блокировка штифти
B—Нарвон
C—Қоплама

Блокировка штифтини (A) тортиб, нарвонни (B) жойига ўрнашгунича айлантиринг.

Фильтрга кириш қопқоғини (C) тортиб очиб, магнитдан бўшатинг.

OUO6075,000069B-UZ-25AUG10

Моторга кириш қопламалари



H118332—UN—04MAY16

A—Блокировка штифти
B—Суянчиқ

Блокировка штифтини (A) тортиб, суянчиқ (B) жойига ўрнашгунича айлантиринг.

Моторга кириш қопламаларини очинг.

OUO6075,00042D3-UZ-04MAY16

Ўт олдириш суюқлиги контейнерини алмаштириш



H116834—UN—08JAN16

A—Ўт олдириш суюқлиги контейнери

⚠ ДИҚҚАТ: Ўт олдириш суюқлиги ўта ёнувчан бўлиб, агар тўсатдан ёниб кетса, сиз ёки бошқаларга жароҳат етказиши ёки ўлимга олиб келиши мумкин. Ўт, учқун ёки аланга ёнида ФОЙДАЛАНМАНГ. Контейнердаги огоҳлантирувчи ахборотни ўқиб чиқинг ва контейнерни шикастланишдан ҳимоя қилинг.

Моторга кириш қопламасини очинг. Ўт олдириш суюқлиги контейнеридан (A) ҳимоя қопқоғи ва қадоқ клапанини олиб ташланг. Ғилдиракчани контейнерларни алмаштиришга етарлича бўшатинг, кейин қотиринг.

МУҲИМ: Моторга чанг кирмаслиги учун доим контейнерни жойида сақланг.

Ўт олдириш суюқлигини ўта юқори ҳарорат ёки шикастланишдан ҳимоя қилинг.

Пуркаш учлигини ўрнатиш ва сиқиш орқали суюқлик ва клапаннинг ишлашини текширинг. Агар суюқлик сепилмаса, контейнерни алмаштиринг.

⚠ ДИҚҚАТ: Контейнер портлашидан жароҳат олмаслик учун кабина ичида қўшимча ёки бўш контейнерларни олиб юрманг.

OUO6075,00041C6-UZ-08JAN16

Мотор қуввати ёки ёқилғи/ҳаво тизимини ўзгартирманг

МУҲИМ: Эмиссиялари сертификатланган моторларда от кучини ошириш, ёки ёқилғининг ва ҳаво келишининг бирон жиҳатини завод созламаларидан ўзгартириш, эмиссияни нормативлар рухсат берган даражадан ошириб юборади. Рухсатсиз ўзгартиришлар бу моторга тегишли эмиссия қоидаларига зид бўлиб, катта жарима солинишига сабаб бўлиши мумкин. Қувват даражаси завод белгилаганидан ўзгартирилса, машина кафолати йўққа чиқади.

Инжектор насоси ёки ёқилғи инжекторларини таъмирлашга уринманг. Махсус малака ва махсус асбоблар керак бўлади. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.

OUO6075,000058D-UZ-11FEB10

Ёқилғи тизими



X9811—UN—23AUG88

⚠ ДИҚҚАТ: Босим билан чиқаётган дизель ёқилғиси терига тегса, жиддий жароҳат етказиши мумкин. Гидравлик ёки бошқа линияларни узишдан олдин босимини чиқариб юборинг. Босим беришдан олдин ҳамма уланган жойларини қотиринг. Суюқликлар юқори босимда чиқадиган ковак ёки учликларга қўлни яқинлаштирманг. Сизиб чиқишларни картон ёки қоғоз билан текширинг. Қўлда текширманг.

Агар терига ҲАР ҚАНДАЙ суюқлик кириб қолса, жарроҳлик йўли билан малакали хирург томонидан бир неча соат ичида олиб ташланиши керак, акс ҳолда гангрена бошланиши мумкин.

OUO6075,000058E-UZ-11FEB10

Дизель газини тозалаш суюқлиги (DEF) баки – Тўлдириш (якуний Tier 4/Stage V)



H125432—UN—04DEC18

A—Қопқоқ
B—Дизель газини тозалаш суюқлиги (DEF) баки сапуни

ДИҚҚАТ: Дизель газини тозалаш суюқлиги (DEF) таркибида карбамид мавжуд. Кўзга тушишидан сақланинг. Тушса, дарҳол кўзни кўп миқдордаги сув билан камида 15 дақиқа чайинг. Агар ютиб юборсангиз, дарҳол шифокорга учрашинг. Қўшимча маълумот учун материаллар хавфсизлиги паспортига (MSDS) қаранг.

МУҲИМ: Нотўғри ёки маъқулланмаган эҳтиёт қисмлардан фойдаланиш ишланган газларни тозалаш тизими шикастланишига ва бу тизимнинг нотўғри ишлашига олиб келиши мумкин. Ҳеч қачон ишланган газларни тозалаш тизими компонентларини Interim Tier 4/Stage III B билан Final Tier 4/Stage V машиналари ўртасида алмаштирманг.

ҚАЙД: Агар DEF сачраса ёки бакдан бошқа сиртга тушса, дарҳол тоза сув билан ювиб ташланг. Бўялган ва бўялмаган металл сиртларда DEF коррозияни келтириб чиқаради ҳамда пластик ва резина сиртларни қийшайтириб юбориши мумкин.

Қопқоқнинг (A) тешиги йўқ. Ортиқча ҳаво дизель газини тозалаш суюқлиги (DEF) баки сапуни (B) орқали чиқарилади.

Сапунни кўздан кечиринг. Сапунда сомон ёки чиқинди тўпланишига йўл қўйманг. Агар сапунда ортиқча қолдиқлар тўпланиб қолса, бакда ҳаво алмашинуви бузилади. Сапунни шлангдан чиқариб олинг ва тозаланг.

Бакни ҳар сафар машинага ёқилғи қуйилганида тўлдиринг. Агар бунинг имкони бўлмаса, Дизель газини тозалаш суюқлиги (DEF) миқдорини бурчакдаги тиргак дисплейидаги миқдор кўрсаткичи орқали текширинг ва керагича қайта тўлдиринг. Машинанинг самарадорлигида кескин ўзгаришлар юз бермаслиги учун суюқлик миқдори доимо миқдор кўрсаткичиниг қизил белгисидан юқорида бўлишини таъминланг. Қўшимча маълумот учун комбайн умумий иловалари ёрдами ёки Оператор иш жойига қаранг.

Бакни тўлдириш учун:

1. Суюқлик қўшишдан аввал ифлослантирувчи моддаларни чиқариб ташлаш учун контейнерларни дистилланган сув билан ювинг ва чайинг.
2. Суюқликка бегона моддалар тушмаслиги учун қопқоқни чиқаришдан аввал унинг атрофини артиб чиқинг.
3. Воронкадан фойдаланиб, миқдорини кўриш ойнаси орқали кузатган ҳолда бакка суюқлик қуйинг.
4. Аввал ечиб олинган қопқоқни ўрнатинг.
5. Сачраган суюқликни дистилланган сув билан ювиб ташланг.

OUO6075,0004A62-UZ-04DEC18

Дизель газини тозалаш суюқлиги (DEF) баки — Бўшатиш (Final Tier 4/Stage V)



H130128—UN—30APR20

A—Фитинг
B—Олти қирра қалпоқли винт

ДИҚҚАТ: Моторни ЎЧИРИНГ, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.

МУҲИМ: Субқликларни машинада узоқ (12 ойдан юқори) муддат сақлаш тавсия этилмайди. Агар узоқ муддатда сақлаш керак бўлса, вақти-вақти билан суюқлик синаб турилиши керак, чунки карбамид концентрацияси ортиб кетмаслиги керак.

Агар рухсат этилмаган ёқилғи, масалан, дизель ёқилғиси ёки мотор совитгичи қуйилса, бакни бўшатинг ва дистилланган сув билан чайинг, сўнг бакни қайта тўлдиринг. Тозалаш ва тўлдиришдан сўнг тизим тўғри ишламаса, тизимни қандай қилиб бўшатиш ва тозалаш юзасидан Жон Дир дилерига мурожаат қилинг. Агар бакка сув қўшилган бўлса, бакни бўшатинг, дистилланган сув билан ювинг ва дизель газини тозалаш суюқлиги (DEF) билан тўлдиринг. Бакни тўлдиргандан сўнг концентрация суюқлигини текширинг. Синаш учун Ёқилғи ва смазкалар бўлимига қаранг.

ҚАЙД: Агар DEF сачраса ёки бакдан бошқа сиртга тушса, дарҳол тоза сув билан ювиб ташланг. Бўялган ва бўялмаган металл сиртларда суюқлик коррозияни келтириб чиқаради ҳамда пластик ва резина сиртларни қийшайтириб юбориши мумкин.

1. Бак тубидаги фитингга (A) шланг уланг.
2. Оқава клапанини очиш учун олти қирра қалпоқли винтни (B) бўшатинг.
3. Суюқлик чиқариб ташлангач, оқава клапанини ёпиб, шлангни олиб ташланг.

OUO6075,0004E1D-UZ-07MAY20

DEF дозалаш фильтрига кириш (Final Tier 4/Stage V)



H125433—UN—04DEC18

Дизел чиқиш газини тозалаш суюқлиги (DEF) дозалаш блоки фильтри

ДИҚҚАТ: Кўзга тушмасин. Тушса, дарҳол кўзни кўп миқдордаги сув билан камида 15 дақиқа чайинг. Қўшимча маълумот учун материаллар хавфсизлиги паспортига (MSDS) қаранг.

МУҲИМ: Агар DEF сачраса ёки бакдан бошқа сиртга тушса, дарҳол тоза сув билан ювиб ташланг. Бўялган ва бўялмаган металл сиртларда DEF коррозияни келтириб чиқаради ҳамда пластик ва резина сиртларни қийшайтириб юбориши мумкин.

Тўкилган DEF, агар қуришга қолдирилган ёки фақат латта билан артилган бўлса, ўзидан оқ қолдиқ қолдиради. Нотўғри тозаланган DEF тўкилиши SCR тизими сизиш муаммолари ташхисига халал бериши мумкин.

1. Моторни ЎЧИРИНГ, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.
2. DEF дозалаш фильтрини ечиб олиб, алмаштиринг. Батафсил маълумот учун DEF дозалаш блоки фильтрини алмаштириш қисмига қаранг.

OUO6075,0004A80-UZ-14DEC18

DEF ички фильтрига кириш (Final Tier 4/ Stage V)



H125446—UN—04DEC18

Дизель газини тозалаш суюқлиги (DEF) ички фильтри

ДИҚҚАТ: Кўзга тушмасин. Тушса, дарҳол кўзни кўп миқдордаги сув билан камида 15 дақиқа чайинг. Қўшимча маълумот учун материаллар хавфсизлиги паспортига (MSDS) қаранг.

МУҲИМ: Агар DEF сачраса ёки бакдан бошқа сиртга тушса, дарҳол тоза сув билан ювиб ташланг. Бўялган ва бўялмаган металл сиртларда DEF коррозияни келтириб чиқаради ҳамда пластик ва резина сиртларни қийшайтириб юбориши мумкин.

Тўкилган DEF, агар қуришга қолдирилган ёки фақат латта билан артилган бўлса, ўзидан оқ қолдиқ қолдиради. Нотўғри тозаланган DEF тўкилиши SCR тизими сизиш муаммолари ташхисига халал бериши мумкин.

1. Моторни ЎЧИРИНГ, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.
2. Дизель газини тозалаш суюқлиги (DEF) ички фильтрини ечиб олиб, алмаштиринг. Батафсил маълумот учун DEF ички фильтрини алмаштириш қисмига қаранг.

OUO6075,0004A64-UZ-04DEC18

Дизель газини тозалаш суюқлиги (DEF) бакини тозалаш

ДИҚҚАТ: Кўзга тушмасин. Тушса, дарҳол кўзни кўп миқдордаги сув билан камида 15 дақиқа чайинг. Қўшимча маълумот учун материаллар хавфсизлиги паспортига (MSDS) қаранг.

МУҲИМ: Агар DEF сачраса ёки бакдан бошқа сиртга тушса, дарҳол тоза сув билан ювиб ташланг. Бўялган ва бўялмаган металл сиртларда DEF коррозияни келтириб чиқаради ҳамда пластик ва резина сиртларни қийшайтириб юбориши мумкин.

Тўкилган DEF, агар қуришга қолдирилган ёки фақат латта билан артилган бўлса, ўзидан оқ қолдиқ қолдиради. Нотўғри тозаланган DEF тўкилиши SCR тизими сизиш муаммолари ташхисига халал бериши мумкин.

Бегона модда ёки суюқлик DEF бакига кириб қолса, DEF бакини бўшатинг, тозаланг ва янги DEF билан тўлдиринг.

DEF сифатига шубҳангиз бўлса, шаффоф контейнерга ундан намуна олиб қўйинг. DEF енгил аммиак ҳидли ва сувдек шаффоф бўлиши лозим. Агар DEF шаффоф бўлмаса, ранг олган бўлса ва ундан аммиак ҳиди анқиб турса, унинг техник кўрсаткичлари талабга жавоб бермайди. Ушбу ҳолатдаги DEFдан фойдаланманг.

1. Оқава тиқинини (агар жиҳозланган бўлса) олиб ташланг ва DEF бакидан ёмон ҳолатдаги DEFни чиқариб юборинг.

ҚАЙД: Ўрнатилган ёки олиб ташланган DEF бакни тозалаш мумкин.

2. DEF бакини янги DEF билан тозаланг.

   Моторни ишга туширишдан олдин DEF суюқлигининг кўриниши, ҳиди ва концентрацияси текширилиши керак. Батафсил маълумот учун Ёқилғи, смазкалар ва совитгичлар бўлимидаги SCR билан жиҳозланган моторлардан фойдаланишда дизель газини тозалаш суюқлиги (DEF) қисмига қаранг.

3. DEF бакини бўшатинг ёки суюқликни чиқариб ташланг.

ҚАЙД: DEF баки тозалангунча 2-3 босқичларни такрорланг.

4. **Аввалги версияси:** DEF дозалаш блоки фильтри ва DEF баки коллекторининг сўрувчи панжарасини алмаштиринг.

   Кейинги версияси: DEF дозалаш блоки фильтри ва DEF ички фильтрини алмаштиринг.

5. Олиб ташланса, DEF баки оқава тиқинини ўрнатинг.
6. Олиб ташланса, DEF бакини ўрнатинг.
7. DEF бакини янги DEF билан тўлдиринг.
8. DEF концентрациясини DEF рефрактометрлар, масалан JDG11594 ёки JDG11684 билан текширинг. Тўғри DEF концентрацияси 31.8—33.2%. Батафсил маълумот учун расмий дилерингизга мурожаат қилинг.
9. Агар DEF керакли даражада, тоза бўлмаса ёки ундан енгил аммиак ҳиди келмаса, расмий дилерингиз билан боғланинг.

DX,DEF,CLEANTANK-UZ-18SEP19

Ёқилғи баки - Тўлдириш



H125439—UN—04DEC18

A—Ёқилғи баки қопқоғи
B—Ёқилғи баки сапуни

ДИҚҚАТ: Ёқилғини эҳтиёт бўлиб ташинг. Чекаётган вақтда машинага ёқилғи қуйманг. Бакни тўлдиришдан олдин моторни ЎЧИРИНГ, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.

Ёқилғи бакини ортиқча тўлдириб юборманг. Ёқилғини ортга сачрашидан тана жароҳатланиши мумкин. Ёқилғи кенгайиши туфайли сизиб чиқиши мумкин. Бак жуда тўла бўлса, қуёш нури бевосита тушиши ёки ҳарорат жуда қизиб кетиши натижасида, бак тошиб кетиши мумкин.

Ёқилғи баки қопқоғининг (A) тешиги йўқ. Ортиқча ҳаво ёқилғи баки сапуни (B) орқали чиқарилади.

Ёқилғи баки сапунини кўздан кечиринг. Сапунда сомон ёки чиқинди тўпланишига йўл қўйманг. Агар сапунда ортиқча қолдиқлар тўпланиб қолса, бакда ҳаво алмашинуви бузилади. Ёқилғи баки сапунини шлангдан ажратинг ва тозаланг.

OUO6075,0004A65-UZ-04DEC18

Ёқилғи баки – Бўшатиш



H95330—UN—21JUN11

A—Тиқин

ДИҚҚАТ: Сервисдан олдин моторни ўчиринг, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.

Ёқилғини тўкиш учун ёқилғи бакининг тубидан тиқинни (A) ечиб олинг.

OUO6075,0000591-UZ-16FEB10

Ёқилғи баки – Беркитиш клапани



H95332—UN—30SEP10

A—Клапан

ДИҚҚАТ: Сервисдан олдин моторни ўчиринг, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.

Ёқилғи фильтрларига сервис кўрсатишда ёқилғи бакининг тубидаги клапанни (A) ёпинг.

OUO6075,0000913-UZ-30AUG10

Сув ажраткич йирик ёқилғи фильтри – Бўшатиш



H119921—UN—02NOV16

Tier 2/Stage II (A услуб/B услуб)



H119922—UN—02NOV16

Final Tier 4/Stage V (A услуб / B услуб)

A—Ёқилғи йирик фильтри
B—Тўкиш

ДИҚҚАТ: Сервисдан олдин моторни ўчиринг, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.

Йирик ёқилғи фильтри (A) ёқилғи тизимида сувни аниқласа, носозлик диагностик коди пайдо бўлади.

Агар носозлик диагностик коди пайдо бўлса, оқава (B) ёрдамида йирик фильтрни бўшатинг ва кодни нолга келтиринг.

OUO6075,000480C-UZ-13NOV17

Ёқилғини дастлабки тозалагич фильтри – тозалаш



H98377—UN—30SEP10

Ёқилғини дастлабки тозалаш фильтри



RG11516—UN—10NOV00

Ёқилғини дастлабки тозалагич қисмлари

A—Дастлабки тозалагич идиши
B—Зичлагич ҳалқа

ҚАЙД: Бир вақтнинг ўзида ёқилғи дастлабки тозалагичини тозаламанг ва йирик ва майда ёқилғи фильтрини алмаштирманг. Бундай қилинса, машинанинг ишга тушиши қийин кечади. Ушбу жараённи амалга оширинг, кейин йирик ва майда ёқилғи фильтрларини алмаштиришдан олдин, моторни юргизинг.

Фильтр панжарасида қолдиқ кўриниб қолса ёки носозлик диагностик кодлари пайдо бўлса, дастлабки тозалагич фильтрини тозаланг. Фильтрни тозалагандан сўнг кодни кетказинг.

1. Агар машина аввал ишламаётган бўлса, моторни ўт олдиринг ва 3-5 дақиқа паст холостойда ишлатинг.
2. Узатиш линияси ичида қайта оқимнинг олдини олиш учун моторни ЎЧИРИНГ ва ёқилғи бакининг тубидаги клапанни ёпинг.
3. Дастлабки тозалагич мосламаси ва унинг атрофини яхшилаб тозаланг.
4. Дастлабки тозалагич идишини (A) ечиб олинг.

5. Фильтр панжараси ва дастлабки тозалагич идишини тозаланг. Зичлагич ҳалқани (B) кўздан кечиринг.
6. Панжарани ўрнатинг ва дастлабки тозалагич идишини қотиринг.
7. Дастлабки тозалагични тўлдириш учун ёқилғи бакининг қуйи қисмидаги клапанни очинг.
8. Моторни ишга тушириб, секин холостойда 3-5 дақиқа юргизинг.

OUO6075,000456F-UZ-20DEC16

Юқори самарали ёқилғини дастлабки тозалагич фильтри (опция) – Чайиш



H100500—UN—29JUN11

A—Ҳавони чиқариб юборувчи винт
B—Оқава клапани

ҚАЙД: Бир вақтнинг ўзида ёқилғи дастлабки тозалагичини тозаламанг ва йирик ва майда ёқилғи фильтрини алмаштирманг. Бундай қилинса, машинанинг ишга тушиши қийин кечади. Ушбу жараённи амалга оширинг, кейин йирик ва майда ёқилғи фильтрларини алмаштиришдан олдин, моторни юргизинг.

Идишнинг ярми сувга тўла ёки носозлик диагностик кодлари пайдо бўлганда юқори самарали ёқилғини олдиндан тозалагич қайта чайилиши керак. Тозалагандан сўнг кодни кетказинг. Агар код ҳали ҳам акс этиб турса, юқори самарали ёқилғини дастлабки тозалагич фильтри (опция) – Алмаштириш ва тозалашга қаранг.

Алмаштирилишидан аввал фильтр элементи беш мартагача чайилиши мумкин.

1. Моторни ЎЧИРИНГ ва ёқилғи бакининг тубидаги клапанни ёпинг.
2. Сув ажраткичнинг юқорисидаги ковак винтни (A) очинг. Сув ва чанг фильтр элементидан чиқарилиши ва идишнинг тубига жойлашишига имкон беринг.
3. Оқава клапанида (B) итаринг ва сув ва стакандан чангни чиқариш учун соат милига тескари буранг.

ҚАЙД: Ёқилғи, сув ва чанг стакандан чиқарилгандан сўнг фильтр элементидан кўпроқ сув ва чанг чайилиб келади ва стаканнинг тубида йиғилади.

4. Оқава клапанини ёпинг ва сув ва чанг қайта тўпланишига имкон беринг.
5. 3 ва 4-босқични барча чанг ва сув тўла кетмагунча такрорланг.
6. Ковак винтни ёпинг ва ёқилғи бакининг қуйи қисмидаги клапанни очинг.
7. Ёқилғи насоси ёқилғи тизимни тўлдириши учун калитни ON ҳолатга 60 сония қўйинг ва сизиб чиқишларни текширинг.
8. Моторни ишга тушириб, секин холостойда 3-5 дақиқа юргизинг. Агар мотор ўт олмаса ёки ўчиб қолса, йирик ва майда ёқилғи фильтр элементини алмаштиришга қаранг.

OUO6075,000469F-UZ-21MAR17

Юқори самарали ёқилғини дастлабки тозалагич фильтри (опция) – Алмаштириш ва тозалаш

Фильтрни алмаштириш

RXA0084320—UN—26SEP05



H91103—UN—09APR08

A—Қопқоқ
B—Пружинали кассета
C—Фильтр элементи

D—Қистирма

ҚАЙД: Фильтр элементи беш марта қайта чайилганидан сўнг фильтрни тозаланг. Фильтрни ёруғликка кўтарганда ёруғлик кўринмаса, фильтрни алмаштиринг.

1. Моторни ЎЧИРИНГ ва ёқилғи бакининг тубидаги клапанни ёпинг.
2. Кўрсатилган кетма-кетликда қопқоқ винтларини бўшатинг.

ҚАЙД: Қопқоқ ва пружинали кассета қайта ишлатилади, аммо янги фильтр элементи ўрнатилиши керак.

3. Қопқоқ (A), пружинали кассета (B) ва фильтр элементини (C) ечиб олинг.
4. Янги фильтр элементи ва аввал ечиб олинган пружина кассетасини (B) ўрнатинг.
5. Қопқоқ зичловчи ҳалқасини (D) кўздан кечиринг ва заруратга кўра алмаштиринг.
6. Қопқоқни кўрсатилган кетма-кетликда ўрнатинг ва қотиринг.
7. Ёқилғи бакининг қуйи қисмидаги клапанни очинг.
8. Ёқилғи насоси ёқилғи тизимни тўлдириши учун калитни ON ҳолатга 60 сония қўйинг ва сизиб чиқишларни текширинг.
9. Моторни ишга тушириб, секин холостойда 3-5 дақиқа юргизинг. Агар мотор ўт олмаса ёки ўчиб қолса, йирик ва майда ёқилғи фильтр элементини алмаштиришга қаранг.

Фильтрни тозалаш

1. Моторни ЎЧИРИНГ ва ёқилғи бакининг тубидаги клапанни ёпинг.

ҚАЙД: Ёқилғини тўкишда суюқлик таглигидан фойдаланинг.

2. Оқава клапанини очинг ва стакандан ёқилғини тўкинг.
3. Кўрсатилган кетма-кетликда қопқоқ винтларини бўшатинг.
4. Қопқоқ (A) ва пружинали кассетани (B) ечиб олинг.
5. Фильтр элементини (C) тутқичидан кўтариб олинг.

ҚАЙД: Фильтр шикастланмаганини текширинг. Шикаст етган бўлса, янги фильтр ўрнатинг.

6. Фильтрни тоза дизел ёқилғиси ёки уайт-спирит билан ювинг.
7. Фильтр элементи ва пружинали касеттани ўрнатинг.
8. Қопқоқ зичловчи ҳалқасини (D) кўздан кечиринг ва заруратга кўра алмаштиринг.
9. Қопқоқ ва қалпоқчали винтларни ўрнатинг ва қалпоқчали винтларни қўлда қолдиринг.
10. Қалпоқчали винтларни кўрсатилган кетма-кетликда қотиринг.
11. Ёқилғи бакининг қуйи қисмидаги клапанни очинг.
12. Ёқилғи насоси ёқилғи тизимни тўлдириши учун калитни ON ҳолатга 60 сония қўйинг ва сизиб чиқишларни текширинг.
13. Моторни ишга тушириб, секин холостойда 3-5 дақиқа юргизинг.

OUO6075,000456E-UZ-20DEC16

Йирик ва майда ёқилғи фильтр элменти – алмаштириш

TS1343—UN—18MAR92



H95381—UN—16FEB10

A стиль



H115841—UN—10SEP15

В стиль

A—Ёқилғи йирик фильтри
B—Майда ёқилғи фильтри
C—Оқава клапанлари
D—Ажраткич стакани

ДИҚҚАТ: Ёқилғи қувурларида қолган юқори босимли суюқлик жиддий жароҳат етказиши мумкин. Фақат шу турдаги тизимни тушунадиган техниклар тузатиши мумкин. Юқори Босимли Умумий Ёқилғи Магистрали (HPCR) тизимида ишлайдиган двигателларда ёқилғи қувурларини, датчикларни ёки ёқилғи насоси ва учликлар ўртасидаги компонентларни ажратишдан олдин, мотор ўчирилгач камида 15 дақиқа кутинг.

ҚАЙД: Бир вақтнинг ўзида ёқилғи дастлабки тозалагичини тозаламанг ва йирик ва майда ёқилғи фильтрини алмаштирманг. Бундай қилинса, машинанинг ишга тушиши қийин кечади. Ёқилғи дастлабки тозалагичини тозалаш жараённи амалга оширинг, кейин йирик ва майда ёқилғи фильтрни алмаштиришдан олдин, моторни юргизинг.

Самарадорлик пасайгани сезилганда ёки носозлик диагностик коди пайдо бўлганда йирик ва майда ёқилғи фильтрни алмаштиринг. Фильтрларни алмаштиргандан сўнг кодни кетказинг.

1. Агар машина аввал ишламаётган бўлса, моторни ўт олдиринг ва 3-5 дақиқа паст холостойда ишлатинг.
2. Моторни ЎЧИРИНГ ва ёқилғи бакининг тубидаги клапанни ёпинг.
3. Фильтр элементининг ташқи томони ҳамда фильтрнинг ўрнатилган жойини яхшилаб тозаланг.

ДИҚҚАТ: Фильтрлардаги ёқилғи босим остида бўлиши мумкин. Қуйидаги босқични бажармай туриб фильтрларни ечиб олманг.

ҚАЙД: Ёқилғини сиздириш ва ёқилғи фильтрларни олиб ташлашда суюқлик таглигидан фойдаланинг.

4. **А услуб:** Ифлослантирувчи қолдиқларни чиқаринг ва оқава клапанларини (C) очиш орқали йирик ёқилғи фильтри (A) ва майда ёқилғи фильтридан (B) босимни бўшатинг. Оқава клапанларини ёпинг ва ёқилғи фильтрларини ечиб олинг.

   В услуб: Ифлослантирувчи қолдиқларни чиқаринг ва оқава клапанини (C) очиш орқали йирик ёқилғи фильтридан (A) босимни бўшатинг. Оқава клапанини ёпинг ва ажраткич стаканини (D) ечиб, олиб қўйинг.

ҚАЙД: Қўшимча ёқилғи фильтр корпусидан оқиб чиқади.

5. Йирик ёқилғи фильтри ва майда ёқилғи фильтрини ечиб олинг.

МУҲИМ: Ёқилғи фильтрини ёқилғи билан тўлдирманг.

ҚАЙД: Ўрнатишдан олдин дизель ёқилғи билан фильтр зичлагичларини смазкаланг.

6. **Фақат В усул** Аввал ечиб олинган ажраткич стаканини янги йирик ёқилғи фильтрига ўрнатинг.
ҚАЙД: Вентилятор ременини алмаштириш учун ҳаво компрессори ремени ечиб олиниши керак. Кўпроқ маълумот учун Кондиционер компрессори ремени (жиҳозланган бўлса) - Алмаштириш (Final Tier 4/Stage V) рукнига қаранг.

9. Ремен таранглигини таранглаткич дастаси (A) орқали камайтириш учун узун дастакдан фойдаланинг.
10. Ременни (B) ва ишчи ременни вентилятор парраклари устидан чиқариб олиш учун ечиб олинг.
11. Вентилятор парраклари устидан алмаштириш ременларини ўрнатинг.
12. Ремен таранглигини таранглаткич дастаси орқали камайтириш мақсадида алмаштириш

ременини ўрнатиш учун узун дастакдан фойдаланинг.



H124543—UN—19JUN18

A—Таранглаткич дастаси
B—Айланувчи панжара узатма ремени

13. Ремен таранглигини таранглаткич дастаси (A) орқали камайтириш мақсадида айланувчи панжара узатма ременини (B) ўрнатиш учун узун дастакдан фойдаланинг.
14. Олдин ечиб олинган ҳимоя қопламаларини ўрнатинг (олд томон).
15. Сепараторга кириш қопқоғини ёпинг ва суянчиқни туширинг.
16. Олдин ечиб олинган қалқонни (орқа томондаги) ва ҳаво қувурини ўрнатинг.
17. Айланувчи панжара эшигини ёпиб, лўкидони билан маҳкамланг.

OUO6075,00049E3-UZ-20JUN18

Айланувчи панжара чўткаси – Ростлаш



H95350—UN—15FEB10

A—Қалпоқчали винтлар
B—Чўтка

Қалпоқчали винтларни (A) бўшатинг ва экин чиқиндисини кетказиш учун чўткани (B) керагича мослаштиринг.

OUO6075,00005A0-UZ-16FEB10

Моторга тўпланадиган чиқиндиларни бошқариш ремени - Алмаштириш (Final Tier 4/Stage V)



H121348—UN—25APR17

A—Қалпоқчали винтлар
B—Қалқон

⚠ ДИҚҚАТ: Моторни ўчиринг, тўхтаб туриш тормозини босинг ва калитни чиқариб олинг.

Қалпоқчали винтлар (A) ва қалқонни (B) ечиб олинг.



H108293—UN—18JUN13

A—Қалпоқчали винтлар
B—Таранглаткич дастаси
C—Моторга тўпланадиган чиқиндиларни бошқариш ремени

Қалпоқчали винтларни (A) ечиб олинг ва таянч насоси мосламасини бир четга олиб қўйинг.

Ременни ечиб олинг ва алмаштириладиган ременни тескари тартибда ўрнатинг.

Роликли насос мосламасини текисланг ва қалпоқчали винтларни муносиб тарзда қотиринг.

Характеристика

Қалпоқчали винтлар—Айланиш моменти. . . . . 80 N m (59 фунт/фут)

Ремен таранглигини таранглаткич дастаси орқали камайтириш мақсадида моторга тўпланадиган чиқиндиларни бошқариш ременини ўрнатиш учун узун дастакдан фойдаланинг.

Қалқонни ўрнатинг ва қалпоқчали винтлар билан қотиринг.

OUO6075,000481E-UZ-14NOV17

Қабул камераси

Аломати	Муаммо	Ечими
Роторга узатиш нотекис ёки хомашё йиғилиб қолмоқда.	Ўроқ шнеки жуда баландда.	Шнекни пастга ва орқага ростланг. Ўроқнинг оператор қўлланмасига қаранг.
	Тиғда дон тўпланиб қолмоқда.	Парракни пасайтириб, олдинга/орқага ҳолатини имкон қадар шнек ва тиғга яқинроқ ўрнатинг. Платформа оператор қўлланмасига қаранг.
	Барабан дасталари бир ёндаги деворга тиқилиб қолмоқда.	Занжирни бўшатиб, яна таранглатинг. Букилган жойларини тўғриланг ёки алмаштиринг.
	Узатувчи конвейер занжири ҳаддан ташқари таранг ва барабанни ушлаб қолади.	Тарангликни тўғрилаш учун конвейер занжирини ростланг.
	Ўроқ узатма ремени сирғанмоқда.	Пружинали валик бўш бўлиши ва ременга тақалиб туриши керак.
	Шнек стриппердан анча олдинда.	Шнекни стрипперга қайтариб ростланг. Ўроқнинг оператор қўлланмасига қаранг.
	Транспортёр конвейери узатма занжири керакли юлдузчада эмас.	Занжирни керакли юлдузчага қўйинг.
	Узатувчи конвейер планкалари кўтарилиб қолган.	Букилган планкаларни тўғриланг ёки алмаштиринг.
	Қабул камераси тубига лой ва суюқлик тўпланган.	Тубини тозаланг.
	Платформа шнеки билан қабул камераси олд барабани орасидаги масофа жуда узоқ.	Қабул камераси занжирига бўғинлар қўшинг.
Ўроқ ёки паррак кераклича кўтарилмаяпти	Гидравлик тизимда ҳаво бор.	Сизиб чиқаётган қувурлар ёки шланглардаги хомутларни маҳкамланг. Парракни кўтариш тизимидан ҳавони чиқариб ташланг. Платформа оператор қўлланмасига қаранг.

OUO6075,0000B5B-UZ-02MAR11

Сепаратор

Аломати	Муаммо	Ечими
Сепаратор қийналяпти ёки оғир ишлаяпти.	Бир тишли сепараторнинг ўзгарувчан тезликли узатма ремени паст тезликда сирғанмоқда.	Шкив тирқишини ростланг.

Аломати	Муаммо	Ечими
	Сепаратор тезлиги экин учун жуда секин.	Сепаратор тезлигини оширинг.
Узатишни тезлаштиргич орқага узатмоқда.	Сепаратор тезлиги экин учун жуда секин.	Сепаратор тезлигини оширинг.
	Акселератор тезлиги паст тезлик режимида.	Акселератор тезлигини юқори тезлик режимига ўтказинг.
Дон янчилмаган.	Сепаратор тезлиги экин учун жуда секин.	Сепаратор тезлигини 50-100 айл/дақ қадамда оширинг. Сепаратор тезлигини ростлагач, дон сифатини текширинг.
	Камгак тирқиши жуда кенг.	Янчиш тирқишини 5-10 мм қадамда торайтириб боринг. Янчиш тирқишини ростлагандан кейин дон сифатини текширинг.
	Камгак тирқишининг олди билан орқаси тенг эмас.	Характеристикаларига қараб ростланг. Қўшимча маълумот учун Сепаратор бўлимидаги Камгак сатҳини ростлаш қисмига қаранг.
	Тегишли тарзда янчишга етарли хомашё комбайнга кирмаяпти.	Юриш тезлигини оширинг.
Бункерда ёрилган дон жуда кўп.	Сепаратор тезлиги экин учун жуда тез.	Сепаратор тезлигини 10 айл/дақ қадамда камайтиринг.
	Камгак тирқиши жуда тор.	Янчиш тирқишини 2 мм қадамда очиб боринг.
	Қабул битери тезлиги экин учун жуда тез.	Паст тезлик режимига ўтказиш орқали узатишни тезлаштиргич тезлигини пасайтиринг.
	Қипиқ ичида ортиқча дон бор.	Қипиқни камайтириш учун элакни 2 мм қадамда очиб боринг.
	Машинага етарли хомашё кирмаяпти.	Юриш тезлигини оширинг.
	Фаол қипиқ тизими (жиҳозланган бўлса) камгак ҳолати нотўғри қўйилган.	Фаол қипиқ тизими камгак ҳолатини қўйинг. Қўшимча маълумот учун Экин созламалари қисмига қаранг.
Ажраткичда дон исрофи	Етарлича янчилмагани ёки камгакда кеч янчилгани учун сепараторга оғирлик тушган.	Сепаратордан камгакка борадиган оралиқни камайтиринг ва/ёки сепаратор тезлигини ошириб, янчиш амалини кўпайтиринг.
	Сепаратор қопқоқлари ўрнатилган.	Қўшимча маълумот учун Экин созламалари қисмига қаранг.

Аломати	Муаммо	Ечими
		Тозалагичга бир текис келишини таъминлаган ҳолда очиқ ҳудудни ошириш учун қопқоқларни олиб ташланг.
	Сепараторнинг юқори қопқоқ парраклари (жиҳозланган бўлса) олдинга ўтган ҳолатда.	Парракларни стандарт жойлашувига ўтказинг. Қўшимча маълумот учун "Қолдиқни бошқариш иловаси бўйича ёрдам" ёки "Оператор иш жойи ёрдами"га қаранг.
Бункер ифлос (янчилмаган бошоқлар).	Сепаратор етарлича янчмаяпти.	Сепаратор тезлигини 50-100 айл/дақ қадамда оширинг.
		Янчиш тирқишини 2 мм қадамда камайтириб боринг.
		Камгак сатҳини текширинг. Қўшимча маълумот учун Сепаратор бўлимидаги Камгак сатҳини ростлаш қисмига қаранг.
		Фаол қипиқ тизими мавжуд машиналар: Камгак қопқоқларини биринчи камгакка ўрнатинг.
		Нофаол қипиқ тизими мавжуд машиналар: Камгак қопқоқларини иккинчи камгакка ўрнатинг.
		Биринчи камгакка тўхтатгичларни қўшинг.
	Фаол қипиқ тизими (жиҳозланган бўлса) камгак ҳолати нотўғри қўйилган.	Фаол қипиқ тизимининг камгак ҳолати йиғилаётган ҳосилга мос эканини текширинг.
		Фаол қипиқ тизими камгак ҳолатининг нол ҳолати тўғрилигини текширинг. Батафсил маълумот учун Сепаратор бўлимидаги Қипиқ тизимининг ейилишдан ҳимоя қопламалари ва янчиш барабани тўқмоқлари қисмига қаранг.
Ифлос дон бункери (асосан чори).	Вентилятор тезлиги жуда паст.	Вентилятор тезлигини оширинг.
	Қолдиқ тизими экин йўналтиргичининг эшиги нотўғри ҳолатда.	Эшик ҳолати йиғилаётган ҳосилга мос эканини текширинг.

Аломати	Муаммо	Ечими
Ифлос дон бункери (майдаланган сўта).	Бункерда синган сўта бўлаклари бор.	*ҚАЙД: Қистирмалар фақат маккажўхори ва соя учун ишлатилиши лозим. Бошқа барча экин турлари учун қистирмаларни ечиб олинг.*
		Сепаратор панжараси проставкаларини ўрнатинг.
	Янчиш тирқишини текширинг. Агар тирқиш сўта диаметридан кичик бўлса, ротор сўтани синдириши мумкин.	*ҚАЙД: Фаол қипиқ тизимида тўртинчи панжарага машина проставкалари ўрнатилмаслиги керак.*
		Сепаратор панжараси проставкаларини ўрнатинг.
Ғалвир/элак элементлари шикастланган.	Экин йўналтиргичининг эшиги нотўғри ҳолатда.	Эшик ҳолати йиғилаётган ҳосилга мос эканини текширинг.
Дон тозалагич устида дон исроф бўляпти.	Ғалвир/элак тирқиши нотўғри.	Ғалвир/элак тирқишини текширинг ва калибрланг.
	Дон тозалагичда чори/дон нотекис тақсимланмоқда.	Сепаратор панжара бўшлиқлари ва шнек ўзани бўлгичларини кераклича ростланг. Қўшимча маълумот учун Экин созламалари бўлимидаги Қувват манбаини ўчириш тартиби қисмига қаранг.
VisionTrak™ самарадорлик монитори ўқимаяпти.	Узатиш тезлиги паст бўлганида дон тозалагичдаги исроф ортмоқда.	Вентилятор тезлигини пасайтиринг.
	Узатиш тезлиги юқори бўлганида дон тозалагичдаги исроф ортмоқда.	Ғалвирни очинг.
		Вентилятор тезлигини оширинг.
	Датчик ўқимаяпти.	Пояга сезувчанлик созламаларини текширинг.
		Датчиклар уланганини текширинг.
		Датчиклар тўсилиб қолмаганини текширинг.
Сомон сифати ёмон.	Материалларга ортиқча ишлов берилмоқда.	Ротор тезлигини пасайтириб, янчиш тирқишини ошириш орқали сомон сифатини яхшиланг ва янчиш самарадорлигини барқарорлаштиринг.

VisionTrak – Deere & Company савдо белгиси

Аломати	Муаммо	Ечими
		Сомон сифатини ва материалга ишлов бериш самарадорлигини мувозанатлаш учун материалга ишлов бериш тезлигини пасайтиринг (қабул камераси ва узатишни тезлаштиргич).
		Сепараторнинг юқори қопқоқ парракларини илгарилатинг. Қўшимча маълумот учун "Қолдиқни бошқариш иловаси бўйича ёрдам" ёки "Оператор иш жойи ёрдами"га қаранг.

OUO6075,00046A1-UZ-21MAR17

Гидростатик юриш узатмаси

Аломати	Муаммо	Ечими
Тезлик диапазонини танлагич орқага юрмайди (ProDrive™ бўлмаган машиналар).	Бошқарув тягасида букилган ёки синган қисмлар бор.	Зарур бўлса таъмирланг ёки алмаштиринг.
Сцеплениелар тишлашиб қолмоқда (ProDrive™ бўлмаган машиналар).	Бошқарув кабелидаги золдирли шарнирлар музлаган ёки ейилган.	Смазкаланг ёки алмаштиринг.
	Бурчакли ричаг ёки ўқлар тишлашиб қолмоқда.	Смазкаланг ёки алмаштиринг.
	Бошқарув кабели буралиб кетган ёки музлаган.	Заруратга кўра алмаштиринг.
Тизим қизиб кетмоқда.	Мой совитгич ёки радиатор тиқилган.	Асосига ҳаво пуркаб, тозаланг.
	Мой оқими кам.	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Мотор вентилятор ремени сирғалмоқда ёки узилган.	Ейилган ёки узилган ременни текширинг.
	Мой фильтри тиқилган.	Фильтрни алмаштиринг.
	Дам чиқариш клапанининг босими ортиб кетмоқда.	Пастки тезликка ўтказинг.
	Дам чиқариш клапани ёпиқлигида тишлашиб қолган.	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Айланма клапан ёпилмаяпти.	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.

ProDrive – Deere & Company савдо белгиси

Аломати	Муаммо	Ечими
Мой исрофи юқори.	Гидравлик линиялар, шланглар ёки зичлагич ҳалқалар бўш уланган ёки сизиб чиқиш бор.	Уланган жойларни қотиринг ёки шикастланган линиялар, шланглар ёки зичлагич ҳалқаларни алмаштиринг.
	Асосий мотор трансмиссия корпусига мой сизмоқда (ProDrive™ бўлмаган машиналар).	Гидростатик насос вали зичлагичини алмаштиринг.
	Асосий мотор трансмиссия корпусига мой сизмоқда (ProDrive™ машиналар).	Гидростатик мотор вали сальнигини ёки тўхтаб туриш тормози сальнигини алмаштиринг, Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Учталик насос зичлагичлари ейилган ёки шикастланган (ProDrive™ бўлмаган машиналар).	Клапан блокили насос ва рул насоси орасидаги учталик насос бўшлиқларини текширинг. Ҳар иккала насос бўшлиқларида мой бўлмаслиги керак. Агар насос бўшлиқларида мой топилса, иккала насосни алмаштиришдан олдин клапан блокили насос ва рул насосидаги насос вали сальникларини алмаштиринг.
	Тўртталик насос зичлагичлари ейилган ёки шикастланган (ProDrive™ машиналар).	Клапан блокили насос ва ProDrive™ смазка таъминоти насоси орасидаги тўртталик насос бўшлиқларини текширинг. Ҳар иккала насос бўшлиқларида мой бўлмаслиги керак. Агар насос бўшлиқларида мой топилса, иккала насосни алмаштиришдан олдин клапан блокили насос ва ProDrive™ смазка насосидаги насос вали сальникларини алмаштиринг.
Машина олдинга ёки орқага юрмайди.	Трансмиссия тезликка қўйилмаган (ProDrive™ бўлмаган машиналар).	Трансмиссияни алмаштиринг.
	Тизим ерда юриш носозлигини аниқламоқда (ProDrive™ машиналар).	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Мой камайган.	Сизиб чиқишни текширинг ва тузатинг. Резервуарни тўлдиринг.
	Тизимда ҳаво сизиб чиқмоқда.	Уланган жойларни қотиринг.
	Бошқарув тягаси синган ёки бўшаган (ProDrive™ бўлмаган машиналар).	Бўш тягаларни қотиринг ёки керагича алмаштиринг.
	Таъминот оқими ёки босим етишмаяпти.	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.

Аломати	Муаммо	Ечими
	Фильтр тиқилган.	Фильтрни алмаштиринг.
	Максимал ишлаш босимидан ошиб кетмоқда (ProDrive™ бўлмаган машиналар).	Пастки тезликка ўтказинг.
	Максимал ишлаш босимидан ошиб кетмоқда (ProDrive™ машиналар).	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Узатма тизими босим ҳосил қила олмаяпти.	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Сақлагич клапан очиқ.	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
Юриш тезлиги равон эмас.	Мой кам.	Сизиб чиқишни текширинг ва тузатинг. Резервуарни тўлдиринг.
	Фильтр тиқилган.	Гидростатик таъминот фильтрини алмаштиринг.
	Максимал ишлаш босимидан ошиб кетмоқда (ProDrive™ бўлмаган машиналар).	Пастки тезликка ўтказинг ёки тўлиқ узатмани ишга туширинг.
	Максимал ишлаш босимидан ошиб кетмоқда (ProDrive™ машиналар).	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Кўп функцияли дастак нейтралга қараб сурилади.	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Тизим қувват босимини тутиб тура олмаяпти.	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
Тезлик диапазонини танлагич нейтралдалигида машина тўхтамайди (ProDrive™ бўлмаган машиналар).	Назорат кабели силжиган.	Кабелни нейтрал ҳолатига ростланг.
Қувват кам ёки йўқолиб қолмоқда. Машина тезлик миқёсини танлагичга жавоб бермаяпти.	Мой камайган.	Сизиб чиқишни текширинг ва тузатинг. Резервуарни тўлдиринг.
	Фильтр тиқилган.	Гидростатик таъминот фильтрини алмаштиринг.
	Таъминот оқими ёки босим етишмаяпти.	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Ёқилғи фильтри ифлосланган.	Ёқилғи фильтрини алмаштиринг.
	Ажраткич стаканида сув бор.	Ажраткич стаканидаги сувни чиқариб ташланг.

Аломати	Муаммо	Ечими
	Узатма тизими босимини тутиб тура олмаяпти ёки ҳосил қила олмаяпти.	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Тизим ерда юриш носозлигини аниқламоқда.	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.

OUO6075,00046A2-UZ-28MAR17

Тўрт ғилдиракли узатма (опция)

Аломати	Муаммо	Ечими
Тўрт ғилдиракли узатма ишга туширилганида машина юрмайди.	Орқа ғилдиракнинг биттаси ёки иккаласи ҳам жойида айланмоқда.	Кўп функцияли дастакни олдинга суриш орқали гидростатик насос оқимини оширинг.
	Консолдаги электр консол тугмаси яроқсиз.	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг
	Бошқарув клапанидаги электромагнитли клапан яроқсиз.	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Бошқарув клапанидаги ғалтак ҳаракатланмаяпти.	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
Тўрт ғилдиракли узатма ўчирилганида машина юрмайди.	Асосий тизим ва орқа ғилдирак узатма бошқаруви клапани орасидаги линия ёки уланиш носоз.	Заруриятга қараб қисмларни таъмирланг ёки алмаштиринг.
Тўрт ғилдиракли узатма ўчмаяпти.	Консолдаги электр консол тугмаси яроқсиз.	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг
	Бошқарув клапанидаги электромагнитли клапан яроқсиз.	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Бошқарув клапанидаги ғалтак ишламаяпти.	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
Йўлда юриш тезлигида орқа ғилдираклар дайдимоқда.	Схождение бузилган.	Схождениени ростланг.

OUO6075,000457A-UZ-10JAN17

Руль

Аломати	Муаммо	Ечими
Йўлда юриш тезлигида орқа ғилдираклар дайдимоқда.	Схождение бузилган.	Схождениени ростланг.
Тўлиқ бурилишда руль сошкалари тўхтагичларга тегмаяпти.	Руль цилиндри ростланмаган.	Цилиндрни ростланг.

Аломати	Муаммо	Ечими
Рулни буриш қийин.	Мотор узатма қутиси резервуарида мой кам.	Мой қуйинг.

OUO6075,00046F0-UZ-29MAR17

Тормозлар

Аломати	Муаммо	Ечими
Тормоз педали тез босилади.	Тормоз суюқлиги кам (ProDrive бўлмаган машиналар).	Тормоз суюқлиги қўшинг.
	Тормоз педали штоклари ростланмаган (ProDrive машиналар).	Тормоз педали штокларидаги контргайкани ростланг.
	Тизимда ҳаво бор.	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
Тормоз қуввати йўқолмоқда.	Накладкалар силлиқлашган (ProDrive бўлмаган машиналар).	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Босим яроқсиз (ProDrive машиналари).	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Накладкалар ейилган.	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
Тўхтаб туриш тормози ушламаяпти.	Тўхтаб туриш тормози тўғри ростланмаган (ProDrive бўлмаган машиналар).	Тўхтаб туриш тормозини ростланг.
	Пружина кучи йўқ (ProDrive машиналар).	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Накладкалар силлиқлашган (ProDrive бўлмаган машиналар).	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Тормоз какладкалари ейилган (ProDrive машиналар).	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Машинани ҳаракатлантириш учун қўлда бошқарувга ўтилган (ProDrive машиналар).	Трансмиссиядан қалпоқчали винтларни ечиб олинг.

OUO6075,00000F7-UZ-29APR08

Мотор

Аломати	Муаммо	Ечими
Мотор айланмаяпти	Кучсиз аккумулятор	Аккумуляторни зарядланг ёки алмаштиринг.
	Аккумулятор уланган жойлар оксидланиб қолган ёки бўшаган	Аккумулятор клеммалари ва уланган жойларини тозаланг.

Аломати	Муаммо	Ечими
	Бош ўчиргич ёки авариявий ўчиргич носоз	Ўчиргични кераклича таъмирланг.
	Стартер соленоиди носоз	Соленоидни алмаштиринг.
	Стартер носоз	Стартерни алмаштиринг.
Моторни ўт олиши қийин ёки ўт олмаяпти	Ўт олдириш тизимида муаммо	Моторни ишга тушириш тизими етарлича кучли эмас
		Мотор айланмаяпти саволидаги босқичларни бажаринг.
	Ёқилғи сифати ёмон	Ёқилғини бўшатиб, керакли навдаги сифатли ёқилғи қуйинг.
	Коленвал айланиш тезлиги секин	Зарядлаш/ўт олдириш тизимидаги муаммони қидиринг.
	Мотор мойи ҳаддан ташқари қайишқоқ	Мотор картерини бўшатинг ва мос келадиган қайишқоқликдаги мой билан алмаштиринг.
	Электрон бошқарув тизимида муаммо ёки моторга оид муаммо	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
Мотор нотўғри ўт олмоқда ёки бир текис ишламаяпти	Ёқилғи сифати ёмон	Ёқилғини бўшатиб, керакли навдаги сифатли ёқилғи қуйинг.
	Электрон бошқарув тизимида муаммо ёки моторга оид муаммо	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
Мотор қуввати етмаяпти	Ёқилғи сифати ёмон	Ёқилғини бўшатиб, керакли навдаги сифатли ёқилғи қуйинг.
	Ёқилғи фильтри тиқилган	Ёқилғи фильтрларини алмаштиринг.
	Мотор ортиқча юкланган	Мотор юкламасини камайтиринг.
	Картер мойи мос эмас	Мотор картерини бўшатинг ва мос келадиган қайишқоқликдаги мой билан алмаштиринг.
	Электрон бошқарув тизимида муаммо ёки моторга оид муаммо	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Носозлик диагностик коди туфайли мотор номиналлари пасайтирилган	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Чиқинди газ фильтрини тозалаш кераклиги туфайли мотор номиналлари пасайтирилган.	Чиқинди газ фильтрини автоматик тозалаш режимини ёқинг ва чиқинди газ фильтрини қўлда тозалашни сўранг.

Аломати	Муаммо	Ечими
Мотордан қора ёки кулранг тутун чиқмоқда	Мотор ортиқча юкланган	Мотор юкламасини камайтиринг.
	Ёқилғи тури тўғри танланмаган.	Мос келадиган ёқилғидан фойдаланинг.
	Ҳаво тозалагич тиқилган ёки ифлосланган	Ҳаво тозалагич элементини заруриятга қараб алмаштиринг.
	Глушитель/чиқинди газ қувурлари носоз (тескари босим бермоқда)	Глушитель ёки носоз қувурларни алмаштиринг.
	Электрон бошқарув тизимида муаммо ёки моторга оид муаммо	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Ёқилғи инжекторлар ифлосланган.	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Юқори босимли ёқилғи насоси синхронланмаган.	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Турбокомпрессор ишламаяпти.	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Ишланган газ фильтри ёрилган ёки шикастланган.	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
Мотор оқ тутун чиқармоқда	Мотор компрессияси жуда паст	Паст компрессия сабабини аниқланг ва тегишли тарзда таъмирланг. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Ёқилғи тури тўғри танланмаган.	Мос келадиган ёқилғидан фойдаланинг.
	Мотор ҳарорати паст.	Моторни нормал ишлаш ҳароратигача қиздиринг.
	Термостатлар носоз	Термостатларни синанг; заруратга кўра алмаштиринг.
	Ёниш камерасига совитгич кирмоқда (цилиндр каллак қистирмаси носоз ёки цилиндр каллаги ёрилган)	Зарур бўлса таъмирланг ёки алмаштиринг. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Электрон бошқарув тизимида муаммо ёки моторга оид муаммо	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Ёқилғи инжекторлар носоз.	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Юқори босимли ёқилғи насоси синхронланмаган.	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
Мотор холостойда яхши ишламайди	Ёқилғи сифати ёмон	Ёқилғини бўшатиб, керакли навдаги сифатли ёқилғи қуйинг.

Аломати	Муаммо	Ечими
	Ҳаво тортиш тизимининг сўриш қисмида ҳаво сизиб чиқади.	Шланг ва қувур уланишлари герметиклигини текширинг; заруратга қараб таъмирланг.
	Электрон бошқарув тизимида муаммо ёки моторга оид муаммо	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
Ёқилғи кўп сарфланяпти	Ёқилғи сифати ёмон	Ёқилғини бўшатиб, керакли навдаги сифатли ёқилғи қуйинг.
	Мотор ортиқча юкланган	Мотор юкламасини камайтиринг.
	Ҳаво тозалагич тиқилган ёки ифлосланган	Ҳаво тозалагич элементини заруриятга қараб алмаштиринг.
	Компрессия жуда паст	Паст компрессия сабабини аниқланг ва тегишли тарзда таъмирланг.
	Ёқилғи таъминоти тизимида сизиб чиқиш бор	Сизиб чиқаётган жойни аниқланг ва кераклича таъмирланг.
	Ёқилғи тури тўғри танланмаган.	Мос келадиган ёқилғидан фойдаланинг.
	Ёқилғи сифати ёмон	Ёқилғини бўшатиб, керакли навдаги сифатли ёқилғи қуйинг.
	Клапан зазори тўғри эмас.	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Ёқилғи инжекторлар носоз.	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Юқори босимли ёқилғи насоси синхронланмаган.	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Турбокомпрессор нотўғри ишлаяпти.	Турбокомпрессорни кўздан кечиринг. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Мотор ҳарорати паст.	Термостатларни текширинг.
Мойда ёқилғи бор	Цилиндр каллаги ёрилган	Ёрилган жойини аниқланг, қисмларни заруриятга қараб таъмирланг/алмаштиринг. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Электрон насос-форсунка зичлагич ҳалқаси ёрилган ёки ейилган	Шубҳа остидаги электрон насос-форсункани ечиб олиб, заруратга кўра зичлагич ҳалқани алмаштиринг. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
Ёқилғи босими паст	Ёқилғи фильтри тиқилган	Ёқилғи фильтрини алмаштиринг.

Аломати	Муаммо	Ечими
	Ёқилғи қувури бекилиб қолган	Тиқилган жойини аниқланг ва кераклича таъмирланг.
	Ёқилғи ўтказиш насоси носоз	Ёқилғи ўтказиш насосини ечиб олинг; заруратга кўра таъмирланг/ алмаштиринг. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
Ёқилғида ҳаво бор	Электрон насос-форсунка қисқичи бўшаган	Қисқич қалпоқчали винтини керакли моментга қотиринг. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Электрон насос-форсунка зичлагич ҳалқаси ёрилган ёки ейилган	Шубҳа остидаги электрон насос-форсункани ечиб олиб, заруратга кўра зичлагич ҳалқани алмаштиринг. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
Мой босими паст	Картерда мой кам	Картерга керакли миқдорда мой қуйинг.
	Картерда мой жуда кўп	Картерга керакли миқдорда мой қуйинг.
	Босим датчиги носозлиги	Датчикни алмаштиринг. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Мой кулери ёки фильтри тўлиб қолган	Мой кулерини ечиб олиб, кўздан кечиринг. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Мой ҳароратининг меъёрдан ортиқ қизиши	Мой кулерини ечиб олиб, кўздан кечиринг. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Мой насоси носоз	Мой насосини ечиб олиб, кўздан кечиринг. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Нотўғри мой	Мотор картерини бўшатинг ва мос келадиган мой билан тўлдиринг.
	Мой босимини меъёрловчи клапан ишдан чиққан	Мой босимини меъёрловчи клапанни ечиб олиб, кўздан кечиринг. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Поршен пуркагичи синган	Поршен пуркагичини алмаштиринг. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Мой насоси панжараси тиқилган ёки мой йиғувчи патрубок ёрилган	Мой таглигини ечиб олиб, панжарани тозаланг/мой йиғувчи патрубокни алмаштиринг.

Аломати	Муаммо	Ечими
	Асосий подшипник ёки шатун подшипниги зазори ортиқча	Подшипник зазорини аниқланг. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
Мой босими юқори	Мой таснифи мос эмас	Мотор картерини бўшатинг ва мос келадиган мой билан тўлдиринг.
	Босим датчиги носозлиги	Датчикни алмаштиринг. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Мой босимини меъёрловчи клапан втулкаси бўшаган (тебранади)	Мой босимини меъёрловчи клапанни ечиб олиб, кўздан кечиринг. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Меъёрловчи клапан нотўғри ишлаяпти	Мой босимини меъёрловчи клапанни ечиб олиб, кўздан кечиринг. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Поршен пуркагичи тиқилган	Поршен пуркагичини алмаштиринг. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Фильтрнинг ўтказиш клапани тиқилган ёки шикастланган	Фильтрнинг ўтказиш клапанини олиб, кўздан кечиринг. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Мой кулери ўтказиш клапани тиқилган ёки шикастланган	Мой кулери ўтказиш клапанини ечиб олиб, кўздан кечиринг. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
Мой кўп сарфланяпти	Мотор мойининг қайишқоқлиги ўта паст	Мотор картерини бўшатинг ва мос келадиган қайишқоқликдаги мой билан тўлдиринг.
	Картерда мой жуда кўп	Керакли миқдоргача камайтиринг.
	Мой ташқарига сизиб чиқмоқда	Мой сизиб чиқаётган жойни аниқланг ва кераклича таъмирланг.
	Мой олувчи ҳалқалар жойига ўрнашмаган	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Мой олувчи ҳалқалар ейилган ёки синган	Поршен ҳалқаларини алмаштиринг. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Цилиндр гильзалари ёки поршенлар ғадир-будур	Цилиндр ва гильзаларни кўздан кечиринг; заруратга қараб алмаштиринг. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Клапан йўналтиргичлари ёки стерженлар ейилган	Клапан штоки ва йўналтирувчи втулкаларни кўздан кечириб, ўлчанг; заруратга қараб таъмирланг. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.

Аломати	Муаммо	Ечими
	Мой босими ортиқча	Шу бўлимдаги Мой босими юқори қисмига қаранг.
	Поршен ариқчалари ейилиб кетган	Поршенларни ечиб олиб, кўздан кечиринг. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Поршен ҳалқалари ариқчаларга кирмоқда	Поршенларни ечиб олиб, кўздан кечиринг. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Поршен ҳалқаси таранглиги етарли эмас	Поршенларни ечиб олиб, кўздан кечиринг. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Поршен ҳалқаси зазорлари бўшаштирилмаган	Поршенларни ечиб олиб, кўздан кечиринг. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Коленвал олд ва/ёки орқа зичлагичи носоз	Мой зичлагичларни алмаштиринг. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
Моторда ғайриоддий шовқин [1]	Асосий подшипник ёки шатун подшипниги ейилган	Подшипник зазорини аниқланг. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Коленвал ўқи люфти ортиқча	Коленвал ўқи люфтини текширинг. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Асосий подшипник қопқоқлари бўшаган	Подшипник зазорини текширинг; подшипниклар ва қалпоқчали винтларини заруратга кўра алмаштиринг. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Шатун втулкалари ва поршен бармоғи ейилган	Поршен бармоғи ва шатун втулкаларини кўздан кечиринг. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Поршенлар ғадир-будур	Поршенларни кўздан кечиринг. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Тишли ғилдирак ейилган ёки ён зазор ортиқча	Тишли ғилдирак зазорини текширинг. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Клапан зазори ортиқча	Клапан зазорини текширинг ва ростланг. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Распредвал кулачоклари ейилган	Распредвални алмаштиринг. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.

[1] ҚАЙД: Моторни ўт олдиргандан кейин ўзгарувчан геометрияли турбонаддув қайта айланади, натижада мотор озгина ғувиллайди. Бу нормал ҳолат. Инерция бўйича ҳаракат пайтидаги шовқин ва увиллаш билан чалкаштирманг, у подшипник носозлигини билдиради.

Аломати	Муаммо	Ечими
	Шайин ўқи ейилган	Шайин ўқларини алмаштиринг. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Мотор етарлича смазкаланмаган	Шу бўлимдаги Смазкалаш тизими муаммолари қисмига қаранг.
	Турбокомпрессорда шовқин	Шу бўлимдаги Ҳаво тортиш тизими муаммолари қисмига қаранг.
Турбокомпрессор ҳуштак чалади	Кириш коллекторида ҳаво сизиб чиқмоқда.	Кириш коллектори қистирмаси ва коллекторни текширинг; заруратга қараб таъмирланг. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
Турбокомпрессорда шовқин ёки тебраниш [2]	Подшипниклар смазкаланмаган (мой босими етарли эмас)	Смазка етишмаслиги сабабини аниқланг ва тегишли тарзда таъмирланг. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Кириш ёки чиқариш коллекторида ҳаво сизиб чиқмоқда	Кириш ва чиқариш коллектори қистирмаси ва коллекторни текширинг; заруратга қараб таъмирланг. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Турбина ғилдираги ва турбина корпуси орасида зазор нотўғри	Турбокомпрессорни кўздан кечиринг; заруратга қараб таъмирланг/алмаштиринг. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Парраклар синган (ёки бошқа ғилдирак носозлиги)	Турбокомпрессорни кўздан кечиринг; заруратга қараб таъмирланг/алмаштиринг. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
Турбокомпрессор сиқувчи ғилдираги ёки компрессор корпусида мой (мой ўрта корпус орқали кирмоқда ёки чиқмоқда)	Картердаги босим ортиқча.	Картердаги ортиқча босим сабабини аниқланг ва тегишли тарзда таъмирланг. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Ҳаво олиш тўсилиб қолган	Тўсилиш сабабини аниқланг; заруратга қараб таъмирланг. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Оқава найчаси тўсилган	Оқава найчаси тўсилиш сабабини аниқланг; заруратга қараб таъмирланг. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.

[2] *ҚАЙД: Моторни ўт олдиргандан кейин ўзгарувчан геометрияли турбонаддув қайта айланади, натижада мотор озгина ғувиллайди. Бу нормал ҳолат. Инерция бўйича ҳаракат пайтидаги шовқин ва увиллаш билан чалкаштирманг, у подшипник носозлигини билдиради.*

Аломати	Муаммо	Ечими
Кириш коллекторида мой ёки турбокомпрессор корпусидан томмоқда	Картердаги босим ортиқча	Картердаги ортиқча босим сабабини аниқланг ва тегишли тарзда таъмирланг. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Ҳаво олиш тўсилиб қолган	Тўсилиш сабабини аниқланг; заруратга қараб таъмирланг. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Оқава найчаси тўсилган	Оқава найчаси тўсилиш сабабини аниқланг; заруратга қараб таъмирланг. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Корпус подшипниклари шикастланган ёки ейилган	Турбокомпрессорни кўздан кечиринг; заруратга қараб таъмирланг/алмаштиринг. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Айланувчи қисм мувозанатланмаган	Турбокомпрессорни кўздан кечиринг; заруратга қараб таъмирланг/алмаштиринг. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Турбина ёки сиқиш ғилдираги ёки парракка зиён етган	Турбокомпрессорни кўздан кечиринг; заруратга қараб таъмирланг/алмаштиринг. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Ғилдирак ёки парракда лой ёки углерод йиғилган	Ҳаво олишдаги сизиб чиқишларни текширинг (ҳаво фильтридан кейин). Турбокомпрессорни кўздан кечиринг; заруратга қараб таъмирланг/алмаштиринг. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Подшипник ейилган	Турбокомпрессорни кўздан кечиринг; заруратга қараб таъмирланг/алмаштиринг. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Мой етмаяпти ёки етарлича смазкаланмаган	Смазка етишмаслиги сабабини аниқланг ва тегишли тарзда таъмирланг. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Вал зичлагичи ейилган	Турбокомпрессорни кўздан кечиринг; заруратга қараб таъмирланг/алмаштиринг. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
Турбокомпрессор турбина ғилдираги судралмоқда	Кокслашган мой ёки ёнишдан қолган қолдиқлар туфайли турбина ғилдираги орқасида углерод йиғилган	Турбокомпрессорни кўздан кечиринг; заруратга қараб таъмирланг/алмаштиринг. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.

Аломати	Муаммо	Ечими
	Ҳаво олиш қувуридаги сизиб чиқиш туфайли компрессор ғилдираги орқасида чанг йиғилиб қолган	Турбокомпрессорни кўздан кечиринг; заруратга қараб таъмирланг/алмаштиринг. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Подшипник тишлашиб қолган, ифлос ёки ейилиб кетган	Турбокомпрессорни кўздан кечиринг; заруратга қараб таъмирланг/алмаштиринг. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
Мотор меъёрдан ортиқ қизимоқда	Мотор ортиқча юкланган.	Мотор юкламасини камайтиринг.
	Совитиш моддаси кам.	Совитиш тизимини керакли миқдорга тўлдиринг, радиаторни ва шланглар бўшаб қолгани ёки сизиб чиқаётганини текширинг.
	Мувозанатловчи бак қопқоғи носоз	Мувозанатловчи бак қопқоғини заруратга қараб алмаштиринг.
	Вентилятор ремени бўшаб қолган ёки носозлик бор	Вентилятор ременини заруратга қараб алмаштиринг. Ремен таранглаткични текширинг.
	Моторнинг мой миқдори кам.	Мой миқдорини текширинг. Керагича мой қуйинг.
	Совитиш тизимини чайиш талаб этилади.	Совитиш тизимини бўшатинг.
	Термостатлар носоз	Заруратга қараб термостатларни ечиб олинг ва текширинг.
	Ҳарорат кўрсаткичи ёки передатчигида носозлик бор.	Совитгич ҳароратини термометр билан ўлчанг ва заруратга қараб алмаштиринг.
	Мой маркаси тўғри танланмаган.	Мос келадиган маркадаги мойдан фойдаланинг.
	Радиатор ўзаги ифлосланган	Радиаторни заруратга қараб тозаланг.
	Картерда мой жуда кам	Картерга керакли миқдорда мой қуйинг.
	Цилиндр каллак қистирмаси шикастланган	Цилиндр каллак қистирмасини алмаштиринг. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Совитгич насоси носоз	Совитгич насосини алмаштиринг. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.

Аломати	Муаммо	Ечими
Картерда совитгич бор	Цилиндр каллак қистирмаси носоз	Цилиндр каллак қистирмасини алмаштиринг. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Цилиндр каллаги ёки блоки ёрилган	Ёрилган жойини аниқланг, қисмларни заруриятга қараб таъмирланг/алмаштиринг.
	Цилиндр гильза зичлагичларидан сизиб чиқмоқда	Цилиндр гильзаларини ечиб олиб, кўздан кечиринг. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Мой кулеридан сизиб чиқмоқда	Мой кулерини босим билан синанг, заруратга қараб таъмирланг/ алмаштиринг. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Мой кулери зичлагич ҳалқалари носоз	Мой кулери зичлагич ҳалқаларини ечиб олиб, кўздан кечиринг; заруратга қараб алмаштиринг. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Совитгич насоси зичлагичи носоз; оқава тешиги тиқилган; подшипникдан совитгич сизиб чиқмоқда	Совитгич насоси зичлагичларини алмаштиринг. Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
Совитгич ҳарорати нормалдан паст	Термостатлар носоз	Термостатларни синанг; заруратга кўра алмаштиринг.

OUO6075,0000C98-UZ-20JUN11

Электр

Аломати	Муаммо	Ечими
Тизим кам юкланган	Қўшилган аксессуар туфайли ортиқча электр юкламаси.	Аксессуарларни олиб ташланг ёки кучлироқ генератор ўрнатинг.
	Мотор холостойда узоқ қолган.	Электр юклама ошганда мотор айланиш тезлигини оширинг.
	Аккумулятор, ерга улаш шинаси, стартер ёки генераторда электр уланишлари заиф.	Кўздан кечириб, керак бўлса тозаланг.
	Аккумулятор носоз.	Аккумуляторларни синанг.
	Генератор носоз.	Зарядлаш тизимини синанг.
Аккумулятор жуда кўп сув сарфламоқда	Аккумулятор корпуси ёрилган.	Намликни текширинг ва керак бўлса алмаштиринг.
	Аккумуляторни зарядлаш тезлиги жуда юқори.	Зарядлаш тизимини синанг.

Аломати	Муаммо	Ечими
Аккумуляторлар қувват олмаяпти	Уланган жойлар бўшаган ёки оксидланиб қолган.	Уланишларни тозаланг ва қотиринг.
	Аккумуляторлар сулфатланган ёки эскирган.	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Ремен чўзилган ёки ремен таранглаткич носоз.	Ремен таранглигини ростланг ёки алмаштиринг.
Стартер ўт олмайди	Мотор трансмиссияси ёқилган.	Мотор трансмиссиясини ўчиринг.
	Уланган жойлар бўшаган ёки оксидланиб қолган.	Бўшаган уланишларни тозаланг ва қотиринг.
	Аккумулятор кам кучланиш бермоқда ёки заряди камайган.	Аккумуляторларни зарядланг ёки алмаштиринг.
	Стартёр занжири релеси носоз.	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Сақлагич куйган.	Сақлагични алмаштиринг.
		Аккумулятор клеммалари ва уланган жойларини тозаланг.
	Бош ўчиргич ёки авариявий ўчиргич носоз	Ўчиргични кераклича таъмирланг.
	Стартер соленоиди носоз	Соленоидни алмаштиринг.
	Стартер носоз	Стартерни алмаштиринг.
Стартер қўлда секин ўт олади	Аккумулятор кам ток бермоқда.	Аккумуляторларни зарядланг.
	Мотор картери мойи ҳаддан ташқари оғир.	Тўғри қайишқоқликдаги мой ишлатинг.
	Уланган жойлар бўшаган ёки оксидланиб қолган.	Бўшаган уланишларни тозаланг ва қотиринг.
Тўлиқ электр тизими ишламаяпти	Аккумулятор уланиши носоз.	Уланишларни тозаланг ва қотиринг.
	Аккумуляторлар сулфатланган ёки эскирган.	Аккумуляторларни алмаштиринг.
	Сақлагич куйган.	Сақлагични алмаштиринг.

OUO6075,0000C99-UZ-20JUN11

Иситкич

Аломати	Муаммо	Ечими
Иситкич иссиқ ҳавони пуфламаяпти.	Циркуляция фильтри ифлосланган.	Фильтрни тозаланг.

Аломати	Муаммо	Ечими
	Сув чиқариш коллекторида термостат йўқ.	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Сув чиқариш коллекторида термостат носоз.	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Иситкич ҳарорат назорати носоз.	Назорат воситасини алмаштиринг.
	Иситкич шланги букилган. Иситкич клапани носоз.	Тўғриланг ёки алмаштиринг. Клапанни алмаштиринг.

OUO6075,0000B24-UZ-14MAR07

Кондиционер

Аломати	Муаммо	Ечими
Совитилмаяпти ёки етарли эмас	Ҳарорат назорати OFF ҳолатида.	Кондиционерни ON ҳолатига буранг.
	Компрессор ремени ўчиқ ёки синган.	Ременни алмаштиринг.
	Компрессор ишламаяпти (чап кириш панелидаги йирик ва кичик шланглар бир хил ҳароратда бўлса).	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Ҳарорат назорати жавоб бермаяпти (ҳарорат қопқоғи синган, натижада ҳаво илиқ).	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Паст босим огоҳлантириши (тизимда совитгич йўқ).	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Юқори босим огоҳлантириши (тизимда кўпайиб кетган).	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
Компрессор муфтаси ортиқча айланади ёки компрессор 15 дақиқа OFF ҳолатида қолади.	Буғлантиргич музламоқда.	Назорат воситаларини тўғри ростланг. Қўшимча маълумот учун комбайн умумий иловалари ёрдами ёки Оператор иш жойи ёрдамига қаранг. Жалюзини очинг. Фильтрларни тозаланг. Мурватни иссиқроқ созламага суринг.
Кабинада нохуш ҳид.	Оқава найчаси тиқилган. Фильтрлар ифлосланган. Кабина ифлосланган.	Конденсат патрубогини пуфлаб тозаланг ва буғлантиргич таглигини тозаланг. Фильтрларни тозаланг. Кабинани чангютқич билан тозаланг.
		Конденсат оқава найчасида клапан ўрнатилганига амин бўлинг.

OUO6075,0004572-UZ-19JAN17

Намлик датчиги (жиҳозланган бўлса)

Аломати	Муаммо	Ечими
Намлик жуда юқори.	Намлик датчиги плитасида поя шарбати ёки ёввойи ўтлар йиғилиб қолган.	Намлик датчиги плитасини тозаланг.
Намлик доим юқори ёки паст.	Намликни тўғрилаш тизимини ростлаш керак.	Намликни тўғрилаш тизимини ўзгартиринг.
Намлик ўзгармайди ёки доим паст.	Датчик тўсилиб қолган.	Элеватор маҳкамлаш блокини кўздан кечиринг ва заруратга қараб тозаланг.
Намлик кўрсаткичи аниқ эмас.	Нотўғри экин танланган.	Тўғри экинни танланг.
	Намлик датчиги ростланмаган.	Намликни тўғрилаш тизимини ўзгартиринг.
Намлик доим нолда.	Ёзиб олишда муаммо бор.	Ўрим-йиғим пайтида ёзиб олиш ҳолати ON бўлишини текширинг.

OUO6075,0000A75-UZ-03NOV10

Умумий оқим датчиги (жиҳозланган бўлса)

Аломати	Муаммо	Ечими
Ҳосил доим жуда юқори ёки жуда паст.	Тизимни калибрлаш керак.	Ҳосилни калибрлаш тизимини ўзгартиринг.
	Ўроқ кенглиги нотўғри.	Ўроқ кенглигини ўзгартиринг.
	Нотўғри экин танланган.	Тўғри экинни танланг.
	Амортизацион тўсиқда чанг, лой ёки чиқинди тўпланган.	Амортизацион тўсиқни тозаланг.
Ҳосил нолда.	Юриш тезлиги йўқ.	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Тоза дон элеватори жуда секин.	Жон Дир дилерига мурожаат қилинг.
	Ёзиб олишда муаммо бор.	Ўрим-йиғим пайтида ёзиб олиш ҳолати ON бўлишини текширинг.

OUO6075,0000A76-UZ-03NOV10

Combine Advisor™

Аломати	Муаммо	Ечими
Паст экин оқими учун носозликларга автоматик хизмат кўрсатиш ёки носозлик диагностик коди	Нотўғри экин танланган.	Тўғри экинни танланг.

Аломати	Муаммо	Ечими
	Тоза дон элеваторининг намлик датчигининг четлови тўсилган.	Тўсиқларни четловдан олиб ташланг.
	ActiveVision™ камера экин оқимини аниқламаяпти.	Камера ойнасини тозаланг. Батафсил маълумот учун Техник хизмат кўрсатиш — Ҳар 10 соатда бўлимига қаранг. Камерани қуритиш картрижини алмаштиринг. Қўшимча маълумот олиш учун Техник хизмат кўрсатиш — Заруратга кўра бўлимига қаранг.

OUO6075,000507D-UZ-30MAR21

ActiveVision — Deere & Company савдо белгиси

Сақлаш

Машинани сақлашга тайёрлаш

Конденсатор ва мой совиткичини чиқаринг ва радиаторни ҳаво, сув ёки чангютқич билан тозаланг.

Радиаторни тозалаб булгандан кейин, конденсатор ва мой совиткични тозаланг. Хаво олиш кулерини тозаланг.

Ҳар 60-90 кунда моторни ўт олдириб, кондиционерни ЁҚИБ туринг. Компрессор зичлагичи мойланиши учун моторни секин холостойда бир неча дақиқа ишлатиб қўйинг. Кондиционер тўғри ишлаши учун ташқи ҳарорат 5°C (40°F) дан юқори бўлиши керак.

Моторнинг ташқи сиртини хавфсиз эритма билан тозаланг.

⚠ ДИҚҚАТ: Бензин ИШЛАТМАНГ.

Ҳаво тозалагич ичини тозаланг ва янги элементларни ўрнатинг.

Мотор илиқлигида картерни бўшатинг. Фильтрни алмаштириб, керакли мой билан тўлдиринг. Двигатель картерига 0.66 л (22 унция) коррозия ингибитори қўшинг. Мой айланиши учун моторни юргизинг.

Совитиш тизимини бўшатинг, чайинг ва 50/50 антифриз ва сув аралашмаси билан қайта тўлдиринг.

МУҲИМ: Машинада узоқ (12 ойдан юқори) муддат сақлаш тавсия этилмайди. Агар узоқ муддатда сақлаш керак бўлса, вақти-вақти билан DEF синаб турилиши керак, чунки карбамид концентрацияси ортиб кетмаслиги керак.

Final Tier 4/Stage V: Дизель газини тозалаш суюқлигини (DEF) ишлатиш муддати чекланган, аммо сақлаш шароитларига қараб, машинада 12 ойгача сақланиши мумкин. Қўшимча маълумот учун Ёқилғи ва смазкалар бўлими, Дизель газини тозалаш суюқлигини сақлаш ва дизель газини тозалаш суюқлиги резервуарини қайта тўлдириш қисмига қаранг. Батафсил маълумот учун Техник хизмат кўрсатиш – Заруратга кўра (Мотор суюқликлари ва фильтрлари) бўлимидаги DEF баки – Тўлдириш ва DEF баки – Бўшатиш қисмларига қаранг.

МУҲИМ: Final Tier 4/Stage V: Машина ЎЧГАЧ, камида 90 сония аккумуляторни узманг. Бу пайтда, машина тўхтаган заҳоти SCR тизими автоматик равишда DEF линияларига дам юбориб, бўшатади. Агар линиялар бўшатилишига етарли вақт берилмаса, линияда қолган суюқлик кристаллашиб, линияларга тиқилиб қолиши мумкин. Музлатадиган об-ҳавода суюқлик музлаб, қувурлар ёрилиши мумкин.

ҚАЙД: Машина 25 кундан узоқ сақланадиган бўлса, аккумуляторни узиш дастагини ЎЧИҚ ҳолатига буранг. Агар 90 кундан узоқ сақланадиган бўлса, аккумулятор юкланишини камайтириш учун унга уланган манфий симни узиб қўйинг.

Аккумуляторларни тўлиқ зарядланг. Солиштирма оғирлик 1.260 волтга тенг. Аккумуляторга юкланишни камайтириш учун унга уланган манфий симни узиб қўйинг.

Сув ажраткич сувини тўкиб ташланг.

Машина ичи ва ташини тозаланг. Элеватор эшиклари ва чиқариш қопқоқларини очиқ қолдиринг.

Камгак ичида материаллар тўпланиб қолмаслиги учун камгакни бир неча марта юқорига ва пастга айлантиринг.

МУҲИМ: Босимли сувни электроника/электр қисмларга ёки симларга, подшипникларга ва гидравлик зичлагичлар, ёқилғи қуйиш насосларига ёки бошқа нозик қисмларга ва компонентларга йўналтириш қисмларни ишдан чиқишига олиб келиши мумкин. Босимни пасайтиринг ва 45-90 гача бурчак остида пурканг.

Зарур бўлган жойларни қайта бўянг.

ҚАЙД: Машинани мумлаш шарт эмас. Агар истасангиз, таркибида абразив бўлмаган, тоза ва сифатли мумдан фойдаланишингиз мумкин. Бундай турдаги мумлар таркибида одатда тозаловчи моддалар бўлмайди.

Машина ва ростлаш болтлари резьбаларини смазкаланг.

Ҳар 400 соатда (йиллик) сервис кўрсатинг.

Конденсатланмаслиги учун ёқилғи бакини тўлдиринг.

МУҲИМ: Ёқилғини барқарорлаштириш ва конденсациянинг олдини олиш учун қуйидаги ҳолатларда ёқилғи кондиционерини қўшинг:

- **Ёқилғи узоқ муддат ёқилғи резервуарларида (машина ёки омборда) сақланади. Тавсияларни Жон Дир дилеридан олинг.**
- **Ёқилғининг секин айланишидан фойдаланилмоқда. Тавсияларни Жон Дир дилеридан олинг.**

Машинани узоқ вақт сақлаш учун энг яхши амалиёт - бу биодизелни тўкиш ва одатдаги дизель ёқилғисини қуйишдир. Бўлмаса, биодизель барқарорлаштирувчи (антиоксидант) қўшимчаларини ёки тўлиқ шаклланган биодизель кондиционерларини ишлатинг. Тавсияларни Жон Дир дилеридан олинг.

Агар машина узоқ муддат сақланадиган бўлса, аккумуляторини ечиб олиб, тозаланг. Уларни салқин, қуруқ жойда сақланг, зарядлаб туринг.

Машинани сақлашга қўйишдан олдин ҳаво компрессори резервуари (агар бўлса) суви чиқариб ташланиши керак.

OUO6075,0004A72-UZ-10DEC18

Машинани сақлашдан чиқариш

Аккумуляторларни қайта уланг ва/ёки зарядланг.

Аккумуляторларни тўлиқ зарядланг. Солиштирма оғирлик 1.260 волтга тенг. Аккумуляторга юкланишни камайтириш учун унга уланган манфий симни узиб қўйинг.

Мой ва совитгич миқдорини текширинг. Сизиб чиқмаётганини текширинг ва керак бўлса, мой ва совитгич қуйинг.

Final Tier 4/Stage V: Агар дизель газини тозалаш суюқлиги (DEF) баки бўшатилмаган бўлса, карбамид концентрациясини текширинг. Қўшимча маълумот учун Ёқилғи ва смазкалар бўлимидаги Дизель газини тозалаш суюқлигини (DEF) текшириш қисмига қаранг. Агар концентрацияси меъёрида бўлмаса, тўкиб ташлаб, янги DEF қуйинг. Дизель газини тозалаш суюқлиги (DEF) баки бўшатилган бўлса, бакни тўлдиринг. Батафсил маълумот учун Техник хизмат кўрсатиш – Заруратга кўра (Мотор суюқликлари ва фильтрлари) бўлимидаги DEF баки – Тўлдириш қисмига қаранг.

ActiveVision™ тоза дон элеватори камераси ва қипиқ тизимининг камера қуритадиган картриджини алмаштиринг (жиҳозланган бўлса). Қўшимча маълумот олиш Хизмат кўрсатиш – Ҳар 400 соатда бўлимидаги ActiveVision™ камераси қуритадиган картриж қисмига қаранг.

Элеватор эшиклари ва оқава тешигини ёпинг.

Узатма ременларидаги таранглигини текширинг. Ювиш мосламаси ўлчагич охири ва зинапоя пастки қисми орасида жойлашгунча пружинали валикларни созланг.

Шинадаги ҳаво босимини текширинг ва машинанинг Оператор қўлланмасини кўздан кечиринг.

Ўт ўчиргич ёрлиғидаги қўлланмага асосан олд ва орқадаги ўт ўчиргичларни текширинг. Зарурият бўлса қайта зарядланг ёки алмаштиринг.

OUO6075,0004E61-UZ-08JUL20

ActiveVision – Deere & Company савдо белгиси

Характеристикалар

Ишлатиш тезликлари (S760 ва S770)

Кўрсатилган тезликлар ўртача ва машинадан машинага фарқланиши мумкин.

ҚАЙД: Ишлатиш характеристикалари ва дизайн огоҳлантиришсиз ўзгартирилиши мумкин.

Моторнинг тезликлари	9.0 л Tier 2/Stage II мотори	9.0 л Final Tier 4/Stage V мотори
Паст тезлик (сепаратор ўчган)	1200 rpm	1200 rpm
Ўртача тезлик (сепаратор ўчган)	1690 rpm	1690 rpm
Юқори тезлик (сепаратор ўчган)	2340 rpm	2340 rpm
Номинал тезлик (сепаратор ёнган)	2200 rpm	2200 rpm

Сепаратор узатмаси вали тезлиги	1453 rpm

Асосий оралиқ вал тезлиги	1453 rpm

Сепаратор тезликлари	
Юқори диапазон	400-1000 айл/дақ
Паст диапазон	210-530 айл/дақ

Қабул камераси қуйи вали	
Белгиланган тезлик (жиҳозланган бўлса)	490 rpm
Оғир иш шароитларига созланадиган тезлик (жиҳозланган бўлса)	490-750 айл/дақ
Айланиш моменти юқори созланувчи тезлик (жиҳозланган бўлса)	490-750 айл/дақ
Кўп тезликли (жиҳозланган бўлса)	Биринчи узатма: 480 rpm Иккинчи узатма: 535 rpm Учинчи узатма: 590 rpm Тўртинчи узатма: 665 rpm Бешинчи узатма: 735 rpm

Узатишни тезлаштиргич тезликлари	
Узатишни тезлаштиргич (стандарт тезлик)	430/780 rpm
Узатишни тезлаштиргич (ихтиёрий секин тезлик)	310/770 rpm
Узатишни тезлаштиргич (юқори тезлик юқори сиғим)	520/970 rpm

Чиқариш тўқмоғи тезлиги	**S760**	**S770**
	998 rpm	995 rpm

Оралиқ вал тезлиги	
Олд ўнг томондаги оралиқ ўқи	518 rpm
Орқа ўнг томон оралиқ ўқи	518 rpm

Тозаловчи вентилятор тезликлари	
Стандарт тезлик	620-1350 айл/дақ
Махсус секин тезлик	250-500 айл/дақ

Элеватор тезликлари	**S760**	**S770**
Тоза дон элеватори	417 rpm	415 rpm
Тоза дон юклаш шнеки	448 rpm	445 rpm
Қипиқ элеватори, пастки шнеки	395 rpm	
Қипиқ элеватори, юқориги шнеки	625 rpm	
Тозалагич узатмаси	298 rpm	
Конвейер шнеклари	420 rpm	

Бўшатиш тизими тезликлари (сепаратор ёқилган)	
Бўшатиш тизими оралиқ вали	1000 айл/дақ
Бўшатиш шнеки узатма қутиси, киритиш вали	460 айл/дақ, 116 л/с (3,3 бушель/с) бўшатиш тезлиги
Вертикал бўшатиш шнеки	460 айл/дақ, 116 л/с (3.3 бушель/с) бўшатиш тезлиги
Ташқи бўшатиш шнеки	460 айл/дақ, 116 л/с (3.3 бушель/с) бўшатиш тезлиги
Бункер горизонтал шнеклари (олд ва орқа)	330 айл/дақ, 116 л/с (3.3 бушель/с) бўшатиш тезлиги

Қирққич тезликлари	**Майда кесиш қирққичи**	**Жуда майда кесиш қирққичи**
Қирққич/чиқариш тўқмоғи оралиқ ўқи	1880 rpm	2045 rpm
Қирққич (икки тезлик)	1505/2350 rpm	1400/2995 айл/дақ
Устидан ўтказувчи тўқмоқ (жиҳозланган бўлса)	995 айл/дақ	995 айл/дақ

OUO6075,00050CA-UZ-14MAY21

Ишлатиш тезликлари (S780, S785 ва S790)

ҚАЙД: Ишлатиш характеристикалари ва дизайн огоҳлантиришсиз ўзгартирилиши мумкин.

Кўрсатилган тезликлар ўртача ва машинадан машинага фарқланиши мумкин.

Моторнинг тезликлари	**13.5 л Tier 2/Stage II мотори**	**13.5 л Final Tier 4/Stage V мотори**
Паст тезлик (сепаратор ўчган)	1200 rpm	1200 rpm
Ўртача тезлик (сепаратор ўчган)	1690 rpm	1690 rpm
Юқори тезлик (сепаратор ўчган)	2240 rpm	2240 rpm
Номинал тезлик (сепаратор ёнган)	2100 rpm	2100 rpm

Сепаратор узатмаси вали тезлиги	1466 rpm

Асосий оралиқ вал тезлиги	1466 rpm

Сепаратор тезликлари	
Юқори диапазон	400-1000 айл/дақ
